

**ТУРОБ МАҚСУД**

**ХОКИМ**

**РОМАН**

**Тошканд -2016**

## **ХОКИМ**

Мансаб халқдан ўзини устун  
сезиш учун эмас, балки унга сид-  
қидилдан хизмат қилиш учун  
берилади.

Ислом Каримов

1

Сессия тугади.

Устозни оқсоқоллар билан бирга вертолётгача кузатиб боришиди.  
Вертолётнинг шамоли, мотор шовқини аралаш

**“Д А Д И Л Б Ў Л!”**

деган овоз келди.

Уни кабинетига бошлаб кирдилар, ўрнини эгаллашини сўрашди,  
тортинган бир ҳолда креслога ўтириди; оқсоқоллардан бири унга оқ фотиха  
берди, сўнг ёнидагилар билан бирга чиқиб кетди.

У ёлғиз қолиб руҳ тошқинини босиб, фикрини жамлашни истади. Нима  
қилишини билмай гангигиб турган лўппиоз, бодомқовоқ йигит ёрдамчи  
Халилга ҳам жавоб берди. Ёрдамчи кетиши билан чап ёнга қўйилган миз  
устидаги телефонлар бирин-сирин жиринглай бошлади. У бу  
телефонларнинг қайси бири қаер билан боғланишини билмасди, яхшиси  
гўшакларни кўтармай қўя қолди, жейфелефонини ҳам ўчириди.

Бу воқеалар худди тушида кечётгандек эди...

Кеч соат бешдан ўтганда шошилинч чақиришиди. Қабулхонада ёрдамчи  
илиққина саломлашиб, “Киринг！”, деди. У минг бир хаёл-хавотир билан  
кабинет эшигини очди. Столга бағрини бериб нимадир ёзиб ўтирган Устоз  
уни кўргач, ручкани жойига қўйиб жилмайганча ўрнидан турди; унинг  
спортчиларга хос алп қоматига, оппоқ енгиз кўйлак, тугуни йўғон қизил  
галстук ярашганига, кенг манглайли улуғвор чехрасидаги нурга ҳавас  
билан бокдию кўнглидан хавотир бироз ариди.

- Қандайсан? – деди Устоз унинг қўлини қисиб кўришаркан.

- Раҳмат, устоз!

- Хўш... Таваккал, энди бир таваккал қиларканмиз-да!

Устоз яйраб кулди, Таваккал дилтангликдан бирдан кутилди.  
Устознинг шундай яхши одати бор – ҳазил-мутойиба билан орадаги  
тангликни кўтариб ташлайдио сухбатга самимий руҳ беради. Таваккал  
енгил тин олиб кўрсатилган стулга ўтириди.

- Эртага эрталаб Беҳиштга бирга борамиз!

- Хўп бўлади, - деди Таваккал гарчи нима учун бирга боришини  
онгламаган бўлсада.

2

Сўнг Устоз узоқларга боққанча гап бошлади...

ТАВАККАЛ миршаб билан саломлашию лифт томонга ўтди, у ерда бир миршаб лифтни тўхтатиб эшигини очиб турган эди, лифтдан тушиши билан Халил кутиб олди, Халил папкага қўл чўзди, гарчи бу мулозимат Таваккалга ёқмаган бўлсада ҳалитдан ёрдамчининг шаштини қайтаришни ўзига эп билмай папкани узатди. Қабулхонага ўтишди. У ердаги креслода уйкусизликдан кўзлари киртайган, соқоли ўсган, қорни қаппайган,

кийимлари ғижимланган ўрта яшар уккикўз бир киши ўтиради, у Таваккални кўриши билан иргиб ўрнидан турди. Гавдасига ярашмаган бир ҳолда пилдираб келиб ҳоким қўл узатгандан кейингина чаққонлик билан б кўришди; ундан ялпиз ҳидли сақич иси келарди.

Таваккал Халилга: “Бу киши ким?” дегандек қаради.

Ёрдамчи шошиб деди:

-Учтол пахта заводи директори – Теша Самиф, кеча сим йиғилишига қатнаша олмаган. Кирсинми?

Таваккал аввал хонанинг кун ботиш деворига илиб қўйилган соатга, сўнг ёрдамчига қаради.

- Мен кеч соат ўн бирга чақирасиз, деганмидим?

- Йўқ! Илҳом ака... Ҳимм...ташкилий бўлим чақиртирибди, келмаганлар билан гаплашаман деган экансиз.

Теша бирдан тұтиқушдек сайрай кетди:

- Таъзияга борган әдим, довонда машинам бузилиб қолди, тузатиб ҳозиргина етиб келдим, кейин түгри бу ёққа... Бошқа тақрорланмайди, бошқа тақрорланмайди, бошқа...

- Тинчликми, қанақа таъзия?

- Аммам қазо қылғанди...

- Аллоҳ раҳмат қылсин.

Таваккал унинг күзига тик қаради, у эса күзини олиб қочди.

Ёлғон гапирыпти, - деб үйлади Таваккал. – Бош вазирнинг сим йиғилишига қатнашмади. Завод хусусида маълумотномада салбий фикрлар қайд этилган. Яхшиям сўраб қолмади.

-Химм... Аммангизга куйиб ичиб ҳам юборибсиз-да!

Ичиб юрадиганларни иқи сўймасди. Кайфу сафо илкидаги одамдан қандай соғлом фикр, яхши тадбир кутиш мумкин?

Теша Самиғ бўзариб кетди.

-Узр... сиқилганимдан...

Таваккал Теша Самиғга ботиб боқиб деди:

- ҲАЁТНИ, ИШНИ РЕСТОРАН ДЕБ ЎЙЛАМАНГ!

Теша янада бўзарди.

- Узр! Узр...

-Ароқнинг ҳидини кетказган билан заҳмини кетказа олмайсиз!

Таваккал Халилга юзланди:

-Ташкилий котибиятга айтинг, бу кишининг ўз маълумотномаси, директор бўлганидан кейин заводнинг кўрсаткичларини менга берсин!

Теша қимир этмай бир ерда қотганича турарди.

- Бошқа тақрорланмайди!

Таваккал унинг шалвираб қолган гавдасига, тамом бўзариб кетган юзига қарадио қотиб қолгани сабабини тушунди.

У “Энди мени ишдан бўшатади”, деб тушунди, - деб үйлади Таваккал.

– Амал шунчалар ширинми? Амал – амалдор...Амал сен учунми? Ё халқ учунми? Ё халқ насибасини ўмариб халқдан кўра бой-бадавлат яшашинг учунми? Сен раҳбар бўлиб иш жойингдан ўмараётган ҳар тийинининг халқ насибаси! Халқ насибасини қисиб топган пулингни катта-кичик амалдорларга пора бериб амалингда муқим ўтиришинг, ё амал зиналаридан кўтарилишинг, ҳаром ишларга сарфлаб аиш суришинг инсофданми? Агар шу йўлни тутсанг, бир кун эмас, бир кун албатта таъзиiringни ейсан! Халқ таъзиiringни бермаса, АЛЛОҲ ажрим қиласи.

**ХАЛҚҚА ТАВОФ ҚИЛСАНГ, ҲАР АМАЛИНГДА УНИ ЎЙЛАБ ИШ ТУТСАНГ, БИЛКИ, СЕН АЛЛОҲ ЙЎЛИГА ТУШДИНГ, УНДАН АДАШМА! АМАЛ ХАЛҚ УЧУН!**

Мана бу амалдор кези келса туюнинг ҳам думини кўрсатмай ютиб юборадиганга ўхшайди. Унинг ҳаёт тарзини қорни айтиб турибди. Уялмай шунчалар ҳам қорин соладими? У яшаш учун емай, балки ейиш учун яшashi яққол сезилади. Бундай амалдорлар “Есанг, ичсанг халқ ишига ҳам, давлат ишига ҳам ярайсан！”, деб қадаҳ кўтаришади, бўкканча еб ичишади. “Есанг”,

деганда, албатта, халқ, давлат хазинасидан ўмаришни, пора олишни күзлашади. Бекорга унинг қорни бунчалар қаппаймаган!

Алҳол унинг бечора бўлиб туришини қаранг! У амалдан кетмаслик учун ҳар нарсага доим тайёр. Бу “доим тайёрлик” касалининг негизида раҳбарликнинг сустеъмоли ётганлигини Устоз жуда чукур очиб берган. Халқقا, давлатга бундай одамларнинг фойдасидан кўра заари кўпроқ тегади – ижтимоий муҳитни булғайди.

Баъзи ҳокимларга ўхшаб ишини қойиллата олмаган амалдорни уриш, сўкиш керакми? Сен ҳоким бўлсанг, сенинг ярим оғиз гапинг ҳам сўкиш, уришдан кучли таъсир қилиши керак. Шундай йўл топа олмаган, чидай олмаган, заиф ҳокимгина қўл кўтаради, оғзини булғайди. Буюк амирнинг сўzlари ёдига келди.

**ҚАЙСИ ҲОКИМНИНГ СЎЗИ ВА ҲУКМИНИНГ ТАЪСИРИ  
КАЛТАКЛАШ ТАЪСИРИДАН КАМРОҚ ЭКАН, УНДАЙ ҲОКИМ  
ҲУКУМАТ ЮРИТИШГА ЯРОҚСИЗДИР!**

Теша ҳамон бошини эгиб қотиб турарди.

- Бошқа такрорланмайди!

Таваккал мийифида кулдию забт билан кабинетга кириб кетди...

Теша Самиғ дили хуфтон бўлиб шундай ҳокимлик биқинидаги тўрт қаватли ғиштин бинонинг иккинчи қаватидаги йигирма тўққизинчи хона эшиги қўнғирогини босди. Эшикни ёқасиз, енгиз, калта қизил халат кийган, йигирма беш ёшлар чамасидаги балиқдек сўлқиллама, оғатижон бир жонон очди.

- Бунча, ҳоким билан сұхбатингиз жуда чўзилиб кетдими? – деди жонон хафақон ҳолда қовоғини ясама уюб, аммо нозли назар ташлаб уни ичкарига таклиф қиларкан.

Ичкаридаги хонага қўйилган оромкурсида ярмигача ботиб йўл-йўл матоли халат кийган баланд бўйли, чўзиқ юзли, бурун парраклари гўштдор, қора қошлири туташган, қоракўз, қирқ ёшлар чамасидаги бақувват, келишган, афтидан димоғдорлиги шундай кўриниб турган бир киши ичичидан жизғанак бўлган ҳолда сақич чайнаб ўтиради. У эшикдан сувга тушган мушукдек шалвираб, шумшайиб кириб келган Тешани имлаб

ёнидаги креслога таклиф қилди, Теша эса стулдан бирини олиб Босим Назарнинг рўпарасига ўтирди. Дид билан тузалган дастурхонда одам жонидан бўлак ҳамма нарса бор. Босим бугун Маркандан келиб ўзини ҳоким қилиб қўйиб кетишларини кутган эди. Шунинг учун энг яқинларидан ўн чоғлигини зиёфатга бошлаб келаман, деб ўйлаганди. Ахир уни Президент қабул қилган эди-да! Ҳокимлигини ювиш бошланиб кетди. Бу европача таъмирланган хонага тайёргарлик кўрилди. Унинг ҳоким бўлаётганлиги ҳақидаги гап бутун вилоятга тарқалди. Телефонлар тўхтовсиз жиринглайди – ҳамма уни табриклашга шошилади. У интизорлик билан Маркандан катталар келишини кутди, айтилган вақтдан бир кун кечикилди. Сўнг эса кутилмаганда кеча келиб бошқа одамни ҳоким қилиб қўйиб кетишиди. У тамом ҳангуманг бўлиб қолди, сўнг куйиб кетди. Ахир вилоят ҳокими бўлишга озмунча ҳаракат қилганмиди?!

- Хўш, нима гаплар? – деди Тешага “ Тезроқ гапир!” дегандек назар ташлаб.

- Юрагимни ҳовучлаб бордим, икки соат кутдим. Бир пайт келиб қолди. Ёрдамчига қаради. Ёрдамчи таништириди. Келмаганим сабабини сўради.

Теша бўлган гапни айтди.

- Эринмай суриштириди. Охири: “Ташкилий котибиятга айтинг, бу кишининг ўз маълумотномаси, директор бўлганидан кейин завод кўрсаткичларини менга берсин!”- деб кабинетига кириб кетди. Тезроқ гаплашмасангиз бўлмайди. Мени бўшатиб юбормоқчи!

- Шунча гапни кабинетига кирмасдан ёрдамчининг олдидагаплашдими?

- Ҳа, қаққайиб туриб.

- Айтдиму бу боланинг ҳокимлик сиёҳи йўқ деб. Доктордан туғилган бир махсумда! Ариза ёздириб олмадими?

- Йўқ. Аммо авзоидан билиб турибман, мени бўшатади...

- Қўрқма, бу ёқда мен борман! Мен билан келишиб ишламаса, шундай қиласман-ки... Сени ўзим гаплашаман.

- Эртагаёқ гаплашмасангиз бўлмайди, мени бўшатворади, ёмон пирча йигитга ўхшайди!

- Юмшоқ супурги. дегин. Мен уни болалигидан биламан. У оддий бир ўқитувчи бўлса, вилоятни уdda қила оладими?. Ундан қутилиш учун бу ёқка ҳоким қилиб юборишган. Олтмиш фойиздан зиёд субвенсияда ўтирган Беҳиштдек вилоятни бошқариш осонми? Бу иш дафтар-китоб кўтариб юрган бир ўқитувчига қолибдими? Катталарга ҳам ҳайронсан, келиб-келиб бир муаллимни ҳоким қилиб қўйишиша?! У қонунни тушунмаса, пахта, ғаллани билмаса, иқтисод, сиёsat, бошқарувни англамаса! Икки йилдан бери ҳоким ўринбосари бўлиб ҳамма паст-баландини тушуниб олдим. А, шаҳарнинг кичик бир туманига ҳоким бўлган бўлса бўлибди-да, тавба?! Мен бир йилда бутун вилоятни қўғирчоқдек қилиб қўярдим.

- Қанийди, сиз боплар эдингиз-ку! Биз ҳам албатта сизни қўйишиша керак, деб кутгандик.

- Мен каттага сухбатга киргандим. Ҳаммаси ҳал бўлган эди-ку! Ё мени бошқа вилоятга мўлжаллашаётганмикан? Ҳайронман! Ким билади, бу

бачча қайси гүрдан чиқиб қолди? Агар сал илгари билганимда Довуд Ҳарсанғга ўхшатиб момосини Учқўргондан кўрсатар эдим-а! Ўшанда йўлимга тўғаноқ бўлолмасди. Яна айтаман, унинг ҳеч ҳокимлик сиёхи йўқ! Олти ойга ҳам бормай расвоси чиқади.

- Нега? Ахир уни ҳоким вазифасини бажарувчи эмас, балки бира тўла ҳоким қилиб қўйиб кетишидио!

Босимнинг чаккаси тиришди, унинг бир бурчига қараганча ўйланиб деди:

- Мени айтди, дерсан, ўшанда...

- Аммо, жуда синчил йигитга ўхшайди, ичганимни билиб қўймасин деб қанча сақич чайнамайин, барибир сезди, одамга шундай ёмон тикилади-ки...

- Ай... ҳокимлар келаверади – кетаверади. Илгаригиси мақтанарди “Катта билан зўрман!” деб. Мана оқибат! Иш ҳам беришмади, бечорага!

- Тўғри айтасиз, - деди Теша Самир ялтоқланиб.

- Бу ҳокимчанг бизлар билан бамаслаҳат ишласа, кун кўради, йўқса...

Тешанинг кўнглида умид учқунланди. У катта бир амалдорнинг этагини тутиб олади, унинг хизматини қиласди – уйига ҳали сўйилган қўй, ҳали тандиркабоб, ҳали ароқ-вино, топилмайдиган, тутилмаган нарсалардан ташийди, сават (кейинги пайтда қайиқсимон шаклда тайёрланган саватга бозордаги ананасдан тортиб барча мева-чева, бодом, писта, майизгача солинади ва катталарникига ташилади. Сават дейилса, тамом, шу тушунилади) тўлдиради. Теша бунаقا ишларни қойилмақом қиласди. Шу зайлда иш тутадиганлар у одамни ўзининг танки, деб аташади.

**ТАНКИНГ ЗЎР БЎЛСА ИШИНГ ЗЎР, ДЕЙИШАДИ. БУ -  
КОРРУПЦИЯ ЗАНЖИРИНИНГ ЭНГ БИРИНЧИ БЎГИНИ!**

Теша ўзининг танки деб Босимни билади. Боплаб унинг хизматини қиласди. Ундан ҳеч нарсани аямайди, ҳатто Мехрини ҳам! Бунинг эвазига Теша ёғлиқ жойни олиб беришни сўрайди, иккимизни ҳам боқади, дейди. Босим Ергулига прокурор бўлиб келганидан бери унинг этагини қўймай

келади. Босим ҳоким ўринбосари бўлиб кўтарилгач, яна Тешанинг куни туғиб қолган. Шу зайл беш йилдан бери уч туман пахтасини топширадиган катта пахта заводини эгаллаб ўтирибди. Ҳеч ким унинг мушугини пишт дея олмайди. Пахта топширувчилардан минг бир найранг билан уриб қолган пахтани сотиш, қўшиб ёзиш, тола чиқишини камайтириб, йўқ пахтанинг ўрнини қоплаш, чигит, толани сотиб пул топишда ҳеч ким унинг олдига туша олмайди, қанча пул топаётганини танкига ҳам билдирмайди, аммо танки анойи эмас, кетма-кет хизматлар буюриб Тешани шилиб туради. Ҳоким ўзгарди. Акаси ҳоким бўлолмади. Ишқилиб танки кетиб қолмасмикан?! Акаси кетса қандай бўларкин? Унга ишониб чакана ишлар қилинганми? Кўкидан олиб ҳали тола бера олмагани қанча? Агар бирор гап бўлса бари айбни Босим Назарга тўнкайман, кейин ўзи чиқариб олади, - деб ўйлади у.- Ё янги хокимга йўл топсаммикан? Аммо унга йўл топиш осонга ўхшамайди.

-Бу маҳсумга қандай йўл топамиз? – деди Теша Босим акасига умид билан қараб.

Босим Назар бир хўрсиниб қўйдию индамади.

Ҳомуза тортиб жувон кирди:

- Босим акадек танкингиз бор, нима ғамингиз бор? ( дастурхон устини ииғиширган бўлиб акасига сузилиб қаради). Иссиқ чой олиб келайми?

- Йўқ, қимиздан қўй.

Жувон ўнг пешонасига тушиб турган сочини қўли билан сочи ўримиға қўшиб қўйди, у бу ҳаракатини тез-тез такрорлар ва бу унга жуда ярашарди; сўлқиллаганча стулга ўтириб қовоқни айлантириб чайқаб, биллур идишларга қимиз қўйди. Хонани бироз ачиган қимиз ҳиди тутиб кетди. Босим қимизни сипқориб юбордию чинни лагандаги тандиркабоб орасидан бўйин суягини танлаб олиб ғажий бошлади. У тинмай кавшаниб туришга одатланган, бирор нарса кавшаб турса нафси ором олади, кабинетида ҳам биллур идишларда хандон писта, бодом, ўрик данаги тўла туради, ё хандонписта, ё бодом чақиб, ё туршак чайнаб ўтириб ишлайди, ҳеч нарса топилмаса қоқ нон, қоқ нон ҳам топилмаса сақич чайнаб нафсини қондиради.

- Эртага Маркандга бораман, -деди оғзини тўлдириб кавшанганди.

Тешанинг қулоғи динг бўлди.

- Қайнатам билан гаплашай-чи, нега бундай бўлиб қолди? Балки мени қўшни вилоятга қўйишар!

- Ҳа, гаплашинг, – деди Теша енгил нафас олиб.- Бирор нарса керак бўладими?

- Эртага иккита сават қилиб берасан.

- Хўп бўлади!

- Ҳа айтгандек, олиб келдингми?

- Сиз айтасизу мен бажо қилмайманми?

Теша костюмининг ён чўнтагидан цеплофанга ўралган қора сақичга ўхшаган нарсани олиб очди, дастурхонга қўйди, жувоннинг кўзи яшнаб кетди.

Хотини Изобелла Беҳиштга кўчиб келишни истамагач, Босим шу тўрт қаватли ғишти үйнинг иккинчи қаватдаги беш хонали хонадонни сотиб олган (тез орада ҳоким учун қурилган уйга кўчиб ўтаман-ку, деган хаёлда эди); Теша Самиг, унинг собиқ котибаси, ҳозир эса Босим Назарнинг котибаси - Мехри кечаю қундуз унинг хизматида.

...

Таваккал кабинетига киргач, столи устидаги “Ўринбосарлар” деган папкани очди. У иш бошлаганининг эртаси куни бари ўринбосарларни йиғиб биринчи ўринбосар – Босим Назардан бошқа ҳаммасининг ишдан бўшашиб ҳақидаги аризаларини олди. Ишда қолиши ёки қолмаслик иш жараёнида, қандай ишлаётганингизга қараб ҳал қилинади, деди. Биринчи ўринбосарни илгаридан таниганлиги, бир жойда катта бўлганлиги учун эмас, балки биринчи ўринбосар номзоди юқори билан маслаҳатлашилиши лозимлиги учун Босим Назардан ариза олмади. Алҳол Босим ёрдамчига кирмоқчи эканлигини айтибди.

Хўш, қани билай-чи у нима демоқчи? – деб ўйлади Таваккал, сўнг ёрдамчига:

-Кирсин, - деди.

Босим Назар кибр ҳавосини ноилождан бирмунча ташлаб босиқ бир ҳолда кириб келди, қўл олиб кўришдию таклиф қилмасидан ҳам тезгина ўтириди.

- Чин юракдан табриклайман, сиз бўлдингиз нимаю мен бўлдим нима?!  
Сиздек ҳамюртим билан фахрланаман.

- Раҳмат, эътиборингиз учун, - деди Таваккал Босимни ёқтираслигини сездирмай.

Босим “ Калондимоғлигини қара! Бу гапи билан ўзича: “Илгари назаринг илмай юрардинг, энди қалайсан? – демоқчи. Майли чидаб тураман. деб ўйлади тилига бошқа сўзларни чиқарди.

- Энди сиздан илтимос, ўтган ишларга саловат!

... бўзбола Таваккал тўп талашаётган эди, рақиби тўпни талашиб ўйнаш ўрнига бор кучи билан унинг юзига қараб тепди, буни кутмаган эди, беихтиёр бошини орқага тортди, бу ҳаракати эса қайта қарсиллаб юзига урилган тўп зарбидан орқага қулашига,— ер парчин бўлишига ёрдам берди, ер парчин бўлди...

- . Дадамнинг нодонлиги туфайли сизга қилган баъзи ножоиз ишларини унутинг.

ОФТОБ ҚАЁҚДАН ЧИҚСА, МОҲТОБ ҲАМ ЎША ЁҚДАН ЧИҚАДИ!  
– деб ўйлади Таваккал. – Дадасининг нодонлиги?! Дадасининг нодонлигими, ё мақрими? Ҳозир у юмшоққина қилиб айтаётган “Дадасининг нодонлиги” ўшанда мени қон йифлатган эди-ку!..

## 2

Мадаминбек талабалигида ўзи билан ўқийдиган Латофат исмли бир қизга кўнгил қўйди; СЕВИБ ҚОЛГАНИНИ ЎЗИ ҲАМ БИЛМАЙ ҚОЛДИ. Чунки у ўртоқлари севги, учрашув, кино, театр ҳақида гап очишса уларни жеркиб: “Сенларни ота-онанг ўқишига юборганми? Ўқинглар-да! Нима қиласизлар бекорчи нарсаларга пул, вақт сарфлаб?!” дерди. Ўзи эса гурухдоши Латофатни бир-икки бор кўчаси бошигача кузатиб қўйди, қироатхонада бирга дарс тайёрлади. Оқ-сариқдан келган, юз териси мармардек силлик, қопқора қош-кўзлари эҳтиросли порлаган, бир қарашда димоғдордек кўринадиган, аслида камтар, меҳрибон, ўзбек-тожик қони аралашувидан яралган бу қиз жуда яхши тарбия қўрган, латиф бир ҳилқат эди. Латофатдек гўзал қизнинг ўзига мойиллигидан у жуда баҳтиёр эди. Мадаминбек бутун вужуди билан илмга берилган; баҳтига Латофат ҳам билимга чанқоқ, ўқиган китобларини бир-бирига тушунтиришади, баҳслашишади, бу ҳар иккиси учун ҳам жуда завқли эди. Латофат психофизиология, парapsихологияга муккасидан кетди. Уйғур жувон Қутлуғ Башар хоним тиббиётда гипноз усулини қўллаш хусусида маъруза ўқий бошлагач, бу соҳага берилди, гипнознинг оддий турларини осонлик билан ўзлаштириб, Қутлуғ хонимнинг назарига тушди, Қутлуғ хоним Маркандда вақтинча яшаётган эди, у Латофатда алоҳида қобилият борлигини илғаб қолдию у билан эринмай машғулот олиб бора бошлади. Энди Латофат Мадаминбекни илмдан узоққа ўхшаган ғалати гаплари билан ҳайрон қолдиради. Нина билан даволаш, парapsихология, гипноз...

Мадамин унинг бу ҳақдаги гапларини эшитадиу дарҳол саволини кундаланг қуяди.

- Хўш, бу гапларингизнинг физиологик асоси қандай?

Латофат жавоб бера олмай қолади – жоникди.

- Сизга ҳам, анави домлаларингизга ҳам ҳамма нарсанинг физиологик асоси керак! Сизлар нарса ҳодисаларнинг илохий, сирли томонларини тушуна олмайсизлар. Агар Елена Блаватскаянинг китобларини ўқиганингизда озгина бўлсада тушунардиларинг.

- Унинг китобларини мен ҳам ўқий, беринг-чи.
- Мен ҳам ўқиганим йўқ, Қутлуғ хонимдан эшитганман.
- Унда тушунтиринг.

- Тушунтириб бера олмайман. Қийин. Биласизми, мен баъзан одамларнинг фикрини ўқий оламан, - деди у бир куни. – Аммо фикримни одамларга ўтказиб амалга келтира олмайман. Аммо Қутлуғ хоним бу ишнинг уддасидан чиқади.

Мадаминбек унга ишончсизлик билан қаради.

- Мана ҳозир сиз, бу қиз тентак бўлиб қолмадимикан, нималарни валақлаяпти, ўзи, деб ўйлаяпсиз, аммо шундай деб айтгани истихола қиляпсиз, тўғрими? – деди Латофат йигитнинг кўзига тик боқсанча. Мадаминбек ҳайрон қолди. Латофат унинг кўнглидан ўтган гапни айнан топган эди.

Улар бу мавзууда кейин ҳам кўп бор баҳслашдилар.

Бизнинг бир-биримизга кўнглимиз бор - деб ўйлади Мадаминбек,- шуни ўзи етарли, севги изҳори шарт эмас, Латофат ҳам шундай тушунади.

Аммо бир куни хиёбонга боришганда Латофат ҳар галгидек унинг ёнига ўтирумади. У йигитнинг қўлидан ушлаб кўзига тик боқсанча:

- Мени эрга беришмоқчи! – деди.

Мадаминбек кимдир тўсатдан бошига гурзи билан ургандек хушидан айрилди. Нима дейишини билмай қотиб қолди. Мадаминбек – Чорбоғдаги машхур Ҳаким самоварчининг ўғли. Ҳаким самоварчининг топиш-тутиши жуда яхши. Тўрт ўғлини зориқтирмай вояга етказди. Тўнғичи Мадаминбекнинг ўқиши учун ҳеч нарсани аямайди. Аммо Мадаминбек пулни расамади билан сарфлайди, стипендиянинг ҳар бир сўмини ҳисоблаб, иложи бўлса отасидан пул олмасликка ҳаракат қиласди, фақат китобларга сарфлайди. Мадаминбек яқинда Чорбоққа борганда Ҳаким ака унга деди: “Ўғлим, аянг ҳали келин хизматига суюнадиган ёшда эмас, шунинг учун хаёлингни бўлмай ўқийвер, ўқишини битириб иш бошлашинг билан уйлантириб қўяман!”, деди. Шунинг учун ҳам ҳозир ота-онасига мени уйлантириб қўйинглар, деб айта олмасди. У: “Мен албатта, Латофатга уйланаман, лекин ўқишдан кейин” деган хаёлда эди. Алҳол бориб дабдурустдан: “Латофатни менга олиб беринглар!” деб қандай айтаман. У нима дейишини билмай бошини қўтарган эди, кўзи жиққа ёшга тўлганча ўзига тикилиб турган Латофатни кўрди.

- Мен сизни тушундим, - деди Латофат.

Мадаминбек яна ерга боқсанча ўйланиб қолди. Бир маҳал бошини қўтарса, Латофат йўқ! У шунчалар тез кўздан ғойиб бўлганди-ки, қаёққа кетганини ҳам билмай қолди. Кейин у ўқишига ҳам келмай қўйди. Мадаминбек хушли-хушсиз бўлиб юрди. Бир куни эса офтоб расми нақшланган дарвоза олдига бориб қолганини билмай қолди; дарвоза олдида

қаққайиб турган Мадаминбекни Латофатнинг икки акаси (улар Мадаминбек Латофатни бир-икки кузатиб қўйганда куриб қолишганди) ҳовлига судраб кириб: "Синглимни топиб берасан!" деб роса дўппослашди, "Қаердалигини билсам, излаб келармидим?" деганди, Расул акаси:

-Ё синглимнинг номусига тегдингми? – деди ёқасидан бўғиб.

-Йўқ...

Мадаминбек ҳушидан кетди; касалхонада ўзига келди; тузалиб чиққанидан кейин ҳам акалари уни тинч қўйишмади, аммо кейинчалик негадир индамай қолишибди; кейин эшитишича Латофат: "Мадамин акамни тинч қўйинглар! Мен ўзим..." деб хат ёзибди; у устози Кутлуг Башар билан Қашғарга, ундан Тибетга ўтиб кетган экан...

Латофат Мадаминбекка хат ёзмади. Севги иймондек азиз! Йигит буни хис қилмаган экан. Энди йигит иймондек азиз севгисидан жудо бўлганди. Ох, ўшанда ўлармиди, ота-онасига бориб шу қизга уйланаман, деса! Шунчалар ношуд бўладими?! Энди эса минг бир фифондан фойда йўқ! Ўзикку майли, аммо гулдек қизнинг юрагини мажруҳ қилиб уйидан бош олиб кетишига сабабчи бўлди. Қани эди ишқдаги хатоликни тузатиб бўлса?! Қани эди, ўша баҳтли дамларга қайтиб бўлса?!

Мадаминбек ўқишини битириб қишлоғидаги касалхонада ишлади; уйлангиси йўқ эди, хаёлига қачондир Латофат қайтиб келадигандек эди. Аммо қараса ўзи ҳақида турли гап болалаяпти; кейин ота-онаси топган қизга розилик берди. Латофатдан айрилиш дарди уни жуда бефарқ қилиб қўйган, ким бўлса ҳам барибир қабилида иш тутди. Аммо биринчи бор учрашувга чиққанда эндиғина ўн еттига кирган, исмига монанд сарвқомат, жудаям чиройли қиз қаршисида турганини кўриб шошиб қолди, шундай гўзал қизга ёқмасам керак, деган хаёлга борди, аммо қиз рози бўлди.

- Тўйимиз бўлгач, мени духтирилкка ўқитасиз-а, майлими? – деди қиз эркаланиб.

Сарвининг болаларча айтган бу гапи, эркаланиб қарashi унинг юрагини ларзага келтирди.

Ё Аллоҳ, бу ҳали ғирт гўдак-ку! – деб ўйлади.- Мендан ўн ёш кичик. У мени севиши мумкинми? Йўқ, Сарви менинг докторлигимга қизиқяпти,холос! (Табиатан кўнгли юмшоқ, камсуқум, тартиб-интизом, ахлоқ қоидаларига қатъий амал қилиб яшаган бу йигит бугун ўзининг қандай етилиб кўзга яқин бўлиб қолганини ҳам билмасди, етти йил қийналиб ўқишдан сўнг хотиржамлик билан режимли яшashi, унинг териси остига озгина мой битиши юзини йилтиллатиб чиройли кўрсатади, қалам қоши, ўйчан боқадиган кўзи не бир қизларнинг юрагини ўйнатади, бўй етган не бир қишлоқ қизлари кимникига совчи юбораркин, деб ўзаро шивир-ки chir қилишади, уларнинг гапларини Сарви ҳам эшитганди, у ким экан, деб қизиқди, узоқдан бир-икки кўрдию юрагига озгина чўғ тушди, у новча йигитларни ёқтиради. Аммо қишлоқдаги беморларга жон-дили билан қарashi, беминнат даволаши туфайли обрўйи ошиб бораётган бу келишган йигит менга қиё ҳам боқмаса керак, деб ўйлаб ўзини босди, бироқ кутилмаганда совчи келди, кутилмаган баҳтдан шошиб қолди, сўнг...)

Майли, у менинг күнглигің қараган экан, мен унинг күнглигің иккі бор ошириб қараганим бўлсин!

-Албатта ўқийсиз!

Эшим ака, Рисолат буви, укаларию қўни-қўшнилари бу чўғдек яшнаб турган, шириңсўз, ҳаммага бирдек меҳр-муҳаббат билан муомала қиладиган келинчакни яхши қўриб қолишиди. Йигит сўзида турди - Сарвии туман марказидаги тиббиёт билим юргига ўқишга киритди. Сарви кунора ҳаммадан илгари туриб нон ёпади, сигир соғади, эрининг кийимларини ҳозирлайди, қайнин укаларига, қайнона-қайнотасига нонушта тайёрлайди, қизлигидәёқ аясига рўзгор юмушларини бажаришга қарашиб ўрганлиги учун у бу ишларни беминнат, осонгина улдалайди; сўнг ўқишга отланади, кечкурун ҳамма ишларни тинчитгандан кейингина дарс тайёрлашга ўтиради; БИРОР МАРТА ҲАМ ОНАМНИКИГА БОРИБ ЁТИБ КЕЛАЙ ДЕМАЙДИ, борса ҳам уйдагиларини қўрадио зипиллаб орқасига қайтади, унинг ҳовлида шипиллаб юришларига гоҳ раҳми келиб, гоҳ ҳавас билан қарайди, на қилсин, аёл бажарадиган бу ишлар қўлидан келмаса! Аммо тандир олдига ўтин майдалаб босиб қўяди, пишгак пишиб чеалакларни сувга тўлдиради (кейинчалик бу ишни укалари бажарадиган бўлишиди, укалари ҳам келин ойисига жон деб ёрдамлашади, докторни мудир қилиб тайинлашган, касалхонада ишлари кўпайиб кетган эди), дарс тайёрлаётганда тиббиётга доир мавзуларни тушунтириб беради; шунда Сарвининг юз-кўзлари чараклаб кетади, меҳр билан эрининг юзидан ўпид олади. Докторнинг эти жимиirlайди. Шу зайлда яшаб икки болали бўлди, ўқиши битириб эри билан касалхонада ишлай бошлади, у ерда ҳам ҳамма ишни қойиллатиб ҳамманинг меҳрини қозонди. Касал бўлган қўшни борки, ҳаммаси Сарви укол қилиб қўйишини истайди, Сарви ҳеч бирини қайтармай уларни укол қилади, бир сўм ҳам олмай чиқариб юборади.

Қизининг отини Латофат, ўғлига эса Эшим аканинг гапи билан жўжкин қўшиқчи Таваккал Қодирнинг исмини қўйишиди; бир-биридан атиги бир ёш фарқ қиладиган бу икки болалари бир - биридан ширин, бир-биридан чиройли эди.

**САРВИ ТИНИБ-ТИНЧИМАСЛИГИ, КАТТА РЎЗФОРИ, ҚАЙНОТА-ҚАЙНОНАСИ, ҚАЙИН УКАЛАРИ, ИШИ, ЭРИ, БОЛАЛАРИ БИЛАН ЖУДА БАХТЛИ ЭДИ!**

Ишда уни бош ҳамшираликка кўтаришмоқчи бўлишиди. Сарви эрига ёлвориб туриб олди:

-Жон хўжайин, каттага айтинг, майли мен Қўйисин опага ёрдамчи бўлай!  
-Ахир, мен мудир бўлсан, буйруқ бера олмасам бошқармадан қўйишишмаяпти. Менга қолса сизнинг бош ҳамшира бўлмаганинг яхши, “Эр-хотин касалхонани эгаллаб олишибди”, деган гап чиқади.

- Каттадан сўранг, ҳеч кўнглим тортмаяпти, хўжайин!

- Қўйисин бепул бериладиган дориларни яшириб сотаркан, яна беморларга ўзи тайёрлаган аллақандай дориларни ҳам қўшиб пулларкан, қўлга тушиб қолди, мени ҳам, бош шифокорни ҳам шарманда қилди.

- Бола-чақасига яратганда, ахир ойлик оз!

Сарви бош ҳамшира бўлди, суддан бир амаллаб қутилиб, оддий ҳамшира бўлиб ишлаётган Қўйсин Сарвидан жуда миннатдор, усиз чой ичмасди, аммо унинг бу ҳаракатлари тилёғламалик эканини Сарви жуда яхши ҳис қиласди....

Бир куни эрталаб доктор Сарвининг сигир олдида чеълакни ушлаганча хаёл суриб ўтирганини кўриб қолди.

Тавба, нега ундаи қилиб ўтирибди? -деб ўйлади. – Ё сигир соғдирмаяптимикан? Не бир чарс сигирларнинг ҳам оёғини боғлаб соғишига ўргатаётган хотинига нима бўлди?

Секин унинг олдига борганди, хотини чўчиб тушди.  
-Вай, мунча эрта турдингиз –дедио сигир соғишига уринди, негадир қўли қовушмасди.

-Ха, мазанг бўлмаяптими?

-Йўқ яхшиман. Хўжайин, сиз уйга бораверинг, ҳозир сут соғиб бориб пишириб бераман.

Чарчаяпти, - деб ўйлади доктор - Сигирларни иккитасини тоққа бериб юбораман.

Уйда болалар алоҳида-алоҳида катда ширингина пишиллаб ухлаб ётишибди.

Орадан бир ҳафта ўтди. Саҳар пайти доктор энди ўрнидан тураётган эди, ранги бўзариб кетган хотини бўшашиб кириб келдию ҳолсизланиб курсига ўтириди: болаларга тикилиб қўзидан ёш филқиди:

- Хўжайин, мендан мабодо дунё ўтса, шу болаларимга она бўла оладиганга ўйланинг!

- Нима? Жинни бўлдингми? Нафасингни ел учирсин!

- Сигирларни соғолмадим, эмчагини ушлаб торта олмаяпман, уришманг, бузоқларга эмизиб қўя қолдим.

- Нега менга айтмайсан?

- Уришманг, хўжайин!

Сарвининг қўзларидан ёш қайнаб чиқди, юмалаб қўксига томди.

Докторнинг юраги орқага тортиб кетди:

-Кирилиб кетмайдими, сигирларинг!

У ирғиб туриб хотинини қучоқлаб олди...

Қон тахлили ёмон эди – оқ қон таначалари қўпайиб кетган.

-Доктор бўлмай мен улай! – дея пешонасига урди доктор.- Наҳот фурсатни бой бериб қўйдим?!

Ўша куниёқ хотинини олиб Маркандга жўнади...Кетма-кет қон куйишлар... Хайрият қон гуруҳлари бир хил. Дори-дармон. Докторнинг куну тун елиб югуриши... Ҳавф бироз орқада қолгандек бўлди.

- Ҳеч тушуна олмаяпман, меланома, десам, меланомага ўхшамайди, заҳарланишми, буни ҳам билолмадим! Аммо дард оғир. Ҳозирча муолажа, дори-дармон эмас, балки сенинг муҳаббатинг енгмоқда!- деди устози Ашраф Аҳмад. –Энди тоққа яқинроқ қишлоқ ҳавоси керак. Ҳар куни эрталаб, тушда, кечкурун овқатдан олдин бир косадан қимиз иссин. Бундай жойда бир-икки ой эмас, балки йиллаб яшashi лозим. Тоғ олди ҳавоси ёқиб,

шояд қон таркибида ўзгариш бўлиб қолар?! Аллақайси доктор бир беморни шундай даволагани ҳақида ёзиб кетган экан.

Ашраф Аҳмад вазирликдаги оғайниларидан илтимос қилиб шифохонаси бор шундай бир қишлоққа докторни ишга жўнатишларини илтимос қилди, улар Оқбулоқни тавсия этишди, аммо раисининг феъли ёмонлигидан ҳам огоҳлантиришди. Таваккал “Наҳотки, бир одам билан тил топиша олмасам?! деб ўйлади рози бўлди. Хотинига вазирликдан шу ёққа ишга жўнатишашётгани айтди, холос. Сарви чуқур ўйга толдию: “Аям қийналиб қолмасмикан?”, деди ух тортиб. “Қийналишмайди, Муродни уйлантиридикку”, деди доктор. Қишлоққа бориб фақат зарур нарсаларнингина “Жигули – 06” сига жойлади-да, болаларни онасига қолдириб, Оқбулоққа қараб йўл олди. Оқбулоқ Канпирак довонининг ортида. Жадаллаб юрса кун ботмай довондан ўтиб олади. Довон ўйлидан анча баландликка кўтарилиганда орқа ўриндиқда ўтириб кетаётган Сарви пастга – жарликка қарадио юраги орқага тортиб кетди, боши айланди. Доктор машинани четга тўхтатиб орқа ўриндиққа ёстиқ қўйди-да, хотинига:

-Пастга қарамасдан ёнбошлаб кетаверинг!

Сарви ноилож кўнди.

Довонга етганда машиналар сафи қалинлашди.

Колонна бўлса керак, - деб ўйлади. – Орқада ДАН машинаси йўқ. Демак ўтсам бўлади.

Қийинчилик билан бўлсада қатор машиналарни қувиб ўтди. Олдинда яшил “Нева” кетаётган эди. Ҳайдовчи унга чирогини ўчириб ёқиб қаради. Бу “Нева” ДАН машинаси эмаслиги учун доктор эътибор бермай ўтиб кетди.

Довондан тушиб бўлгач, ДАН постида инспектор ҳуштак чалиб, таёнини важоҳат билан кўтариб четга тўхташ кераклигини кўрсатди.

Қоидани бузганим йўқ-ку, - деб ўйлади. – Бунча ваҳима қилмаса?!

Пешонаси қаршисидаги кузгудан қараб хотини пинакка кетганини кўриб сал нарига ўтиб тўхтатади, тўхтамай ўтиб кетадими, деб ўйлаган инспектор ҳуштагини бор овозича чўриллатди. Сарви уйғониб кетиб дарҳол ўтириб олди:

-Вай улай, ялпайиб ётиб олганимни... – деди у хижолат бўлиб.

Сўнг атрофга қараб деди:

-Аллоҳга шукр тушиб олибмиз. Тинчликми, нега тўхтатди?

-Билмадим, дам олавермадингиз-да!

-Раҳмат, шундоқ ҳам ўлиқдек қотибман.

-Хужжатларингиз?! – деди инспектор терлаб-пишиб, шошилиб довон томонга қараганча.

Доктор костюмининг ён чўнтағидан хужжатларни олиб узатдио машинадан тушди.

Инспектор хужжатларга қарамасдан ҳам деди:

-Чатоқ қилдингиз, домла! Нега хужайинни қувиб ўтдингиз? Унинг феълини билмайсизми? Хужжатларини олиб машинасини қамаб ташла, деди. Бу йўлдан биринчи ўтишингизмас-ку?

- Биринчи ўтишим.
  - Йўғ-ей, илгари сизни кўргандекману.
  - Рост айтяпман.
  - Кимгадир ўхшатдим, шекилли.
  - Балким.
  - Хўжайинингиз ким? Унинг формаси бўлмаса, қаёқдан билай?
  - Формаси бўлмаса ҳам у чатоқ. Мехмон экансиз, кутиб туринг. Тўхтаса ўзингиз сўрамасангиз, машинангизни ҳам , хужжатингизни ҳам бера олмайман.
  - Нима хато қилибман?
  - Довонда тезликни оширгансиз, автоҳалокатга олиб келадиган ўта хавфли вазият содир қилгансиз.
  - Қандай?
  - Эй домла, энди гап хўжайнинг!
- Туманида ДАН назратчилари ҳам мудом ўзининг “Доктор, доктор!” деб иззат қилишларига ўрганиб қолган Мадаминбекнинг юраги сиқилди:
- Қонун бўйича иш тутаверинг, хўжайнингизни кутиб нима қиласан?
  - Эй меҳмон ака, бу ерда инспектор ҳам, прокурор, қози ҳам хўжайнинг ўзи!

Мадаминбек ўзини қонунсиз бир улкага келиб қолгандек ҳис қилиб баттар эзилди.

- Четга ўтинг, хўжайнин келяпти, четга...

Шу орада яшил “Нева” орқасидан машиналарни эргаштириб келиб қолди, ҳайдовчи ёнида ўтирган, қулранг шляпасини бостириб кийган, шишинқираган юзидан кибр ҳаво ёғилган, тундчеҳра, эллик ёшлар чамасидаги одам унга заҳархандалик билан қараб ўтиб кетаётган эди, докторга бошдан оёқ разм солиб, негадир шофёрга “Тўхта!”, дегандек ишора қилди, ҳайдовчи машинани четга ҳам олмай йўлнинг ўзида тўхтатди, назоратчи югуриб бориб қаддини ғоз тутиб унга чест бердию таёфи билан орқадаги машиналарга “Айланиб ўтаверинглар!” деган маънода ишора қилди, машиналар айланиб ўта бошлагач, “Нева” ёнига келиб таёдек қотиб турди.

-Ҳа биродар, нима сизни ажал қувяптими, қаёққа бунча шошяпсиз? – деди докторга калондимоғлик билан совуқ тиржайиб қараб.

-Коронғу тушмасдан ўтиб олай, -дегандим деди доктор сал яқинлашиб салом бериб. - Жудаям тез ҳайдаганим йўқ.

- Мудом қоронғу етиб олишингиз ҳам ҳеч гапмас! Мен бу йўлни Маркандга масофани қисқартириш учун очганман, дузахга йўлни қисқартириш учун эмас! Давонда ҳар куни сизга ўхшаганлар ҳалокатга учрайди. Бир ўзи кетса ҳам майли эди, аммо бир қанча бечорани ҳам олиб кетади. Шунинг учун тез-тез текшираман. Йўлнинг нобоп жойларини текислатаман. (у Мадаминбекнинг машинасига кўз қирини ташлади, сўнг ўзига тикилиб қараб бир зум ўйланиб қолди, қисқа ўйга толди) Доктор бўлсангиз керак-а?

-Адашмадингиз,- деди Мадаминбек бу одамнинг калондимоғлигини

ёқтирмай.

Тўғри топганидан Хўжайнинг юзида ўзида ғуурланиш ифодаси қалқди, машинанинг давлат рақамига бир қараб олдию машинадан тушди, у ўрта бўй тўлагина эди, у докторга қўлини узатди.

- Беҳиштданмисиз?
- Ҳа, - деди доктор қўл бериб кўришиб.
- Хўжайнинг юзида тамкин табассум яйради.
- Беҳишт – биринчимизнинг юрти. Мен у улуғ инсонни кўп ҳурмат қиласман.
- Сиз Назар раис бўлсангиз керак!
- Сиз ҳам адашмадингиз.

Инспектор енгил нафас олиб бўшаши.

- Оқбулоқдаги касалхонага бош врач бўлиб ишга келяпсиз, шундайми?
- Адашмадингиз.

Хўжайн кулди, ҳайдовчисига қараб деди:

- Партком билан ула!
- Рация шиғирлаб ишлай бошлади, ҳайдовчи гўшакни Хўжайнинга узатди.

- Мелиқўзи, мени эшитяпсанми?

Гўшакдан:

- Лаббай, хўжайн!
- Ҳозир сенга доктор боради. Янги коттеж борку, ҳа, икки қаватли, ана шунга жойлаштирасан, сўнг касалхонага олиб бориб, жамоа билан таништирасан. Қолганини кечкурун гаплашамиз.

Гўшакдан:

- Хўп бўлади, хўжайн.
- Сен, миршаб!
- Назоратчи сергак тортиб қаддини ростлади.
- Машинангни мин-да, докторни кузатиб бориб, парткомга топшириб қайт!
- Хўп бўлади! – деди инспектор чест бериб.

Хўжайн докторга қаради:

- Доктор, жойлашиб ишни бошлайверинг!
- У шундай дедиу машинасига ўтириб жўнаб кетди.
- Қани, доктор, кетдик! – деди инспектор. У ишнинг тинч битганидан хурсанд эди. Доктор “Оҳо, бу кўланкаси майдон раис билан тил топишиб ишлаш осон бўлмайдиганга ўхшайди. На мунча ўзини осмон фаҳмламаса? ” деб ўйлаганча бош чайқаб машинасига қараб юрди...

Доктор партком – фирмә котиби деганда ёши анча улуғ бир киши бўлса керак, деб ўйлаганди, аммо Мелиқўзи ўттиз бешлар чамасидаги лўппи юзли, жуда хушмуомала йигит экан. Инспектор қайтгач, докторга:

- Орқамдан ҳайданг, - дедиу малларанг “Жигули”сига ўтириди. Кўк рангга бўялган дарвоза олдида тўхташди. У ерда уларни икки киши кутиб турарди, машинадан тушган доктор билан Сарвии, Мелиқўзини ҳовлига, буёқ ҳиди анқиб турган биринчи қаватдаги, иккинчи қаватдаги хоналарга, ошхонага бошлаб киришди, газни ёкиб кўрсатишди. Уй Сарвига жуда ёқди, доктор унинг мамнун чехрасига қараб:

- Қойил, бунақа чиройли, дид билан қурилган уй Марканда ҳам йўқ! – деди.
- Хўжайин билан анчадан бери танишмисиз? –деди Мелиқўзи.
- Йўқ, бугун биринчи марта кўрдим.
- Йўғ-ей! Хўжайин ўзи докторларни яхши кўради. Унинг кўнглига ёқадиган доктор учрамаётган эди, шояд-ки, сиз маъқул келяпсиз, чоғи. Раис ўзига ёқсан одамдан ҳеч нарсани аямайди

Мелиқўзи новча йигитга:

- Осмон, калитларни докторга топширинг, машинасидаги юкларни туширингларда, ишларингга бораверинглар, - деди.

Ихчамгина муйлов қўйган дароз йигит бир шода калитни докторга топширди...

Жамоа билан танишиб қайтишаётганда доктор Мелиқўзидан илтимос қилди:

- Қимиз топишнинг иложи борми? Мана пули, оз бўлса яна бераман.

Доктор йигирма беш сўмлик узатди.

Мелиқўзи кулди:

-Пулингиз кўп шекилли, доктор, чўнталингизга солиб туринг-чи!

Кечқурун у бир қовоқ қимиз ташлаб кетди.

Хотини аллақачон бир хонани, ошхонани жиҳозлаб бўлибди; ич-ичини дард кемиряптию ўзини мамнун қўрсатишга ҳаракат қиласди, қимиздан оз-оз ичиб кулади:

- Хўжайин, ишқилиб алкаш бўлиб қолмайманми?

- Олинг-а, бу қимиз-ку!

- Аммо бошим айланяпти.

- Демак сизга ёқяпти.

- Ёқмай ўлсин, хўжайин, тезроқ аям билан болаларни олиб келиб беринг. Аям бирор ҳафта биз билан турса , дегандим.

- Майли, бир-икки кун ўтсин, ишни сал йўлга қўйиб олай. Бу ер жуда чиройли экан, эртага сизни айлантириб келаман.

Эртаси куни тоғ бағрига чиқишидио бошларига бир савдо тушди. Сой сирли жилдирайди, майнингина шабодада атрофдаги ям-яшил дарахтларнинг тоза япроқлари бир-бирлари билан сирли шивирлашади, докторнинг юраги сирли қитиқланди, оч қирмизи кўйлакда ол-ол ёниб турган, ёноқлари қип-қизил, терилмаган, табиий ингичка қошлари ғамгин эгилган, қалин, қора баҳмалдек киприкли қуралай кўзлари маъюс боқаётган бу соҳибжамол хотини айни чоқда кўзига чўғдек яшнаб кўринди. Жувон худди ботаётганда қизариб яшнаб бор ҳусни жамолини тўкиб сочаётган офтобга ўхшайди. Бу фикрдан докторнинг юраги орқага тортиб кетди, буни сездирмасликка интилиб Сарвени меҳр билан қучди.

- Шундай гўзал жойга олиб келганингиз учун сизга минг раҳмат! – деди жувон докторнинг бўйнига қўлини чирмаб.

Шивирлаб айтилган бу гапдан, қулоқ супрасига урилган ёқимли нафас тўлқинидан эти жимиirlаб кетдию жувонни маҳкам қучди, жувон эса докторга янада маҳкамроқ чирмашди.

- Алҳол кимдир масхараомуз йўталди.  
Доктор жувонни бирдан бағридан бўшатиб орқасига ўгирилди.  
Қаршисида сурбетларча боқиб Назар раис турарди.
- Эйи... Доктор, сиз?
- ...
- Ҳеч қутмагандим, сизам жуда ҳангимисиз дейман?!  
- Келинингиз... келинингиз! – деди худди ўғрилик устида қулга тушиб қолган одамдек гангиб, шошиб.
- Бу ёлғонингизга мени ишонади, деб ўйлаяпсизми?  
-Тушунмадим?!
- Эр хотин учун энг яхши дам оладиган жой – уй. Бунақа жойга ўйнашларини олиб келадилар. Мен эса бундай бузуқиларни боплаб жазолайман!
- Нималар деяпсиз?- доктор энди ўзини қўлга олди.
- Ҳов анавиларга қаранг. – деди раис чакалак орасига яширинишга уринаётган бир йигит билан жувонга қараб. – У ҳам хотинчасини олиб келган бўлса керак (Раис тиш орасидан сизиб гапириб, аччиқ кулди)! Одамлар қирқ даража иссиқда кетмон чопяпти! Элдан уриб қолган тийинлари ҳисобига бойвачча бўлган анави дўкончи бир фоҳишанинг чотига кириб ҳаммаёқни ҳаром қиляпти. Шу адолатданми? А, доктор!
- Уларни билмадиму биз оилавий дам олгани чиққанмиз.
- Оилавий денг! Менга айтмабсизда, бундан минг марта сўлим жойга олиб борарадим.
- Ўзимиз бир айланиб кўрайлик, дедик.
- Раис ёнидаги йигитларга қаради. Уй калитини докторга тпширган йигит
- Осмон раисга яқин келиб секингина:
- Докторнинг хотини, - деди.
- Назар мисқирди:
- Шундай чиройли келинимиз бор экан, биз билан таништирмабсиз, ҳам.
- Докторнинг тишлари ғижирлади. Жувон хижолатли бир ҳолда бошини кўтара олмасди.
- Ўзи чин келинимизми? А? Ўтган йили бир режиссёр оғайним Маркандга театр томошасига чақирди. Арзимас томоша экан. Шунга шунча одам йиғилиби, минг киши бор-ов! Эссиз! Агар шунча одам ҳар бири бир гектардан чопиқ қилганда минг гектар ғўза гуллаб яшнарди. Ташқарига чиқсан, режиссёр жуда бир ишни қойил қилгандек, оғзи қулоғида. Ёнида суксурдек бир жувон бир даста гул кўтариб турган экан.
- Келинингиз, - деди.
- Йўғ-ей, -дедим ҳайрон қолиб. – Унда кечаги чиройли жонон ким эди?
- Суксурдек аёл тахта бўлиб қолди, сўнг бирдан қўлидаги гулни ерга бир урдию режиссёрнинг ёқасига ёпишиб кетди: “Яна ўша қанжиқ билан топишибсан-да, деб. “Ҳазиллашувдим” десам ҳам қулоқ солмайди. Бўлди томоша! Бўлди томоша! Бир амаллаб келинни тинчитгандан сўнг: “Қалай, сенинг томошанг зўр бўлдими, меники?”, десам, бечора режиссёр ”Ўлдирдингиз ака, ўлдирдингиз!” дейди бош чайқаб.

Хотинчасининг костюми чўнтағига битта юз сўмлик солиб қўйдим, у ҳам яйраб кулиб юборди. Назар раис кўз қири билан чакалак томонга қаради.- Жобир, Осмон икковинг бориб анавиларни ушлаб кел бу ёққа!

-Хўп бўлади, - деганча икки йигит орқама-кетин югуриб кетишиди. Назар раис “Гапларимни эшитишга мажбурсан!” дегандек тишларини қайраб гапиради. Доктор ижирғаниб четга қаради. Хотини олдида жуда ўсал бўлди. Бечора ўзини қаерга қўйишни билмай тик қотиб турибди, ёноқлари янаем қизариб кетган, унинг қўлидан ушлаб шартта кетай деса, раиснинг итлигини билади, ноилож у ҳам индамай турди.

Шу пайт йигит билан жувонни ушлаб келишиди, атлас кўйлак, атлас лозим кийган, зангори баҳмал нимчасининг тугмалари узилган, йиғлайверганидан қовоқлари шишиб кетган, ҳар қандай эркакнинг кўзини ўйнатадиган даражадаги дўндиқ жувонни, ёқавайрон бўлган йигитни раиснинг оёғи тагига итариб юборишиди, иккаласи бир-бирига урилиб ўтириб қолди, жувон юзини яширарди.

- Оҳо! Кабир темирчининг қизимисан?!

Жувон пиқиллаб йиғлаганча бошини ирғаб маъқуллади. Ҳа, Раҳим тракторчидан кетиб дўкончига ўйнаш бўлибсан-да! Ҳа дўкончиники ... эканми? Мингта дўкончининг тракторчимнинг битта ҳаром тукига олмайман!

Йигит раисга илтижоли боқиб титроқ товушда ялинди:

-Раис бобо, тавба қилдим, билмай ... еб қўйибман! Тавба қилдим!

- Ҳа, Содир гожалак! Шаҳардаги дўконда ишлаб бой бўлдингми?!  
Икковинг ҳам семириб қолибсан!

Раис йигитларга имо қилди.

Йигитлар чўнтақларидан чилвир чиқариб иккаласини бир-бирига орқаси билан маташтириб боғлашдию пастроқ жойга олиб бориб ўтқазиб қўйишиди. Раис тепа томондан яқинлашди, ҳеч уялмай уларнинг устига пешоб қила бошлади, бечоралар ҳар қанча бошларини олиб қочиб типирлашса ҳам фойдасиз эди, қўланса суюқлик уларнинг боши узра соchlари, юз-кўзларига оқиб тушарди. Докторнинг хотини юзини четга бурди, доктор чидай олмади.

-Бас қилинг, - деганча югуриб бориб раисни итариб юборди, буни кутмаган раис пастлиққа юмалаб кетди. Икки йигит докторга ташланмоқчи эди, Назар: “Тўхтанглар!” дегандек қўлини кўтарди Раис чуқурликда ўтирган ҳолда.

- Доктор кучли экансиз, мен кучлиларни яхши қўраман, қойил!

- Ахир улар одам!..

Раис чуқурдан чиқиб келиб тан бергандек докторга қўл узатди, доктор беихтиёр қул чўзган ҳам эди-ки, раис икки қўлидан маҳкам ушладиу ерга ётиб курашчиларга хос усул билан докторнинг қорнига оёғини тираб устидан ошириб отиб юборди, доктор икки метрча нарига бориб тушди, Сарви йиғлаб унинг бошига борди, қўлига суяниб ўрнидан тураётган докторга ёрдамлашди.

- Кучли экансизу қизларга ўхшаб курашни билмас экансиз!

- Манавиларга раҳмингиз келиб қолдими? - деди раис мatalганларга ишора қилиб.

- Нима бўлганда ҳам одамни бундай хўрламаслик керак, - деди доктор елкасини қоқиб.

- Нима? Мен уларни хўрлаяпманми?! Йўқ, йўқ, улар аввало мени хўрлашяпти. Менинг мана шу сойимни, тоғу тошимни, дараҳтларимни, майсаларимни булғашяпти ( Мatalган йигит: “Ҳеч нарса бўлгани йўқ” деб минғирлашини эшитмагандек давом этди). Агар мен индамасам, сойим шундай зилол бўлиб оқармиди? Тоғу тошим, дараҳту майсаларим шундай бокира ҳолда бўлармиди? Уларни шу ҳолда сақлаш учун бугун, курашаман. Ҳаммаси пайхон бўлиб кетгандан сўнг қарсак чалиб ўтиришнинг нима кераги бор? Қизил китобга киряпти, фалон, тугун деб вайсашга на ҳожат?

Иккинчидан булар ўзини хўрлашяпти, Инсонликни хўрлашяпти (Раис қаралдомогини мatalганларга бегиз қилди)! Ҳа, инсонликни хўрлашяпти! Мен ўттиз йилдан бери шу элга раисман. Бирор қизга, ё бевага ола қараганим йўқ! Бева қаёқдан пайдо бўлади? Агар эри ўлган бўлса бошқа гап! Аммо мана бунга ўхшаб сал гапга эрини ташлаб кўчага чиқаётган жувон бева бўлишида бор айб ана шу аёлда! Аёл ўзининг сабр-тоқати, эрининг кўнглига қараши, эрини боласидек ардоқлаши билан аёл! Аммо мана бунақа енгил, бузуқитабиат қанжиқ, аёл эмас. Бу бузуқилар қанжиққа ўхшаб бир гала кўппакни орқасидан эргаштириб юришни исташади. Бузуқиликка сабаб бўлган бева элни булғайди. Бева кўпайгач, беваҳур кўпаяди. Ана элнинг булғангани!

Доктор билан жувон бир-бирига суюниб чапанича бу гапларни ҳайрон бўлиб эшитишмоқда.

- Жобир!

- Лаббай хўжайин!

- Манави иккисини шу ҳолда балиққўлга ташланг!

Мatalган йигит билан жувон изиллаб йиғлай бошлишади.

О бу қандай муғомбир жаллод?! – деб ўйлади доктор. – “ Раис ўлдирган одамларини балиққўлга ташлаб юборади!”, дейишгани рост эканда! Раис Рисдарёни ўнг қирғоғидан каттагина ҳовузни қаздирган, Рисдарёни айланиб чиқадиган қилиб шу томонга бурган, унда катта-катта балиқлар ғужғон ўйнайди, ҳозир мatalганларни машинага босиб олиб бориб ҳовузга итқитишади, иккиси ҳам сувга ғарқ бўлади! Балиқлар уларни парча-парча қилиб ютиб юборишади, тамом! Раисни ҳеч ким сотмайди. Бу жиноятни ким исботлай олади?

-Раҳм қилинг акажон, ўлдирманг!

- Ҳа-ҳа, жон ширин эканми?

- Икки болам бор!

- Эй гожалак! Бирорнинг хотинини йўлдан ураётганда унинг икки боласини ўйламадингми? Мард бўлсанг бошида эри бор жувонга кўз олайтирасанми? Мард йигит эри бор хотинга ола қарамайди, бу қоидани билмайсанми, демак, сен ҳезалаксан!

Сарви чидаб туролмади, кўзларидан шашқатор ёш оққанча:

-Раис ака, уларни бир сафар кечириң! – деб раисга илтижоли тикилди.

Раис беписандларча бурун жийириб Сарвига қаради, қарадио күзидә жиққа ёш ғилқиганча ўзига боқаётган тим қора күз нигоҳига дош беролмай юраги ғалати жизиллади, бироз гангиб қолди, сўнг яна ўзини қўлга олди.

Доктор беихтиёр қўшилди:

-Бир сафар кечириң!

-Бир сафар кечириң?! Мени чуқурга итариб юборган одаму унинг жазманинг илтимоси учунми?!

Доктор “... жазмани учунми?” деганда жавоб беришга оғиз жуфтлаганди, Сарви докторнинг қўлини қисди, сўнг индамади. Раис буни сезди, сўнг кўнгли бироз бўшашибгандек бўлиб мatalган йигитга қаради.

-Эй ҳезалак, майли, шулар учун сени ҳозирча кечираман!

Сарви наштардек ботаётган боқишига дош бера олмай юзини четга бурди, докторнинг қўлини янада маҳкамроқ сиқди.

- Осмон!

- Лаббай, хўжайн!

- Шаҳар савдо бор-ку, анави ғилай?!

-Номоз ғилайми?

- Ҳа ўша. Бориб айтасан, манави гожалак кўтига тепиб юборсин! Инспекторни чақир, машинасини қамаб ташласин. Кейин ўзиган эчки жазомизни қўллайсан, юзта эчкини олиб бориб, тарозидан ўтказиб мана бу ҳезга топширасан. Хашагини ўзи топади, емини етказиб берасизлар, кунига икки юз граммдан семириши керак. Икки ой бокади. Сўнг қабул қилиб оласан. Ҳозирча сенинг жазонг шу!

У пиқиллаб йифлаётган жувонга юзланди:

- Сен қанжиқни эрингникига ташлаб қўйишади, агар унивидан бир қадам жилсанг, онангникида бир кеча ҳам ётиб қоладиган бўлсанг, сени ҳам, ота-онангни ҳам бир кечада дунёнинг нариги бурчига ташлаб келишади, кўчасан, тамом! Бу жаннатда сен ифлосларга жой йўқ!

Жувон йифлаганча бош ирғаб маъқуллади...

- Раисни итариб юбориб тўғри қилдингиз, аммо у энди сизга ўчакишиб қолмаса, - деди ўша куни кечқурун Сарви.

Доктор “Ўчакишса, ундан кўрқадаги жойим борми? Берган уйини миннат қиладиган бўлса, қайтариб бераман, ижарага бир жой топилар, сен учун ҳар нарса бўлса ҳам шу ерда яшайман”, демоқчи бўлдию индамади.

Сарви ҳали тонг отмасданоқ уйғониб, шундай ҳовли четидан шилдираб оқаётган ариқчадаги зилол сувдан обтобага олиб юз қўлини ювдию жилғанинг бир четига қўйилган қовоқдаги қимиздан бир косасини симирди; қимиз унга ёқаётган эди, ярим соат ўтмай юзи қизариб, боши қизиб неча кунлардан бери ҳолсизланиб келаётган вужудига куч энгандек бўлди; дадилланиб иккинчи қаватга кўтарилди, деразалари ланг очиқ хонадан уста рассом боплаб чизгандек кўринадиган чўққисида оппоқ корлар ялтираб ётган тоғларни, унинг ям-яшил ён бағирларини ҳавас билан кузатди; бурун парраклари пирпираб тоза, муздеккина ҳаводан тўйиб-тўйиб ютди, юрагига

илиқлик югурди; эрининг бу ерга ишга юборишгани қайта менга яхши бўлди. деб ўйлади.

Атроф ёришиб қолганди, катта кўчани кузата туриб бирдан ранги бўзарди; уларнинг уйи томонга қараб кўк спорт костюми кийган раис шитоб чопиб келмоқда, орқасидан эса яшил “Нева” эргашиб юрибди. Сарви зиналардан шошилиб пастга тушди, соқолини олиб бўлиб юз қўлини юваётган эрига қараб:

- Хўжайн, раис биз томонга югуриб келяпти, бир балони бошламаса. деб кўрқаман, - деди.

Доктор бир зўм қотиб қолди, сўнг сочиққа артиниб хотини томон бир – икки қадам ташлаган ҳам эди-ки, дарвоза тақиллади.

-Ана, -деди хотини ёқасини ушлаб.

-Кўрқманг, ўзим гаплашаман.

Дарвоза очилиши билан раис ичкарига бостириб кирди, Сарви раиснинг бир зумда кийимини ўзгартириб этик, гилифе шим, енги калта оқ кўйлак кийиб олганини кўриб ҳайрон қолди. Раис доктор билан очилиб - сочилиб кўришди, Сарвига қараб:

- Келиним эканингизга энди ишондим, ҳозирги эркакларга ишонч йўқ, уйда хотин биттаю кўчада ўнта! Уй муборак бўлсин, уй тўйини қачон ўтказамиз?

Сарвининг ўрнига доктор жавоб қайтарди:

- Раҳмат, болаларни олиб келайлик, кейин...

- Ҳали болаларни олиб келмадингларми? Нима бало, куёв-келин бўлиб асал ойини қайта ўтказяпсизларми, дейман? Ҳа-ха...

Доктор раисни айвонга тушалган кўрпача таклиф қилди.

- Йўқ чойни кейин бафуржа ичамиз, партком келсин-чи, -деди раис дарвозага қараб.

У гапини тугатмасдан дарвозадан Мелиқўзи кириб келдию шошиб раис билан сўнг доктор билан саломлашди, Сарвига бош ирғади.

- Мелиқўзи, ҳозироқ, янги “Зил”ни доктор ихтиёрига бер, кўчини олиб келсин, кейин чорпоядан бирини келтириб, ҳов у ерга (арик бўйидаги сояси қалин жойни кўрсатди) қўйгин.

-Хўп бўлади, --деди Мелиқўзи қўлини кўксига қўйиб.

... Янги уй Рисолат опага жуда ёқди, Латофат билан энди икки ёшга тўлган Таваккал goҳ иккинчи қаватдаги, goҳ биринчи қаватдаги хоналарга кириб жиҳозларни жойлаштираётган Мадаминбек билан Сарвига халақит беришади, Сарви уларни тергамайди, қайта олдида юрганларига севинади...

Мадаминбек бутун вужуди билан ишга берилди, касалларни обдан текшириб ташхис қўйиш, даволашга киришишдан илгари тажрибасига таянишдан ташқари янги-янги адабиётларни ўқиб хулоса қилгачгина муложага киришади; анча оғир касалларнинг ҳам шифо топаётгани унинг обрўйини ошириб бораради. У терапевт бўлсада кичик қишлоқ касалхонасида мутахассис етишмагани учун зарур бўлганда уролог, акушер-гинеколог, лор доктори, нервопатолог бўлиб иш қўришга ҳам мажбур эди. У берилиб ишлаши сабабли вақтни унутди,..

Тирсиллама баданига ёпишиб турган оқ халати қора шириндан келган вужудига ярашган, қайрилма қора қошлари устидаги нухатдек холи, түлин ойдек юзи ҳинд гүзалларини эслатиб юборадиган, қораширинлиги остида жүшқин әхтирослилик, аллақандай сирлилик яширган ҳамшира – Назокат докторнинг кўзига, оғзига термулиб турди, оғзидан чиққанинигина эмас, балки қўнглидан кечётганини ҳам англаб бажо қилишга интилади. Докторнинг нон-тузига ҳам ўзи қарайди, бошқа ҳамшира патнис кўтариб докторнинг хонасига қараб юрса югуриб бориб патнисни тортиб олади-да, ўзи олиб киради. Кейинчалик касалхонадагилар докторга фақат Назокатгина хизмат қилишига ўрганиб қолишиди, зарур бўлганда уни чакиришади, баъзан ҳамширалардан бири секин докторнинг кабинети томон юрса, Назокат югуриб бориб унинг қўлидан тортиб орқасига қайтаради, атрофдагилар мириқиб кулишади. Мадаминбекка ҳам Назокатнинг қилиқлари, сира ўзидан кўз узмаслиги, мудом эътибор бериб туриши хуш ёқади, аммо сездирмасликка ҳаракат қиласди, унга ҳам қаттиқўллигини сира бўшаштирмайди; бироқ Назокатга биргина қовоқ уюиб қараши етарли, дарҳол хатосини тўғрилаб, ишни Мадаминбекнинг кўнглидагидек қилиб бажаради. Назокат докторга самимий меҳр-муҳаббат қўйганини ҳеч кимдан яширмайди ҳам. Бу шўх-шаддод, жуда латофатли қиз яқиндагина турмушга чиқиб гулдек очилиб кетди, келинчаклик либоси унга жудаям ярашганди. Аммо у кейинги кунларда аллақандай маъюс, сўлғин ҳолда юарди...

Пахта терими бошланган пайт эди. Бир куни кечқурун Назар раис докторни идорага чақирди.

Мадаминбек кириб бориши билан сўрашмасдан ҳам деди:

- Мени мазах қиляпсизми? Сизда неча киши ишлайди?
- Эллик киши.
- Уялмай пахтага беш кишини олиб чиқиб ўтирибсизми?
- Ахир қолганлар беморларга қарашяпти.
- Беморларинг қирилиб кетмайдими?
- Оғзингиздан чиққанини ел учирсин, раис! Келганимдан бери бирорта ўлим бўлгани йўқ.

Бу худуддаги мактаб, касалхонаю туғруқхонагача раис ҳоҳлаган пайтида кириб бораверар, уларнинг раҳбарлари ҳеч қачон раиснинг ҳар қанақа гапини ҳам икки қилолмасдилар, икки қилгани бир кун ишлай олмасди.

- Дарҳол тилингиз чиқиб қолибдими, эртага пахта теримига ўттиз киши олиб чиқасиз. Шунда ишлай биласиз. Йўқса касалхонани ёпиб ташлайман!

- Бунча одам чиқара олмайман!
- Чиқарасиз, чиқармай кўринг-чи?

Мадаминбек индайолмай қолди.

- Боринг! –деди раис.

Мадаминбек чиқиб кетди.

Эртаси куни Мадаминбек теримга ўнта одам олиб чиқди.

Орадан икки кун ўтгач, вилоят санитария – эпимиология станцияси ходимлари текширишга келишди. Текшириш холосасига кўра санитария талаблари жавоб бермаслиги қўрсатилиб касалхона ёпилди.

Мадаминбек ҳаётида илк бор бундай адолатсизликка, зўравонликка дўч келиши эди. Кутимаган зарбадан гангиб қолди. Нима қилсин? Кўч - кўронини кўтариб кўчиб кетай деса, бу ерга Сарви учун келган. Унинг соглиги тиклана бошлади. Энди кета олмайди. Бу ёқда эса раиснинг зўравонлиги қонини қайнатяпти. Туман, вилоятдаги раҳбарлар: “Сизга раҳмат-ки, раис билан тил топишиб ишляяпсиз!” - деб хурсанд бўлишганди. Энди эса... Тўғри, касалхонада камчиликлар бор эди. Аммо бу камчиликларнинг кўпини Мадаминбек тугатиб қўйган эди. У шифокорларга қатъий талаб қўйди. Ҳамма ўз беморини даволашга жон-дили балан киришсин. Ўзаро илмий-амалий маслаҳатлашиш, тиббиётдаги янгиликларни ўрганиш, адабиётларни ўқиш, аввало беморни ҳар томонлама татаббу этиш ва шундан сўнггина ташхис қўйиб даволашишга киришиш, дорилар таъсирида bemor соғлигининг тикланаётганини кузатиш, агар яхши самара бермаса ўзаро кенгашиб ўзгартириш, зарур бўлса табиблар тажрибасидан ҳам фойдаланиш, Маркандан кучли олимларни тез-тез таклиф этиб уларнинг кенгашини олиш, bemornинг устига ўлигини ташлаб олмаслик – таъмагирлик қилмаслик, раис билан яхшилигидан фойдаланиб биринчи навбатда хоналарини янги жиҳозлар билан таъминлашга эътибор қаратди. Докторлар, ҳамширалар ўзаро ғийбат, фисқу фужурларни тўхтатиб ишга берилдилар. Касалхонада ажаб бир ижодий, амалий муҳит пайдо бўлди. Мадаминбек ҳеч эринмай эрталаб ўзи палатларга кириб ўтказиб, ҳар бир bemor олдидаги масъулиятини оширди. Шу тадбирлар туфайли илгари ўттиз кишигина даволанаётган шифохонада даволанишни истаб келаётганлар сони юздан ошиб кетди; республикада тилга тушди, намунали шифохона деб қарала бошлади. Мадаминбек бу ишларга берилиб хўжалик масалаларини қўпроқ хўжалик ишлари мудирига ташлаб қўйганди; энди шу панд бериб ўтирибди.

Касалхона хувиллаб қолганди. Бари докторлар, ҳамшираю хўжалик ишидагилар Мадаминбекка билдирмай ўзаро келишиб пахта тергани чиқиб кетишибди. Ҳамма уни ташлаб кетгандек туюлиб юраги сиқилди, аммо аслида жамоа Мадаминбекни қўллаш, раисни хуружини қайтариш учун шундай қилганди. Ахир ўн йиллардан бери келиб кетадиган бош шифокорларнинг алмашиши жамоани безор қилган, эндигина раҳбарга ёлчилик, бунақа холис раҳбарни кўрмагандик, деб хурсанд бўлиб туришганда яна раис хуружи бошланганидан жуда хафа бўлган эди.

У кабинетига кириб нима қилишини билмай ўтирган эди, эшик тақилладио кўзлари ёниб-яшнаб Назокат кирди, кўп яқинлашмай хона бурчагига боқсанча хаёл сурини ўтирган докторга қараб қолди, доктор ўзига қарагач унга ҳамдарона боқиб хўрсиниб деди:

-Қаҳва ичасизми, ё чой дамлаб берайми?

-Кераги йўқ.

- Каҳва ичинг. Қандсиз тайёрлаб келаман.

Қизнинг меҳрибонлиги унга ҳуш ёқди – жилмайди, ”Майли”, дегандек бошини қимирлатди.

-Анави касалингиз бор-ку, Хидир ота, келибди, кирсинми?

Доктор яна бош қимирлатди. Назокат чиқиб эшикни очиб турди.

Эшикдан ҳассасига таяниб, бир оёғини силтаб олдинга ташлаб Хидир ота кириб келди. Назокат эшикни ёпиб қўйди. Мадаминбек отага пешвоз чиқиб кўришди, қўлтиғидан олиб стулга ўтқазди. Хидир ота шоп муйловининг гоҳ ўнгини, гоҳ сулини бураб-бураб Мадаминбекка синчков назар ташлади.

...Хидир ота иккинчи жаҳон уруши ногирони. Назар Хидир отадан ҳисоб-китобнинг нозик сирларини англаб хўжаликни кўтариш йўлларини ўрганган; бу унинг кўтарилишида қўл келган; аниқроғи собиқ раиснинг нозик томонларини юқорига ёзган, оқибатда собиқ раис қамалиб кетиб ўрнига ўзи сайланган. Ўшанда Хидир ота шогирдларига: “О баччағарай, раисни йиқитди-я, энди у узоқ ишлайди”, деган экан. Хидир ота “Ҳар ҳолда шогирдим-ку!”, деб ҳарбий хизматдан қайтган ўғли Шоҳидни етаклаб Назар раис олдига боради, уни бирор ишга олинг, дейди. Раис “Ҳозирча майин юнгли эчкиларни боқиб турсин, кейин кўрамиз”, деб ишга олади. Хидир ота: “Қирқ йиллик оғайним ёлғиз ўғлимни дурустроқ жойга қўймай, тоғу тошдаги ишга олди”, деб қўнгли оғрийди. Бир йилдан сўнг жун қирқимида саналса бешта эчки йўқ. Шоҳид эчкиларни қандай йўқ бўлиб қолганини билмайди, суриштираверишса қочиб кетмоқчи бўлади. Назар безори, қамоқдан чиқсан, ҳеч нарсадан қайтмайдиган бақувват йигитларни идора атрофи, омбор, машина-трактор паркидаги турли енгил-елпи ишларига қўйиб яхшигина маош тайинлайди, бундан ташқари пул, бошқа нарсалардан ёрдам бериб турари, ҳар бирининг тагида янги машина, улар раиснинг ҳар қандай топшириғини тафт тортмай бажаришади, уларнинг ҳар бирида яширинча қурол бор, деган гаплар юради, улар Назарга олаётган пулларига қараганда ўн баробар кўп фойда келтиришади, Россия бозорларига етказиладиган қуруқ, ҳўл меваларнинг пулини йиғиш, тоғдаги ҳеч бир ҳисобда йўқ бодом, писта, ёнғоқларни йиғдиришу бошқа катта даромад келтирадиган ишларни улар бажаришади; улар орасида етти-саккиз йилдан қамоқда ўтириб келган, гавдасидан от ҳуркадиган Жобир, Осмон, Моҳир деганлари машҳур эди. Қишлоқда Азроилдан қўрқандек улардан қўрқишади. Моҳир яна бир йигити билан Шоҳидни ушлаб раис олдига олиб боришмоқчи бўлишганда, у йигитлар қўлидан чиқиб қочадио кийимларини ечиб ўзини Рисдарёга ташлайди. Йигитлар унинг сувдан боши чиқишини кутиб сул қирғоқ, ўнг қирғоқ бўйлаб югуришади. Аммо Шоҳид чиқмайди. Сўнг отасига хабар беришади, кийимларини кўрсатишади. Назар раис чақиртирган ғоввослар уч кун Шоҳидни ахтаришади.

Шоҳиднинг на ўлиги, на тириги топилади. Рисдарё гирдобига тушиб ўпкаси сувга тўлиб ғарқ бўлган, сўнг сув билан Балиқкулга кириб қолгану балиқлар парчалаб суюгигача қолдирмай ютиб юборган, деган тахминга

борилади. Хидир ота раис билан қаттиқ уришиб қолади. У раисга ўғлим топилмагунча сени тинч қўймайман, дейди. Ота Шоҳидни жуда яхши кўрарди, бечоранинг юраги дард зардобига тўлиб жигари хасталанади. Шу ҳолда касалхонага келган, Мадаминбекда даволанаётган эди.

-Энди гина шифо топаётгандим, - деди Хидир ота нафрат билан. - Касалхонани раис менинг бу ерда ётганимни билиб ёптирган! Ўзим уни раис қилди гандим, энди ўзим олдиртириб ташлайман”, деди.

-Йўқ, ундей деманг, ўзи камчиликларимиз кўп эди, уларни тугатамиз, сўнг...

-Йўқ, сиз раисни бугун билиб турибсиз, мен у итни қирқ йилдан бери биламан. У раис бўлиб турса энди касалхонани ишга тушира олмайсиз!

-Йўғ-ей!

-Ха, буни мен аниқ биламан! Ўғлим, яххиси, мана бу хатни ўқиб кўринг. Сиз хат-саводли йигитсиз. Бир ўқиб у ер – бу ерини тўғрилаб беринг, - деб газета орасидан бир варак қофозни олиб узатди.

Раис бу одамни мени синаш учун юборганмикан? – деб ўйлади Мадаминбек. – Ахир улар қирқ йиллик дўст, касалхона ёпилгач, нима қилмоқчилигимни шу дўсти орқали билмоқчи, фаҳмимни ковламоқчиидир.

-Қанақа хат? – деди доктор қофозни олмасдан.

-Назарни фош қилганман, қўрқманг, ўқинг, - деди Хидир ота қўли қалтираганча қофозни силкиб.

Хидир ота сидқидилдан аччиқланаётган эди. Доктор хатни олди. Диққат билан ўқий бошлади. Раиснинг зўравонликлари, ноқонуний даромадлари, омборда сақланаётган яширинча моллар, безори, жиноятчи йигитлари, ўғлининг ўлдириши, жасадининг топилмаётгани, касалхонага хуружи жуда таъсирчан, тўпориларча содда, қисқа ёзилганди.

Бунақа хатлар биринчига етиб борармиди, - деб ўйланиб қолди доктор. – Умумий бўлимдан тегишли жойларга жўнатилади. Тегишли жойлар судраб-судраб жавоб ёзишади. Охири хат ёзувчининг ҳафсаласи пир бўлади. Тамом.

Шу пайт икки финжонни патнисга қўйиб Назокат кирди, бир финжонни Хидир отага, бирини докторга узатиб, докторга:

-Ичинг совуб қолмасдан - деб нозли, ширин нигоҳ ташлаганча чиқиб кетди. Бу нигоҳни доктор ним қараашдаёқ англади, сиқилиб турган юрагига ёқди, сўнг отага қаради:

- Агар ҳаммаси тўғри бўлса, яхши ёзилган, аммо касалхона ҳақидаги гапларни чиқариб ташласангиз яхши бўлади. Гаплашдим, камчиликларни тутатсак очиб беришади.

- Тушингизни сувга айтибсиз, ҳеч қачон очишмайди. Сўнг сиз халта-хуржунигизни қўтариб жўнаб қоласиз. Бизга ўхшаган бечоралар, докторга энди ёлчувдик, деб қолаверишади.

Докторнинг юраги яна сиқилди. Сўнг отага:

- Ўзи яхши, мен ўзгартирсан, бирор ёзиб берган, деб ўйлашади, - деди.

- Сизни раиснинг гапларини қайтариб ташлайди, жуда қонунчи йигит, деб эшитгандим, аммо сиз бечора ҳам роса юрагингизни олдириб қўйибсиз!

Докторнинг юраги янада сиқилса-да индамади, ахир ботинидаги аламли ҳайқириқни отага ошкор қилганидан нима фойда? Отани дарвозагача кузатиб қўяётган эди, тишининг юқори сафидаги иккитаси қуён тишидек туртиб чиқсан уста Шариф келиб қўришди.

-Раис юборди, камчиликлар бор экан, шуни қўриб чиқамиз, -деди.

Хидир ота тафт тормасдан:

- Ҳа Шариф, раисинг орқамдан жўнатдими? – деди.

- Сиз билан нима ишим бор? – деб уста Шариф ичкарига қараб юрди.

Хидир ота докторга маънили қараб ногиронлар бошқарадиган “Запорожец” и томон юрди.

Эҳа, қуёш қаёқдан чиқди, - деб ўйлади доктор. – Пахтага кўп одам чиққанини билиб менга одам юборган.

Доктор далолатномада ёзилган барча камчиликларни ҳожатхонадан тортиб хоналар, ошхонагача бирма-бир кўрсатиб чиқди, уста ёзиб, белгилаб олди.

Эртаси куни бир машина сантехника, қурилиш материаллари олиб келиб усталар иш бошлаб юбориши, доктор кун бўйи улар билан овора бўлди. Индинига пахта теримида гилардан хабар олиш, янгиликларни айтиш учун далага борди. Шийпонга олиб борилаётган йўл чиннидек тоза, сув сепилганини қўриб, “Донгдор бригадирнинг даласига бориладиган йўлни шундай тозалаб қўйишса керак, - деб ўйлади.- Аммо қойил қолиш керак ҳамма дала шийпонларига бориладиган йўл, шийпон ҳовлиси ҳам ана шундай сифатли асфалтъланган.”

Докторлару ҳамширалар суюниб унинг атрофини ўраб олишди, саломлашиб ўзига меҳр, умид билан боқаётган кўзларга қараб юрагидан қайнаб келаётган ёшни зўрға тўхтатиб қолди, сўнг таъмирлаш бошланганини айтган эди, ҳамма:

-Урра! – деб юборди.

Мадаминбек пахта тергани этак сўраганди,

-Менга теришаверинг, - деди пешонасини оқ рўмол билан танғиб олган киз.

-Эҳа Назокат, сиз ҳам чиқдингизми? – деди доктор қизга қараб.

- Сизнинг пахтага чиқишингизни билувдим-да!

Ҳамма қаҳқаҳа отди.

- Мадамин ака, у алдаяпти, раис акасига келин салом бергани чиқсан!- деди Шахри исмли ҳамшира.

Яна кулишди.

Ҳашарчилар энди тушлик қилиб бўлишган ҳам эди-ки, шийпон ҳовлисига қора буёғи ярақлаб турган “Зим”, унинг орқасидан бир қанча машиналар келиб тўхтади.

“Зим”дан оқ шляпа, кулранг костюм кийган новча, истараси иссиқ, ҳамма яхши таниб қолган республиканинг биринчи котиби Улуғ Носир тушди. Унинг ёнига бир зумда Назар раис, яна бир қанча амалдор етиб келишди. Улуғ Носир юзида табассум порлаганча аввало этакларини қўлга ушлаб турган ҳашарчилар билан, сўнг бригадир Шерали билан саломлашди,

натижаларни сўраб эшитиб хурсанд бўлди. Шу пайт қайдандир Хидир ота пайдо бўлиб қолди. Улуғ Носир бу нуроний билан қуюқ кўришди.

Назар раис оркага тисланиб милиционерларга олайиб қаради.

- Улуғ ака, мен сизнинг аскарингизман! – деди Хидир ота қўлини кўксига қўйиб.

- Нима?

- 072 қисм. Ўқчи рота!

Улуғ Носир бутун диққатини жамлаб унга тикилди. Бирдан унинг юзи янада нурланди:

- Снайперчи Хидир...

- Эрйигитов.

- Эрйигитов!

Улуғ Носир қучоқ очиб Хидир отани бағрига босди.

-Хидир ака! Бормисиз, ҳалоскорим!

Улуғ Носир Хидир отани бағридан бўшатмасди.

-Сизми, мени шинелига солиб медчастга борган?

-...

Улуғ Носир отани бағридан бўшатиб костюми чўнтағидан рўмолчасини олиб кўз ёшларини арта бошлади. Хидир ота юзидан оқиб тушаётган кўз ёшларини артмасди.

Кўпчилик кўзига ёш олди.

-Мен сизни кўп изладим. Нега хабар бермадингиз?

-Улуғ ака, сиз соғ бўлсангиз, менга шунинг ўзи кифоя!

Улуғ Носир Хидир отани қўлтиқлаб олди, одамларга қаради:

-Бу одам чинакам қахрамон! Афсуски, ўша пайтда бу киши етарли тақдирланмади!

Ҳамма уларга ҳавас, меҳр билан қаради. Амалдорлар бир-бир келиб ота билан кўришдилар. Назар раис эса бўзариб жойида қотиб турарди.

-Бола чақангиз соғми? Нима камчилик бор?

-Ҳеч қанақа камчилик йўқ. Сиз соғ бўлсангиз бўлди.

-Тортинманг, айтаверинг!

Хидир ота қийинчилик билан чўнтағидан қоғозни чиқарди:

-Кечирасиз, кайфиятингизни бузсам...

-Ҳечқиси йўқ.

Мадаминбек Хидир отага ич-ичдан қойил қолиб турар, унинг назарида Хидир ота юксак бир қояга айланарди.

Улуғ Носир хатни шу ернинг ўзидаёқ ўқиб чиқди. Қизариб кетди.

-Вилоят прокурори қани? – деди асабий ҳолда.

-Лаббай, -деб бақалоқ, кўзойнакли ўрта яшар киши олдинроқча чиқди.

-Сиз нима қилиб юрибсиз, давлатнинг янги машиналарини миниб, бир жиноятни оча билмасангиз?

-Менинг хабарим йўқ.

-Бутун бошли бир одам шундай замонда йўқ бўлиб кетса-я! Нима қилиб кабинетингизда тухум босиб ўтирибсиз? Туманларга бориш керак, элни эшитиш керак!

Улуғ Носир вилоят биринчи котиби Азиз Турсунга юзланиб қоғозни узатди. Ҳар бир банди бўйича менга шахсан ҳисоб берасиз. Халтура қилсангиз тўполнонингизни чиқариб юборамиз.

-Хўп бўлади! – деди Азиз Турсун шошиб қўлини кўксига қўйганча.

-Тасодиф, Улуғ ака, тасодиф - деб такрорларди Назар.

Улуғ Носир унга қайрилиб ҳам қарамади, Хидир отани яна бағрига босди:

-Сиқилманг, ҳаммаси жойига тушади. Ҳали яна гаплашамиз.

У шундай дедиую шартта машинасига ўтириб жўнаб кетди. Ҳамма жойида бир зум қотиб қолди. Назар раис адойи тамом бўлди. О, у Улуғ Носирнинг ишончига кириш, уни мақтovига эришиш учун озмунча ҳаракат қилганми? У куйиб-пишиб ишлади. У Улуғ Носир раҳбарлигида Катта чўлнинг комплекс ўзлаштиришга катта куч сарф қилинаётганини яхши биларди. Назар раис Катта чўлга бориб қўриқ ер қандай ўзлаштирилаётганини ўрганиб келди. У юқоридаги раҳбарларнинг кўпига билдирамай хўжалигининг ўз кучи билан чўллаб ётган минг гектар ерга сув чиқарди, пахта экди. Йўллар чиқариб асфальтлаб, шийпонлар, одамларга турар жой, мактаб, боғча (худди Катта чўлдагидек) боғча қурдирди. Минг гектардаги пахталар қийғос очилганда вилоят биринчисини ишга солиб Улуғ Носирни шу ерга келишни ташкиллаштириди. Улуғ Носир атрофга караб юз-кўзи яшнаб кетди.

-Қойил-қойил! – дедиую Назар раисни маҳкам қучоқлаб бир айлантириб ерга қўйди. – Қойил! Биздан бир сўм ҳам олмай минг гектар ер ўзлаштирдингизми? Шунча ер очиладио қандай қилиб биз билмай қоламиз?! Баракалла, Отангизга раҳмат!

Шу бўйи Улуғ Носирнинг тилидан Назар раиснинг номи тушмайдиган бўлиб қолди. Ўша йили Улуғ Носир ўз қўли билан Назар раиснинг кўкрагига олтин юлдуз қадаб қўйди. Энди Улуғ Носир ҳар гал вилоятга йўли тушганда албатта Назар раиснинг хўжалигига келмасдан кетмайдиган бўлди. Энди Назар раис иккинчи бор қаҳрамон бўлиш учун жон-жаҳди билан киришди. Улуғ Носирнинг бу галги келшидан ҳам умиди катта эди! Аммо...

Эртаси куни қишлоқни милиция босди, омбордаги рўйхатга кирмаган телевизор, музлатгичу қанча-қанча буюмларни машинага ортиб ички ишларларнинг қишлоқдаги бўлинмасига олиб бориб бир хонага қўйиши; буни эшитган Назар раис йигитлари билан бўлинмага борган эди, у ерда турган миршаблар қочиб кетиши; раиснинг бўлинмага йигитлари билан бостириб кирганини миршаблар четдан туриб видеотасмага туширишарди; раис парво қилмай буюмларни машинага орттириб келдио идорадаги бир хонага қўйдирди.

Орадан бир кун ўтиб Назарнинг уч йигити қамалди. Аммо Назар раиснинг ҳали ҳеч ким мушугини пишт дея олгани йўқ. Ахир у қаҳрамон, депутат, Марказий Қўмита аъзоси! Ҳар қандай прокурор ҳам у билан ўйлаб гаплашади. У ичидан зил кетди. Биринчининг олдида шармисор бўлди. Хатда нималар ёзилган экан-ки, Улуғ Носир жаҳл билан ҳар банди ҳақида

хисоб берасиз, деди. Шу пайтгача ҳеч ким мени бунчалар оёқ ости қилолмаганди. Шошмай туришсин, ҳали Назар раиснинг нималарга қодирлигини кўришади. Улуғ Носирдан сўрайдиганлар ҳам бор. Ахмоқ Хидир Улуғ Носир билан шундай яқинлигини мендан ҳам яшириб ўтирибди. Илгарироқ шуни менга билдирганда бугун шоҳоншоҳдек яшаётган бўларди. Менга ҳам йўл очиларди. Мен шунча интилиб бу одамнинг уйига кира олганим йўқ. Бошқа катталарнинг эшигини оёғим билан тепиб очаман. Эй ахмоқ Хидир! Мен ўғлингни қасдан ўлдирибманми? Сенга шу пайтгача хунини тўлаб келяпманку! Бу сенга оз бўлса ўзимга айтмайсанми? Энди ўлган ўғлинг тирилиб келармиди?!

Шоҳиднинг жасадини топамиз, деб ҳамма ёқни излашди. Аммо жасад топилмади. Вилоят прокурори қайси бир узоқ туманга ишга кетдию алғовдалғов тўхтаб қолди. Чамаси жуда юқоридан яна кимдир аралашди, шекилли, Назар раис яна тиккайиб олди. Уч йигити ҳам қамоқдан чиқди. Раис негадир касалхона таъмирига илгариғига қараганда ҳам кучли эътибор берди, бир неча марта ўзи бориб ишлаётганларга топшириқ бергач, иш тезлашиб кетиб касалхона тезда ишга тушди. Бундан ҳамма хурсанд эди. Раис қон босимини ўлчатиш баҳонасида касалхонага тез-тез келиб туради. Мадаминбек илгариғига қараганда кучли ғайрат билан ишга киришди.

Доктор навбатчилик пайтида кабинетида бир-икки соат дам олади. Бир туни доктор китоб ўқиб ўтирганди, соат ўн бирдан ошганда кабинетга навбатчиликда қолган Назокат кириб келди, унинг қийналиб, ўйланиб – ўйланиб докторнинг олдига киришга зўрға жазм қилгани сезилиб турарди, у докторга илтижоли тикилганча:

-Доктор, илтимос, мени кўриб қўйинг, - деди.

- Тинчликми, нима бўлди? – деди доктор китобдан кўз узиб.

У Назокатнинг эркаланишларига, шўхликларига ўрганиб қолган, унинг чаққон хизмат қилишлари докторга ҳам жуда ёқади. Доктор унинг ёнокларига, буриб қўйилган гажжакларига қараган эди, юраги аллақандай қитиқланди, буни сездирмай жиддий бир ҳолда савол нигоҳи билан боқди.

- Ҳеч чидай олмаяпман, қовуғим жуда оғриб кетяпти! Илтимос кўриб қўйинг!

- Уролог ҳозир йўқ-ку, эртага кўришар.

- Ахир, сиз урологдан ҳам яхши биласизу!

Доктор ноилож кунди.

Ҳамшира – Нозлига (Нозли Назокатнинг тамом акси – сутбадан, ҳилол қоши тўлин ойдек юзига ярашган жувон) вазелин ва керакли нарсаларни олиб келишни буюриб қўлқопини кийди.

-Столга чиқинг, -деди доктор.

-Ҳамшира чиқиб тура қолсин, уяламан, - деди лабини чап четини тишлаб турган Назокат.

Назокат ўзларида ишлагани учун доктор ҳамширининг чиқиб туришига рози бўла қолди.

-Катда кўра қолинг, - деди Назокат ҳамшира чиқиб кетгач докторга.

эркаланиб, сирли қараб. У ўзининг илтимосини ҳамма бажонидил бажаришига ўрганиб қолганди.

Доктор ҳам бундай ҳолатларда касални фақат ҳамшира иштирокида кўриш зарурлиги хусусидаги тиббий қоидани унутди..

Назокат уялиб-ҳимралиб атлас лозимини ечди, катга ётдию қўзини юмиб олди, доктор иш бошлаганда бошини у ёққа-бу ёққа буриб хижолатли бир овозда деди:

-Доктор, бир ойдан бери эrim билан қовуша олмаяпмиз.

-Нега?

-Билмадим. Никоҳдан кейин ҳали ҳеч қўшила олмадик.

-Ҳимм...

-Эrim буни уйдагиларидан яширади, янгаларни ҳам алдаб-сулдаб жўнатиб юборибди. Гуёки, тўйдан илгари қўшилиб қўйганмиз, дебди. Қайнонам менга нега ғалатироқ, ёмон қўз билан қараб юрибди, десам, эrim мени шундай бадном қилган экан. Бир уйга кетиб қолмоқчи бўлдим, кейин шартта қайнонамга айтиб бердим. У кейин ўғлини докторга ҳам кўрсатди, домлага ўқитди ҳам, бўлмаяпти.

-Ойни вақтида кўрасизми?

-Ха.

-Биринчи марта неча ёшингизда кўргансиз?

-Ўн уч ёшимда.

-Ҳеч узилиш бўлмаганми?

-Йўқ. Доктор, маслаҳат беринг, нима қилай? Эrim чиранадио бўшашиб қолади, шундай эзилиб, қийналиб кетдим, вой, оғрияпти!

-Ҳим...- доктор ўйланиб қолди, сўнг у афсусланиб деди:

-Ҳар қанча зўр бўлса ҳам қўшила олмайсизлар, қинингиз табиий битов - битум...

-Доктор! Мени ... Шундай ... Чидолмайман, мени...

Доктор қотиб қолди.

-Доктор, мени ..., эrimнинг барибир қўлидан келмайди, сиз докторсиз-ку, эплайсиз.

-Жинни бўлманг, Назо...

Боши, юзи аёл бўлган илон расми

Катда илондек тўлғониб ётган Назокат бирдан докторнинг бўйнига осилдию унинг лабидан ютоқиб ўпа бошлади.

-Мен... Мен сизни яхши кўраман!

Доктор тамом ҳанг-манг бўлиб Назокатнинг устида ётарди, шу ҳолда улар эшик очилганини ҳам, бир ҳафтадан бери касалхонада даволаниш баҳонасида ётиб пойлаб юрган Осмон кирганини ҳам, фотоаппаратнинг чиқиллаганию чироқчаси ёниб-ўчганини ҳам сезишмади, йигит эпчиллик билан эшикни ёпиб чиқиб кетди...

Эртаси куни эрталаб доктор чорпояда ўтириб онаси, хотинию болалари билан нонушта қилаётган эди, дарвоза эшикчаси очилиб раис, унинг орқасидан Жобир билан Осмон шитоб билан кириб келишди. Доктор ички бир туйғу билан раиснинг ёмон ниятда келганини сезди, вазмин юриб унга пешвоз чиқдию саломлашгани қўл узатди, аммо раис қўлини шимининг чўнтагидан чиқармади, тупугини сочиб ғазаб билан ўшқирди:

-Сен бузуки экансан! Оқбулоқда бузуқиларга ўрин йўқ! Йигитлар, бари лаш-лушларини кўчага улоқтириб ташланглар!

-Хўп бўлади!

Доктор гап нимада эканлигини тушунди - Назокат билан бўлган воқеа унга етибди. Юраги музлаб кетди.

Бу гап тарқаса, мен нима деган одам бўламан, - деб ўйлади. – Одамларнинг юзига қандай қарайман?! Эҳ, Назокат нима қилиб қўйдинг? Ё сен раисгга ёллангандингми? Мен аҳмоқ шунаقا ҳам латта бўламанми? Йўқ, йўқ, мен индамай турмаслигим керак. Ҳақлигимни исботлашим зарур. Акс ҳолда...Бечора хотинимнинг юзига қандай қарайман? Ана у ранги-кути ўчиб чорпоядан тушди. У мен касаллигим учун дарҳол кўнгли бошқасини тўсаб қолибди-да, деб ўйламайдими?

-Тўхтанг! –деди доктор ўзини қўлга олиб.- Бир гапнинг тагига етмасдан бирорвга тўхмат қилманг!

-Нима? Ҳали мен тўхматчи бўлиб қолдимми? Мана сенга далил! Мана сенга исбот!!

Раис кўйлагининг кўкрак чўнтагиддан бир чети чиқиб турган суратни олиб докторнинг кўзига яқинлаштириди. Суратга қараб докторнинг пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди.

О, нақадар жирканч! – деб ўйлаганча юрагини чангллади. - Ана соchlари тўзғиган, кўзлари юмилган Назокатнинг юзи... Устида эса... Оҳ, Назокат, наҳот сен шунчалар пасткашликка борсанг?! Тамом! Энди мен расво бўлдим, расво!!. Айбиз эканлигимни қандай исботлай оламан? Айбиз бўлиб орттирилган доғ! Бу доғни қандай кўтариб юраман? Эвоҳ! Бу доғни ҳеч бир совун юва олмайди! Эвоҳ! Энди мени нафақат уйдан, балки Ер юзидан улоқтириб ташласалар ҳам камлик қиласди! Бу номуссизликка қандай чидайман?!

У пешонасини ушлаб ўтириб қолди...

Қулоғига тарақ-туруклар, йўлбарсдек бир ҳайвоннинг пишиллаб нафас олиши эшитилади. Раис докторга гуё, бургут панжаси остига босиб олган ўлжасига қарагандек беписандлик билан боқади. Доктор тирсагини тиззасига тираб, пешонасини ушлаганидан кўзи, юзини беркитиб хушсиз ҳолда ўтиради. Шу зайлда у раиснинг расмни олиб бориб хотинига кўрсатганини, шанғиллаб:

-Бу бузуқи, Оқбулоқдаги касалхонани иловатхона деб ўйляпти, шекилли! Мен уни не ниятда қурганман, ярамас! Хидир чўлочека қўшилиб тагимга сув қўймоқчи бўлгунча ўзингга қарамайсанми? – деганини ҳам эшитди.

Хотини бирдан гандираклаб кетди, эрига қараб талпиндию шилқ этиб ииқилди. Рисолат опа югуриб келиб келинининг бошини кўтарди, онасининг олдига бирин-кетин етиб келган Латофат билан Таваккал додлаб йиғлаб онасиға тармашишарди.

### АЁЛ МАКРИЮ ТУҲМАТДАН ЎТАДИГАН КУЛФАТ ЙЎҚ!

деб ўйлади Мадаминбек. Чорасизлик қўли бечора докторнинг юрагига тўсатдан пичоқ санчди, санчик оғриғи чидаб бўлмас даражада эди, аммо бу оғриқ докторга ёқди, оғриқ кенгайиб тарқалаётгандек туюлиб жони ором ола бошладиу ўтирган бўйи шилқиллаб қулади.

Умрида бунака оғир пайтда бировга ёрдам бериб ўрганмаган раис нима қиларини билмай анграйиб қолди, бир ичкарига, сўнг дарвозага қараб ҳайдовчисини чақирмоқчи эди, ховлига бошдан оёқ оппоқ кийинган оқ кийимлари қоши, кўзи қоралигини янада бўртиб кўрсатаётган ғоят сулув жувон билан Назокат кириб келди. Назокат табиб – Пари опанинг овозасини эшитгач, уни излаб топган, уни ёқтириб қолиб, қалин бўлиб олган, Мадаминбекка билдиримасдан Сарвии кўрсатиш учун шу табибни олиб келган эди.

Алҳол Назокат билан Пари бу можора устидан чиқиб қолишиди.

Раис уларни кўриб шошиб деди:

-Пари опа, қаранг анави бузуқига бир бало бўлди!

Сарви Назокатга ёмон қаради. Назокат эса Сарвига, Рисолат опаю болаларга ҳам эътибор бермай докторнинг бошига учиб бориб қўлидан ушлади.

-Пульс йўқ!–деб Парига илтижоли боққанча изиллаб йиғлаб юборди.

- Раис! Суюнинг, энди дунё сизга анча кенгайиб қолади, - деди у раисга зарда билан қараб.

- Жазманингга ичинг ачияптими? Қилмишига яраша... – деди раис юзини четга буриб...

Диванга ётқизилган Мадаминбекнинг тепасига борган Пари тезда қўлини ушлади, кўйлаги тугмаларини ечиб ташлаб кўкрагига қулоқ тутди, бошини чайқади, сўнг Пари қарадомоғини бўрттириб қўлини мушт қилдию Мадаминбекнинг чап кўкраги қовурғаси орасига кетма-кет уч марта шундай кучли урди-ки...

Ҳамма ҳайратда қотиб қолди.

Бир маҳал Мадаминбекнинг билинар-билинмас нафас олгани сезилди. Пари унинг юзига шапатилаб урдию пешонасиға йирик-йирик тер томчилари тепчиганча, аллақандай дуоларни ўқиди, бармоқларини кенг ёзиб докторнинг юзига яқинлаштириду жуда-жуда секин юқорига кўтарди. У бу ҳаракатини бир неча бор такрорлади, қаро терга тушди, ниҳоят... гуё бармоқларига кўринмас ип боғланиб иккинчи учлари билан докторнинг

бошига боғлангандек доктор бошини қўтарди, аммо кўзини очмади. Пари сумкаласидан шишани олдию ундаги суюқликдан шприцга тортиб докторнинг бўксасига укол қилди.

- Келин, докторнинг юраги бақувват экану руҳтанглик, асаб қақшали уни тўхтатиб қўйган, Аллоҳга шукр-ки, омон қолди. Ҳозир у тишрт соатча ухлайди, мен Назокатдан дори бериб юбораман, ичиринг. Соғайиб кетади, аммо ҳушёр бўлиш керак.

-Рахмат опажон, мен ўлсам ҳам у киши яшаши керак, ахир болаларим ёш! - деди Сарви йиғлаганча.

Пари Сарвига синчковлик билан боқдию индамади.

Раис ҳовлида бетоқат бир ҳолда у ёқдан бу ёққа юарди, Парини кўриб чиройи очилди.

-Агар унинг бир тукига зарар етказадиган бўлсангиз, мендан хафа бўлманг, - деди Пари раисга қараб.

-Бир кўзини очиб қўяй, дегандим, опа...

-Ўзингизнинг кўзингизни очинг!

Раис тарс –тарс юриб ташқарига чиқди.

Пари Сарвии ҳам текшириб, гаплашиб бир неча дамламалар бериб Назокат билан чиқиб кетди.

Сарви узилган гулдек сўлиб борди. У қимиз ичмай қўйди, Мадаминбек бир куни унинг Таваккални қучоқлаганча йиғлаб ўтирганини кўриб қолди. Оҳ, у Таваккални шунчалар яхши қўради-ки... Эндиғина уч ёшга тўлган ўғилчasi митти кафтлари билан аясининг кўз ёшларини артиб деди:

- Йилама ая, йилама!

Мадаминбек юрагидан тиқилиб келган фарёдни боса олмай кўчага отилиб чиқди, кўзларидан ёш тирқиради.

Назар раиснинг тошбағирлиги, қилғилиги сабаб онасининг кўзига хаёт коронғу бўлганча лабларини буриб йиғлагани, дадасининг ҳушидан кетгани ҳеч кўз ўнгидан кетмади, кетмади.

Мелиқўзи ҳол сўрагани келди, докторга секин деди:

-Кўп ўзингизга олманг, Раиснинг шунаقا одати бор. Кўл остидаги зарур одамларини шундай қилиб ТИЛИНИ ҚИСИБ ОЛАДИ! Ҳаммамизнинг ҳам нозик бир томонимиздан ушлайди, кимга нима совға берса, албатта шу буюмнинг бир четига

“НАЗАР РАИСДАН”

деб яширин ёздириб қўяди. Бу далилни ҳаддингиздан ошмасангиз ишга солмайди. Шунаقا қилиб баъзи тафтишчиларнинг ҳам тентагини чиқариб юборган. Ҳайдар деган бир тафтишчи Назар раисга ҳеч тинчлик бермади. У раисдан оладиганини олса ҳам тўймади. Раис прокурорга ёзиб берди. Прокурор текширитирганда Ҳайдар тафтишчининг хотинига берилган “Лама” пальтонинг ёқасидан

“НАЗАР РАИСДАН”, деган ёзув чиқди.

Тафтишчи қамалиб кетди. Ана шунаقا...

Доктор ўйланиб қолди.

- Кўйинг доктор, буларни ўйламанг! Пари опанинг борига шукр, сизни хаётга ўша қайтарди!
- Айтищи, раҳмат. Сал ўзимга келай, бориб унга миннатдорчилик билдираман.

**ТИЛ ҚИСИБ ОЛИШ МАДАМИНБЕККА ҚИММАТГА ТУШДИ. САРВИДАН АЙРИЛДИ. ЭХ, АГАР РАИС ШУ ТУҲМАТ - МАЛОМАТНИ БОШЛАМАГАНДА САРВИ ТУЗАЛИБ КЕТАРМИДИ?!**

Ахир Сарви тузалиб бораётган эди, эсси!

Мадаминбекни энди Оқбулоқда ушлаб қоладиган илинжи факат касалхона эди. У шу шифохонага бор меҳри, илми, умидини тиккан эди.

Раис Сарви қазо қилгандан бери менга ўзини жуда яқин оладиган бўлиб қолди, - деб ўйлади Мадаминбек. - Бунга касаллиги сабаб бўлса керак. Унинг буйраги касал. У тез-тез буйрак, жигари, ўтини аппаратда текширитиради. Қон босими ўн етти яшар йигитнидик. Мушаклари таранг. Факат ўпкасида озгина хириллаш бор. У шундан қўрқади. Тинмай мендан маслаҳат сўрайди. Аммо, Мелиқўзини айтишича, тавсия қилган дориларимдан бирортасини ҳам истеъмол қилмас эмиш. Факат Пари деган табиб берган аллақандай дамламаларни ичар эмиш. Раисни докторлар: “Ўпка саратонига чалиндинг, умринг қисқа қолди”, деганда, Пари уни даволаганмиш. Сўнг раис шундай тоғ биқинидаги Кўктолдан Парига боғроғли уй сотиб олиб кўчириб келибди. Опа шу уйда ёлғиз яшаб баҳордан бошлаб ўт йиғиб одамларни даволармиш. Зўр табибиши, мени ҳам у сақлаб қолган! Миннатдорчилик билдиргани бир неча марта бордим. Лекин уни тополмадим. Гиёҳ йиққани тоққа кетган экан. У Назокат билан келиб Сарвини кўргач: “Унга билинтирмай таъсир қиладиган заҳар берилган, энди уни асраб қолишнинг имкони йўқ!” деган экан.

Раис истаса одамни ўзига яқинлаштиради, истамаса узоқлаштиради, бунга одамлар кўниши керак деб ўйлайди. У жуда худбин. Ҳеч кимни назар-писанд қилмайди. Мелиқўзининг айтишича, республиканинг биринчи котиби Улуғ Носир унга иккинчи марта қаҳрамонлик берилишига қарши бўлгандан кейин Московдаги иккинчи котибни қўлга олган. Унинг ёрдамида албатта иккинчи бор қаҳрамон бўламан, дермиш. Республика биринчиси Московнинг иккинчисининг бир оғиз ҳам гапини икки қилмаслигини яхши билади. Маркандда республика прокурори, ҳарбий округ бошлиғи билан ака-ука. Ҳеч кимдан қўрқмайди, факат Пари опадан ҳайиқармиш, нима деса айтганини бажо айлармиш. Опа башоратчи ҳам эмиш, бўладиган воқеаларни Назар раисга илгаридан айтиб берармиш. Шу опа билан албатта учрашишим керак. Ундан касалхонада фойдалансак нима қилибди?! Докторлардан шифо топмаганлар Кўктолга боришади. Бу бизнинг касалхонамиз обрўйига ҳам путур етказади. Чиндан ҳам шунча зўр табиб бўлса шифохонага олиб келишимиз керак. Лоақал белгиланган кунларда бу ерда қабул қилсин. Неча марта борсам ҳам тополмадим, Бу сафар унинг келишини пойлаб ўтираман.

У туш кўрди: бир оққуш чорпояга қўнибдию унинг қанотлари қўлга айланиб Таваккални қучоқлаб устига миндириб олибди; яна қўллари қанотга айланиб осмону фалакка парвоз қилибди. Мадаминбек ўғлини ушлаб қолмоқчи бўлармишу қўл-оёғи тошдек қотиб қолганидан қимиirlата олмасмиш. Оққуш унга бошини буриб қарабди. Мадаминбекнинг юраги жизиллаб эзилибди. Оққушнинг боши одамбош экан. Бу ўша соҳибжамол Латофатнинг бошимиш. У Мадаминбекка маъноли бир қарабдию ўғлини осмону фалакка кўтариб парвоз қилганча кўздан йўқолибди...

Мадаминбек чўчиб уйғондию ёнига қаради. Таваккал чалқанча ётганча ширин пишиллаб ухларди. Тонг ёришибди. У аниқ-тиник кўрган туши хақида ўйлаб қолди.

Наҳотки, Латофатнинг қадрига етмай ношудлик қилганим учун Аллоҳ мени жазолаётган бўлса? –деди ўзига ўзи.- Латофат қаерда экан? Нега у дараксиз кетди? Мен ўзим-чи? Мен уни изладимми? Акалари тихирлик қилган бўйи уни изламадим. Мен шунаقا ношудманми? Сарви ҳам мен учун қурбон бўлди, у ялинган эди-я “ Мени бош ҳамшира қилманг!” деб. Собиқ бош ҳамшира Сарвига заҳар бергани ростга ўхшайди, таъзияга келганда кўзимга тик қаролмади. У абраҳминг қўлидан ҳар нарса келади!

Чорпоядан тушиб юз-қўлини ювди. Рисолат опа ошхонада нонушта тайёрлаётган эди.

Онам бечора ҳам бизни, деб қариганда қийналяпти, у ёқда отам... - деб ўйлади доктор. – Сарвидан ажралганимга ҳам икки ой бўлди. Токай онам бизнинг кирларимиз ювиб овқатимизни тайёрлайди! Нима қилиш керак?

Ўйланиш Сарвининг руҳига хиёнатдек туюлади. Ишхонада ҳам, қариндош-уруғ, дўст орасида ҳам кимдир ўтириб қолган қизни, яна бири эридан ажраганини, бошқалари бошқасини топишни бошлаб юборишган, бир-иккиси ўзига ҳам айтди; лекин улар Мадаминбек ҳали уйланиш ниятим йўқ, дегач индамай қолаверишиди.

Мадаминбек эрталабки “Беш дақиқалик” йифинни тезгина ўтказди-да, беморларни кўриб чиққач, машинани ўзи ҳайдаб Кўқтолга йўл олди.

Ишқилиб табиб яна аллақаёққа кетиб қолмасин-да, - деб ўйлади йўлда кета туриб.- Бугун уни топа олсан яхши бўларди.

... у дарвозани очган жувонга қараб тахтадек қотиб қолди, сўнг бирдан:  
- Латофат! – деб юборди.

Оппоқ кўйлак кийиб оппоқ ҳижоб ўраган қошлари қийғос жувон бу номни эшитиб парво ҳам қилмади.

-Латофат! –деб такрорлади доктор жувонга қараб юриб.

У жувоннинг орқасидан тап тортмай дарвозахонага кирди. Жувон тисланиб борарди, кўзини доктордан узмасди.

- Доктор мени кимгадир ўхшатиб юбордингиз, шекилли, - деди Пари дўриллоқ овозда. – Доктор, адашяпсиз.

-Латофат! Ахир мен қандай адаштиришим мумкин?! Гарчи овозингизни ўзгартиromoқчи бўлсангиз ҳам!

-Қанақа Латофат? Менинг исмим қирқ йилдан бери Пари!

- Нахот...

- Мени қўплар бошқаларга ўхшатишиади.

- Йўқ сиз Латофатсиз! Ўзингизни ҳам, мени ҳам алдаманг!

- Латофат?!

- Латофат бўласизми, ёким Парими, энди менга барбир! Энди сизни бой берадиган аҳмоқ йўқ!

Пари орқага чекинмай тўхтаб қолди. Кўзидан шашқатор ёшлар оқиб кўксига тома бошлади.

- Доктор...

- Ҳа!

- Нималар деяпсиз?

- Ҳа, энди...

Парининг кўзларида ёш қалқиди:

- Бу шижаотингиз Латофат Латофат бўлганида қаерда эди?

- Кўр эдим!

- Кўзингиз кўр экан, ақлингиз-чи!

- Ақлим ҳам кўр, ҳам ғурӯр эди!

- Бўлмаса энди Парини қийнаманг!

- Йўқ, ўлсам ўламанки, энди сиздан ажралмайман!

- Бир жонон жувоннинг умрига зомин бўлибми?

- На қилай тақдирдан зўр келолмадим!

- Тақдирни баҳона қилмайлик! Бечорани ўз ҳолига қўймай бош ҳамшира қилдингиз.

- Минг пушаймонман. Кўпчилик қўймади.

- Мени рўҳан, уни жисман ўлдирдингиз!

- Мени кечиринг!

- Кечириб кечмас онларни қайтариб бўладими?

- Мен ношудни кечиринг! Кечиринг...

Бир маҳал Пари кўзида ёш қайнаганча докторга дадил тикилди:

- Ношуд сиз эмас, балки мен баҳти қароман!

- Йўқ, сизда айб йўқ! Ўз севгиси йўлида кураша олмаган, бемаъни аҳди деб севганидан ажраган мен ландавурман!

-Ўзингизни қораламанг, Сизга раҳмат, қизингизнинг отини Латофат қўйибсиз. Демак, мени эсдан чиқармабсиз.

- Қандай сизни эсдан чиқарай? Менинг ношудлигим сабаб сарсон-саргардон бўлган паризодни қандай унутай?

- Мен ҳам ғурурга берилиб ўзимга азобни сотиб олдим. Севган йигитим олдида ғуруримни бўка олмадим. Мухаббатимни изланган йўлимга қурбон қилдим. Ўз имконимга катта тош қўйиб валий, авлиё, кароматгуй бўламан, дедим. Тибетга Аллоҳ қарамини излаб бордим. Не бир азоблар чекдим. Аммо Аллоҳдан берилемаса, бандасининг риёзати абас экан! Абас!! Аллоҳга яқин бориш ҳар кимга ҳам насиб этавермас. Қутлуғ Башарга эргашиб бутун Хитойни, Тибетни кездим, халқона даволаш усувларини изладим, ўргандим, дорисиз шифо – фақат ўсимлик балъзами, дамлама, талқонлари... Бутун

Хитойда кенг тарқалган Қутлуғ Башарнинг даволаш усулларини ўргандим. Нихоят, Қутлуғ Башардан ажралиш юрагимни эзсада, юртимга қайтдим. Ўз элимга, юртимга хизмат қилишга чоғландим. Аммо тиббиётда ўқиб диплом олмаган кимга керак. Бироқ табиб бўлсамда элга яраяпман-ку!

Тўғри кўп нарсани ўргандим. Аммо сизни йўқотдим!

- Сиз эмас, мен сизни ҳам, ўзимни ҳам йўқотдим, Пари!
- Латофат!
- Ҳа, Латофат!
- Энди сизни...

Мадаминбек бирдан Латофатнинг қўлини ушлади, жувоннинг кўзлари чараклаб очилиб ўзини орқага ташлади, йиқилиб кетишига сал қолди, аммо Мадаминбек уни ушлаб олди.

- Йўқ, йўқ! Менга тегманг! Қашқарда, Тибетда илм излаб сарсон кезганимда ҳам сизга фақат баҳт тилаганман!

- Иккинчи бор баҳтимни бой бермайман!
- Йўқ! Йўқ!! Наҳотки, мен баҳтимни бироннинг қабри устидан топсанм?!

- Нима бўлса ҳам энди мен сизни қўлдан чиқармайман!

- Йўқ, мен турмушга чиқмайман, деганман ўзимга... Ўшанда сиздан садо чиқмагач, уйдан кетиб қолдим.

- Мени кечиринг!

- Йўқ, айб ўзимда. Энди кеч! Яхиси сиз Назокатга уйланинг, у сизни жонидан ортиқ кўради. Шунча гапдан кейин деб ўйламанг, у Назарга сотилмаган.

- Менга сиз кераксиз, бошқа ҳеч ким!

- Сиз истасангиз, Назокат бугуноқ эридан ажрашади!

- Йўқ! Менга фақат сиз кераксиз, сиз!

- Доктор мени кечиринг, қулингиз бўлай лекин...

У ўзини Мадаминбек оёғи остига ташлади...

Доктор уни қўтариб маҳкам бағрига босдию юз-кўзларидан ўпа бошлади...

-Аллоҳимнинг ёзиғи учун Назардан қасос оламан деб хато ўйляпсиз, - деди Латофат уйга кириб хонтахта атрофида ўтиришгач. -Назар – бор-йўғи турмушнинг ўтмас болтаси. У одамларга қаттиққўллик билан яхшилик қиласи. АВОМНИ БОШҚАРИШНИНГ ЭНГ ТЎҒРИ ЙўЛИ, ОСОН ЙўЛИ ШУ ДЕБ БИЛАДИ. АВОМНИНГ БОШИДА БОЛТА ЎЙНАТИБ ТУРСАНГ, У ТЎҒРИ ЙўЛГА ОСОН БУРИЛАДИ, ДЕБ ХУЛОСА ҚИЛГАН. СИЗ У БИЛАН ҚАСДЛАШМАНГ, БАЛКИМ ДЎСТЛАШИНГ. У ЁЛФИЗ. КЕЛАЖАГИ ЭСА ФОЯТ АЯЧЛИ! АЯНЧЛИ!! АЯНЧЛИ!!!

КИМНИНГКИМ, ХОТИНДАН БИР БАХТИ ОЧИЛГАН ЭКАН, КЕЙИН ҲАМ УНИНГ ЁЗИҒИ ШУНДАЙ БЎЛҒАЙ. КИМНИНГКИМ, БАХТИ ОЧИЛМАЙ САРСОН Бўлса, УНИНГ ЁЗИҒИ ШУНДАЙ ҚОЛГАЙ!

Мадаминбек титраб. қалтираб кетди, Парига тикилди, унинг ҳамон юмуқ кўзларидан яна шашқатор ёшлилар оқиб кўксига томарди.

...

Орадан бир ой ўтди. Мадаминбек билан Латофатнинг тўйига Назар бош-қош бўлди. Тўйдан олдин Латофат бир шарт қўйди:  
“РАИС БИЛАН ҚАСДЛАШМАЙСИЗ, ҚАЙТАГА ДЎСТЛАШАСИЗ!”

Мадаминбек ўйланиб, қолди: “ ичимдагини Латофат сезган, шекилли!”  
Латофат касалхонада ишлаб bemорларни хитойча усууллар билан даволай бошлади. Назокатни операция қилишди, у эри билан аҳил яшаб кетди. Латофат Таваккал билан Латофатга онасидан зиёд меҳр кўргазиб тарбиялади. Латофат Мадаминбекка бир ўғил, бир қиз туғиб берди. Укасининг исмини Жасур, синглисисининг исмини эса Сарви қўйишиди. Латофатнинг Таваккалнинг келажагидан умиди катта эди. У Таваккални эрка, ялқов, лоқайд бўлмаслиги, зийрак, интилувчан бўлиши учун курашди, бу ишни зуғум билан эмас, балки тоқат билан, ҳалимлик билан онасидан зиёд тутиб бажарди; бу она меҳрига зор бўлиб кўнгли уксис қолган Таваккалнинг яра кўнглига малҳамдек ёқди. Латофат Таваккалнинг алоҳида иқтидор эгаси эканлигини англаб етган эди. У ўзининг Тибетдан ўрганиб келган бор илми-амалини унга ўргатгиси келади, Мадаминбек ҳам қишлоқда қолиб кетиб тиббиётда ўзи ета олмаган чўққиларга ўғли етишишини орзу қиласи, аммо Таваккал отасининг кийимларидан мудом дори ҳиди келиб туришиданми, ёхуд докторлар онасини даволай олмаганиданми, тиббиётни ёқтирумайди, тарих ўқитувчиси – Мустофоқул аканинг тарихдан ҳикояларини жон қулоғи билан тинглайди, яrim тунгача тарихий – бадиий китобларни мароқ билан ўқиуди. Китоб қаҳрамонларидек бўлгиси келади. Бир куни ўзидан юқори синф болалари билан бир даврада сухбатлашиб қолганда у: “Тарих ўқитувчиси бўламан”, - деган эди, раиснинг ўғли - Босим унинг устидан кулди. Ўқитувчилик - аёлнинг иши, шуям касб бўлдию мана мен прокурор бўламан!” – деди бошмалдоғини кўкрагига нуқсанча гердайиб.

Таваккалнинг кўнгли ўксиди.

Босим раиснинг ёлғиз ўғли. Тантиқ. Ўзининг чет элники бўлган кийимларини кўз-кўз қилиб гердайиб юради. У ўртacha ўқиса ҳам яхши, аъло баҳо қўйиб беришади. Босим мактабдаям, кўча-кўйда ҳам ўзини шоҳзодадек тутади. Ҳозир ҳам Таваккални менсимай гапирди, орзусини масхара қилди. Бу масхара қилишининг бошқа сабаби ҳам бор эди. Дадаси туфайли мактабда ҳам, кўчада ҳам ким бўлмасин, Босим билан алоҳида иззат-икром кўрсатиб кўришишади, бу билан у фахрланиб юради, кейин эса бунга ўрганиб қолди; кейин Таваккал пайдо бўлиб қолдиу унга ана шундай эътибор берадиган бўлишди, Мадаминбек доктордан шифо топганлар Босим билан кўришмаса ҳам биринчи бўлиб Таваккал билан қўш қўллаб кўришишади; бу билан Босим ўзига кўрсатилаётган иззат-икромни тортиб олаётгандек туюлдию Таваккални ёмон кўриб қолди; бунинг устига Таваккал мактабда ёшлар сардори бўлиб ўқувчилар, ўқитувчилар орасида обрў-эътибор топиши ҳам Босимнинг обрўсига соя солаётган эди. Таваккал футболни ҳам яхши ўйнайди. Мусобақаларда ўзларидан юқори синф ўқувчилари дарвозасига боплаб гол уради. Аммо Босим қўполлик қилиб Таваккалга азоб беради. Буни кўриб турган ўқитувчилар ҳам Босимга бир

нимада дейишмайди. Шунинг учун Таваккал мудом ўзини эҳтиёт қилиб ўйнайди, аммо бир гал икки рақибини алдаб ўтган Таваккалнинг оёғига Босим шундай тепди-ки... Таваккал болдири қарсиллаганини эшишиб чинқириб йиқилди... У уч ой касалхона... Олти ой қўлтиқтаёда юриб ўқиш... Футбол билан абадий хайрлашиш...

Алҳол Таваккалнинг орзуси устидан кулиб масхара қилди, уни Босимнинг синфдошлари маъқуллади. Аммо орадан бир ой ўтиб Назар раис Таваккалнинг фикрини бутунлай ўзгартириб юборди...

Раис ҳар йили мактабни битирадиганларни ўз кабинетида қабул қиласди, ҳар бири билан қаерга ўқишига боришини суриштиради, ўзига маъқул келмаган ўқиши жойларидан қайтаради, баъзиларини ўқишига ёрдам ҳам беради (у асосан йигитлар билан гаплашади, қизлардан эса қаерга ўқишига боришини шунчаки суриштириб қўяди), ўқишини битиргандан сўнг қанотига олади; аммо энди бу йигит унинг айтганини қилт этмай бажариши шарт, агар бўйин товласа уни осонлик билан йўлидан супириб ташлайди

Бу гал ҳам битиравчиларни кабинетига таклиф қилди. У ерда мактаб директори Нишонали, ўқитувчи, ўқувчилардан ташқари бир неча киши бор эди. Таваккал улар орасида Мелиқўзини таниди; у Назар раиснинг ўнг томонида – учта телефон аппарати турган мизча ёнида ўтирибди. Раис ўқувчиларни саволга тута бошлади.

- Сен Соли гулчининг ўғлимисан? Қани ким бўлмоқчисан, гапир? – деди раис дўлвор йигитга қараб. – Ё дадангга ўхшаб аспирантурани ташлаб гулчи бўласанми?

-Ха, отим Абдужаббор. Агроном бўламан,- деди йигит ўрнидан дадил туриб.

-Во! – деди раис хурсанд бўлиб. – Как раз бизга ёш агроном керак. Партияни, айт, мени қишлоқ хўжалиги институти ректори билан улашсин!

Мелиқўзи миз устидаги тўғридан тўғри уланадиган телефон гўшагини кўтарди, раиснинг гапини тақорлади. Раис эса иккинчи ўқувчига юзланди:  
-Сен кимнинг ўғли эдинг?

-Аскарали муаллимнинг ўғли – Мухсинман.

- Дуруст (шу маҳал Мелиқўзи раисга гўшакни узатди). Алло,

Эркин Самад ўғли! Ваалайкум ассалом. Сиз билан фақат пахта вақти кўришамизми? Бундай келинни олиб келиб дам олиб кетмайсизми? Ҳа-ҳа... Арслонни кўриш сизга бепул, ҳа-ҳа... Мен ҳам шу жоноворни ёқтираман. Одамбошли арслон?! Ким чизган?! Албатта, мен чизмаганман! “Капитал”ни ҳам мен ёзмаганман, ҳа-ҳа... Алишер Навоийми? Ҳа, Навоийни биламан. Шунинг учун ҳам шеър ёзганман-да ( Назар раис шер ҳақида нима чиқса қирқиб олиб йигиб қўяди, қайси бир журналда чиққан Саъдулла Аҳмаднинг бу шеърини ёдлаб олиб, ҳазиллашиб ўзим ёзганман, деб айтиб юради)

- Одам боши ёрат тошни!..  
Чидам сақла, майли, шер,

Шунга сени одамбошли,  
Қилиб чизган Алишер!

деб! Ҳа-ҳа! Шоирман-да! Қойилмисиз! Келинг, расмини нима қиласиз, шернинг тиригини кўрсатаман! Бўпти, шанба қуни кутаман.

Эркин ака, бизда бир йигитча инженерликка ўқимоқчи, Абдужаббор Соли ўғли, дафтарингизга белгилаб қўйинг! Шу сизда ўқисин. Ҳа-ҳа... Брон қилиб қўясида, энди, ҳа-ҳа...

Раис гўшакни узатдию Мелиқўзига қараб кулганча ҳангомани бошлади.

- Ўтган йили обкомда сиёсий ўқиш бўйича бизни бир ой ўқитди, кейин имтиҳон олишди. Домлалар ўрис, биттагина ўзбеги бор.

- Мен ўрисча тушунаману гапира олмайман, ўзбекча гапирсан майлими, дедим. Ҳаммаси ўзбек домлага қараши.

- Сиз эшита қолинг, бизга таржима қилиб берасиз, - дейиши.

Тепакал профессор билан келишиб олгандим, у менга савол берди:

- Айтинг-чи, “Капитал”ни ким ёзган?

- Мен ёзмаганман, ўртоқ профессор! – дедим.

Домла менга қараб оғзи очилиб қолди, кулгидан ўзини зўрға тийиб ўтириди.

Кейин ўзини босиб яна сўради:

- Мабода Маркс ёзмаганмикан?

- Йўғ- ей, анави бизда Хидир чулоқ, деган бухгалтер бор, ҳамманинг устидан ёзиб юради, шу ёзган чиқар, - дедим.

- Яхши, яхши. Энглеснинг “Маймуннинг одамга айланниши...” деган китоби бор-а!

- Ҳа, бор.

- Ўқиганмисиз?

- Ҳа, ҳозир ҳам ўқиб тураман.

- Ҳа, дуруст. Маймун қандай қилиб одамга айланган экан?

- Қадимда маймунлар зоопаркларда эмас, балки ўрмонлардаги дарахтларда яшашган. Баъзан чақмоқ чаққанда ўрмонга ўт кетиб маймунман деганинг битигача ёниб кетган. Шунда омон қолган маймунлар бир ерга йиғилишиб маслаҳатлашишган, “А, бу оловнинг дастидан ўлар бўлсак ўлиб бўлдик-ку, келинглар, энди одамга айланниб ерда яшаймиз, ўрмонга ўт кетса, даштга, чўлга қочамиз, деб одамга айланишган.

- А ҳозирги маймунлар-чи? Нега улар одамга айланмаган?

Назар раис дўпписини кўтариб бошини қашлайди, сўнг яна жавоб бера бошлайди:

- Одамга айланган маймунлар қараса бир қун ун йўқ, бир қун қорни тўйса, ўн қун оч юради, бирор бир бурда нон берай, демайди. Жанда кийимларда дилдираб юради, уйи хароб, газ йўқ, свет йўқ. Кейин маймунлар: “Эй, бу одам бўлиб яшаш ҳам қийин экан!”, деб шартта яна маймунга айланниб кетишган.

Унинг гапларини тинглаб ўтирганлар ўзларини кулгидан тия олмай қаҳ-қаҳа отишди. Ўрис домлалардан бири ўзбек домлага қараб:

- Нега кулишяпти? – деб сўрайди.

- А, бу маймуннинг мимикасини кўрсатяпти, дейди.

Назар раис шундай қилиб имтиҳон топширади.

Ҳангомани эшитиб ўқувчилар ҳам кулиб юборишиди. Назар раис хандон отиб кулишдан тўхтаб Мұҳсинга қаради:

-Хўш! Сен-чи?

-Мен учувчи бўламан.

- Оҳо зўрсан-у! Тўғри, токай маллавой учувчиларга ялинамиз! Партком, Москов билан улашсин! Ўқиши битирсанг, ўзим сени ишга жойлайман.

Раис навбатдаги ўқувчи билан гаплашгунча Москва жавоб берди.

- Здраствуйтьте дорогой генерал лейтенат Иван Иванович! (раис кўкрагини кериб гўшакни олди, юзига қизиллик югорди, бироз тинглаб турди) Спасибо за узбекский шедрость?! Вэ чо, не стоит поблагодорить.

Дорогой Иван Иванович! У меня один парень хочет стать лётчиком. Да, да... Я не знаю... Да. да... Эта вам известно... Ха-ха... Москва слёзами не верит! Ха-ха... Перед праздником буду у вас! Ха-ха... Привет Тамарочке! (раиснинг юзида тамкин табассум гўшакни қўйди).

Ана, сенга! Энди учувчи бўласан! Бадан тарбияга зўр бер, ўрисчани яхши ўрган!

Ҳамма Мұҳсинга ҳавас билан қаради.

... навбат Таваккалга келганда раис унга алоҳида меҳр билан боқди (Таваккалга нисбатан унинг бир мўлжали бор эди, Пари опасига, Мадаминбекка: “ Шу ўғлингизга қизимни бераман! ” дерди, улар мен қизимни берсам жон, деб кўнишади, деган хаёлда эди, бу гапдан икки ёш ҳам хабардор, шу сабаб Зебинисо Таваккалга ўзининг қайлиғидек қарайди, Зебинисо оқ-сариқдан келган, ўрта бўй, фозбўйин, истараси иссик, эрка қиз, Таваккалдан бир синф пастда ўқийди. Таваккал ўртадан юқори бўйли, яғриндор, бироз чўзиқ юзли, қаламкош, қора кўзли, ҳар қандай қиз ҳавас билан қарайдиган бир йигит бўлиб етишган эди. Қарашлари ўта жиддий бўлганидан ўртоқлари ҳам, қизлар ҳам у билан бироз ўйланиб-ийманиб, ботина олмай гаплашишади. Зебинисо эса Таваккални ҳалитдан ўзиники қилиб олгандек, бемалол очилиб-сочилиб ҳазиллашади, мактабда қайтишда “Музқаймоқ олиб беринг!” деб эркаланади).

Раис бирдан ҳалимлашди:

- Қани, сен гапир-чи, қуёв! (Таваккал дув қизарди, йигит қизлар бошқа пайти бўлганда гуриллаб қулган бўлишарди, аммо Назар раис олдида ҳеч ким овоз чиқара олмайди, шу сабаб бир-бирларига қараб им қоқишиди. Таваккални ёқтирадиган Рўзихон эса бўзариб юзини четга бурди) Ким бўлмоқчисан?

“Тарих ўқитувчиси бўламан”, деганда раиснинг ўғли кулгани ёдига тушиб бироз жим қолди, сўнг барибир кўнглидагини айтди:

- Тарихчи.

Раис кулди, унга қўшилиб Абдужаббор ҳам кулди. Абдужаббор Таваккални ёқтирмайди. Болалигига “Таваккалнинг боши кал, келгинди!” деб калака қилганида муштлашиб қолишган.

- Тарихчи?! Ўқитувчими?!
  - Таваккал бош иргади.
  - Ундан кўра ўқимай, бригадир бўлиб қолаверганинг минг марта яхши, куёв! Эй ўғлим, ўқитувчи ҳозир сон мингтта!
  - Ҳа-да. – деб гап сўқди Мелиқўзи. – Ўқитувчи ўзимиздаям кўп.
- Раис унга бир қараб қўйди...

Буюк шахслар тарихи...

Шахсларнинг буюк ишлари ҳақида ўқиганда, ўшаларга ўхшаш истаги юрагида милтиллаб-милтиллаб қўярди. Шунда у қайга бўлса ҳам раҳбар бўлиб оламшумул ишлар қилгиси келади. Аммо раҳбарликнинг ўқиши йўқ! У аввал синфида синфком. Кейин мактабда ёшлар етакчиси. Ёшларнинг турли тадбирлари, анжуманлари ўтказишга бош бўлиб тумандаги ёшлар кумитаси раҳбарлари эътиборига тушди, қумита аъзолигига сайланди, ёшларнинг Маркандини, бошқа вилоятлардаги анжуманларига вакил бўлиб қатнашди. Унинг ёшлар билан ишлаши Маркандини катта анжуманда мақталди...

У мактабда ўзини худди ўқитувчикидек тутади, шунинг учун ўқувчилар ҳам унга тенгдошларига қараганда ҳурмат билан қарашибади, у оғзидан чиқадиган ҳар бир сўзга аҳамият беради, ҳаммага яхши гапиради, дўстларини уришиш-муштлашишларга эмас, балки яхшиликка бошлайди. Шунинг учун бўлса керак, мактабда ўқувчи ёшлар бригадаси ташкил қилинадиган бўлганда қўпчилик Таваккални бир овоздан бригадирликка сайлашди. Ўқувчи ёшлар бригадасига ажриқ босиб ётган ташландик ўттиз гектар ер берилганди. Таваккал ерни ҳайдаттириб, ажриқларни битталаб тердириб бўлмагунча мактаб директори Амир акага ҳам тинчлик бермади, устма-уст шанбаликлар ўтказиб ўқувчилар ёрдамида ер обдан тозаланди. Бироз кечикиб бўлсада, Тошмат отанинг – Назар раис қўйган дехқон маслаҳатчининг тавсияси билан айни оқ олма гуллагандан экилган чигит бир текис униб чиқди, қатқалоқ бўлмасиданоқ трактор билан чопиқ қилиб улгуришди, тезда ягона қилишди. Аммо энг катта муаммо сув эди. Ўзбекнинг “Отанг мироб бўлгунча, еринг қулоқ бошида бўлсин!”, деган гапи бор. Ер қулоқнинг охирида эди. Таваккал ўртоқлари билан икки от миниб сувни ҳар қанча ёқалашмасин, ғўзаларни суғориш мушкул бўлмоқда. “Агар бир ҳафта ичиде сув ичмаса, ғўза қизил пойча бўлиб қолади, кейин ўсмайди, жуда кам ҳосил беради, деди куйиниб. Пастки ерлардагилар ёқалашгудек бўлишади, сув беришмайди. Таваккал ниҳоят Назар раиснинг олдига кирди, дардини айтди.

Назар раис Таваккалнинг гапига эътибор бермагандек бир ҳолда тикилиб қолди, сўнг мазах қилди:

- Эҳа, нақ хабаш бўлиб кетибсану! Жа, дехқончиликка қизиқиб қолдингми?

Таваккал унга ҳайрон бўлиб қаради:

- Қизиқмаслигим керакмиди?
- Қорайиб кетганингга айтяпман-да!
- Ёшлар бригадаси шунчаки ўйин учун ташкил қилингандими?

- Оҳо, зўрсану куёв! Дадангга ўхшаб жуда закунчимисан, дейман.
- Ғўзалар қуриб қоляпти.
- Парво қилма, ғўза сенсиз ҳам бўлаверади.
- Ахир...

- Менга қара қуёв, аҳмоқ одам кетмон чопади. Сен ўқи! Агар мен ўқиган бўлганимда ўзим билардим. Бутун дунёга ўт қўярдим! Шундай замон-ки, ҳожатхонага фаррош бўламан, десанг ҳам диплом сўрашади. Катта бўламан, деган аҳмоқлар невараси тенги болалар билан институтларга кириб сиртдан ўқиб юришибди. Менинг бор-йўғи техникумни битирганим хусусида дипломим бор. Маълумотим олий бўлганда ўзим билардим. Шунақа куёв, сен ўқи!

Назар раис Таваккалнинг сув ҳақидаги илтимоси хусусида бир оғиз гапирмади, “Сендан бошқа дардим йўқми?”, дегандек қаради.

Таваккал ҳафсаласи пир бўлиб чиқди.

Энди нима қилсам экан? – деб ўйлади. – Ё ҳаммасини йиғишириб кетсаммикан? Унда уdda қила олмади, деган гапга қоламан. Тошмат амакининг олдига борай-чи!

У от жиловини ариқ бўйидаги йўлга бурди. Далага энди етиб борган ҳам эди, орқасидан Назар раиснинг, партком Мелиқўзининг машинаси келиб тўхтади.

Назар раис Таваккалга бир қараб қўйдию дала оралаб кетди, тўхтабтўхтаб чап чўлинни соябон қилганча атрофга назар ташлади, сўнг орқасидан эргашиб келган Таваккалга, Мелиқўзига жилмайганча бокди.

- Сенлар шунчаки ўйнаб юрибсанлар-да, десам балосанлар-ку, куёв!

Таваккал индамади – ерга боқди.

- Менга қара, партком! Ариққа сиққанча сув ҳайдайсан. Биринчи сувни ичиб бўлгунча сен куёвга сувчилик қиласан.

- Хўп бўлади, ўзи бу бригада ҳақида обкомга маълумот беришимиз керак.

Назар раис яна атрофга қараб-қараб машинасига қараб юрди.

Ўша йили ўқувчи ёшлар бригадаси қирқ беш центнердан ҳосил олиб оғизга тушди. Таваккалга “Москвич” машинаси мукофотга беришди...

- Ҳеч бўлмаса ирригацияга кир! Менда ишлайсан, зўр ишласанг, ўзим қўллайман. Мана ҳозир туман ёшлар қумитаси аъзосисан-ку! Бригадир бўлиб бопладинг! Кўлингдан иш келади, биламан Дипломинг бўлса, қўтарилиб райком, обком котиби, ундан катта бўласан. Ўқитувчи бўлиб журнал қўлтиқлаб юрасанми? Ўқитувчидан илгари қўтарилиб катта бўларди. Ҳозир катталар агрономдан, инженер, ё иқтисодчидан чиқади.

- Қани куёв сен, ҳой аграном сен, ҳой учувчи сен ( Назар раис ўзи танлаб олган йигитларга қаради) мен билан юрасанлар! Колганларга жавоб, қайсинг ўқишга ўтишга қийналсанг, менга келасан, ўзим гаплашиб ўтказиб қўяман!

Раис ташқаридан кутиб турган икки машинадан бири – яшил “Нева”нинг орқа ўриндиғига йигитларни ўтказди. ўзи олдинги ўриндиқка ўтириб аллақачон машинани ўт олдириб турган ҳайдовчига:

- Ўзим, – деди.

Ҳайдовчи қуллуқ қилиб четга чиқди.

“Нева” довонга чиқиш йўлиниңг четидаги ҳарсанглар устига қўйилган узоқларга боқканча ётган ёлдор арслон ҳайкали ёнига тўхтади.

- Бу нима? – деб сўради Назар раис машинадан ўтирганча орқа ўриндиқда ўтирган йигитларга қараб.

- Арслон, - деб жавоб берди Таваккал.

- Жуда тўғри, арслон, - деди раис Таваккалга бурилиб кўз қири билан назар ташлаб. - Арслон – ҳайвонларнинг подшоҳи! У бойлик тимсоли. Бу бизнинг рамзимиз.

Бу ердан атрофдаги чўққиларида оппоқ қор ялтираган, бағри кўм-кўк дарахтларга бурканган тоғлар, довондаги йўлдан қатнаётган қатор-қатор машиналар шундай чиройли кўринарди-ки ...

- Бундан ўттиз йил илгари қарасам бу тоғлар хароб бўляпти.

Текин яйлов. Қўшни вилоятлардан ҳам ҳисобсиз қўй, мол, от ҳайдаб келиб боқишиди. Ям-яшил ўрмон қуриб битяпти. Шартта республика каттасига кириб, аҳволни айтиб эллик минг гектар тоғ, тоғ этагини эгаллаб олдим.

Хо, тепада баъзан учиб қўнаётган қушларга қаранг, улар тустовуқлар! Чўққилар этагида кўринаётган оқ нарсаларга боқинг, улар майин жунли эчкилар! Чўққилардан пастдаги дарахтлар – бодомлар ундан қуида гуллаб ётган ўсимликлар нўхатлар! Пастдаги асалари қутиларига боқинг. Бир журналист бу ҳақда “Назар раиснинг қаватлари” деб иттифоқ журналида мақола ёзган. Бундан қанча даромад олсак барини, ҳов чўлдаги уйларга қаранг, шу ерларни ўзлаштиришга сарфлаймиз. Республикадан бир тийин олмай минг гектар ер ўзлаштиридик, ҳали яна давом этамиз. Ўша ерда сенларга ўхшаш ёш мутахассилар жуда кўп керак, жуда...

Таваккал Назар раиснинг бу ишлари ҳақида узук - юлуқ эшиштан, алҳол ишбилармонлигига қойил қолиб унинг гапини дикқат билан тингламоқда. Мелиқўзи раиснинг гапини маъқуллаб турибди.

- Ҳов анави тепаликка қара, - деди Назар раис Таваккалнинг қўлидан ушлаб пастликдаги ям-яшил дарахтлар билан қопланган кенггина майдонни кўрсатиб. – Бир куни пойтахтдан тўрут суғориш инженери таклиф қилдим. Уларга қайта-қайта тушунтиридим. Сунбулсойдан табиий йўл билан шу тепага сув чиқариш лойиҳасини тузинг, деб. Бир ой майшат қилиб ётиб чизишиди. Қарасам ўнта насос билан сув кўтариш лойиҳасини чизишибди. Ғазабим қайнаб кетди. Лойиҳасини йиртиб отдим. Еб-ичган харажатини ҳам ундириб ҳайдаб юбордим. Кейин Мелиқўзига белкуракни ол, дедим, сойнинг бошланишидан юриб айтган жойимдан белкурак билан белгилаб кетаверди, шу белги бўйича ғулба ётқиздик, сувни очдик. Тепаликдан сув фаввора бўлиб отилиб чиқди, кейин фаввора ҳам ишлатдим, болаларга лагер курдирдим, икки юз гектар боф, экинзор барпо қилдик.

Шунақа болалар, фақат ўқиган билан иш битмайди, уқиш ҳам керак! Хўш, болалар сизлар Мелиқўзининг машинасига ўтинглар, Мелиқўзи сен буларга янги ерларни кўрсат! Таваккал, сен эса қол!

Орқадан парткомнинг машинаси етиб елганди.

Йигитлар тезгина тушиб Мелиқўзи машинасига ўтиришди. Машиналар пастга эниб чапга бурилди. Бодомзорлар орасидан ўтиб, икки томони сим тўрлар билан ўралган йўлга тушишлари билан Таваккал ҳайратга тушди. Назар раис эса пинагини бузмай викор билан ўтиради.

Тўр тўсиқнинг шундай ёнида олдинги оёқларини чўзиб ёлли бошини мағрур кўтариб арслон ётарди. У машиналарга бўйини бурмай ҳам кўз кири билангина назар ташлади.

-Бу қанақа шер? – деди Назар раис Таваккалга қараб.

-Шерларнинг эркагида ёли бўлади, - деб жавоб берди Таваккал.

-Баракалла куёв! – деб раис Таваккалнинг елкасига шундай урди-ки...

Таваккал майишиб кетди, елкаси ачишиб оғриди, лекин буни сездирмади.

Тепароқда яна учта ёлғиз арслон шу тахлитда ётарди, узокроқда тўртта кийик, ундан берида иккита наввос ўтлаб юрибди; ялангликда арслонлар ғажиган наввоснинг учи юқорига қараб қолган қовурғалари кўзга ташланади.

Таваккал тирик арслонни биринчи кўриши эди. Жониворларни шундай табиат қўйнида юриши одамга бошқача таъсир қиласди, ҳайвонот боғидагилар эса суънийга ўхшайди. Бу одамда ҳам қўрқинч, ҳам ҳайрат аралаш бир ҳис уйғотади.

-Яшасанг, шер бўлиб яша, йўқса яшамаганинг ҳам дуруст! – деди Назар раис машинани секинлатиб ўтаркан. – Кўрдингми, табиий ҳайвонот боғини! Иттифоқда йўқ бунақа боғ. Не бир катталар келиб кўриб оғзи очилиб қолади.

Таваккал машинадан тушиб яқинроқ бориб кўргиси келди, аммо Назар раис “Нева”ни тўхтатмади. Таваккал ҳуркиб юргурган кийикларга, бепарво наввосларга, бошларини хиёл буриб кўз ташлаётган арслонларга, ғажилган суяклар ёнида пайдо бўлган тасқараларга қарай-қарай узоклашди. “Тўхтанг, яқинроқдан томоша қиласайлик”, дейишга журъят этолмади.

“Нева” ялангликка чиқди, ялангликка туташган текис майдонда тўрт одам “Камаз”дан яшик, қоплардаги нималарнидир тушириб ҳарбий самолётга юклашаётган эди. “Нева”ни кўриши билан одамлар чаққонроқ ишлай бошлашди. “Нева” тўхташи билан новча, сўлоқ тишли, бақувват бир йигит келиб раис билан кўришди.

- Жобир бир ой самолёт сенинг ихтиёрингда бўлади, ҳамма катта шаҳарларга мева-чевадан тортиб, қоқлар ҳам етказиб берасан. Пулини ўзинг йифиб келасан! Аркадийга айт, илгаригисига қўшиб бунинг ҳам пулини бериб юборсин, менга зарур, - деди раис у одамга фармондорлик билан қараб. – Шундай қилса у билан яна ишлашаман, Йўқса тамом! Тайинлаб айт!

- Хўп бўлади, - деди Жобир қўлини кўксига кўйиб.

- Куёв, самолётда катаиса қилиб Иркутскга бориб келасанми? – деди раис Таваккалга мисқириб қараб.

- Йүг-ей, уйдагилар хавотирланишади, - деди самолётга ҳавас билан қараб ўтирган Таваккал.

У самолётта ҳеч чиқмаган, алхол учишга жон деб рози бўларди, аммо...

- Майли, кейинги сафар духтирдан ўзим жавоб олиб бераман, маза қилиб ўйнаб келасан! – деди раис машинани орқага буаркан. Қани эди, уни жобирларга қўшолсам, уларни назорат қиласидиган қулоққа айлантириб олардим.

#### 4

Таваккалнинг қарашлари ўзгариб кетди. Назар раисга ўхшаб ҳамма қуллуқ қиласидиган раис бўлсан-чи?! Назар раис жуда катта ишлар қилган. Аммо одамларда унга нисбатан нафрат туйғуси жўшган. Шунинг учун унга ҳавас қилишмайди. Унинг ишлари замирида қандайдир қонунсизлик, жинояткорона ҳаракат, зўравонлик, одамларнинг камситиш ётганини ҳис қилишади. Бўлмаса нега одамлар раисдан бунчалар қўрқишиади? Нега ҳеч ким унинг райини қайтара олмайди?

Раис мени ошкора куёв деб атай бошлади. Мен буни шунчаки ҳазил деб ўйлагандим, энди эса борган сари жиддийлашяпти. Менинг қиз бола кўнгли ўксимасин, ҳали-бери уйланмайман-ку, ўқишига кираману бу ердан кетаман, раиснинг ҳазилидан ҳам қутиламан, деб индамай юрганимни бошқача тушуняпти, чоғи. Наҳот шу тантиқ қизга уйлансан? Йўқ, йўқ, бунга кўнмайман! Дадамнинг илгари у билан муносабати ёмон эди. Энди эса у билан муроса қилиб ишляяпти. Ирригация институти ҳақидаги фикри маъқул. Ўша ерга ўқишига кираман. Ўз кучим билан ўтаман. Шунда унинг олдида тилим қисиқ бўлмайди. Бу хаёллар имтиҳонга киргунча қайта-қайта уни безовта қиласерди. Ниҳоят, физика имтиҳони. Агар шундан аъло олса, бошқа имтиҳонларни топширмай ўқишига ўтади. У саволларга жавоб бераётганда тепакал домла жавобига эътибор ҳам бермай қўлидаги аллақандай қофозга қайта-қайта қараб қўярди. Шу пайт баланд бўйли, буғдоранг юзи бироз чўзиқ, қирра бурун, кулранг костюми уни янада басавлат кўрсатадиган бир киши кириб келди. Ўқитувчилар ўринларидан иргиб туриб қуллуқ қилишди. У одам стулга ўтириб Таваккалнинг жавобини эшитди, ёруғлик тезлиги, ёруғликнинг тўлқинли табиатига доир бир неча саволлар берди, жавобдан қониққани юзидан билинди.

- Яхши, олтин медалинг, тузуккина билиминг бор экан, шундай катта одамларни нега овора қилиб юрибсан? – деди ўрнидан туриб.

- Мен ҳеч кимни овора қилганим йўқ.

- Шунақами ҳали? Жуда яхши! – дедио ўқитувчи олдидағи қоғозга “Отл.” деб ёзиб чиқиб кетди.

Таваккал биринчи имтихондан “Аъло” олиб ўқишигә ўтди.

Кейин билса у одам институт проректори, машхур файласуф Туйғун Шокир экан. Туйғун Шокир уни ўзига яқин олиб қолди. Бу ҳам Назар раиснинг илтимосига кўра бўлса керак деб ўйлади, аммо кейин билди-ки, Туйғун Шокирнинг ўзига меҳри самимий. У Назар раисни ёқтирумас экан. Республика Ёшлар қўмитасига Таваккалнинг номи яхши таниш эди. Ўқувчи – ёшлар бригадасида эришган ютуғи уни анчагина машхур қилиб қўйганди. Республика Ёшлар қўмитасининг тавсияси билан институт ёшлар қўмитасига раҳбарликка сайланди. У энди жамоат ишлари билан фаол шуғуллана бошлади, ёшлар, ўқитувчилар орасида обрў топди. У қай бир ёш бирор илтимос билан келса, уни ҳал қилмай қўймасди. Туйғун Шокир раҳбарлигида “Бошқарувнинг илмий- демократик асослари” мавзуида олиб борган изланиши билан мамлакат толиблари орасида бўлиб ўтган танловда биринчи ўринни эгаллади.

Аммо кутилмаган тухмат зарбаси...

Таваккал ёшлар хонасига кириб телефондан уйига сим қоқди, у ёқдан гўшакни укаси кўтарди, саломлашиб дадасини сўради; хонадаги ёшлар ўзаро нима ҳақдадир баҳслашаётган эдилар, уларнинг овози халақит бердими, ё аппарат носозими укаси гапини яхши эшитмади. Таваккал жаҳли чиқиб овозини баландлатди:

-Жасур, нима бало қар бўлиб қолдингми? Дадамни чақир деяпман!

-Болалар жим! Таваккал ака, биз тўполон қиляпмизу сиз уйдагиларни уришманг!

Ёқимли бир овоз шундай беозор, шундай мулоим бир оҳангда янгради-ки...

Хонага бирдан жимлик чўқди. Таваккал каррандаларча жаҳл отига миниб овозини қўтарганидан хижолат чекди; дадаси билан гапни қисқа қилиб, овоз келган томонга қаради – мулоим нигоҳидан ўт чақнаган қизни биринчи бор кўриб тургандек маҳлиё бўлиб қолди...

Икки босқич куйида ўқийдиган сохибжамол Лобар! Унинг қора қошлари бодом қовоқлари устида чиройли эгилиб учи нозик қулоқ супрасидаги милдираб турган ёкут кўзли зиракка ишора қилаётгандек; қайрилма мужгонлари жиякли, мардуми тим қора қуралай кўзларини кўз-кўз қиласди, бурни бежирим, ғунча янғлиқ дудоқлари кулгига чирой очганда кўзга ташланадиган дур тишлари ҳазрат Навоий таърифлагандек одамнинг сабр-тоқатини бебар қилиб одам бошига савдо солиб қўяди, кўнгилни кундай ёритади, тўлинойдек юзида ўз ҳуснига маҳлиёлик, кеккайиш ўрнига, латофатли бир ифода зоҳир. Таваккал илгари унга узоқдан кўзи тушган, сарвқоматига суқланиб қараган, аммо бугунгидек жуда яқиндан кўрмаган эди. Ёшларнинг янги йил тадбирига тайёргарлик баҳонасида уни яқиндан кўриб турибди. Проректор Туйғун Вали даврани Таваккал билан Лобар олиб боришини тавсия қилган эди. Таваккал Лобар мен билангина шундай муомалада бўлади, деб ўйлади, кейин билса ҳаммага бирдек. Шунда унинг

юрагида ажиб бир қизғаниш пайдо бўлди, бу эса унда янада чуқурроқ туйғуни илдиз оттирди. Лобарнинг факат ўзи билангина ана шундай муомалада бўлишини истади, унинг ҳусн-мaloҳати нуридан факат ўзигина баҳраманд бўлгиси келди. Аммо Лобар ҳамма учун бирдек лобар! Таваккал эса қиз билан сұхбат қуриш, кўришиш учун турли баҳоналар излайди. Ҳа, у ўзига тушуна олмай қолди. Бошига ўзи бошқара олмаётган бир савдо тушди.

У Назар раиснинг қизи Зебинисо ҳақида ўйлаганда эса кўнгли хира тортади. У қиз эса отасидек айтганини кесадиган хилидан. Таваккалга хат ёзиб, қишлоққа борганида учрашмай келганидан гина қилди. Таваккал ноилож унга жавоб қайтарди. Қишлоққа боргиси келмайди. Зебинисонинг тантиқликларини қўтара олмайди. Бу ёқда эса Лобар! Аммо ўқиши битирмагунча ҳеч кимни севмайман ҳам, севги ҳақида ўйламайман ҳам, деб онт ичган эди-ку! Наҳот онтини бузса?! Нега шундай аҳд-паймон қилгандимку, деб ўйламасдан Лобарга интиляпти? Зебинисодан қандай кутиламан? Индамай юрганига у қўярмикан? Нега шунча ўзини ўзи уdda қила олмай қолди! У ўзига ўзи: “Йўқ, мен аҳдимни бузмаслигим керак! Ҳали Лобарга ўхшаган қизлар менга кўп учрайди. Таваккал, ўзингни қўлга ол！”, дер эди-ю нимадир баҳона қилиб Лобарнинг олдига боргани билмай қолади! Ҳам соҳибжамол, ҳам ақл-фаросатли, хушёр, камтар, муомаланинг қойилмақом санъатини эгаллаган Лобарнинг ошиқлари уйланмаган ўқитувчилару барча толиблар орасида сон мингта. Минг биринчи бечора Таваккал ҳам эс-хушини йўқотмоқда, ахир бир йилдан кейин ўқиши битиради, у ёқда раис ҳаракатга тушиб қолиши мумкин. У аллақачон уннаштириб қўяйлик, деб уйдагиларни безовта қила бошлабди. Уйдагилар Таваккал рози бўлмагач ўқиши битсин, кейин кўрармиз, деб кутилишибди.

Таваккал таваккал қилишга қарор қилди - Лобар унинг дил изҳорини индамай эшитди, бошини қўйи солиб, қизарди. Сўнг Таваккалнинг қўлини секин ушлаб қўйдию югуриб кетиб қолди.

Таваккал масрур туйғулар оғушида туни билан ухломади. Эртаси куни ажиб бир ғолиб руҳда юрди, дарсдан кейин яна учрашдилар. Хиёбонда узок сайр қилишди. Лобар Таваккалнинг илмий иши, режалари ҳақида суриштириди. Ота-онаси ҳақида гапириб беришини сўради. уни Латофат онаси ҳақидаги гаплар қизиктириб қолди. Ўзи тупроқ кимёси бўйича тадқиқот олиб бормоқчи эканлигини айтди. Хиёбонда бирга юришганда, уларни ҳамқишлоғи Абдужаббор кўрди. У Лобарга қараб оғзи очилиб қолди.

Орадан бир ҳафта ўтиб Лобар ёшлар хонасига келди. Қовоқлар шишган, қўзлари қизарган. Таваккалнинг олдига - миз устига бир қоғозни ташладиу ҳеч нарса демай чиқиб кетди. Бу Зебининг хати эди! Таваккал югуриб орқасидан борди, аммо Лобарни топа олмади. Эртаси кундан бошлаб эса Лобар институтга келмай қўйди.

Уч кундан кейин маъруза бошланган ҳам эди-ки, икки милиционер аудиторияга кириб, олдинги ўринда ўтирган Таваккални қўлига кишан солиб судраб, олиб чиқиб кетишибди. Ҳамма ҳанг-манг бўлиб қолди.

...

- Шўринг бор, сен болани! Келиб-келиб Назар раиснинг қизи билан ўйнашасанми?

- Нима деяпсиз? Тушунмаяпман!

- Чакканга бир-икки туширсам тушуниб қоласан! Унга хат ёзганмидинг?

- Кимга?

- Ўзингни гўлликка солма! Кимга бўларди, раиснинг қизига – Зебига!

- Ҳа, ёзганман.

- Энди ўзингга келяпсан. Қани гапир!

... Таваккал Лобар ташлаб кетган қоғозни очиб ўқидио донг қотди:

“Лобар ...!”

Нега Таваккал акамга осилиб юрибсан? У менинг қайлиғим бўлади. Унаштирилганмиз. Яқинда тўй қиламиз. Сен қанжиқقا бошқаси қуриб қолганми? Агар ўзингни йиғиштириб олмасанг, институтга бориб шармандангни чиқариб келаман!

ЗЕБИНИСО “

ТАВАККАЛ ЗЕБИГА ХАТ ЁЗДИ:

“Зебинисо!

Мен отангизнинг гапини ҳазил, деб тушунганман.

Хатларингизга ёзган жавобларимнинг бариси дўстона, самими. Буни сиз тушунган бўлсангиз керак деб ўйлагандим. Уйдагиларга сизга уйланишга рози эмаслигимни айтганман, дадангизга тушунтиришган бўлишса керак. Мен бошқа бир қизни севаман. Насиб қилса биз турмуш қурамиз. Лобарни ҳақорат қилиб ёзган хатингизни ўқиб, жуда хафа бўлдим. Унга хат ёзиб кечирим сўрасангиз яхши бўларди. Илтимос, мени тўғри тушунинг! Сиздек кўҳлиқ қиз албатта ўз тенгини топади.

Сизга эҳтиром ила Таваккал “ ...”

Алҳол терговчи – Зоҳид шу хатни олдига қўйди.

- Шу сенинг хатингми?

- Ҳа, менинг хатим!

- Уни почтадан жўнатгансан, шундайми?

- Шундай.

- Бошқасини севиб қолиб ундан осонгина қутилмоқчи бўлгансан1

- Йўқ, мен унга ҳеч қачон ваъда бермаган!

- Ваъда бермагансан?! Аммо Маркандан бориб тоғ сайрига олиб чиққансан.

- Йўқ!

Зоҳид тишини қайради.

- Бирга чиққансан, сўнг булоқ бўйига олиб бориб Зебини зўрлагансан, сўнг ялиниб йиғлаб “Дадангга айтма, барибир сени оламан!” – дегансан.

- Йўқ, тухмат!

- Мана сенга тухмат!

Таваккал қулоқ-чаккасига тушган зарбдан курси билан ағанаб тушди.

- Бу ерга имзо чек! – деди Зоҳид лабидаги қонни кафтига артаётган Таваккалга қоғозни тўғрилаб.

- Сенинг бу хатингни ўқиб қиз дадасига хат ёзиб ўзини осган, аммо онаси сезиб қутқариб қолган. У чала жон. Экспертиза хулоса берди. Қизлик пардаси йиртилган. Уни сен йиртгансан! Сен деб бир қиз жонига қасд қилди!

- Тухмат! – деди Таваккал мажолсиз бошини чангллаб.

- Энди гап шу – ё унга уйланасан, ё қамаласан! Уйланаман, десанг, мажбурият оласан, жарима тўлаб чиқиб кетасан! Йўқса тўққиз йилга қамаласан!

Таваккал бошини чангллаганча ўтириб қолди.

- Гапир! – деди Зоҳид тутокиб.

- Ёқловчим билан маслаҳатлашай, кейин жавобини айтаман!

- Бунга ҳақинг бор. Ҳозироқ чақирамиз, - деди гўшак кўтариб ракам тераркан. – Ёқловчи кирсин!

Кўп ўтмай бошида бир тола ҳам сочи қолмаган, юзида ажинлар катланган кекса киши кирди.

- Марҳамат, ҳимоянгиздаги жиноятчи билан гаплашинг, беш минут, - деди ўзи стол устидаги делони титкилай бошлади.

- Таваккал, мен уйдагиларингиз билан гаплашдим, ўғлимиз қамалиб кетмасин, нима бўлсаям озодликка чиқсин, дейишяпти. Шартга қўнишдан бошқа илож йўқ, ёш умрингиз хазон бўлмасин, - деди ёқловчи Таваккалга яқин ўтириб. – Икки йилдан бери севишиб юрамиз. Ўзи рози бўлган дейсиз, тамом! Қиз билан ўзим гаплашаман. Қутиласиз, бу ерда бир соат ҳам ўтиргилик қилмасин.

- Менга қоғоз билан ручка беринг, илтимос.

Ёқловчи шошиб қоғоз билан ручка берди.

Таваккал дона-дона, катта-катта қилиб ёзди:

“ЛОБАР! МЕНГА ИШОНИНГ. БУ ГАПЛАР БАРИ ТЎХМАТ! ЭРТАМИ, КЕЧМИ, БАРИБИР МЕН ҲАҚ БЎЛИБ ЧИҚАМАН. УЗР МЕН СИЗНИ АНЧА ҚИЙНАБ ҚЎЙДИМ, ТОМИРИМДА БИР ТОМЧИ ҚОНИМ ҚОЛГУНИЧА СИЗНИ СЕВАМАН. ТАВАККАЛ.”

Ёқловчи бўшашиб, ҳайрон бўлиб Таваккалга қаради.

- Буни Лобарга етказсангиз, шартларингизни қабул қиласман, етказмасангиз, йўқ!

- Хўп, сиз ёшлар, шу севги, севги деб ўлиб қолгансиз, қиз танлайсиз. Бу аёлларнинг бари бир гўр!

- Ўртоқ терговчи. Икки кундан кейин сизга аниқ гапимизни айтамиз, биз келишдик, - деди ёқловчи қоғозни папкасига солиб. – Ҳар ҳолда сизнинг айтганингиз бўлади.

- Тезроқ! Иш муддати тугаяпти, йўқса судга ошириб юбораман, тамом! Бошқа ишим ҳам кўп! Анави домланинг илтимоси учун чидаяпман. Бўлмаса аллақачон...

Таваккал терговчига бир қараб қўйди...

Наҳотки, Зеби шундай тухмат билан тегиб олишни ният қилса? – деб ўйлади Таваккал. – Ёки дадаси... Ундан ҳар нарса қутса бўлади. Қизига уйланмайман, деганим унга оғир ботган. Энди у таниш-билишларини ишга солиб мени эзib ташламоқчи. Агар қўрқсаму Зебига уйланишга рози бўлсанм бир умр мунофиқ бўлиб яшашим керак. Лобар ҳам энди мени бир тийинга олмайди, кўрарга кўзи йўқ. Йўқса, лоақал бу қанақа хат деб суриштиради. Ахир, нима қилади бошини оғритиб? Унга уйланаман, деган сон мингта бўлса!

Эҳ Зеби, наҳотки, сен шундай пасткашликка борсанг?! Биламан, сенга ҳам етишмоқчи бўлғанлар қанча? Назар раис куёвини қандай сийлашини ҳамма яхши билади. Ўшалардан бирига тегмайсанми? Мен сенинг қўлингни ҳам ушлаганим йўқ-ку! Аммо нега қиз бола эмассан? Ё алданиб қолиб мени илинтириб олмоқчимисан? Зеби сен ҳам, даданг ҳам нотўғри йўл тутяпсан! Энди менинг келажагим тамом бўлди! Ўқишдан ҳайдашади. Қамалиб кетаман. Тажовузларинг билан сенга уйлангандан кўра қамоқда ўтирганим афзал! Бир кун чиқарман-ку! Шундай қолиб кетмас! Ё парвардигор!

Эртаси куни терговчи Зоҳид Таваккалнинг инкорларини эшитиб жинни бўлиб қолаёзди.

-Мискилингни онангга қиласан! - дедиу аламидан Таваккални дўппослаб кетди...

Зоҳид энг оғир жазони қўллаб қарор қабул қилдию прокурорга тасдиқлатиб олди.

...эрининг қадди букилиб қолганини кўриб Латофатнинг ичи ачисада унга тасалли берадиган бирор жўяли гап айта олмаганидан қийналар эди. Алҳол Мадаминбекнинг костюм, кўйлак, галстугуни ҳозирлаб, туфлисини ҳам мойлаб қўйди, чорпояга кўрпачалар тўшаб, дастурхон ёзиб нонушта ҳозирлаётганда ҳам бир кўзи эрида эди, унинг хаёлга ботганча ҳаммомга кириб ювиниб чиққанини сездирмай кузатади. Мадаминбек не бир танишларини ишга солди. Аммо улар ёрдам бера олишмади. Энди унинг ўзига ўзи: “Оҳ, ўғлим энди унинг панжасидан қутила олмайди! Қутила олмайди! Унинг қамоқда ҳам одамлари бор! Бор!!” деб ҳардамхаёллик билан такрорлашини эшитиб туради, яна эзилади, аммо унга мадад бера олмайди. Эрини эҳтиёт қилиш керак! Латофат бутун дикқатини унга қаратган, ахир у биринчи инфарктни ўтказган. Раисни юмшата олсаму бу ҳақда яхши хабарни унга айтсам. Зора у енгил тортса, деб Назарнинг хузурига борди. Аммо Назар ғазаб отидан тушмаган эди, шул сабаб Латофатнинг илтимосига зарра эътибор бермади – қайта яна ғазаби қайнади.

- Суягини қамоқда чиритаман! Сиз ўртага тушманг! Агар бир ифлос сизнинг қизингизнинг номусига тегса, сиз нима қилардингиз?! А?! (У кўзи косасидан чиқиб кетгудек бир ҳолда пишқириб нафас олганча Латофатнинг устига бостириб келди, гўё бу кирдикорга Латофат айбдордек! Латофат шу ҳолда унга ўзининг ҳеч қанақа илми амали ёрдам бермаслигини тушуниб етди, аммо бор кучи билан унга тикилди, Назар бирдан тисланди, ўнг қўлини мушт қилиб чап кафтига урди, тиш қайраб ўшқирди.) У қизимнинг эмас,

менинг шаънимга тегди. Мен унинг суягини қамоқда чиритаман! Тирик эканман, бир кун ҳам озодликда яшай олмайди, муддати тугагач, яна унга кўшиб беришади!

Латофат ноумид бўлиб орқасига қайтди. Буни сезган эри тамом тушкунликка тушиб қолди, мен учун ҳам ўғлимдан аламини оляпти, у тилимни қисадиган бир имкон излаб юрганди, деб эзилди. Ўғлига бир амаллаб чиқиб ол, кейин йўлини қиласиз, деганига ҳам кўнмаяпти. Қамоқда ўтириш азобидек азоб дунёда йўқ!

...

Орадан икки ой ўтди. Таваккал панжарали қафасда ғоят бир тушкун ҳолда ўтиради. Алҳол Латофат аяси унинг кўзига тик қараб:

- Бардам бўл! – дейиши ҳам унга кўнглини қўтариш учун айтилган бир гапдай туюлди. Камерада ўтиргандаги изтироблари... Унга олиб келишган овқатларини ҳам бердирмай қийнашлари... Отасининг бари ҳаракатлари бекор кетиши... Энди бу қафасдан мени тўғри қамоқقا жўнатишади, деб ўйлади, тақдирга тан бериш кераклиги сари ичидан бир нарса узилиб тушгандек бўлиб яшашнинг қизиги қолмади.

Ёқловчи ўзича хотиржам, Таваккал унга қараб ҳафсаласи пир бўлиди, деб ўйлади. Оқ шоҳи кўйлакда Зеби, қашқар билакузуғи, қўш узукларини кўз-кўз қилгандек димоқдорлик билан бир-бир юриб кириб келиши билан ҳамма ёқни қимматбаҳо атир хиди тутиб кетди. У панжара орасида ўтирган Таваккалга тамкин табассумла бокиб “Барибир мен айтганим бўлади!” дегандек бир ҳимралиб “Жабрланувчи” деб белгиланган курсига ўтириди. Залда Абдужаббор, яна бир неча нотаниш кишилар бор. Абдужаббор менинг томошамни кўргани келган, ёки анави нотаниш киши иккаласини Назар раис ёлғон гувоҳ қилиб ёллаган. Қораловчининг гердайиб ўтирганига қараганда ҳамма келишилган – ҳал бўлган, энди бу ерда номигагина иш кўрган бўлишади. Назар раис албатта суд раисини ҳам кўлга олган. - деб ўйлади Таваккал.

Тарафлар сўроқ-жавоби бошланди. Қораловчи, жабрланувчи, яна кимлардир гапирди. Ёқловчи аллақандай саволлар берди. Таваккалга барибир эди. У энди пешонамга ёзилгани шу экан, деб ўйлади. Бир маҳал суд раисининг овози хаёлини бўлди:

- Айбингизга иқрор бўласизми?

- Умрим қамоқда чириса ҳам иқрор бўлмайман! Тухмат!

У дадил туриб қораловчию жабрланувчининг бари даъволарини рад қилди, суд раисининг “Бу сизнинг жазонгизни янада оғирлаштиради!” деганига ҳам эътибор бермади.

Шу пайт худди тушдагидек бир воқеа рўй берди.

Ёқловчи раисга:

- Хурматли раис, бир гувоҳнинг сўзини эшитсангиз! У киши бугунгина Иркутскдан келди. – деди.

Раис рухсат бергач, Абдужабборнинг олдидағи арваққина киши ўрнидан турди, тоғбеки Ахрор Собир эканлигини айтиб қасам ичдию ғап бошлади.

- Шу йилнинг 26 май куни соат тўрт яримда от билан ҳудудни айланишга чиқсан эдим. Чунки, шу вақтда баъзан одамлар ўрмонга мол, кўйини боқиб, қочиб қолишга ҳаракат қилишади. Сунбулсойдаги булоқ бошидан ўтаётган эдим, қиз боланинг йифисини эшитдим. Отни ўша ёқка бурдим. Бир қиз бир йигитни: “Аблаҳ, нима қилиб қўйдинг! Энди нима деган қиз бўлдим! –юлиб - юлқиб уряпти. Яқин борсам Назар аканинг қизи! Йигитни маҳкам ушладим.

Таваккал: “Наҳотки, уни раис ёллаган бўлса, шу йигит деб мени кўрсатса!” деб ўйлаб юраги така-пука бўлди.

Тоғбеки эса “У мана бу йигит эди!!” деб Абдужабборни кўрсатганда қотиб қолди.

- Раиснинг одатини яхши биламан, ҳамма нарсани хатлаб ҳужжатлаштиради, мен ҳам йигитдан тилхат олдим: “ Шу куни шу ишни қилдим, Зебига ўзим уйланаман! “ деб. Мана тилхат, - деди тоғбеки бир варақ қоғозни раис олдига қўйди.

Алҳол Абдужаббор ўрнидан туриб йиғлаганча деди:

- Мен Зебинисони яхши кўраман, у эса Таваккал дегани деган. Шундай қилса у менга тегади дедим. Ўзиям аввал индамади! Кейин Таваккалга тўнкайсан, деб туриб олди...

Зеби ўрнидан ирғиб туриб йиғлаганча чиқиб кетаёган эди, миршаб уни жойига ўтқазиб қўйди.

Таваккал суд залидан озод этилди. Зеби йиғлаганча ўзини аясининг бағрига ташлади...

Таваккал дадаси, аяси, Латофат, Жасур билан қучоқлашиб кўришар экан, бир фикр хаёлига келди:

**“ҚАНИ ЭДИ, ЛОБАР ҲАМ ШУ ЕРДА БЎЛСАЮ МЕНИНГ АЙБСИЗЛИГИМНИ ЎЗИ ОНГЛАСА!”**

Минг тушунтирганимдан кўра ўзи билгани шу маъқул эди, - деб ўйлади. – Афсус, энди кеч! У кетди...

- Қизим, ишингиз чўзилиб кетдими, етиб келолмадингиз, аммо сизга минг раҳмат! Ҳаммаси сиз айтгандек бўлди! Ўғлим, мана яна бир ёқловчинг. Бари далил, гувоҳларни топган шу қизим!

Таваккал у қизга қарадио кўзидан ўт чақнаб кетди. Ажиб бир жозибали табассум билан Лобар боқиб турарди!

Латофат бир-бирига боққанча қотиб турган икки ёшга қараб ҳайрон қолди – ўйланди.

- Қойил, - деди мийигида кулганча қизга яқин бориб (Латофат болаларини мактабга жўнатиб чорпояга ўтирганча уй-хаёлга ботиб бир-икки пиёла чой ҳўплаган ҳам эди-ки, дарвозадан бир қиз кириб келдию ҳовлига ўтмай тўхтаб қолди. Латофат Назокатмикан, деб ўйлаб:

- Келавермайсанми? – деди.

Аммо у ўзига қараб яқинлашаётган сарвқомат қизни кўриб ҳайрон бўлди. Ўзини Таваккалнинг ёшлар томонидан ёлланган ёқловчи, деб таништирган бу қиз тезда татаббусини бошлаб юборди. У Лобар эди! Латофат бир вақтлар ўзининг муҳаббатини шунчалар ҳимоя қила олмаганини эслаб Лобарга яна тан берди):

## СИЗ МУҲАББАТНИНГ ҚОЙИЛМАҚОМ ЁҚЛОВЧИСИ ЭКАНСИЗ!

...

Раис душманларига шердек отилиб дарҳол тилка-пора қилишга одатланган, ҳеч қачон кутмаган, пайт пойламаган. Ҳозир кутишга мажбр эди, бу бир аламини минг аламга айлантириди, ичидан жизғанак бўлиб қафасга тушган шердек хонасининг у бурчидан бурчига бориб келар, ичидан қуишлиб келаётган ўқиришни зўрға босиб қора терга тушиб пишқиради. Чидашга мажбур бўлиб, ҳеч чидай олмаётган эди. Аммо чидашга мажбур. Қизи қочиб холасиникида ўтирибди.

Қараб турсин у! – деб ўйлади у. - Менинг қизим бўла туриб шундай тубан кетасанми? Бутун дунёга шарманда қилдинг-ку! Ундан кўра ўзингни осганингда ўлиб кетганинг минг марта яхши эди. Исподга қолмай ўраб-чирмаб қўмардим - қўярдим. Кейин ўзим билардим. Таваккалини қандай боплашни! Бор бойлигимни тикиб бўлса ҳам уни қамоққа тиқардим. Унинг бундай осон чиқиб кетишини билганимда қамокхонадан ушлаш йўлини топардим. Ё бира тўла тинчитдириб юборардим. Аммо бу боланинг нимасидир менга ёқади. Унда нимадир бор. Балки унинг келажаги... Пари опа ҳам беҳудага уни алоҳида эъзозламайди. Нима бўлганда ҳам менинг обруйимга путур етди. Ҳамма қўлидан ҳеч иш келмади, дейди!

Аммо барibir кўраман. Менинг қизимни сассик, деб топган таннози билан қанча яшаркин? Кўрамиз!

Мадамин! Сен севинма, ўғлингни шундай қиласманки, менинг айтганимга кўнмаганига минг пушаймон бўлади! Майли анави мишиқи бола куёвим бўла қолсин. Уни шундай сийлайман-ки, бутун эл-юрт унга ҳавас қиласди. Маишатпараст ўғлимга қилмаган яхшилигимни ҳам унга қиласман.

Кишлоқда кўринган одам Таваккал билан қучоқлашиб қўришади – қойил қолганини айтади. Чунки, шу кунгача Назар раис чангалига тушган ҳеч ким қутила олмаган эди.

Пахта терими тугагач, Зеби билан Абдужабборнинг дабдабали тўйи бўлиб ўтди. Никоҳ кечасида Назар куёвига янги “ГАЗ- 31” совға қилди.

Орадан бир йил ўтиб Таваккал билан Лобарнинг тўйи бўлди. Тоғ қишлоғи Лобарга жуда ёқиб қолди. Аммо Таваккал институтда ишда қолгани учун улар тезда Маркандга кўчиб келишди. Таваккал институтда дарс бериш, фалсафадан тадқиқот олиб бориши билан бирга ҳамон ёшларга раҳбар эди. Бу иш унга жуда ёқади – ёшлар ташвиши билан яшаш, ишлаш унга жуда мароқли! Бу орада Лобар унга эгизак ўғил туғиб берди.

Лобарнинг онаси ҳам икки эгизак түққан экан. Лобар уйда бола тарбияси билан боғланиб қолганди. Бу орада Лобарнинг рўзгор ишини бутунлай ўз бўйнига олиб эрининг илмий изланишига шароит яратгани, адабиётларни излашда, диссертацияни қайта-қайта кўчиришда ёрдам бергани учун Таваккал фалсафада раҳбарлик муаммосига бағишлиланган илмий ишини белгиланган муддатдан анча илгари ёқлади. Шу даврда Маркандда олаговур давр бошланди. Ёшлар ўртасида ёлғон обрў орттирган Дархон Али арзир-арзимас муаммолар учун пикетлар, намойишлар ўtkазишга ҳаракат қилади. Бу билан у республика раҳбарига “Қаранг, бизнинг қўллимиздан бунақа ишлар келади, керак бўлса бутун халқни ҳам кўтариб юборишимиз мумкин”, деб тазийқ ўтказмоқчи бўлади. Бу жуда хавфли ўйин эди, чунки сиёсий ишларда суяги қотмаган, эҳтиросларга осон бериладиган қизиққон ёшлар аланга чиқариб юборишилари мумкин эди. Шундай бўлди ҳам! Толиблар шаҳарчасидаги тўс-тўполон Президент тадбири билан тезда тўхтата билинди.

Дархон Али бу тўполонга ўзининг даҳли йўқ, деб оқлашга тушди. Аслида у ёшларга ўз бемаъни таъсирини зимдан ўтказган эди. У хавфли ўйин ўйнаётган эди. Дархон Али ўзининг оломон эҳтиросига ўйнайдиган гапларини дастур қилиб ўзи туғилган жойдан депутатликка номзодини қўйди. Шунда Лобар Таваккалга “Сиз ҳам номзодингизни қўйинг, ахир ёшлар Дархон Алидан ҳам сизни яхши қўришади!” деди; биргаликда дастур ишлашди, қайта –қайта кўриб чиқишли. Таваккалнинг сиёсий рақиби ҳарбий округ бошлиғи генерал Эдуард Коваленко эди. У Назар раиснинг оғайниси. У оғайнисининг ютиб чиқиши учун сайловчиларга ун тарқатиб генералга овоз беришларини тарғиб қилишли. Овоз бериладиган куни эса эрталаб соат тўртдан бошлаб машиналарга овоз кучайтиргич аппаратлари ўрнатиб; “Хурматли сайловчилар! Фаравон яшай десангиз, генерал Эдуард Коваленкога овоз беринг!” дея бақиритириб қўйдилар. Бу эса одамларнинг асабига тегди. Кўпчиликнинг ихлоси қайтди. Аммо генерал ҳар қанча чиранмасин, Таваккал биринчи турдааёқ олтмиш уч фойиз овоз олиб ютиб чиқди. Унинг дастури илмга, халқ, юрт, ёшлар манфаатига йўғрилган эди. Унинг чиқишилари олқишиларга кўмилиб кетарди. У бирданига газеталар, радио, телевидение эътиборига тушди.

Таваккал сиёсий жараёнга киришар экан, унинг таянгани, намуна олгани, бир устози бор эди – бу республика Президенти. Президент билан кўришиш қийин эди, аммо Таваккал Президентнинг телевизордан бериладиган турли чиқишиларини дикқат билан кузатар, нутқларини қайта-қайта ўқир, тинглар, ундей гапиришга, мантиқий фикр юритишга, эл-юрт манфаатини ўйлашга астойдил ҳаракат қилди. Насиб қилса энди Олий Кенгаш йиғилишида шундай яқиндан кўради. Сўзини тинглайди. У шундай ўйлар билан ғоят баҳтиёр эди. Шу пайтда у Марканддаги ўзи яшайдиган Оқгўзар туманининг хокими этиб сайландию бутун вужуди билан ишга берилди. У аввало туманни иқтисодий жиҳатдан юксалтиришга қаратди, шиорбозлик ўрнига ташаббус билан янги – янги корхоналар очишга, бу

борадаги ҳар бир одамни рағбатлантиришга йўл очди. Аммо, аммо кутилмаган зарба унинг эсини тамом оғдириб қўйди.

Лобар Латофат опасининг куёв чорладисига ўзи борди, Таваккалнинг кўли тегмади. Болаларни ҳам олиб қайтаман, шунча юргани етади, деди. Таваккал юборган бир Жигулида қайтмоқчи эди. Қайноаси Латофат: “Бугун кетмасаларинг яхши эди. ҳаво бузук”, - деди алланечук хавотир олиб; бунга доктор ҳам қўшилди. Аммо Лобар қолишга кўнмади, қайта эгизакларини тезда кийинтириб, нарсаларини йиғиштириб йўлга тушди.

...

\

-Кўпдан бери автопойга ўйнамадиларинг-а? - деди раис Жобирга қараб.

-Ха-да, автопойгани соғиниб қолдик, - деди Жобир сўлоқ тишларини тиржайтириб.

-Марканд рақамидаги “Жигули” билан қувишиасиз. Машина докторникidan чиқади. Бу сафар қандай бўлмасин қўлдан чиқармаслик керак, тамом.

-Бу ёғини бизга қўйиб беринг, хўжайин! Ўтган сафар сал адашдик-да, – деди Жобир яна совуқ тиржайтанча...

-Орқангиздан келаётган машинадагининг сизда иши борми? – деди орқа ўринда ўтирган Лобар ухлаб қолган Ҳасан-Хусаннинг бошларини тўғрилаб қўяркан.

-Ҳайронман, бир-икки чироғини ёқиб ўчирди, танимайман, машинасининг рақами ҳам йўқ, ким билади сотишга олиб кетяптими? - деди ҳайдовчи рўпарасидаги кузгудан орқадаги машинани кузатаркан. Шу чоқ рўпарадан келаётган “Камаз” нинг қулоқни қоматга келтирадиган сигнали чалинди. Ҳайдовчи машинасини зўрға чапга ола билди, у рўпарадаги машина йўлига кўп чиқиб, чапга кўп буриб юборганидан шундай жар ёқасига бориб қолди.

-Эҳтиёт бўлинг! – деб қичқирди Лобар.

Ҳайдовчи жон ҳолатда тормозни босди, машина шағаллар устида сирпаниб чапга оға бошлади. Лобар бирдан ўзини болалари устига ташлади. Чапга оғиб тўхтаётган машинани нимадир туртиб юборгандек пастга отилиб кетди, бир неча метр учиб бордию эшикни очиб ўзини пастга ташламоқчи бўлган ҳайдовчини эзиб ҳарсангга урилди, тошлар қуюнига қўшилиб ҳарсангларга урила-урила яна пастга қулади, кўринмай қолди. Рақамсиз “Жигули” кўздан ғойиб бўлди. Орқадан бу ерга биринчи бўлиб етиб келган Осмон: “ДАН постига хабар бераман”, деб кетди.

ДАН назоратчиси, қутқарувчилар машинаси ярим соатга қолмай етиб келди. Қутқарувчилар арқонга осилиб пастга тушиб боргандарида сой ўртасида туриб қолган шифти пойига ёпишиб қолган машинани кўришди. Сувга тушганидан бўлса керак, машина портламаган эди, сув кўп эмас, балонларини кўмиб оқарди. Шу чоқ машинадан боланинг инграган овози эшитилди. Қутқарувчилар эшикни бузиб ҳамма ёғи қонга беланган, эзилган онанинг тагида, бошлари эса ўринда пастига тушиб мўъжиза билан омон қолган, аммо ҳушсиз икки болани чиқариб олишдию катга ётқизиб боғлаб

тезда юқорига узатиши. Ҳайдовчи билан онаизорнинг гавдаси таниб бўлмас даражада эзилиб кетган эди!

...

Таваккал моргга бориб Лобарнинг пажмурда гавдасини кўриб пешонасига бир урдию ҳушидан кетди...

Болалар реанимацияда, бирининг оёғи, бирининг қўли синган, Лобар уларни ҳимоя қилиб ўзини улар устига ташлагани, Аллоҳнинг ўзи асрагани сабаб улар ортиқча шикастланмаган эдилар. Дори таъсирида ухлаб ётган болаларини қучиб ўпиб “Мен-ку ўз онам меҳрига тўймагандим, Эй Қодир эгам! Болаларим шу ҳолга тушмаса нетарди?

Лобардан айрилиб яшагандан ўлиб кетганим минг марта афзал, унинг хаётига мен зомин бўлдим, балки бу ҳалокатда Назар раиснинг қўли бордир, деб нола чекди. У ҳушли-ҳушсиз бир ҳолда эди, ким келиб, ким кетаётганини ҳам билмайди. Назар раис билан Босим ҳам фотиҳа ўқиб кетишди, Дархон Вали, курсдошлари, синфдошлари...

Бир маҳал “Президент келяпти!” деган гапни тушидами, ўнгидами эшитди. Таваккал бир қўшиқчи ҳалокат туфайли қўш ўғиллари, хотинидан ажralганда тушкунликка тушиб ҳатто ўз жонига қасд қилмоқчи бўлганда Президент жўмардлик қўрсатиб ҳофизнинг қаддини тиклагани ҳақида эшитганди...

Бир пайт қараса Президент уни бағрига босяпти.

- БАНДАЛИК! АЛЛОҲ ҲАМ МАРД ЙИГИТИНГ ОФИР СИНОВ БИЛАН СИНАЙДИ. ЎЗИНГНИ ҚЎЛГА ОЛ! МАРД БЎЛ, СЕНДАН УМИДИМИЗ КАТТА! – деди Президент. – Муҳаммад алайҳисалом ўғилларини тупроққа топширганда ҳар қанча азият чексада қаддини буқмаган.

Президент Мадаминбек, Лобарнинг отаси, бошқа қариндошлари билан кўришиб, ҳамдардлик билдириб Таваккалнинг ёнига ўтириди, болаларининг соғлигини сўради. У анча ўтириди.

-Элни севсанг, эл сенинг дардингга малҳам бўлади, - деди Президент енгил ухҳ тортиб. - Ҳар ким чин раҳбар бўла олмайди. Раҳбарлик учун Аллоҳдан берилган истеъдод керак. Бошқариш закоси ҳақидаги мақолангни ўқидим. Иzlанишинг дуруст. Маквеллининг “Ҳукмдор” китобини кўп мақтабсан, Европа тараққиётида муҳим хизматга эга, дебсан. Аммо Амир Темур ҳазратнинг “Тузуклари”ни бир ўқиб кўр! Сен эса уни эсламабсан ҳам. Ўқиб кўр, кейин мақолангни бошқача ёзарсан, деб ўйлайман...

-Маҳкам бўл, ҳалқ сенга ишониб депутат қилиб сайлади. Хайр, ўзингга қара. Шунда арвоҳлар ҳам шод бўлади.

Таваккал ёнидан бир нур бутун вужудига таралиб ичини иситаётганидан ҳайрон қолиб ўзига келди. Бу нур унинг танасидан мислсиз дардни ҳайдаб чиқаётган эди!

Президент кетди. Аммо ўша нур ичида абадий шуълаланиб қолди. Таваккал бошқариш усуллари хусусида изланиб Хитой раҳбарининг қисқача тарихи билан танишган эди...

ДЭН СЯОПИН – бўйи бир ярим метрдан сал ошиқ. У Мао Цзедуннинг “Маданий инқилоб”и даврида Хитойда, оғир бир шароитда ўқиди. Сўнг ўқиши Францияда давом эттириди. Хитойга қайтиб ишлаб чиқаришда ҳам, сиёсий-ижтимоий соҳада ҳам ишлади. У дам олиш нималигини билмасди. Мехнаткаш бу йигит тезда кўзга ташланди. Қисқа вақтда хизмат вазифаларидан кўтарилиб бориб Сиёсий бюрода ишлай бошлади. Маонинг эътиборига тушди. 1974 йили Сиёсий бюро топшириғи билан БМТ мажлисида маъруза қилди. У Хитой ва дунё хусусида шундай бир фикрларни айтди... Бутун дунё мамлакатлари вакиллари қарсак чалиб юбориши. У Сиёсий бюрода ишлаётганда шиорлар эмас, балки режали иқтисодий усулларни қўллаш сиёсатини олға сурди. Бу Маога ёқмади. У ўзининг давомчиси деб Дэн Сяопинни эмас, балки Лю Шаоцинини биринчи ўринга қўярди. Маонинг хунбэнчилари Дэн Сяопиннинг ўғли Пуфани толиблар ётоқхонасининг деразасидан пастга улоқтириб юбориши. Бечора бир умр аравачада юрадиган ногиронга айланиб қолди. Дэннинг ўзига тинмай тазииклар ўтказиларди. Дэн бу оғир синовларга бардош берди. У Наньчиндаги трактор заводида оддийгина бир ишга кетди. У ҳалқини жуда яхши кўрарди. У шу ҳалқи вакиллари билан мудом бирга, ишлайди, бирга овқатланади, бирга дам олади, сухбатлашади, истак-ҳоҳишларини эшитади, улардан ўрганади.

Мао қазо қилди. Унинг беваси мамлакатни янада чуқурроқ таназзулга тушириди. Ниҳоят, маршал Цзэминын бошчилигига Маонинг беваси четлантирилиб мамлакатни бошқариши Дэн Сяопин қўлига топшириши. У етмиш ёшда эди. Ўшанда кўпчилик “маданий инқилобчи”ларни жазолаш тарафдори эди. Энди Дэн Сяопин уларнинг жойини солади, деб кутишганди. Баъзи ашаддий хунбэнчилар чет элларга қочиб кетишаётган эди. Дэн Сяопин эса уларга нисбатан шахсий адовати бўлсаям, “маданий инқилобчилар”ни жазосиз қолди. Бу билан мамлакатни янги хунрезликлардан сақладио ҳамманинг бошини бир ишга қовуштириди – мисли кўрилмаган иқтисодий демократияни бошлаб берди. Корхоналарга парткомларни эмас, балки директорларни масъул қилиб қўйди. Давлат дехқонларга ёқилғи, урут, ўғит етказиб беради, дехқон шартномада белгиланган маҳсулотни бозор нархида сотади. Тадбиркорларга кенг йўл очди. Қисқа вақтда мамлакатни оғир таназзулдан олиб чиқди! Дунё тарихида ҳали ҳеч ким шундай озгина муддатда ўз ҳалқини бу қадар фаравонликка олиб чиқа олгани йўқ эди! У оғир синовларга дош бергани, ҳалқини жуда яхши кўргани учун шундай натижага эриши. Ўзбекистон Президентининг жасоратли ҳаракатларинигина унга менгзаса бўлади, деб ўйлади Таваккал. У шу мисолдан келиб чиқиб, Европа донишмандларининг фикрларини ўрганиб мақола ёзганди. Таваккал Устознинг танбехидан кейин “Тузуклар”ни диққат билан ўқиб чиқдио Буюк давлат асосчисининг давлат бошқаришнинг жуда нозик, ҳаётый, инсоний, ибратли фикрларидан

бахраманд бўлиб қарашлари чиндан ҳам ўзгариб кетди. Шул сабаб бу мавзудаги Шарқ хазинасига кириб борди. “Қобуснома”, “Сиёсатнома” “Фозил одамлар шахри” каби китобларни илгари ўқимаганига афсусланди. Энди Таваккалга шарқ мутаффакирларининг хазинаси эшиги очилдию раҳбарлик ҳақидаги маъни дурларини тера бошлади, уларга амал қилишга интилди.

Таваккал ўзини эл-юртнинг минг бир ташвишли хизмати йўлига бутунлай бағишлади, чарчаб уйга келадиу қотиб ухлайди, уйғониши билан яна ишга...

**ХАЛҚ ДАРДИ ЎЗ ДАРДИГА ЁН БЕРДИРМАДИ! ОДАМНИ ЭЛ ИШИ ОВУТАДИ!**

Таваккал хаёлида қотиб қолган суратга қаради:

Шу рақиби бирдан катта бўлиб қолиб, рўпарасида ўтириб тилёғлама бир нигоҳ билан мусичаи бегуноҳдек Таваккалга боқади, ичидан эса заҳарли қиринди ўтади. Дарвоқе унинг отаси...

Улуғ Носир тўсатдан қазо қилди. Мамлакатга номенклатура кўзиқорини, Улуғ Носирнинг қўллаши билан катта мансабларга қўтарилиган, аслида бир вилоятга раҳбарлик қилишни уddyalай олмаган, қўғирчоқ амалдор – Тортиқ Дўстхўжаев раҳбар бўлиб қолдию тизгинни бутунлай Москва қўлига бериб қўйди. У Гдлян, Иванов каби шуҳратпаст лўттибозларга йўл очиб бериб оддий бригадирдан тортиб Министрлар Советининг раисигача бўлган минглаб одамнинг қамалишига йўл қўйди. Унинг қўллаши билан Анор Маҳбубова мафкура саҳнасига чиқдию минг – минг йиллик наврўз байрами қатағонга учради, одамлар жанозага қатнашгани қўрқиб қолишиди, мачитлар кинохонага айлантирилди, не бир раҳбарлар, олимлар, ёзувчилар Улуғ Носирчилар, деб фельветонлар қилиниб устига мағзава тўкилди. Оддий халқ тинмай бу икки раҳбарни қарғади. Иккиси ҳам халқнинг оғир қарғишига қолди; охир оқибат иккиси ҳам қамоқقا тушди. Яна Москванинг қўллаши билан мамлакат биринчилигига

кўйилган Дўст Эшонов ахлоқсизлиги билан бадном бўлган иккинчи бир ноқобил раҳбар эди. Назар раиснинг ҳам ишонган тоғлари қулади. Уни қамоққа олаётгандан қишлоқни аскарлар ўради, Назар раиснинг қуролли бандаси бор, қуролли қаршилик кўрсатади, деб ўйлашганди. Осмонда вертолёт учиб турди. Одамлар қўрққанидан уйидаги бор қуролларни (ҳатто қонуний бўлса ҳам) дарёга ташлайвериши; кейинчалик бу қуролларни дарёга ташланган тўрдан йифиб олиб Назар раис бандаси қуроллари деб кўрсатиши. Назар раис идораси олдидаги чорпояда пешонасини ушлаб жимгина ўтиради. Уни ҳеч қандай қаршиликсиз қамоққа олиши.

Дўст Эшонов ўлган раҳбар билан олишишни илгариги раҳбардан ҳам ўтказиб юборди. Халқ ҳўжалиги издан чиқди. Калтабин, халқ орасида осон обрў олишга интилганлар партиялар тузиб митингбозлигу турли нағмаларни бошлаб юбордилар. Мафиозларнинг катта-кичик гурухлари, мамлакатни халифалик бошқарувига тутиб бермоқчи бўлган ваҳобийлар, қонхўр кимсалар, шуҳратпараст митингбозлар гуллай бошлади. Мамлакатдаги зўраки байналмиалчилик сиёсатига қарши кураш тўлқини юзага қалқди, ўз юритдан кувилган қrim татарлари, месхети турклари ғавгоси бошланди.

**РЕСПУБЛИКА ЧУҚУР СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗГА ЮЗ ТУТДИ.** Фуқаролар уруши бошланиб кетишига сал қолди. Аянчли тарихий зарурат ўз йўлбошчисини кутарди. Шундай бир шароитда майдонга буюк Амир Темур таърифлагандек, мардлик ва шижаот соҳиби азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхши бўлган бир инсон – мамлакатнинг биринчи Президенти Ислом Каримов майдонга келди! Ўша пайтдаги мураккаб тарихий вазият Хитой раҳбари Дэн Сяпин иш бошлаган вазиятга қараганда ҳам мураккаб эди. Президент халқнинг асрий орзу нияти, дарди, интилиши, ўтмиши, бугуни, эртасини ўйлаб жасорат, сабр-матонат билан ғоят пишиқ тадбирлар кўллай билгани учун ниҳоят инқироз чекина бошлади. Бу йўлдаги курашнинг ҳар бир тадбири баёнини тасниф этаман, десангиз минг бир кеча китобларига сифмайди. Ниҳоят мустақилликнинг эълон қилиниши! Ўзбекнинг асрий орзуси ушалиши!

Мустақилликнинг дастлабки давридаёқ ўлган раҳбар билан олишиш жазавалари тўхтатилибгина қолмай, балки у раҳбарнинг номи оқланиши, минглаб айбсиз айбдорларнинг қамоқдан озод қилиниши Президентга оламшумул обрў берди.

Назар раис ҳам шу саъии ҳаракат туфайли қамоқдан озод қилинди. Ўғли Босим Назар ўз амалида қола билди, қайта юқорилади. У ҳамон Таваккални назар-писандига олгиси келмас эди.

Тавба кеча мен оёқ учida кўрсатиб юрган болагина энди менга раҳбар бўлиб ўтиrsa! – деб ўйлади Босим. – Кеча елкасини қисиб юрган бола!

Тавба кресло уни салобатли қилиб қўйибдими? Унинг салобати босяптими?  
Ана у ўйланиб қолди. Мени чин дилдан айтган гапимга ишонмаяпти, чоғи!  
У барибир мени ёмон кўради.

Даданг мени ноҳақ қаматиб азоб берганини, онагинамни қон  
йиғлатганини, отамни рамақижон қилиб қўйганини қандай унутай?! – деб  
ўйлади Таваккал. - Қандай чидай? Қандай?! Балки, машина ҳалокатида  
зўравон отангнинг қўли бордир?! Лобаримдан ажраганимни қандай  
унутай?!

ҚАНДАЙ?! ҚАНДАЙ?!

Аммо мен бу ерга сендан қасос олиш учун ҳоким қилиб  
қўйилганим йўқ!

- Дадамнинг нодонлигини яхши биласиз. Президентимизнинг шарофати билан қамоқдан чиққандан кейин ҳам тинч ўтирамайди, - деди Босим Назар тишининг ковагига босиб сақлаб турган сақичини беихтиёр чайнай бошлаганча. - Мен ўзим ҳам прокурорлигимда қалтираб ўтирадим, ишқилиб бир балони бошламасину мен вазифамдан учиб кетмай, деб. Ҳозир ҳам қўрқаман.

- Ҳа майли, Аллоҳнинг ўз тарозиси бор. Энди Президентимиз сизни бу ерга бекорга биринчи ўринbosар қилиб қўйгани йўқ (Таваккал ўзини Босимнинг бу вилоятга ҳоким қилиб тайинлаши кераклигини билмаганликка олди. Аслида у Босимнинг бу вилоятга ҳоким бўлиши хақидаги гапни эшитган, “Нега уни қўйишмадио мени лозим топишди, деб ўйлаган, балки вилоятда аҳвол оғирлигини билиб ўзи истамагандир, деган хаёлга ҳам борган эди). Сиз биринчи навбатда элга хизмат қилиш билан бирга вилоятдаги ишларнинг қонунийлигини назорат қилишингиз ҳам керак, шундай эмасми?

Таваккал унинг сақич чайнаётгани ёқмаганини сездириб бир қараган эди, Босим буни англаб сақичини ололмай ютиб юбора қолди.

- Албатта, албатта. Ҳа, биз сиз билан бир қўл бўлиб ишласак вилоятни гуллатамиз.

- Ҳа, икки йилда кўп нарсани билиб олган бўлсангиз керак.  
- Мен бу ернинг паст-баландини, камчиликларини беш панжамдек биламан.  
- Энди ана шу камчиликларни тугатиш учун қаттиқ ишлашимиз керак.  
- Ҳар доим тайёрман. Мен Ергулига вакилман, рози бўлсангиз шу туманда қолсам.  
- Майли, ишқилиб иш яхши кетса бўлди, қачон экиб бўласизлар?  
- Бир хафтада.

Кечагина ҳоким бўлган Таваккал тажрибали ҳокимдек қишлоқ хўжалиги ишини суриштира бошлаганини қаранг, - деб ўйлади Босим.- Ўзини ишибилармон кўрсатмоқчи.

- Сув оляпсизларми?  
- Эллик фойизини суғориб қўйдик ( Босим ёлғон гапирди. Аслида у экилган ғалланинг қанчаси суғорилгани билмасди, бунинг устига канал уриб кетганди).

- Жуда яхши!  
- Таваккал, ака, бир илтимос бор.  
- Хўш?  
- Кеча Учтол заводи директори билан гаплашган экансиз, шу завод менини...

- Завод сизники? Сотиб олганмисиз?  
Босим Назар: “Бунақа гапларни тушунишга ёшлиқ қиласан, чоғи”, дегандек чап томондаги тилла тишлигини кўрсатиб мисқирди.

- Йўқ, менинида... Ахир ҳамма раҳбарнинг ҳам шунақа бир-иккита фойдаланадиган жойи бўлади-ку!  
- Ҳа бундай денг, мен сотиб олган экансиз, деб ўйлабман (у

вилоят, тумандаги катталарнинг бирор корхонанинг ўзиники, деб кемириб ётишлари ҳақида эшитган эди).

Аммо заводнинг иши чатоқ-ку! Республика раҳбариятига жуда ёмон маълумот тушган. Назорат қила билмабсиз-да! У одам сизни ҳам лақиллатиб кўп иш қилганга ўхшайди.

- Биргалашиб тўғрилармиз.

Агар ҳозир унга: “Майли ишлайверсин!”, десам эртага одамлар:”Корхонани расво қилса ҳам ишлатяпти, бир нарсасини олиб тинчитган, дейишади, -деб ўйлади, - Янги ҳокимнинг ҳам иштаҳаси карнайга ўхшайди, дейишлари аниқ. Илгариги ҳоким корхона раҳбарларининг аризасини олгану бўшатмаган, ё ўзи, ё ўртага тушган одам орқали уни шилиб олиб яна ишлатаверган. Мен бундай йўл тута олмайман! Унинг ҳали аризасини олганим йўқ, ҳозирча биринчи ўринбосаримни бирдан силтаб ташламай турай- чи!

- Қани эди, иложи бўлса? Кўрамиз.

- Илтимос. Ахир ўзингизнинг қўлингизда-ку!

- ...

- Кейин келинингиз бетоб экан, ғириллаб Маркандга бориб келай.

- Келиним?!

- Ха, келинингиз.

Ўзидан катта амалдорларга ўз хотинини келинингиз, болаларини жиянингиз, деб атаб амалдорга ўзини яқин олиб – ялтоқланиб гапириш одатга кирган. Таваккал дабдурустдан буни тушунмади, кейин англади.

-Майли, келинни эҳтиёт қилинг.

Босим Назар тез ўрнидан туриб дадил юриб чиқиб кетди.

Меники, меники... – деб ўйлади Таваккал. – Демак, Босим Назарга ўхшаганлар амали орқасидан топаётганига қониқмай яхшигина фойда оладиган корхонани ўзиники қилиб олади. Унга ҳеч ким тегинмайди. Корхона раҳбари ўша каттани таъминлаб туради. Демак си амалдор бўлсанг, одамларга қараганда кўп нарсага эга бўлишинг, нафсинг ҳакалак отиши керак! керак.Босим Назар бунга одатий ҳол, деб қарайпти. Демак бошқаларнинг ҳам “меники”лари кўп бўлса керак! Уялишмаганини!

**ДАВЛАТНИКИ, ХАЛҚНИКИ ЭМАС, МЕНИКИ! МЕНИКИ БЎЛМАГАН МЕНИКИ!**

**М Е Н И К И!!**

...

Одмигина жиҳозланган меҳмонхона. Диванда Изобеллага жуда ўхшаб кетадиган, бироқ юзига ажинлар тушган Анна Николаевнани Изобелла кучиб ўтирибди. Уларнинг қаршисидаги кичик мизнинг икки тарафидаги икки креслога Бобур Шермуҳаммад билан Босим Назар жойлашган. Бобур Шермуҳаммад чорпахил елкали, яғрини кенг,ёши етмишга етса ҳам

түкилмаган оппоқ сочи баркаш юзига нуронийлик бахш этган, қўй кўзлари синовчан, сокин боқади, ўртача катталиқдаги бурни юзига мос, ўсиқ қошлари оқармай қоп-қоралигича қолган, салобатли бир киши. У не бир хизмат вазифаларида нафсини тийиб ишлагани, катта-кичикка холис қарагани, ўз вазифасига сидқидилдан қараб эл-юртни ўйлагани билан танилган инсон. У ишғол қилиб бўлмайдиган қалъани эслатади, ҳеч қайси лаганбардор, пора бергич унга яқинлаша олмайди. Шу сабаб Президент девони қошидаги маслаҳат кенгаши аъзоси сифатида катта обрўга эга. Босим Назар ҳам унга бир гапни ботиниб айтиб олмайди.

У фарзандлари Зоҳир ва Изобелланинг тарбиясини бутунлай хотини Анна Николаевна Галькинга ишониб топширганди; иши туфайли бола тарбиясига вақт топа олмасди. Зоҳир политехника институтида ўқиётган бир пайтида қон раки туфайли қазо қилди. Бобур Шермуҳаммад тоғдек бардоши билан бу жудоликни зўрға енгди. Бор меҳрини энди эр-хотин Изобеллага қаратди. Изобелла югуришда яхши натижаларга эришаётганда қайниси Иван Николаевич Галькиндан унга мураббийлик қилишни илтимос қилди.

Унинг биргина нозик томони бор – бу қизи Изобелла. Изобелланинг ҳар қандай илтимосини қийналиб бўлса-да бажо қиласди. Қизининг илтимоси билан Босим Назар вилоят прокурори, вилоят ҳокимининг биринчи ўринbosарилигига кўтарилди. Ҳоким бўлиши керак бўлган бир пайтда эса...

Бобур Шермуҳаммад кресло суюнчиқларига икки бақувват қўлларини ташлаб кўкрагини кериб ўтирганча аввал қизига қаради, сўнг юзини куёвига бурди, қовоғини кўтариб норози оҳангда Босим Назарга қараб деди:

Айб ўзингизда! Ҳоким бўлишингизни элбурутдан байрам қилиб юборибсиз, бу ёш боланинг иши-ку! Амал халқ учун, халкка жонкуяр бўлиш учун берилади. Сиз уни майшатбозлик билан бошлабсизми, сиздан яхши ҳоким чиқмас экан! Президент талабини, сиёсатини тушуна билмаслигингизни дарҳол кўрсатибсиз, қўйибсиз! Президент жуда тўғри карор қабул қилган.

Анна Николаевна “Я сейчас”, дедиу қизининг елкасига уриб қўйиб секин сирғалиб чиқиб кетди.

Ўйга ботиб ўтирган Босим Назар чуқур нафас олиб деди:

- Дадам сабаб-чи! Мен аҳмоқ унга айтиб қўйибман. У қамоқдан қийналиб келган эмасми, дарҳол суюниб бизга ҳам ёруғлик тегди, деб овоза қилиб юборибди (Аслида Босим Назарнинг ўзи босар –тусарини билмай қолиб, айниқса Президент қабулида бўлгандан кейин, ҳаммадан суюнчи олишни ҳам бошлаб юборганди, энди айбни дадасига тўнкариб қайнотаси олдида ўзини оқламоқчи эди).

- Дадангиз сиздан ҳам баттар бола экан. Кейин айтиб қўйинг, Президент уни қамоқдан оқлаб чиқариб олди. Энди аллақандай “ислом лашкарлари”га қўшилиб юрганмиш. Оқибати яхши бўлмайди.

Бобур Шермуҳаммад қизи билан Босим Назарнинг никоҳ қайд этилмай туриб тўй бўлишини эшишиб жуда жаҳли чиқкан эди. У қизи: “Босимнинг

хозирча ҳужжати тўғри эмас, тўйдан кейин албатта никоҳни қайд эттирамиз!” деганига ҳам қулоқ солмади. У хотинидан Босимнинг Наталяга, сўнг Муножотга уйланганини эшитганидан кейин баттар қайсарлиги тутди. Босим бир ҳафтада паспортини янгилади. Эски паспортида эса Наталя билан никоҳи қайд этилганича қолди. Буни ҳеч кимга сездирмади. Шундан кейин уларнинг тўйи бўлган эди. Бобур Шермуҳаммад Изобелланинг тезроқ болалик бўлишини, неварасини бағрига олишни шундай ҳоҳларди-ки...

Аммо Босим Назар докторларга ўзини кўрсатишни негадир пайсалга солади.

Алҳол Изобелла дадасига эркаланиб қараб:

- Дадажон, энди у ҳоким бўлолмайдими? – деди.

- Ҳозирча уни кузатишади. Қани ўзини қандай тутяпти? Агар хатосини тўғри тушуниб астойдил ишласа, ҳали ёш, бариси олдинда. Агар ўзини у ёқ – бўёққа урса яхши бўлмайди.

Бобур Шермуҳаммад “Гап тамом” дегандек ўрнидан туриб кабинетига кириб кетди. Изобелла дадасининг феълини яхши билади, бундай кайфиятда ортиқча гаплашишни истамайди. Энди унинг кайфияти яхши вақтни кутиш керак. Шунинг учун у Босимга “Кетдик”, дегандек имо қилди.

Босим чўнтағидан сақич олиб оғзига солдию Изобеллани қўлтиқлаб кўчага чиқди, хотинини уйда қолдирди-да, ҳайдовчига” Марказга”, деди. У иккинчи саватни ҳайдовчига кўтаририб дадасининг жуда яқин дўсти, собиқ прокурор Соҳиб Қодирникига кириб борди. Дадаси машинасининг бағажини совға-саломга тўлдириб бу одамни мудом йўқлаб турар, Босимни бирга олиб келиб таништирган, шундан бери бу одамнига у bemalol кириб чиқарди. Ҳовлида гулқайчи билан гултожибарглари тўкилган гулларни қирқаётган Соҳиб Қодир уни чорпояга таклиф қилди; атлас кўрпачаларга омонат ўтиришди. Соҳиб Қодир Босимнинг гапларини хушламай эшитди.

- Мен суриштиридим. Кимдир устингиздан мағзава тўккан. Каттага етиб борадиган қилиб хат ёзган, - деди ҳафсаласизлик билан.

- Ким бўлиши мумкин? Шу ҳоким бўлган йигитмикан?

- Балким...

Босим ўйланиб қолди. Бирдан Босимнинг миясига бир фикр ярқ этиб келди: “Менинг ҳоким бўлаётганимни эшитган Таваккал дадам ҳақидаги гапни Президентга керакли одамлар орқали етказган. Ўша кунлари у қишлоқда ўралашиб юрувди. Шу билан дадамдан ҳам мендан ҳам аламини олган, ҳам ўзи ҳоким бўлган! Гап бу ёқда!

- Энди сиз у билан келишиб ишлаб тура оласизми?

- Ҳа...

- Ишлаб туринг!

- Хўп бўлади.

- Бошқа нима гаплар?

- Бошқа гап йўқ. Кейин... Бир жияним бор эди, Учтол пахта заводи директори. Келган куниёқ унинг ҳадафга олиби.

- Қачон?
- Икки-уч кун бўлди. Шуни вазирга бир оғиз...
- Айтишга арзийдими?
- Хизмат қиласи, яхши йигит.
- Подводит қилмайдими?
- Йўғ-ей!
- Ким? Исми шарифи?
- Теша Самиғ. Учтол...
- Буни айтаман.
- Раҳмат!

Соҳиб Қодирникидан ҳам ҳафсаласи пир бўлиб чиққан Босим алам билан тиш қайради: “Таваккал, ҳали шошмайтур, сен менинг совунимга кир ювабсан! Шундай қиласманки, менинг ўрнимга ҳоким бўлганинг учун минг бор афсусланасан!”

## 5

У креслога ўтириб ташкилий бўлимга уланган телефон гўшагига қўлини чўздию иккиланиб шаштидан қайтди.

Собиқ ҳоким раҳбарларни тунда соат бир, икки, учда хонасига чақириб эзган. Бу ишбилармонлик ҳисобланадими? – деб ўйлади. - Бир оғиз телефонда айтса ҳам бўладиган гап учун ўта муҳим иш бўлмаса узоқ-яқиндан раҳбарларни ҳоҳлаган вақтида чақириш тўғрими? Бу раҳбарнинг хукуқини паймол қилиш эмасми? Ахир унинг ҳам дам олиш хукуқи бор! Уйи, болалари, хотини... Болаларини тарбия қилиши, хотинининг кўнглига қарashi ҳам керак. Туни билан эзғиланган, хўрланган, ухламаган одам эртаси куни қандай ишлайди? Мияси тадбиркорлик, ижодкорлик билан ишлай биладими? Иши пала-партиш бўлмайдими? Раҳбар кемани бошқариб бораётган дарғага ўхшайди. У соғлом, хушёр, зийрак, ишбилармон, уддабурон, ҳалол бўлиши керак. Акс ҳолда кемани ҳалокатга учратиши тайин! Умуман ур-йикит, сафарбарлик билан ишланмаса вилоятда иш бўшашиб кетадими? Ҳоким ҳокимликни қамчиланаверганидан пишқириб типирчилаётган отдек ушлаб туриши керакми?! Мудом сафарбарлик, сафарбарлик...Бунга зарурат борми?

**ЙЎҚ, САФАРБАРЛИК ВАҚТИДА БЎЛГАНИ ЯХШИ!** САФАРБАРЛИК БИЛАН БИР ТОМОНДАН ҚАНЧА ЮТСАНГ, БОШҚА ТОМОНДАН УНДАНДА КЎПРОҚ ЮТҚАЗАСАН! ЭНГ ЁМОНИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДАГИ, ИЖТИМОЙ МУҲИТДАГИ МУВОЗАНАТ БУЗИЛАДИ. ВИЛОЯТ РАҲБАРЛАРИ ҲАМ ҲАММА ҚАТОРИ ЛОАҚАЛ, ЯКШАНБА КУНИ ДАМ ОЛСИНЛАР, ШУНДА РАҲБАРНИНГ СОҒЛИГИНИ ҲАМ САҚЛАЙМИЗ, ИШ УНУМДОРЛИГИ ҲАМ ЮҚОРИ БЎЛАДИ! ЯХШИ РАҲБАРНИ АСРАШ ҚАНДАЙ МУҲИМ! МУДОМ САФАРБАРЛИК, ҲАЙБАРАКАЧИЛИК БИЛАН ИШЛАНСА Ё АРАВА СИНАДИ, ОТ ЎЛАДИ ДЕГАНДЕК ГАП!

Устоз энг оғир вилоятда икки йил ҳоким бўлиб ишлаган, вилоятда раҳбарлик қилишни миридан сиригача жуда яхши билади. У мамлакатдаги барча вилоятларнинг ўзига хос томонларини, нозик жиҳатларини, ҳатто одамларининг сажиясини чуқур ўрганганди, кишилар билан сұхбатлаша туриб адашмай қайси вилоятданлигини ҳам бемалол айта олади; бир неча бор шундай ҳол рўй берганда Таваккал устозга ич-ичидан тан берганди.

У алҳол сұхбат чоғида устоз узатган суратга, сурат ичидағи ёзувларга узоқ тикилиб қолди. Халқ билан мулоқат – бошқарув фан молия – хуқуқ-тартибот-хавфсизлик алоқа – ишлаб чиқариш: катта ва кичик хукуқ-тартиб хавфсизлик қўмитаси адабиёт матбуот телерадио маданият спорт тиббиёт -жигар экология Ижтимоий ҳимоя маҳфий- ошкора назорат

Бу сурат бошқарувни худди одам вужудидек аниқ тизимда ишлаши кераклигига ишора эмасми?

“ВИЛОЯТ ҲОКИМИ - КАТТА АМАЛДОР. У КАТТА МАБЛАГГА МАСЪУЛ. У АГАР БИРОР ГУРУХНИНГ ҚУЛИ БЎЛИБ ҚОЛМАСДАН ШУ МАБЛАГУ ИМКОНИЯТДАН ЎМАРИШ ЙЎЛИГА КИРМАСДАН ҲАЛОЛ ЙЎЛ БИЛАН ЭЛГАЮРТГА САРФЛАСА БУ ЖОЙ ГУЛЛАБ ЯШНАЙДИ! АГАР ҲАР БИР ҚУРИЛИЩДАН ЎН ФОЙИЗИ МЕНИКИ, ДЕБ ТУРСА. ЎЗИГА МАНФААТ ТЕГАДИГАН ИШГАГИНА БОШ ҚЎШСА ЎЗ ҚЎЛ ОСТИДАГИЛАР ШАХСИЙ МАНФААТДОР БЎЛИШДА ШУНДАЙ НАЙРАНГЛАР ТОПИШАДИ-КИ, СЕН УЛАРНИНГ ЧАНГИДА ҚОЛИБ КЕТАСАН!” – деганди устоз чуқур ухҳ тортиб.

Устоз қанчалар куйиб-пишиб гапирган эди! Икки соатдан зиёд давом этган сұхбатдаги ҳар бир гапни қандай эсимдан чиқаришим мумкин? Йўқ мен барча ишимни шу асосда ташкил қилишим керак!

У шашт билан гўшакни кўтарди.

Гушакдан.Ассалому алайкум, жаноб Таваккал Мадамин ўғли!

Таваккал. Салом, менга, соат еттидан кейин ҳеч ким таклиф этилмасин, зарур пайтда ўзим айтаман.

Гўшакдан. Узр, кеча англашилмовчилик бўлибди, кириб тушунтирсам майлими?

Таваккал (Дарҳол етказишибди-да, -деб ўйлади; сўнг у саноат ва қурилиш бўйича ўринбосарига уланган телефон гўшагини кўтарди ). Ваалайкум ассалом, яхшимисиз? Алоқа раҳбарига топшириқ беринг. Ҳамма туманлар билан йигирма тўрт соат мобайнода сим, жейфтелефон алоқасининг узлуксиз ишлаши таъминлансан. Ўз навбатида туман алоқаси раҳбарлари барча туман ташкилотлари, муассалари, фермерлар, тадбиркорлар, айниқса, қишлоқ фуқаролар йигинлари билан узлуксиз телефон алоқасини таъминласинлар. Қисқа муддатда боғланиш чорасини кўрсинлар! Бу топшириққа сиз масъул!

Гўшакдан. Қарор тайёрлайми?

Таваккал (Қоғозбозликка, расмиятчиликка жуда ўрганишганда, - деб ўйлади – Мудом ишлаб туриши керак бўлган тизим учун ҳам қарор керакми? Собиқ ҳокимнинг яхши ишларидан бири шул-ки, вилоятнинг алоқа ўрнатиш қийин бўлган жойларига ҳам мобил телефон антенналари

ўрнаттирган, ҳар бир раҳбарда жейфелефон бўлишини ташкиллаштирган эди. Шу тизимни яна мустаҳкамлаш зарур!) Йўқ!

- Тушунарли, унда баённома тайёrlайман.

Баённома тайёrlаш осон йўл,-деб ўйлади Таваккал,- Илгари кўриладиган масала бўйича тегишли раҳбарлар чақирилиб муҳокама қилинар сўнг қарор қабул қилиниб бажариладиган ишлар, тадбирлар, чоралар белгиланаради. Йиғилишда қатнашган раҳбар буни ўзига белгилаб олиб иш бажаришга киришарди. Энди бундай мажлис чақириб ўтирмасданам тегишли масала бўйича баённома қилиб маҳсус почта орқали жўнатилади. Кўпинча бу баённомалар тадбир ўтиб кетгандан сўнг ташкилотларга етиб боради. Бу расмиятчилик, номига иш кўриш эмасми? Яна бунинг учун қанча қоғоз беҳудага сарфланади. Кеча ҳокимлик идораси ишлари билан шахсан ўзи таниша бошлаган эди. Ҳокимликнинг кўпайтириш хонасига кирса, ана шундай баённома, бошқа ҳужжатларни икки юзта вилоят ташкилотларига жўнатиш ҳамда котибиятлар учун кунига беш юз килограмм қоғоз сарф бўлишини аниқлади. Баъзи ҳужжатлар шу ернинг ўзидаётк кечиккан эди. Компьютер техникаси тараққий этган бугунги кунда бундай иш тутиш жуда уят! У шу куниёқ умумий бўлим ишларини замонавий усувларда ташкил қилиш бўйича амалий иш режасини ишлаб чиқиши буюрди. Янгича усулда тонналаб қоғозни тежашга имкон берди.

- Йўқ. Шундай етказасиз.

- Таваккал гўшакни қўйиб душанба куни эрталаб бўладиган идора йиғилишига тайёrlанган материаллар билан таниша бошлади. Ҳар масалани ўринбосарлар билан телефонда қайта-қайта маслаҳатлашиб ижросининг муддатларини белгилади.

... йиғилишга Босим Назар кечикиб келиб сақич чайнаганча кириб туғри ҳоким ёнига бориб ўтиromoқчи бўлди. Аммо собиқ ҳоким каби Таваккал ёнидан ўтиришга имо қилмагач, ноилож қаққайиб иккиланиб қолди. Ундан анқиётган фарангига атири ҳиди Таваккалгача етиб келди, (орқаваротдан Босим Назарни фарангига деб аташади. Иттифоқо республика раҳбарларининг бирининг қабулига фарангига атирга беланиб киради,” Войбуй фарангига атирга чўмилғанмисан, а ?” – дейди раҳбар. Баъзан вилоятга келганда ҳам “Ҳа фарангига, қалайсан?” – деб қўяди. Шу бўйи уни фарангига дейишади), салқиган қовоқларидан, шишинқираган юзидан кеча тўйибгина ичгани сезилиб турибди. Таваккал унинг собиқ ҳокимнинг ёнида ўтириб олиб кўп хунарлар кўрсатгани ҳақида эшитганди, шунинг учун уни ҳозирданоқ талтайтириб юбормасликка қарор қилди, у билан саломлашиб ”Идора йиғилишига кечикманг”, деди ю ёнига таклиф қилмади.

Босим шартта чиқиб кетмоқчи ҳам бўлди, аммо бундай қила олмасди, сўнг: “Сабр қилай”, деб биринчи қаторга - бошқа ўринбосарлар ёнига ўтирди. Залдан кимдир.”Оббо, ҳоким фарангини менсимай ўзининг бошига бало сотиб олмасайди!”, деди; бошқа бирови эса:”Ҳокимнинг таги мустаҳкам, қўрқмайди”, -деди. Атрофдагилар уларга хавотир билан қарашди, хотин-қизлар бўйича ўринбосар – Нилуфар Ҳаким орқасига ўгирилиб қараб уларга: “Секин!” –деди. Баъзан шундай бўлади-ки, ҳеч ким

эшитмайди, деб секин айтган гапингни бошқалар эшитиб қолади; икки оғайни бу гапларини бошқалар эшитмайди, деб айтганди, аммо ҳатто Таваккал ҳам эшитди, Босим Назар уларга ўғирилиб “Тўғри айтасанлар, мен билан ўйнашмасин!”, дегандек кибр билан қаради.

Босим Назарнинг пешонасидан совуқ тер чиқиб анча маҳал ўзига келолмай ўтириди. Масала қишлоқ хужалигига келиб биринчи навбатда ғаллани белгиланган муддатда экиб олиш кераклиги ҳақида топшириқ берганда вазифани олиб ўрнига ўтирган қишлоқ хўжалиги ва сув масалалари бўйича ўринбосар – Қилич Тўрага: “Қўявер!” -деди. У бу гапни ҳоким вайсайверади-да, ўз билганингдан қолма!”, деган мазмунда айтди. Қилич ҳокимдан кўзини узмай бош иргаб қўйди. Таваккал маъруза ўқиётганда қайси толиб жон-дили билан тинглаётганини, бошқаси эса лоқайд, ўзга хаёллар билан оворалигини кўзларига қараб англаб оларди. Алҳол вилоят раҳбарларининг баъзилари, Назар Босимга ўхшаганлари беписандлик билан, баъзилари ҳатто крассворд ечиб ўтирганини (уларга дарҳол танбех берди ва улар энди ўзларидан уялиб қўйилаётган масалаларни эътибор билан тинглай бошладилар – газеталарини йиғишириб қўйдилар), кўпчилик эса кўзларини ёниб унга ҳайриҳоҳлик ва ишонч билан қараётганларини кўрди. Мен шундайлар билан ишлайман! Улар менга ишонишяпти! – деб ўйлади ҳоким.

Таваккал бирорта масалани ҳам қолдирмай, зарурларига кенгроқ, бошқаларига қисқа тўхталиб, керакли жойларда яна бир бор фикрлашиб, бир ярим соатда йиғилишни якунлади.

- Идора йиғилишини шундай ўтказса ҳам бўларкан-ку, -деди Қилич чап ёнида ўтирган Нилуфарга қараб.

- Ҳа-я, одам чарчамади ҳам, аниқ, режали, тамом, сийқасини чиқариб эзиб ўтиргандан фойда чиқармиди? – деди Нилуфар ҳокимга қарай-қарай.

**ОДАМЛАР – ҚИШЛОҚ, МАҲАЛЛА ЙИҒИНЛАРИ РАҲБАРЛАРИДАН ТОРТИБ БАРЧА РАҲБАРЛАР МАЖЛИСЛАРДАН ЮРАГИНИ ОЛДИРИБ ҚЎЙГАН! МАЖЛИС, МАЖЛИС, МАЖЛИС... НАҚД ПУЛ ТУШУМИ, КОММУНАЛ ТЎЛОВ: ГАЗ, ЭЛЕКТРДАН ФОЙДАЛАНИШ – МАЖЛИС – ҲАММА ТАШКИЛОТ РАҲБАРИ БОШ ҲИСОБЧИСИ БИЛАН БОРАДИ, КАМИДА ТЎРТ СОАТ ДАВОМ ЭТАДИ. ГАЗ, ЭЛЕКТР КОРХОНАЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ТУМШУФИ ОСМОНДА. ОДАМЛАРНИНГ УЙИДАГИ ГАЗ Ё МИЛТИЛЛАБ ЁНАДИ, Ё ЁНМАЙДИ – ТАМОМ! УЙ ЭГАСИ ҚАРЗДОР МИЛЛИОНЛАБ ҚАРЗ БОСИЛАВЕРАДИ, ЭЛЕКТР ҲАМ ШУНДАЙ! КОРХОНА, ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ХОДИМЛАРИНИНГ ЮРАГИ БЕЗИЛЛАБ ҚОЛГАН. ОЙЛИК ИШ ҲАҚИДАН ШАРТТА УШЛАБ ҚОЛИНАВЕРИЛАДИ. УШЛАБ ҚОЛИНМАСА, БОШ ҲИСОБЧИ БИЛАН РАҲБАР ЖАЗОЛАНАДИ... КЕЙИН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ – ФЕРМЕРЛАР МУҲРИ БИЛАН КЕЛАДИ – МАЖЛИС – БЕШ СОАТ. ТАДБИКОРЛАР, ҚУРИЛИШ, САНОАТ – МАЖЛИС – БЕШ СОАТ. ХОТИН-ҚИЗЛАР – МАЖЛИС - УЧ СОАТ. МАҶНАВИЯТ, ҲАРБИЙ ТЎЛОВ, ОБОДОНЧИЛИК ВА Ҳ.К. – МАЖЛИС – БЕШ СОАТ. ЖАМИ**

**ЙИГИРМА ТҮРТ СОАТ МАЖЛИС! ИШ ШУ-ДА! ИШЛАШГА БАЛО БОРМИ? ДАМ ОЛИШГА БАЛО БОРМИ?**

Таваккал идора йиғинидан кейин яна фикрларини жамлаб олиш учун хонасига кирди.

Собиқ ҳоким нима хатоларга йўл қўйганди? Президент ҳар гал вилоят раҳбари ўзгараётганда янги ҳокимни жуда катта умид. Ишонч билан қўйиб вилоятда катта ўзгаришлар бўлишини истайди. Ана устоз куйиниб гапиряпти! Раҳбар бўлиб оёғинг ердан узилдими, бир ишончни йўқотдингми? Қайта ишонч қозонишинг жуда мушкул! Биз агарар мамлакат, деб вилоятда, туманда саноатни ривожлантирмаслик керакми? Аммо минг афсуски, “А биз агарар мамлакатдамиз-да!” деган тушунчада юрган раҳбарлар оз эмас! Вилоятда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг атиги йигирма фойизи қайта ишланса-я! Саноатни ривожлантирмай, фақат хом ашё яратиш билан эл-юртни фаравон қилиб бўладими? Йўқ! Ўтмишда фақат хомашё яратишга юқоридан – Москвадан мажбур қилинарди. Аммо бугун ана шу қобиқни ёриб чиқишга ким, нима халақит беряпти? Янгича фикрлаш, изланиш, ижодкорлик, ташаббус, жасорат халақит беряпти! Замон билан ҳамнаfasлик етишмаяпти! Вилоятда шундай катта бойликларга, имкониятларга эга бўлиб туриб ҳеч нарса қилмаслик - бу халққа, юртга хиёнат! Жиноят! Раҳбар жинояти! Катта мақсадлар сари эл-юртни ўз ортидан эргаштира оладиган раҳбарнинг масъулиятига қўп нарса боғлиқ. Аммо афсуски, кейинги пайтда ҳоким фаолиятида ўзибўларчилик, бепарволик ва локайдлик, сусткашлик кучайиб борди. Бунга вилоят ҳокимининг асло ҳақи йўқ!

**РАҲБАРГА ЛАВОЗИМНИ, ОБРЎНИ ЭЛ-ЮРТ БЕРАДИ, ЛЕКИН УНГА ИШОНИБ ТОПШИРИЛГАН ЛАВОЗИМНИ УНИНГ ЎЗИ ЙЎҚОТАДИ!**

Таваккал монтаж қилинмаган видеотасмани топтириб келганди, Устознинг куйиб-ёниб айтган бу гапларини яна бир бор диққат билан қайта кўриб чиқди, зарур жойларини қайта-қайта кўрди, Устоз фикрларини, ўз холосаларини қайд қилди:

**ҲОКИМИЯТНИ ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ОРҚАЛИ БОШҚАРИШ! БУ ЙЎЛДА ҲИКМАТ КЎП. АХИР БИЗ РАҲБАРЛАР МУДОМ ЮҚОРИДАН ПАСТГА ҚАРАЙМИЗ. ПАСТДАН ЮҚОРИГА ҲАМ ҚАРАБ КЎРИШ КЕРАК!**

**ИЖТИМОИЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ, АВТОРИТАР ҲОКИМЛИКНИНГ ЗАРАРИ. ҲОКИМИЯТНИ ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ОРҚАЛИ БОШҚАРИШ.**

**ГУРУҲЛАР, ТОИФАЛАР, ЖАМОАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ХОДИMLАРИ, КОРХОНАЛАР ИШЧИЛАРИ БИЛАН**

- ЯККА ТАРТИБДА,
- ҲОКИМЛИГИНГНИ БИЛГАН,
- БИЛМАГАН ҲОЛДА МУЛОҚОТГА КИРИШИШ.

Ана шу мулоқотнинг анча мураккаб томонлари бор.

У пойтахтда ишлаганида туманни ёлғиз ўзи кезиб аҳоли билан шахсан танишишни истади – бозорга кирди. Уни қўриши билан бирдан “Ҳоким! Ҳоким!” деган овозларни ўзи ҳам эшитиб қолди, бирдан ҳолат ўзгарди, атрофни тозалай бошлашди, бозорқом ҳам пайдо бўлди, энди ҳеч ким унга тўғри гапни айтмасди – режаси барбод бўлди. Сўнг у йўлини қилиб туманни ёлғиз кезди, кутилмагандага жойларда ҳозир бўлиб ҳақиқий аҳвол билан танишди, энди туман ташкилотларининг раҳбарлари ҳам уни алдай олмасликларини билиб тўғрисини айтишади, ҳақиқий аҳволни ўргангандан кейингина камчиликни йўқотишга тўғри йўл топиш мумкин.

**РАҲБАРНИНГ АЛДАНИШИ ЁМОН!** ЭНГ КАТТА КУЧ –  
БУ ҲАҚИҚАТДИР. ҲАҚИҚАТГА СУЯНГАН ОДАМ ҲЕЧ ҚАЧОН  
ПУШАЙМОН БЎЛМАЙДИ. ҲАҚИҚАТНИ ХАЛҚДАН ТОПАСАН!

Шошилишим керак, одамлар мени яхши таниб қолмасларидан бари туманларни айланиб чиқишим керак, таниб қолишмас!

Кабинетда жимжитлик ҳукмрон.

Идорада шундай тартиб ўрнатилганди-ки, ҳокимнинг келиши - кетишидан ҳамма хабардор. Айниқса, ички ишлар бўлими. Постдаги ҳодим “БИРИНЧИ”НИНГ – ҲОКИМНИНГ КЕЛИШ – КЕТИШИНИ, ҚАЁҚҚА ЙЎЛ ОЛГАНИНИ керакли раҳбарига етказади, раҳбари зарур ҳуқук-тартибот масъулларига. Қаерга йўл олса шу томондагилар хабардор қилинади. “БИРИНЧИ” БОРЯПТИ! Тамом. ДАН ҳодимидан тортиб барча катта-кичикнинг эътибори шу томонга! Кабинетда ўтиrsa идорадагилар ёрдамчидан суриштириб туришади: “КАТТА ҚАЕРДА? Олдида ким бор? Қабулхонада ким кутяпти? Шунга қараб гумонлар, башоратлар, мишишлар гуллайди! Ҳоким ичкарида ўтириб ҳеч ким билмайди, деб ўйладиганлари ташқаридагиларга кундай равшан! “Катта” бирор ёққа кетганини билишса ҳамма ҳар ёққа қочишни кўзлайди. Бу Таваккалга илгаридан яхши маълум. У ўринбосарларига телефонда топшириқ берди, сўнг ёрдамчини чақирди.

- Мен дала айлангани кетяпман, жуда зарур бўлса жайфелефонимга улайсиз. Бўлмаса безовта қилманг!
- Хўп бўлади!
- Мен кетдим.
- Қайси туманга? Ҳокимига айтиб қўяйми?
- Ҳожати йўқ.
- Хўп...

Ёрдамчи ҳайрон бўлганича қолди...

Таваккал ўзига ўзи деди:

**“ОЁҚ БИЛАН ЭМАС, БАЛКИ БОШ БИЛАН ЮРИШ КЕРАК!”**

...

Босим Назар креслога ўтириб биллур идишдаги ўрик данагидан бир сиқим олиб оғзига солди, хаёлга толди, сўнг ҳокимликка киришдаги навбатчи постига уланган телефон гўшагини кўтарди.

- Алайқум...Биринчи қаерда?

Гўшакдан дастлаб қириллаган овоз келдию сўнг тиниқлашди:

- Чиқиб кетди.
- Қаерга?
- Билмадим.
- Билмадим?! Билмасанг нима қилиб турибсан у ерда?!

У гўшакни зарб билан ўрнига ташлади.

Ёрдамчига уланган гўшакни кўтарди. Аниқ жавоб ололмади. Ташкилий бўлим гўшагини кўтарди. Аниқ жавоб ололмади. Сўнг ички ишлар бошлиғига телефон қилди.

- Қахҳор Содик ўғли, яхшимисиз? Биринчи қаерда? Билмайсиз! Эйи сиз ҳам билмасангиз уят-ку, жаноб полковник! Бу ёққа бир келиб кетасизми? Ҳозир!

Босим Назар ўрнидан турди, костюмини ечиб кресло суюнчига ташлади. Бироз писта чақиб ўтириди, креслода ўнгга, чапга айланди. Сўнг шимининг чўнтағига қўл солганча кабинетида у ёқдан бу ёққа юра бошлади.

Нима у мен билан бекинмачоқ ўйнамоқчими? – деб ўйлади Босим. – Нега қаёққа кетаётганини менга билдирамаяпти? Ахир мен биринчи ўринбосар бўлсам, менга айтиб кетиши керак-ку! Нима қилаётганини мендан яшироқчими? Яшириб бўпсан, Таваккал!

Қахҳор Содик изн сўраб кириб келди. Чорпахил елкали, ўрта ёшли бу кишини полковник кийими янада салобатлироқ кўрсатади. У Босим Назар билан кўришиб стулга ўтириди. Қахҳор Содик Ергулида Босим билан бирга ишлаган, участка нозири, жиноят қидирув бўлими бошлиғи, туман ички ишлар бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган, тажрибали ички ишлар бўлими раҳбари. У собиқ ҳоким Эшпўлат Зоҳир билан туманда кўп яхши ишларни амалга оширишда астойдил ишлади, жиноятчиликни кескин камайтириди. Прокурор билан келишиб ишлаш зарурлиги учун Босим Назар билан яқин бўлишга мажбур эди. Босим шундан фойдаланиб уни ўз одамига айлантириб олди. Вилоят прокурори бўлгач, Қахҳорни вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи бўлиб ўтишига кўмаклашди. Маркандлик ошносини ишга солди. Иши ўнгидан келиб Қахҳор лавозимни эгаллади.

- Қизифу биринчи қаердалигини ички ишлар бошлиғи билмаса?! – деди Босим креслога ўрнашиб ўтириб олиб полковникка тик боққанча..

-Чиндан ҳам билмаймиз, ҳеч кимга айтмай чиқиб кетган.

-Бу яхши эмас, яхши эмас. Гап бундай. Биринчининг ҳар бир қадамини кузатиб юриш ҳақида юқоридан шахсан мен топшириқ олдим. Сиз шаҳару туманлардаги раҳбарларингизга айтинг. Биринчи қайси вақтда қаерга борди, нима ишлар қилди, шулар ҳақида маълумот берсин, сиз умумлаштириб менга етказасиз. Бу умумий хавфсизлик учун зарур. Йўқса юқоридан менга шундай топшириқ берилемасди.

- Тушунарли, -деди полковник.

Полковник чиқиб кетгач, котибият мудирини чақирди.

- Шокирчиқ, менга ўзимизда ишламайдиган, бир расм тушириш, машина ҳайдаш қўлидан келадиган бир чапдаст йигит топасиз. Шахсан мендан топшириқ олади.

- Илгариги йигит – Назир-чи, бўладими?

Назир собиқ ҳоким устидан материал тўплашда ёрдам берган йигит, анча пухта, пишиқ,-деб ўйлади Босим. – Унга ортиқча тушунтириб ўтиришнинг ҳам кераги йўқ.

-Бўлади. Унинг тажрибаси ҳам бор, ҳозироқ менга чақиринг.

-Хўп бўлади.

У қаёққа кетдийкин?, - деб ўйлади Босим Шокир чиқиб кетгач.- Шошмай тур қачонгача мен билан бекинмачоқ ўйнаркинсан, маҳсум ҳоким? Ё Учтолга бордимикан?

Теша Самифга телефон қилди.

-Яхшимисан? Ҳа, келдим. Ишинг беш! Тамом. Вазирингга ҳам айтиб қўйдик. Ҳа, яхши, лекин йўқлашимиз шарт. Бир қарс керак! Бир гап бўлса ҳам мен борман-ку! Маҳсум бормадими? Йўқ? Ҳмм... Мабодо бориб қолса менга телефон қиласан. Бораман дегани йўқ, ўзим сўраяпман! Кейин домдан хабар олиб қўй, нимаси бор, нимаси йўқ. Нозик бир меҳмон боради.

...

Одамлар мудом раҳбарларданadolat йўлида мўъжиза кутишган, деб ўйлади Таваккал. - Шунинг учун дарвиш кийими кийган шоҳ ҳақида афсоналар тўқишишган. Шоҳнинг оз вақт бўлса ҳам камбағал кийимида, камбағал аҳволида бўлишини исташган! Ана шундагина камбағалнинг дардини ўз терисида синаб кўради. Бошқа бир шоҳ:” Менинг аёнларим, оддий одамларнинг арз-додининг менга етишига монелик қиласи”, деб ўйлаб от миниб арз билан келаётганларни саройдан ташқарига чиқиб кутиб оларкан! Амир Темур ҳазрат девонида катта мансабдор -арзбеги халқнинг арз-додини амирга етказиб турган. Амир Темур бунга ҳам қониқмай ҳар бир диёрга эл-юртнинг аҳволини холис ёзиб ўзига билдирадиган диёнатли, тўғри одамлардан ёзувчилар белгилаган, агар улар эгрилик қиласа қаттиқ жазолаган. Халқ аҳволидан хабардор шоҳ камбағалга қайишса,adolatli iш тутишга интилса керак, ахир!

... у ҳоким бўлганидан кейин қариндош-уруғлари жуда кўпайиб кетди. У тўй-маъракаларига борсада ҳаммаси билан ош-қатиқ бўлавермайди; қариндош –уруғлари орасида биргина амакисининг ёлғиз ўғли Неъмат акаси билан бориш-келиш қиласи. У ўқитувчи, жуда камсуқум, ҳалол одам. Ишига аралашавермайди. Унинг ўғли Тальят иқтидорли йигит, шунинг учун уни пойтахтга олиб кетиб ўқитяпти, суғориш ишлари инженери бўлиб етишади. У алхол Неъмат акасининг эскигина костюмини кийиб, ўз пиджаги, галстугини кабинадаги илгакка илиб “Жигули”ни ўзи ҳайдаб чиқди; орқасидан келин ойиси ҳайрон бўлиб қараб қолди.

Куз кириб октябр ойи бошланганига қарамай, ҳаво ҳарорати ўттиз бешдан зиёд. Чанқади. Сув олмоқчи бўлиб бозорга қараб бурилиб тўхтаган

эди, тўрт миршаб “Деҳқон бозори” дарвозасини беркитиб ҳеч кимни киргизмаётгани кўрди, яна бошқа миршаблар дарвозанинг икки тарафидаги дўконларни бекиттиришаётганди. Дарвозанинг икки томонидаги тор йўлакка бирор қоп картошка, бошқа бирори пақирга узум, халталарда ноқ, олма,

- Пул бериб ўрнимизга одам чиқарган бўлсак, энди бизни тинч қўймайсанми? – деб бақирди новча киши.

- Бақирманг, ҳозир ўзингизни машинага босиб далага жўнатаман! Бозор ҳам, дўконлар ҳам кеч соат бешдан ишлайди! – деди қорин солган сержант кўкрагини кериб.

- Сен зўравонларнинг қўлингдан ҳар бало келади, - деди новча четга туфлаб. – Кеча мени тўрт мусоғирга қўшиб далага олиб бориб ташлаб “Ҳар биринг йигирма килограмдан терасан!” –дейиши. Наилож. Тердик. Кун ботганда қайтдик. Машина йўқ мусоғирларни ҳам уйимга олиб кетдим!

- Бозору мозорга тегма деган гап бор, - деди ярим қопчиққа нимадир солиб олган аёл тутоқиб. - Ҳеч бўлмаса бозор ишлаб турсин!

- Бўлди тарқалинглар! – деди сержант қўлидаги резина таёқ билан ёнидаги йигитни нуқиб. – Янги ҳоким келиб қолса, нақ онамизни уч кўргондан кўрсатади, тарқалинг!

- Янги ҳокимнинг ҳам оғзи бордир! – деб кулди оқ халат кийган йигит.

- Уники бошқалариникидан каттароқдуров! – деди бошқа бир йигит.

Ҳамма қаҳқаҳа урди.

Таваккалнинг юраги оғриқдан зирқираб кетди. Шу пайт машинанинг капотига кимдир тақиллатиб урди. Таваккал чўчиб тушди, қараса ДАН назоратчиси.

- Эй акам, ҳайданг, бу жойга тўхтаманг! Йўқса, машинангиз билан олиб бориб тикиб ташлайман! – деди у дўқ уриб.

Таваккал гангиб қолди.

- Ўғлим ҳайданг, булар билан тенг бўламан деманг, сизни ҳам далага олиб бориб ташламасин, тағин! - деди бояги новча киши четга нафратдан юзи буришиб.

Таваккал йўлакларга, кўчанинг икки тарафига терилиб, мева-чева, сабзавот сотаётган одамларга ҳайрон бўлиб қаради. Новча киши унинг қарashi маъносини сезди.

-Ҳайрон бўлманг, бу бечоралар ўзининг томорқасида етиштирган озгина неъматини бозорга сотгани олиб келган.

-Бозор берк шунинг учун...

-Очиқ бўлганда ҳам буларга йўл қайда? Бозорда бари жойни олиб-сотарлар эгаллаб олган. Катта қилиб ёзилган “Деҳқон бозори” бор, холос. Аслида “Олиб сотарлар бозори” деб ёзиб қўйиш керак. Бу бечоралар ўзи етиштирган молини пес мирига сотиб кетишади.

Таваккал бу муаммони ҳам эътибордан қолдирмаслигим керак,- деб ўйлаб турганди, новча одам унга яқинлашиб:

-Кета қолинг, миршаб келяпти. Бошингизга ғалва ортириманг,- деди.

Таваккал лом-лим дея олмай машинасини ҳайдашга мажбур бўлди. Кўчада очик дўкон кўринмади. Юраги яна сиқа бошлади. Ҳокимлик яқинидаги дўкон очиқдир, машинани ўша томонга бурган эди, “Камаз”, “МАЗ”лардан қилинган тўсиқ олдидан чиқди. У машинани тўхтатиб ўйланиб қолган эди, назоратчи келиб қизил таёғи билан нуқиб деди:

- Ҳайданг, йўл йўқ!
- Ҳокимликка ўтмоқчи эдим... - деди юраги сиқиб.
- Ҳокимликка? Ким керак сизга? Ҳокимми?

Таваккал “Ха”, деб юборганини билмай қолди.

- Вилоят ҳокимининг қулоғи сизда! – деди назоратчи шалпонг қулоғини кафти орасига олиб Таваккалга тутганча.

Атрофдагилар кулиб юбориши. Назоратчи Шукур Бурхоннинг бир фильмдаги ҳаракатини такрорлаётган эди.

Назоратчи яйраб кулиб деди:

- Ҳозир ҳамма далада! Сизга ўхшаган элим, деб ёнмайдиганлар кўчада! Ҳайданг! Ўнгга ҳайдаб тўғри юрсангиз, ҳокимнинг олдидан чиқасиз, нима гапингиз бўлса гаплашаверасиз! Ҳа-ҳа... – деди бақувват назоратчи.

Таваккал зўрга чидади – юраги янада кучлироқ зирқиради, ўзини ошкор қилиб қўйишига сал қолди, аммо сабр қилиб машинани бир четга олди.

“ жейфелефонида ёрдамчига:

- Биринчи ўринбосарни уланг! – деди.

Ўринбосар жавоб берди.

Таваккал. Босим Назар ўғли, нега бозор, дўконлар ёпик?

Босим. Ахир, пахта...

Таваккал. Нега йўлларни беркитиб ташлагансизлар?

Босим. Пахта...

Таваккал. Шунақами? Ҳимм...

Босим. ...

“Таваккаал. Бозор, дўконларни беркитасизу нақд пул тушуми йўқ, деб нола қиласиз! Шуми ишбилармонлигинги? Бу зуғум, зўравонлик норозилик келтириб чиқармайдими?

Босим. Кабинетингизга келдингизми? Кириб...

Таваккал. Йўқ, шаҳар, туман ҳокимларига менинг номимдан топшириқ беринг. Ҳозироқ барикада ясашни бас қилиб барча йўлларни очиб қўйишин! Барча бозор, дўконлар кун бўйи белгиланган тартибда ишласин. Ҳашарчи билан таъминлаб қўйган бўлса отасига раҳмат! Зўраки ишларни бас қилинглар!

Босим. Хўп! Хўп!!

Таваккал. Ҳамма тизим бирдек ишласин. Бозор, дўконларни ёпмасдан ҳам туриб ҳашарчиларни кўпайтириш мумкин. Ахир вилоятда бир яrim миллион аҳоли бор!”

Таваккал бир кўнгли шундай топшириқ бермоқчи бўлди, аммо...

Охиригача сабр қилайчи, уларнинг бу иши тўғридир, балки- деб ўйлади.- Агар бу ишлари бачкана фидойилигига амин бўлсам эртага шундай топшириқ бераман (эртаси куни бу бачкана қиликларга чек қўйиб

ўйлаганидек топшириқ берганди, хуқуқ-тартиботдагилар дарҳол Босим Назарга чиқиши – ҳокимнинг топшириғини етказиши.

Ҳим... тушунарли, -деди Босим Назар гўшакни қўймай ўйланганча.- Тушунарли, бу йилги пахта учун у жавоб бермайди-да, янаги йил кўрамиз, йўлларни тўсишга биринчи бўлиб ўзи буйруқ беради. Бўпти йўлларни очинглар, дўконлару бозорлар билан ҳам ишларинг бўлмасин.

Йўллар очилди, дўконлар, бозорлар бир маромда иш бошлади. Гуёки, пахта терими бўлмаётгандек. Аммо пахта териш сурати илгаригига қараганда анча кўтарилиди. Халойик: “Эйи. Бу катталарнинг орасида ҳам бундай кенг фикрлилар бор экан-ку!, деб ҳайқириб юборди, ажойиб бир ишчанлик муҳити пайдо бўлди).

Алҳол ўйланиб қолган Таваккалнинг олдига назоратчи келиб қичқирди:

- Ҳой ака, машинангизни четга олинг. Ҳоким келяпти, -деди ю машиналарнинг ҳайдовчиларини тезроқ йўлни очишга ундади.

Олдида ДАН, ўртада Босим Назарнинг, орқада яна бир ДАН машинаси ғувиллаб ўтиб кетди.

Ҳа, катталарга йўл очиқ эканда,- деб ўйлади Таваккал, - ҳа, катталарга ҳамма нарса мумкинми? Шўро даврида катталарга аллақачон коммунизм курилди, деб кулишарди. Халқни камситувчи бу нағма давом этмаслиги керак. Бу йўлдан ҳамма бирдек ўта билиши зарур.

**Адолат бир тоифагагина тегишли бўлмай, балки жамиятнинг ҳар бир ҳужайрасига етиб бориши ва ўша жойда ҳаётий кучга айланиши лозим.**

## 6

Теша Самир ҳайдовчиси билан халталарни тўлдириб бозор қилиб келганда Мехри меҳмонхонани тартибга олаётган экан. Теша халталарни ошхонага олиб кириб стол устига қўйгач, сўлоқ тишлари худди юқори лабини ёриб чиққандек кўринадиган ҳайдовчига: “Сен машинада кутиб ўтири”, -деб ташқарига имо қилди; ҳайдовчи чиқиб кетгач, оёқ учida юриб бордию Мехрини бирдан қучоқлаб ўзига қаратиб олди; “Ҳимм” дея чўчиб тушган жононни ютоқиб ўпа бошлади, жувон номигагина қаршилик қилиб Тешанинг бағрида тўлғонар, кўзи эса эшик томонда эди. Теша уни даст кўтариб олди, Мехри йиқилиб кетмаслик учун Тешанинг бўйнига қўлини чирмади.

-Жинни бўлманг, ҳозир акангиз келиб қолади! – деб зорланди эшиқдан кўзини узмай.

-Жинни бўлдим! Кўрқманг, акам тушликни қоралаб келади. Балиқ кўлига кетган.

-Эрта келиб қолса-чи!

-Келмайди! Камида икки соат ушланади.

У жувонни кўтарганча ётоқхонага кириб кетди.

... Мехри болалигиданоқ аёлу эркак ўзига маҳлиё бўлиб тикилиши, ҳеч ким унга бефарқ қараб кета олмаслиги билан ич-ичидан қувонарди. У бўйга етган сари бир нарсадан сиқиларди, тўй, байрам, турли тантана қунлари дугоналарига ўхшаб қимматбаҳо кийимлар кия олмасди, учи қирилиб қолган этикласини ҳар қанча мойламасин уриниб қолгани яққол билиниб турарди, бунинг устига қишининг изфирили куни бўлгани учун ўзига анча катта бўлса ҳам онасининг келинчаклик пайтидаги палтосини кийиб олганди, онасининг олдига – нон сотгани қарашгани бораётган эди. У бошқа дугоналари қатори дарсдан кейин ўқитувчиларга пул тўлаб қўшимча машғулотларга қатнай олмасди; айни ўн олтига кирган гўзал бу қизча минг истехола билан кўчадагиларнинг қарашларидан уялиб бораётган эди, назарида ҳамма унга кулиб, масхара қилиб қараётгандек эди; касалманд отаси, нонвойлардан нон олиб нон сотадиган онаси етти боладан орттириб унинг кўнглига ёқкан кийимларни олиб бера олмасди. Алҳол ўтганкеттганлар унга масхара қилими, кулиб қарашдан давом этишарди; у бу ҳолдан тезроқ қутилишни истади, таксида кетай деса пули йўқ, у чапга бурилиб ёнидан ғизиллаб ўтиб кетаётган машиналарга қаради; шу пайт бир “Мерседес” қиялаб юриб шундай ёнига келиб тўхтади. Мехри ҳеч иккиланмай машинанинг орқа эшиги тутқичини тортди, аммо эшик берк эди, ҳайдовчи олди ўриндиқقا ишора қилди; қиз бироз ўйланиб қолдию олдинги ўриндиқقا ўтирди. Аямдан пул олиб чиқиб берарман, деб ўйлади. Ҳайдовчи - Теша Самиғ қизчага қараб ҳайрон қолди:

-Вай, кийимингизга қараб катта хотин десам, кичкинагина қиз эканисиз!

Мехри ич-ичидан эзилиб кетдию юракдан қуилиб келган кўз ёшини тўхтата олмади, кўзларида ёш ғилтилаганча Тешага боқди. Кейин воқеалар жуда тез содир бўлди, Теша ўша куниёқ қизни пахта заводида амалиётни ўтаётган коллеж талабаси сифатида расмийлаштириди, ойлик тайинлади, эртаси куни эса бозорга олиб кириб Мехрига жуда ярашган палто, кишки кўйлак, чиройли этик олиб берди; кейин ота-онасига, укасингилларига ҳам ёрдам бера бошлади. Мехри қобилиятли қиз эди. У дугоналарига қараганда анча яхши ўқирди, компьютерни жуда яхши ўрганиб олганди. Бу Теша Самиғга жуда қўл келди. Мехрининг дурустгина мояна олиши тийинларни ҳисоблаб қийинчилик билан кун кураётган Хайри билан касалманд Дарвишалига катта ёрдам бўлди, укаю сингилларининг усти янги кийим бош кўрди, рўзгорда бирмунча тўқчилик бошланди. Теша Самиғ унга ойлигидан ташқари ҳам пул бериб турарди. Мехри Теша Самиғнинг бу ёрдамларини дастлаб менга раҳми келаётгандан, деб тушунди; кейинчалик унинг бу яхшиликлари бежиз эмаслигини ич-ичидан сезарди. Бир куни Теша Беҳиштнинг Марказида кўпқаватли уйнинг иккинчи қаватидаги уч хонали уйини йиғишириб, тозалаб беришни илтимос қилди, илгари ҳам бу жойни бир-икки йиғишириб берганди; ўша куни эса ўзига нима бўлганини билмай қолди; хонани йиғишириб бўлганидан кейин Теша

олиб келган сомсани, ҳар доимгидек бир-икки пиёла чой ичдилар, кейин уйқу элита бошлади, креслода ўтирганча бироз мудраб ола қолай, деди; кейин ўнгидами, тушидами кимдир уни жуда эзди, эзғилади, ғалати оғриқни ҳам сезиб-сезмай қолди... Эртаси қуни Беҳишт шахридаги Олмазор маҳалласи, Гулчи күчаси қирқ саккизинчи уй олдига оппок “Нексия” машинаси келиб тұхтади.

Дарвозанинг бир табақасини очган қизчадан машина ҳайдовчиси:

-Мехри Дарвишали қизи шу ерда турадими? – деб сүради.

Қизча:

-Ха шу ерда, -дегач, машинадаги аёлга тушаверинг, - дегандек ишора қилди-да, машина багажини очиб бир неча халталарни құтариб ёши қирқдан ошган дүндік, икки лаби ҳам қалин аёл билан ичкарига қараб юрди. Йүқлаб келаётганларнинг дарагини эшитиб ҳовлига чиққан ориқ, кулча юзи қорайиб ажинлари қатланған ўрта яшар жувон – Мехрининг аяси Хайри кутиб олиб ичкарига бошлади.

Қандли диабет касалиға учраган, ярим жон Дарвишали ҳайрон бўлиб кутилмаган меҳмонлар билан кўришди. Камбағалона жиҳозланған меҳмонхонадаги хонтахта атрофига таклиф қилди. Дүндік аёл жуда сўзамол экан, бир зумда ҳол-аҳвол сўрашиб, ўзларини таништириб келишдан мақсадини айтиб қўя қолди. Эрининг оти Тўрабек, ўзиники Қундуз бўлиб мамлакатнинг шимолидаги Борса келмас қишлоғида туришаркан, ёлғиз ўғиллари Жўрабек шу ердаги политехника институтида охирги босқичда ўқиркан, пахта тозалаш заводи амалиёт ўтагани бориб Мехрини кўриб ошиқу шайдо бўлиб қолибди.

- Ёлғиз ўғил, тезроқ уйлантириб орзу ҳавасимизга етсак девдик, Жўрабек ўлсам ҳам шу қизни оламан, қолсам ҳам деб турибди. Биз бориб кўрдик, ўғлимнинг диди ҳам баландда, Мехрий кўп сулув экан. Бизга ёқди. Маъқул. Бир ота ўғлидан: “Сени қанақа қизга уйлантириб қўяй?”, деб сўраса, ўғли: “Мен оладиган қиз ҳам чиройли, ҳам бой, ҳам ақлли бўлсин!”, дебди. Шунда отаси: “Унда сени уч марта уйлантиришим керак экан!” дебди. Ҳа-ҳа, ҳа-ҳа... Бир қизда шунча хислат бўлиши қийин, деганда отаси, ҳа-ҳа... Биз уч хислатни ҳам Мехрийда кўрдик, мана уй-жойларинг ҳам бинойидек экан (Эр-хотин темиртириноқлик билан ишлаб уй-жойларини дурустгина таъмирлаб қўйишган эди).

У ўзича завқланиб тиззасига уриб куларди. Тўрабек эса хотини нима деса, шуни бош қимирлатиб маъқуллаб ўтирибди. Хайри билан Дарвишали бир-бирига қараб қолди.

- Вай, қизимиз жуда ёш-ку, ҳали коллежни ҳам битиргани йўқ, - Хайри ёқасини ушлаб.

- Ўзимиз ўқитамиз. Ўзимиз ўраб-чирмаб оламиз. Билиб турибман ҳали тайёргарлигимиз йўқ, дейсиз.

- Борса-келмас жуда узок, Мехрини келин қиласман, дегани кўни қўшни ю қариндош-уруг орасида сон мингта! – деди Дарвишали юзини четга буриб.

- Нима деяпсиз, биз шу ерда яшаймиз, Марказдаги ғиштли уйдан уч хонали жойимиз бор, Гулзордан икки қаватли уй күтаряпмиз. Қизингизни бермасангиз уйингизда ётиб оламиз, кетмаймиз!

Қандай балога қолдик? – дегандай эр-хотин бир-бирига қаради. Сүнг Хайри секин сирғалиб чиқиб кетди. Ошхонада қизи билан гаплашди.

-Ая, мен шу болага тегаман, гап тамом! – деди.

Тўй жуда тез бўлиб ўтди.

Тўй маросимлари тугагач, Марказдаги уч хонали уйнинг меҳмонхонасида қоп-қора қошлари туташган, басавлат Жўрабек, Тўрабек, Кундуз гаплашиб ўтиришибди.

- Қундузой, келиннинг қўлига узук тақаётганда гапни ҳам қийвордингиз, йиғлашни ҳам! Сизга қараб туриб қўзимдан дувиллаб ёш оқаверди, ҳеч тўхтата олмайман!

Қундуз яйраб кулди:

- Узук тақаётганда қарасам, бечора қизчанинг қўли қалтираб кетяпти, ичим ачиб қўзимдан ёш чиқиб кетди. Ҳеч ўзимни тия олмайман, тия олмайман! Кейин кўзда ёшим билан гапиравердим, гапиравердим. Видеони кўрсам тўйдаги бор бари кўзига ёш олиб ўтирибди.

Жўрабек эса хаёл суриб ўтиради. Шу чоқ Теша Самиф кириб келди. Уччаласига беш юз доллардан санаб берди.

- Чиндан ҳам яшайверсан-чи, пулни олмай? – деди Жўрабек долларни қўлида ушлаб турганча.- Жуда кетвортган, айни менбоп қиз эканда! Бўйи ҳам!

- Кўнгилнинг яна нимани истайди? Қолганини келишганимиздек чорладидан кейин оласизлар,- деди Теша Самиф.

-Қаранг-да!- деди йигит каррандаларча. – Пилигини сал кўтарсангиз яхши бўларди. Рол ўйнашни ҳам қойил мақом қилдигу!

- Ҳа-да, мен ўзимам ишониб кетдим.

-Кўрамиз, бўпти кейин гаплашамиз, хайр! – деди Теша Самиф уларнинг тезроқ кетишини истаб.

Уччаласи ҳам пулни чўнтакка уриб бир зўмда ғойиб бўлишди. Ичкаридан Мехрининг пиқиллаб йиғлаган овози эшитилди. У шу бўйи уч хонали уй асираси бўлиб қолди...

-Менинг илтимосим нима бўлди? - деди Мехри вағиллаб ишлаётган соч қуритиш машинасини ўчириб Тешага жилва қилганча қараб.

-Акангизни кўряпсизу бор будимни шилиб оляпти. Мана бугун ҳам бир қарс сўраган.

-Бир қарс? Ўн минг долларми?

-Ҳа.

-На мунча?

-Чамамда мени ишда қолдириш учун ҳоким сўраган кўринади.

-Ўн мингнинг олдида икки минг нима бўлибди?

-Ваай... битта узук икки минг турарканми?

-Нима деяпсиз? Беш мингликлари ҳам бор. Бу менга ёқиб қолди, олмос кўзли, антиквар.

- Акам олиб бермайдими?
- Акангиз шунақа қуримсоқ-ки, атирга зўрға пул беради. Қимматроқ нарса сўрасам, барибир сизга олдиради.
- Ҳа, манави ишни бир ёқлик қилиб олай, кейин.
- Қаранг-да! – деди қизгина жон олувчи нигоҳи билан Тешага тикилиб.

Теша гапни бошқа ёққа бурди:

- Нозик меҳмон Маркандан келяптими?

-Йўқ, шу ердан, “ёзувчи”.

-“Ёзувчи?”

-Ҳа.

-Шунга шунчами?

Тешанинг ҳафсаласи пир бўлиб малол келгандек бир ҳолда идишларни жойлаштиришда жувонга ёрдам бера бошлади.

Босим Назар умровини букрига ўхшаб эгиб юрадиган, новча, бурун катакларичувак юзида хунук очилган “ёзувчи” – Халос Лапасни бошлаб кирди. Халос Теша билан бош иргаб саломлашдию тўрга чиқиб ўтириди. Пиджагини ечиб стул суюнчиғига кийдириб қўйган Босим Назар тезда меҳмон ёнига бориб жойлашди. Афтидан улар йўл бўйи бир масалада қизғин гаплашиб келгану Босим гапни тезроқ давом эттириш ниятида эди. У Халос стол устидаги қимматбаҳо ароқ шишасига қараб қўйганини сезиб, дарҳол шиша қапқоғини очдию ароқ қўядиган кичик қадаҳларга эмас, балки билтур паймоналарга тўлдириб қўйди.

-Олинг, сизга қасд қилганлар паст бўлаверсин, паст бўлмаса паст қилиб қўямиз! – деди Халос.

Чўқиширилар. Халос бир забт билан ҳаммасини кўтариб юборди, Босим эса ярмини ичди.

-Энди, янги ҳокимни даб-дурустдан ўрнидан қўзғатиш қийин, аммо қараб ўтирмай ҳаракат қиласиз, - деди. Халос чакка қатиқдан газак қиларкан.

Ишидан ҳайдалиб кетган собиқ тафтишли вилоятда “Ёзувчи” лақаби билан қора ном чиқарган Халос Лапас катта-кичик раҳбарлар устидан маълумот тўплаб, бу маълумотларни рўйиҳа қилади; қўрқсан раҳбар айтган пулини бериб ундан қутилади; агар раҳбар у билан ҳисоблашмаса, унинг устидан турли идораларга тинимсиз хатлар уюштиради; ўттиз йилдан бери шу иш билан машғул бўлгани учун тирноқ орасидан кир қидиришга уста бўлиб кетган; қўп раҳбарлар ундан қўрқишиади, ёки у билан тенг бўлиб ўтиришни исташмайди, ҳатто уни йўқлаб туришиади, табиийки, бундай муҳитда у гуллаб яшнайверади; у Босим Назар билан тил топишган, собиқ ҳокимни йиқитишида Босимга ёрдам берган эди.

-Тешанинг аризасини олган дедингизми? – деди у хонанинг чап бурчига қарагунча ўйланиб.

-Ҳа.

-Сиз аризани ишга солмай туринг, деб илтимос қилдингизми?

-Ҳа.

-Ариза кимда?

- Илҳомда – ташкилий ишлар котибиятида.
- Сиз илтимос қилгандан кейин уни бўшатмадими?
- Ҳа.
- Таъма қиляптими?
- Шунга яқин.
- Сиз унга бера оласизми?
- Беришга бераман-ку-я, аммо оладими, олмайдими, билмайман-да.
- Агар олиб кириб қўлига ушлатмасангиз ҳам столи устига қўйсангиз бўлди! Агар шу ишни удда қила билсангиз, керакли жойга шипшишиб қўямиз. У ёғини ўзлари боплашади. Ергулининг ҳокими Эшпўлатни қандай боплагандик. Вилоят ҳокимлигидаги котибият мудирини ҳам беш юз доллар билан қўлга туширишдию! Бирданига қутиласиз, қўясиз. Тамом! Ҳим... Агар вилоят ҳокими қўлга тушса, ўзиям катта шов-шув бўлади-да!
- Тўғрику-я, аммо менинг бу ишга бош қўшишим яхши бўлмайди-да, ҳокимликни талашиб уюштирган, деган гап чиқади. Бу менинг келажагимга салбий таъсир кўрсатади. Аралашаётганимни ҳеч ким билмаслиги керак.Худди илгариgidек...
- Тўғри сизни асраримиз керак.Бўлмаса Тешанинг ўзини ишга солайлик.
- Тешадан олмайди-да!
- Унда иш анча чўзилади.
- Майли чўзилса ҳам. Сиз ҳам маълумот тўплайверинг, биз ҳам. Олти ойга қолмай маълум бўлиб қолади. Баъзи вилоят ҳокимларини олти ойга қолдирмай ҳам ишдан олишяптию! Сиз маҳкам бўлинг.
- Хўп бўлади. Минуслари ҳозирданоқ бошланяпти, қўчаларга ғишт девор урдириб каталакдек уйларни яшираётганмиш. Қанча халқ пули беҳуда сарфланяпти. Бу маблағни ишлаб чиқаришга сарфласа қанча одам ишли бўлади.
- Ҳа-да, бу ҳам бир далил. Девор билан шаҳарни чиройли қилиб бўладими? Аслида қўшни вилоятда шундай қилишётганини унга мен айтувдим.
- У лақقا тушди, денг.
- Ҳа.
- Боплабсиз.
- Вақти келганда фалончи айтувди, дея олмайди-ку!
- Ҳа-да! Ёрдамчисига айтсам мени қабул қилмади. Тўхтаб тур, дедим.Изланганга толье ёр. Бир-икки оғайниларга тайинлаб қўйдим, йиғилишлардаги бемаъни гапларини диктафонга ёзид олишяпти.
- Баракалла! Мен ҳам орқасидан одам қўйдим.
- Худо хоҳласа, қандай ағанаганини ўзи ҳам сезмай қолади.
- Тилингизга асал! Харажатингизга бериб тураман.
- Яхши.

Улар қўл ташлашди.

...

Таваккал мийиғида кулиб машинани Ергулига қараб ҳайдади, дўконлар ёпик эди. Шаҳардан чиқишида қайрилган ғулбадан сув оқиб ётганини кўриб тўхтади, олдинги ўриндиқ пастида ётган пластмасса идишни олиб машинадан тушди. Ғулбага қўйилган мурувват ишламасди, томчиси тиллога тенг чучук сув шундай оқиб ётибди. Таваккал идишни чайқаб сув тўлдириб ичди. Таъми яхши. Дунёнинг кўп жойларида бундай сувнинг томчисига зорликларини билишармикан?! У ён дафтарига қайд қилиб қўйди: “Оқавасув” чорасини кўрсин! Одамларимизни шундай тарбиялишимиз керакки, мана бундай оқиб ётган сувга, кундузи ёниб турган чироққа, писта чакиб, нос отиб кўчага туфлашга бефарқ бўлмасин. Алҳол Европа шаҳарларидан бирига боргандаги воқеа ёдига тушди. У кўчада кетиб бораркан, чўнтагидаги кераксиз бир қофозни ғижимлаб ерга ташлади, хаёлга ботиб кетиб бораркан, кимдир қўлидан ушлади. Қараса, орқасига портфел осиб олган бола. У:

-Амаки, анави қофозингизни олинг! – деди русчалаб.

Таваккал унга қараб ҳайрон бўлиб ҳаяллаб турган эди, бола:

- Агар олиб ахлат яшигига ташламасангиз, ҳозир полицияни чақираман!  
деди.

Таваккал мийиғида кулганча бола талабини бажарди. Бола “Раҳмат”, дедиу йўлидан давом этди. Ҳаммани ана шу боладек тарбиялашимиз керак. Ана шунда кўчаларимиз янада тоза бўлади!

Таваккал идишни сувга тўлдириб машина ёнига келган эди, қора сумкача кўтарган сарвқомат жувон унга яқин келиб:

- Мабода Ергулига кетмаяпсизми? – деди.

Таваккал шошиб қолди, жувонга қарадио юраги ғалати жимиirlади. Бир зум хаёл аралаш иккиланиб қолди, сўнг:

- Ҳа, Ергулига, – деди шошиб.

Олиб кетолмайпсизми? Ҳамма пахтага дейилгани учун машина ҳам кам.

Таваккал офтобдек чараклаб ўзига қараб турган чехрага боқиб, “Ё тавба!” дедиу кўзини олиб қочди.

-Майли, чиқинг.

-Қанча бераман?

Таваккал нима дейишини билмай гангиб турганди бу ҳолдан жувоннинг ўзи қутқазди.

-Элқаторими?

-Майли, элқатори.

Аёл ҳеч тортинмай олдинги ўринга жойлашиб ўтириб олди.

-Мижозгами?

-Ҳа.

-Ҳойнаҳой, божхона олдигадир.

“Божхонаси қаер экан? Ҳа, деб турай-чи”

-Шундай.

-Ўзиям ўша ёққа бораётган бўлса керак дедим. Менинг далам у жойга яқин.

Машинангизни кўргандекман.

-Балким...

Бир-бирига туташишига озгина қолган, қалдирғоч қанотидек қайрилган қоп - қора қошлари, қуралай күзлари порлаган, лўппи юзига кулдиргичлари жуда ярашган, на семиз, на ориқ, ўртадан юқорироқ бўйли, ўттиз ёшлар чамасидаги бу жувон шу ёшида ҳам шундай офатижон эди-ки... Бироқ, қуёшда кўп юрганидан, ўзига қарамай қўйганидан доғлар тушиб юзи қорайган. Таваккал унга яна бир бор дикқат билан тикилди.

Бу ўша, ўша! – деб ўйлади Таваккал...

Стадион. Таваккал ўкувчиларнинг вилоят мусобақасига футболдан қатнашаётганди, ўйинлари тугагач енгил атлетикачиларнинг мусобақасини старт майдончаси яқинидаги скамейкада ўтириб кузатяпти. Ҳамманинг нигоҳи югуриш йўлакчасида турган беш қизга қаратилган, вилоят тренери Иван Николаевич Галькин тиллоранг сочи калта қирқилган қизни Таваккал ўтирган жой яқинига чақириб олиб русчалаб деди:

-Изобелла, дадил бўл! Бу қизларнинг ичида сенга teng келадигани йўқ, босасан!

Кўзлари катта-катта, қошлари камондек тортилган, ўртаси чукурчали чиройли ияги бироз олдинга эгилган, парраклари нозик бурни европаликларникига ўхшайдиган юзига жудаям ярашган, тиқма бадани оппоқ бу қиз ғоят гўзал эди.

-Метискада, чиройлилигини қаранг, -деди спорт костюмини билагига ташлаб майкачан ўтирган ўрта яшар киши.

-Метискалар ўзи чиройли бўлади-да, Бодомзор биринчи котибининг қизими? – деди тепакал, кичиккина мўйлов қўйган киши.

-Ҳа, ўша Бобир Шермуҳаммаднинг қизи! Хотини Аня опа ҳам хўп сулувда, қизини қаранг, қизини... Отини қаранг! Изобелла! Изобелла майи одамни кайф қилса, бу Изобелла одапмни нақ ёндириб юборади-я!

-Илгари ўрис, ё татарга уйланганлар тез кўтарилишган. Бобир ака яна кўтарилибди, деб эшитаман, ростми?

-Ҳа, Марказкомга ташкилий бўлим мудири бўлиб кетди. Аммо ўзи ҳам зўр одам!

-Изобелла, чукур нафас ол-да, отилиб чиқ, марра сеники! – деди Николай Иванович қизнинг елкасига уриб.

-Хўп бўлади, - деди қиз қўлинни қўксига қўйиб, бош эгиб. Унинг ўзбекчалаб гапириши, ўзбекона таъзим қилиши унга жудаям ярашди.

Таваккал бу сарвқомат қизга ҳавас билан қаради, у албатта, маррага биринчи бўлиб етиб боради, деб ўйлади; иккинчи йўлакда эса қоп-қора сочини битта қилиб ўриб орқага ташлаган, ёнидагиларга қараганда анча ёш қизгина бунақа тор, калта спорт кийимини биринчи марта кийгани учунми, ё мусобақаларга энди қатнашаётгани учунми аллақандай тортиниб, сал четланиб турибди. У жудаям чиройли қиз эди. Мана, қизлар эгилиб, бир тиззасини ерга қўйиб, қўлларига таяниб туришди; бирдан қарсиллаб тўппонча отилди, ҳамма отилиб чиқди, аммо биринчи йўлакдаги қиз “Вай” деб юбориб қўлоғини бекитганча орқага тисланди, Таваккалга яқин турган спорт костюмидаги калтабақай йигит бақирди:

-Муножот, югурмайсанми?!

Муножот энди югурмоқчи эди, ёнидагилар қайтиб келаётганини кўриб тўхтади, кафтлари билан юзини бекитди. Ҳамма қаҳқаҳ уриб кулиб юборди.

Таваккалнинг ёнидаги тепакал киши:

-Қизингизни милтиқ отиб югуртириб ўргатмабсиз-да! – деди кулганча калтабақайга қараб.

- Тўппонча отиб сигнал беришлари мумкин демабман-да! Муножот, энди билиб олдинг-а, қўрқма, жонинг борича югар! У яхши югуради, ҳеч бўлмаса иккинчи ўринни олади!

-Орқага қараб югурибми? - деди яна бояги одам.

Кулги кўтарилиди.

- Биламан, анави рус қиз зўр, ўтган йил ҳам биринчиликни олевди.

Таваккал қизни кузатарди, қиз кафтини туширмай юзини бекитиб турибди.

Судъя уни огоҳлантириди.

Яна тўппонча отилди. Қиз отилиб чиқди, шундай шитоб билан югуриб кетди-ки, ёнидагиларни етти метрча орқада қолдириб лентани кесиб ўтди, ҳамма қийқириб юборди. Таваккал ўтирган ўрнидан қандай сапчиб турганини. Югуриб стадионга чиқиб ҳаммадан илгари пишнаб-энтикиб нафас олиб бир жойда тура олмаётган қизнинг қўлини қандай сиққани билмай қолди. Биринчи бор бундай табрикни қабул қилаётган Муножот муйлаби эндиғина сабза урган чиройлигина бўзболанинг ўзига тикилиб турган кўзларига боқдию юрагида ундан миннатдорлик туйғуси жўшди. Бир мунча муддат ундан кўзини узолмади... Сўнг бошқалар етиб келишди. Муножот юзида тер тепчиганча шундай ширин жилмаярди-ки... Муножотнинг шу ҳолдаги сурати йигитчанинг кўз қорачигида абадий қолди. Светлана эса ўкириб йиғлади. Иван Николаевич ҳакам билан баҳлашмоқда:

- У сигналдан олдин чиқиб кетди! Изобелладан ўтадиган қиз бўлиши мумкин эмас! Ҳеч ақлга сифмайди, бунақа натижа...

Ҳакам эса унга қулоқ солмади.

Муножот мусобақа қаҳрамонига, Таваккал эса бу соҳибжамол қизнинг мухлисига айланди, қачон Муножот югурадиган бўлса югуриш йўлагига яқин бориб олади. Эртаси куни қиз икки юз метрга ҳам Изобелладан ўзиб кетди. Николаевич яна йиғлаётган қизга тасалли берарди:

- Сен кўчамиз, деб яхши тайёрлана олмадинг-да! Хафа бўлма, иккинчисану барибир республикага қатнаштираман, ана ўшанда сен бу қиздан зўрлигингни исботлайсан!

Иван Николаевич йиғлаётган қизини елкасидан қучганча юпатардию қизлар даврасида ёниб-яшнаганча энтикиб-энтикиб нафас олаётган Муножотдан кўзини узолмасди. Учинчи куни эстафета таёқчасини охирги юз метрликда шеригидан рақиби - Изобелла салкам беш метрча олдинлаб кетганда қабул қилиб олдию “Муножот! Муножот!! дея бақиришганига жавобан шундай шиддат билан югурди-ки, бир зумда Изобелладан анча ўзиб дуркун кўкраги билан тасмани кесиб ўтди. Таваккал Муножотнинг мухлисларига қўшилиб қичқираётганини сезмай қолди, юраги ғалати, ширингина жизиллади. Яна Муножотнинг иқболига ҳаммадан илгари учиб

борди, учиб борди. Кейинчалик...Кейинчалик Муножот қўл етмас юлдузга айланди. Энди Таваккал унинг газета – журналларга чиқкан суратларини йиғиб юрарди, кейин бирдан Муножотнинг номи чиқмай кетди...

-Оtingизни айтгингиз келмаяптими, сирми? Унда супер киракаш экансизда!

-Йўқ, нега? Отим...отим - Неъмат.

-Неъмат ака, яхши йигит экансиз.

-Нега, балки ёмондирман?

-Чунки, биринчидан йўлкирани талашмадингиз. Иккинчидан мени ўрашга ҳаракат қилмадингиз.

-Ўрашга?! Ҳа, ўраш...

Таваккал дафъатан бу сўзниг маънисини тушунмади

-Чунки, бир ўзим машинангизга чиқдим, қўлимда сўмкачадан бошқа ҳеч нарсам йўқ. Овга чиқкан деб ўйлашингиз ҳам мумкин эди, ҳозир шунаقا қилиб кун кўрадиганлар кўпайиб кетган, туф-туф... тавбангдан кетай (Қизжувонларга қармоқ ташлашни ўраш дейишаркан-да, - деб ўйлади Таваккал кулиб). Учинчидан илгари ўқитувчи бўлиб ишлаган кўринасиз, ўқитувчи бўлиб кун кўриш ҳозир осонмас, ойлик олмагандирсиз ахир, ё ҳозир ҳам ишлаб бўш вақтингизда кира қилиб турасизми?

-Тўғри топдингиз, -деди Таваккал Муножотни ишонтира билганидан хурсанд бўлиб.

-Топаман-да!

-Энди мен сизни ўрасам майлими?

Муножот энди йигитга тикилиб қаради, ўйланиб қолди: “Тавба, кийимбоши мунча уринган? Худди бировнинг кийимини кийиб олгандек! Юзи ойдеккина, офтоб кўрмаган... Илгакдаги галстук, пиджак бошқаники, шекилли.

-Сиздек йигит ўраса йўқ дейманми? Жоон дейман! – Муножот чараклаб кулди, сўнг дарҳол деди: -Ҳазил!

У иягини чўзиб “Жоон” сўзини шундай чиройли айтди-ки... Унинг кўзлари шу қадар тим қора-ки, қорачигини ажратиб кўриш қийин.

Таваккал машинани беихтиёр секинлатиб жувонга кулиб қаради.

-Хўйш, қандай қилиб ўрамоқчисиз? Аммо, лекин аста-аста ўраган пишиқ ўрайди,— деди нозланиб Муножот.

- Сиз Даشتдаги иккинчи мактабни битирган Муножот Шойим қизисиз, адашмадимми?

Муножот бирдан ранги оқариб сувга тушган нондек бўшашиб қолди, бошини орқага ташлади.

- Европа чемпиони!

Муножот бир сесканиб тушди, сўнг узоқларга боққанча жим қолди – узоқ сукут сақлади.

-Ҳа, ҳа...ўша бахти қаро менман!

-Нега бахти қаро бўларкансиз?

-Сўраманг...

Муножот чуқур “үх” тортди. Таваккал Муножот ҳақидаги мишишларни узук-юлук әшитганди, жувоннинг ярасини тирнаб қўйганидан хижолат чекиб унга қаради, сўнг ботинмай сўради:

-Ҳали ҳам спорт билан шуғулланяпсизми?

-Йўқ.

-Нега?

-Энди пул топиш мусобақасида қатнашяпман.

-Пул топиш мусобақасида?!

-Ҳа... Мени ўрамадингиз ўлдирдингиз, танир экансизда, Неъмат ака!

-Сизни ким танимайди, бир-икки мусобақага қатнашганингизни кўрдим, табрикладим. Кейин телевизорда... Пул топиш мусобақасида қатнашяпман, денг. Ким билан мусобақалашяпсиз?

-Прокурор билан.

-Қайси прокурор билан?

-Прокурор билан?!

-Ҳа!

-Келиб-келиб қонунни назорат қиладиган раҳбар биланми?

-Ҳа!

Кўрқмайсизми?

-Йўқ!

Муножот ён ойнадан узоқларга боқканча жим бўлиб қолди.

Таваккал бир йўлга, бир унга қараб бораркан, унинг кечаги шодон Муножот эмас, балки турмуш болғаси болғалаган, бошидан кўп савдолар ўтган жувон ўтирганини ҳис қилди ва негадир ана шу савдоларни билгиси келарди.

1936 йил, январ. Москва. “Пегас” кафеси олдидаги майдонда одам тирбанд. Милиционерлар, қўлига қизил латта боғлаб олган дружиначилар секин юриб сигнал чалиб келаётган қора автомобилга йўл очишиди. Машина тўхташи билан эшикларининг икки ёнини милиционерлар муҳофаза қилиб туришиди. Орқа эшиқдан новча, яғриндор, шопмуйлов, узун пальто кийган киши бироз эгилиб тушиши билан атрофдагиларнинг “Гореч! Гореч!”, “Яшасин Гореч！”, “Унинг душманларига ўлим!” деган қичқириқ, хитоблари эшитилди, гулдурос қарсаклар янгради. Гореч уларга қўлини қўксига қўйиб таъзим қилди, сўнг икки қўлини кўтарди. Сураткаш мухбирлар тиқилишиб, бир-бирларини суриб аппаратларини чиқиллатишарди. Гореч милиционерлар қуршовида тез юриб кафе долонига кириб борди. Бу ерда Горечга Голицин билан унинг хотини Наталя Сергеевна пешвоз чиқишиди.

Мархум князь Голициннинг ўғли, биринчи жаҳон урушида гвардия поручиги бўлиб қатнашган Фёдор Гордиевич большевиклар сафига қўшилган, Горечга “Искра” газетасини чиқаришда ёрдамлашган, унинг ёшгина хотини Наталя Сергеевна (князь Сергей Остроумовнинг қизи) адабиёт шайдоси, Горечнинг ашаддий мухлиси. “Пегас” кафесида

Маяковский, Есенин билан шов-шувли учрашувлар ўтказган; немис, француз тилларини яхши билади, бу учрашувларга чет элликларни ҳам таклиф қиласди; чет эллик ёзувчиларнинг бир қанча асарларини таржималар қиласди, ўзи ҳам шеър ёзади, эри бошқараётган нашриётда муҳаррирлик ҳам қиласди. Уни Есенин билан ўтказилган учрашувдан кейин маҳсус идорага чақириб огоҳлантиришиди: “Шоирларингиз оғзига кучи етмай, шўро обрўсига путур етадиган гапларни вайсаляпти! Учрашувингизга социализм душманлари - ажнабийларни ҳам таклиф этяпсиз. Ҳушёр бўлинг!” Бу гаплар оҳангি худди қатл ҳукмидек совуқ эди.

Кўп ўтмай Есенин “ўзини осди”, Маяковский “ўзини отди”.

Есенин ҳам, Маяковский ҳам ўзини осадиган, отадиган шоир эмасди, - деб ўйлади Наталя Сергеевна. - Шубҳасиз, улар инквиди фирибининг курбони бўлди! Эссиз, халқ уларни қанчалар севаради. Катта-катта раҳбарлар ҳам сирли равишда йўқ бўлмоқда. Ишқилиб устоз Горечни худонинг ўзи арасин. Унинг жонига суиқасд қилишди. Захарни ўғли ичиб қўйиб ҳалок бўлиши устознинг қаддини бўкиб қўйди. Анча пайтдан бери бунақа учрашувларга биринчи чиқиши.

Мискам Гореч залга бирга кирган шериклари орасида якка теракдек алоҳида ажралиб қўзга ташланади. Елкаси чўккан бироз эгилган, кучга тўлган ички дунёси серажин юзига нур бағишлигар, чўққи бурни, шоп муйлови ўзига хос ғуур бахш этади, кенг, кулранг пальтоси бакувват, келишган гавдасига ярашган; у очарчилик оғатидан омон чиқсан, эзғиланган, ғарифона кийимлардаги бу бечора ҳамюртларига ачиниш аралаш меҳр ва диққат билан боқсанча бироз олдинда юриб кирган заҳоти гулдурос қарсаклар янгради; у бундан хижолат чекди, шекилли, панжалари йирик-йирик қўлларини кўтариб тинчланишни сўради.

- Бу қарсаклар менга эмас, балки эзгу ишга бел боғлаб курашаётган, яратаетган, жафокаш, заҳматкаш Рус халқининг – сизнинг шаънингизга чалинди, деб биламан! – яна серавж қарсаклар янгради.

У палтосини тезгина ечиб Голицинга берди-да, ажратиб қўйилган стол ёнидаги стулга ўтирди, ёнидагиларни ҳам ўтиришга таклиф қилди. У ўз асарларида рус камбағал халқининг сажиаси, аччиқ қисмати, дард-аламлари, фожиаси, армонларини рўйи-рост тасвирлай билган, беҳисоб ёш ёзувчиларга устозлик қиласди, тинмай ташаббус кўрсатиб ишлаётган буюк шахс. Бугунги кунда унинг асарлари машхур бўлиб қисқа вақтда инглиз, немис, француз тилларига таржима қилинган, мешчанлар кирдикорларини фош қилувчи асарлари театрларда мунтазам қўйилар, у зўраки иттифоқда Ёзувчилар уюшмаси ташкил қиласди, бу уюшмага ўзи раис эди. Наталя Сергеевнанинг йиғилганларга уни ортиқча таништиришига ҳожат бўлмагани учун тезда савол-жавоб бошланиб кетди.

Мискам Гореч саволларга бироз бўғиқ, аммо ширали овозда қисқа, лўнда жавоб бера бошлади.

-Мен трилогиянгизни мароқ билан ўқидим. Гениал асар! Кейинги йилларда бирорта чет эл ёзувчиларининг асарларини кўрмадим, нима биз чет эл

асарларини ўқимаслигимиз керакми? – деди сарғиш кофтали жувон Горечга меҳр билан боқиб.

- Йўқ! Қайта қўпроқ ўқишимиз керак! Шунинг учун “Жаҳон адабиёти” нашриёти ташкил қилдик. Унга ўртоқ Голицин раҳбар (Голицин ўрнидан туриб бош эгиб қўйди). Яқинда Жек Лондон асарлари қўлингизга тегади. Ажойиб ёзувчи!

Қарсаклар янгради. Унинг ҳар бир жавоби қарсакларга кўмилиб кетарди.

Ўқувчилар икки соатдан зиёд Горечнинг жабрдийда, жуда аччиқ, аммо ғоят гўзал, заковатли дунёсидан баҳраманд бўлиб уни қўйиб юборгилари келмасди...

- Устоз кеча чарм курткалик киши ишхонамизга келиб: “Сенлар бадиий китоблар чиқарамиз, деб буржуйларни тарғиб қиляпсизлар. Агар ишни шунақа давом эттирсаларинг, билиб қўй, сизларга ҳам, устозларингга ҳам қийин бўлади!”, деб дағдаға қилди, - деди учрашув тугаб уйга қайтишаётганда.

Гореч бир муддат ўйланиб қолди. Унинг хафақошлари орасига тушган икки ажин янада чуқурлашди, шоп муйловини силаб узоқларга ғамгин боққанча деди:

- Парво қилма, мен бу масалани эртага марказий қўмитада қўтараман.

Гореч большевикларнинг марказий қўмитаси аъзолигига сайланган, унинг гапларини эътиборсиз қолдиришмасди. Сталин Горечнинг Россиядаги, чет элдаги обрўси учун у билан ҳисоблашишга мажбур эди. Аммо айни пайтда у бир бечора эди. Бундан бир ҳафта илгари номаълум айби билан қамалган уч ёзувчига шафқат сўраб Сталиннинг олдига кирди. Сталин уни жуда иззат-икром қўрсатиб қабул қилди. Илтимосини ҳам бажаришга ваъда берди. Аммо орадан икки кун ўтгандан сўнг бу ёзувчиларнинг отиб ташлангани маълум бўлди. Алҳол Гореч қўлидан ҳеч бир иш келмасада шогирди кўнглини қўтариб қўйди, холос.

Зиёлиларга шундай оғир давр бошланган. Кўп ёзувчи, шоирлар қочиб кетишяпти. Айниқса келиб чиқиши аслзода, руҳоний, савдогар, бой, чор амалдорлари бўлган зиёлилар бирданига қамоққа олинар, изсиз йўқолар эдилар. Уларнинг омон қолгани большевиклардан шафқат кутиш мумкин эмаслигини англаш етгандан бери бир амаллаб чет элга қочиб кетиш пайига тушган. Хайриятки, дунёнинг бор мамлакатлари шўро балосидан қочаётган бу муҳожирларга бағрини очган.

Ўша куни эри унга вазият қалтислигини, кези келса уларни Гореч ҳам ҳимоя қила олмай қолиши мумкинлигини айтди. Хотинига чарм сумкачага солинган қофозларни – отасининг ўғлига ва княз Остоумовнинг Наталя номига Швецария банкига қўйган маблағи ҳақидаги хужжатларни, никоҳ қайд этилган гувоҳномаларни топширди. “Эҳтиёт қил, бир амаллаб четга чиқиб кета олсак керак бўлади, қизчамизни энагаси билан олиб кетамиз”, деди. У хотинини жондан ортиқ севар, ардоқлар эди. Эрининг гапларидан Наталянинг юраги орқага тортиб кетди. У немис элчихонасиға борганда чарм курткалик киши кузатиб, пойлаб юрганини эслади; эр-хотин ишга

берилганидан эндигина бир ёшга түлган қизчаси Нина энага қўлида тарбияланадиган эди. Ўша куни Халқаро масалалар билан шуғулланадиган дўсти Борис ишхонасига келиб бир четга чақирдию Наталяни тезда хавфсиз бир жойга яширишни айтдию кетди. Фёдор дарҳол дарҳол тушунди, ичиға титроқ кирди.

Бир илож қилиб Натали билан қизчамни жўнатиб олсан эди, - деб ўйлади ичи шошиб. – Бирга кетишимиз хавфли, ҳар ерда айгоқчилар изғиб юрибди. Борис айтдими, демак вазият жуда қалтис ! Шошилиш керак! Уни бу ерга яширишни фойдаси йўқ. Фақат четга! Уларни жўнатай кейин ўзим чет элга иш сафарига ҳужжат тайёрлайману шартта чиқиб кетаман.

У илгари бир режа тузиб қўйганди. Жуда эҳтиёт бўлиб шу режа чорасини излаб чор атрофга югурди. Ярим тунда эшиги қўнғирогини босди. Наталя эшикни очишдан қўрқиб қалтираб турган эди, эшик ортидан эрининг овоз эшитилди.

Эри ошиғич кирди:

- Натали тез бўл! Нарсаларингни йигиштири, анави ҳужжатларни ол!
- Қизим энаганикида-ку!
- Оббо! Энаганики узок-ку! Майли, сен тез бўл! Уни энагаси билан ўзим олиб бораман! – деди.

Кичиккина жомадонга нарсаларни шошиб жойлашдию чиқиб пайтунга ўтириб портга йўл олишди.

-Қизим! – деб йиглади Наталя орқага қарай-қарай.

-Сиқилма, имкон бўлганда сен жўнаб ол, бошка бундай қулай имкон туғилиши қийин! Уларни ўзим..., - деди.- Эртагаёқ фақат шу билан шуғулланаман, устозни ҳам қўндираман.

Сўнг кемада кимга учрашишни, етиб боргач, нима қилишни тушунтириди.

Гудок чалиб жўнаётган кемага зўрға улгурдилар.

Фёдор шапкасини ғижимлаганча қоронғуда қўринмаётган бўлсада узок қўл силтаб турди.

Эртаси куни уйидаги кабинетида ишлаб ўтирган Гореч қархисида бўйнига медальон таққан, эгнидаги кийимлари аслзодаларники бўлган, аммо тугмалари узилган, ёқавайрон, соchlари тўзғиган, бети кир-чир бўлсада оқ суюклиги билиниб турган олти ёшлар чамасидаги қизча пайдо бўлиб қолди. Ёзувчи кўзини очиб ёпди, бошини сарак-сарак қилди. Қизча қиёфаси йўқ бўлиб қолмади. Демак у мавжуд. Шу чоқ қизча тилга кирди:

-Устоз! Жаноб! Мен сизнинг ҳикоянгизни ўқиганман. Лекин мен унақа ёмон қиз эмасман. (Гореч ҳали қўғирчоқ ўйнаб ўтирган, аммо фоҳиша бўлиб қолган қизча ҳақида ҳикоя ёзган эди).

Қизча изиллаб йиглаб юборди:

- Отажон! Менга ёрдам беринг! Аям билан кемага чиқаётган эдик, мен қолиб кетдим. Аям... кет... ди!
- Аянг ким?
- Графиня Голубова!
- Графиня ...

-Ха-ха! Голубова  
-Тамара Ивановна?!  
-Ха, ха... бизницида бўлган эдингиз-ку!  
-У қочиб кетдими?

Қизча янада қаттиқроқ йиғлади.

-Кетди...  
-Оting нима эди?  
-Оксана!  
-Сени ким бу ёқقا жўнатди?  
-Ўзим, отажон ўзим! Ҳик...

Устоз қўлини пешонасига тираб ўтириб қолди.

Ўтган йили юраги ушлаб қолиб қазо қилган граф Голубовнинг беваси, -деб ўйлади. - Адабиётни жон-дили билан севадиган гўзал жувон. У ҳам кетиб қолибди. Россияда ким қолади, ўзи? Нима қилиш керак? Ёрдам сўраб келган бу мурғак тўйиғи кўчага ҳайдаб солиши керакми? Йўқ! Етимхонага жойлаштираман. Гореч хотинини чақириб қизчани унга топшириди – тез ювинтириб овқатлантиришни, кийимини ўзгартиришни сўради. Сўнг у қофоз, ручкасини йиғиштириб, қизчани етаклаб ташқарига чиқиб кетди. Қизчани Горечнинг ўзи олиб боргани учунгина етимхонага ноилож қабул қилишди. Ахир ота-онаси ўлдирилган дайди болалар кўп эди-да! Горечга катта-кичиклардан бундай илтимослар жуда кўп бўлади. Кўпинча қизгин ижодий фаолиятини ҳам тўхтатиб шунаقا ишларни бажаришига ҳам тўғри келарди.

Қизчани жойлаб ўзича мамнун бир ҳолда финжондаги хотини тайёрлаган кофедан бир-икки хўплаган ҳам эди-ки, қизчани кўтариб хўнграб йиғлаганча энага Клара келиб қолди, кўлидаги Горечга талпинган қизчани хотини олди, эркалаб ўпди.

- Устоз, княз Голицинни кимдир шундай эшигимиз олдида отиб кетибди!  
-Нима?!

Гореч пешонасига бир урди:

-Наҳот!  
-Ха отагинам!

Гореч пешонасини чанглаб бошини сарак-сарак қиласади.

- Ё раббий! – деб юборди хотини қизчани бағрига босиб.  
-Натали қани? – деди у.  
- Уйида йўқ! Уйи ағдар-тўнтар қилинган, эшиги очик.

Гореч чап кафтига муштлади. Ярқ этиб Голициннинг кечаги гапи ёдига тушди. У шашт билан кабинетига кириб кетди. У узоқ муддат аллакимларгадир телефон қиласди. Ниҳоят ҳафсаласи пир бўлди.

Натали қаёқка кетдийкин? – деб ўйлади ажинли пешонасини ишқаб.- Наҳот уни қамаб қўйишишган бўлса?! Бу ерда жиддий бир гап бор, йўқса у аллақачон қизини излаган, ё бир хабарини берган бўларди. Бечора Фёдор!

Буюк устоз танишларига, шогирдларига Наталяни суриштиришни илтимос қиласди. Эртаси Наталяни чет элга қочиб кетганини айтишди...

Қизчани қаёққа жойлаштираман,-деб ўйлади Гореч Голицинни дағн маросимини ўтказгач. - Эха, профессор Румянцевдан илтимос қиласман. Балки, у қизчани бағрига олар! Унинг ҳам бағри ярим... Улар эртага жүнаб кетишади.

... Гореч эшикни очган мошгурунч соқол-муйловли, ўрта яшар киши билан кўришаркан деди:

– Сергей Михайлович, менга бир ёрдам берсангиз.

- Сиздек одам мендан ёрдам сўраса-я! Кўлимдан келармикан? – деди Румянцев Горечга ҳайрон бўлиб қараб. – Марҳамат, ичкарига.

Кенгина, оддий жиҳозланган хонада ёзувчини бошдан-оёқ қора кийинган, ғоят умидсизликка тушган Галина Матвеевна хушмомалалик билан қабул қилди. Улар стол атрофига ўтиришгач, Гореч ҳозиргина бўлиб ўтган воқеани ҳикоя қилиб берди.

- Сиз уни Туркистонга олиб кетсангиз, у ерда бизга қараганда тўқчилик, ҳам четроқ, бехавотир бўлади.

Сергей Михайлович билан Галина кўна қолиши. Галинанинг эндининг бир ярим ёшга тўлган қизчаси силдан қазо қилиб бағри ҳувиллаб қолган эди. Галина бу таклифга жон деб рози бўлди. У Голицинни, Наталяни жуда яхши танир ва уни ҳурмат қилар эди. Уларнинг бошига тушган кўргуликни эшитиб юм-юм йиғлади. Шу куни ёқ қизчани олиб эмиза бошлади. Эртаси куни эса қизча Румянцевага айланди, машхур турколог Сергей Михайлович Румянцев билан хотини уни Туркистонга олиб кетиши. Марканда уларни яхши кутиб олиши – четга қочиб кетган рус офицерларидан бирининг кичикроқ ҳовлисига жойлаштириши. Нина Румянцевлар хонадонида яхши тарбия топди, кейинчалик Сергей Михайлович раҳбарлигида ташкил этилган дорулфунуннинг шарқ факультетида араб тили гуруҳини тугатди, Румянцевнинг турк тилининг Европа тилларига таъсири борасидаги ишини давом эттириб ўз илмий изланишлари билан талабалигига ёқ тилга тушди; ўзи билан бирга ўқиган оддий рус йигити Анатолий Александровга турмушга чиқди. Аммо фарзанд кўрмади. Докторлар Нинага даволаниш фойдасизлигини айтишгач, жуда сиқилди. Саёҳат бюросида бошловчи бўлиб ишлайдиган эри ичкиликтан берилиб кетди. Тозаликни, озодаликни яхши кўрадиган Нинага ҳар куни гандираклаб келадиган эри билан яшаш азобга айланди. Лекин ўзи севиб текканди. Чидади. Эри кўнгли бўш, содда йигит эди. Қиши кунларининг бирида эрини машина уриб кетиб қазо қилди. Сергей Михайлович вафот этган, унинг “Газ-31”ини Нинанинг ўзи ҳайдаб юради. Нина оқсуяклиги билиниб турган, бўйни ўртacha узунликда, елкалари нафис эгилган, ойюзли, қалин, тиллоранг соchlари елкасига тўлқинланиб тушиб ётган, кўзлари тиник мовий, қирққа кираётган бўлсада юзига жин тушмаган, кўрган одам йигирма беш ёшда бўлса керак деб ўйлайдиган оғатижон бир жувон эди. Нина фан доктори бўлди, китоб ўқишига мўккасидан кетган, сумкачасида бадиий китоб Китоб ўқиб ёлғизлигини унутади. Кўрган одам унга ошику бекарор бўлади, не-не эркаклардан турмуш қуриш хусусида жуда кўп таклифлар бўлди, аммо ҳеч қайсисига розилик билдирамади. Ичкиликтан

берилган эр билан яшаш унинг кўнглини турмушдан бездириб қўйган, онаси билан шундай яшаш унга маъқул келиб қолганди. Нина илмий изланиш ижод ёлғизлиги гаштини суради, бундай гаштни илмга, ижодга бутун вужуди билан берилган инсонгина тушуна билади. У илмдан чарчаган дамларида арабчадан Жўржи Зайдон асарларин ўзбекчага таржима қиласди. Унинг таҳрирталаб бўлмаган, соф бадиий тилдаги таржималарини нашриётлар, муҳарриятлар илхақ бўлиб кутишади. Ҳар бир таржимаси шовшувга сабаб бўлади. Бу Нинага изланиш чанқоқлигини қондириш билан бирга яхшигина даромад беради.

Бир куни ҳовлидаги сават креслода китоб ўқиб ўтирган эди, дарвозадан онаси билан қадди қомати жуда келишган, қалин қора қошлари туташишига сал қолган, бир хушрўй йигит кириб келди. У онасининг сумкасини кўтариб олганди. Йигит Нинага бироз ҳадисираб, аммо тикилиб-тикилиб қаради.  
-Нина, агар насиб қилса, сен рози бўлсанг бу йигит бизницида турса, - деди Галина Матвиевна ҳансираб қизи ёнидаги стулга ўтираркан, йигитга ҳам “ўтири” ишорасини қилди.

Йигит Нинанинг қаршисидаги стулга ўтириди.  
-Онажон, бозорга борманг, керакли нарсани ўзим олиб келаман, дегандим, сизга, - деди Нина онасига норози бўлиб қараб.  
-Шундай йўлим тушганди.  
-Ахир сизга кўп юриш, оғир кўтариш мумкин эмас.  
-Қизим бу йигит ижарага жой излаб юрган экан, бир хонани бир ўзим ижарага оламан, деди. Анави бўш турган хонани берсак нима дейсан?  
Толиба экан.  
-Ихтиёрингиз, сизга маъқул тушса бўлди.

Нина сумкани олиб ошхонага кириб кетди.  
-Қизим ўзбекчани ҳам, арабчани ҳам яхши билади, - деди ўзбекчалаб қизининг орқасидан ғуурланиб қараганча.

Сўнг йигитга хонани кўрсатди, шароитни тушунтириди. Йигит шу ерда яшай бошлади.

... толиб ёши ўтинқираган бўлсада оғатижон рус жувонга ҳирс билан қараб ютинди. У қиз-жувонларнинг кўнглини олишга уста бўлиб қолган, кўнглига ёққанини ҳар қандай йўл билан бўлсада қўлга киритишга ҳаракат қиласди. У бу оғатижоннинг атрофида гирдипалак бўлиб қолди. Жувон ҳам уни силтаб ташламади, қайта ёш йигитнинг ўзига парвона бўлаётгани унга ёқкандек бўлди, эри ўлгандан бери бирор бир эркакни хаёлига ҳам, ёнига ҳам келтирмаган Нина йигитга шунчаки бир мойил нигоҳ билан қараб қўяр, йигитнинг ўқтам, аммо ёш боладек ҳаракатларини, мийифида кулиб кузатади. Кўплаб қиз-жувонларни қармоғига илинтирган Босим бу мойилликни дарҳол илғай билди. Босим шу куни дўстлари билан ўтириб, вақт алламаҳал бўлганда қайтди. Нина юпқа, яшил халатини кийиб айвонда китоб ўқиб ўтирганди. Ширакайф йигит иккинчи креслони яқинроқ суреб ўтириди, халати ёқасидан кўринган мармардек силлиқ, оқ сийнасига ҳирс билан боқдию китоб муқовасидаги ёзувларга кўз ташлаб дадил гап отди.  
-Шундай чиройли, олима жувон уруш ҳақида китоб ўқиб юрибсизми?

Дабдурустдан айтилган бу гапни эшитиб, Нина қўлидаги китобни ёпди, Лев Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” китоби эди.

-Урушини қолдириб тинчлигини ўқияпман, - деди Нина қулиб.

Шу куни тунда Босим секин сирғалиб Нина ётоқхонасига кирди, юраги така-пуга бўлиб диванга яқинлашиди, “Агар бирор нарса деб тўполон қилса, уришса, узр, кайфим бор эди, деб қутиламан, деган фикрни дилига туғиб қўйди. Нинанинг нафас олиши бемалол эшитиларди. Ботинолмай қаққайиб турган йигитнинг юмшоқ, силлиқ бир қўл ушлади...

Шу пайтгача енгилтабиат, бузук қизлар билан пала-партиш юрган йигит Нинанинг сутдек оқ баданига, ажиди бир мулойим, маданиятли муомласига, юз-кўзининг жозибасига, “Золушка моя”, деб эркалашларига тамом маҳлиё бўлиб қолди. Босим шу зайл Нинага ёпишиб қолиб, норасмий эрига айланди.

Назар раис Босимни хуқуқшунослик факультетига ўқишга киритганидан ёят мағурланиб ўғлининг чўнтағига жарақ-жарақ пул солиб қўйди; Босим биринчи курсда бирмунча ўқиди; иккинчи босқичдан бошлаб бойвачча толиблар билан бирлашиб вақтини кинотеатр, ресторан, енгилтабиат қизлар билан учрашувларда ўтказадиган бўлди; кўпқаватли уйлардан отаси аллакимнинг номига олган уч хонали уйда билган номаъқулчилигини қилар, кўзига чиройли кўринган қиз борки, у билан танишиб кўнглини овлашга ҳаракат қилар, бир йилнинг ўзида бир неча қиз билан танишиб юриб, ажралиб кетар, унинг ёлғон дил изҳорларига учган қизлар кўзларини ёшлаб қолишар, у бўлса баъзиларини устамонлик билан тухмат-шалтақ лойига қориб кетарди. Уч хонали уйда қуриладиган базми-жамшидларнинг бирида бир қиз ваннага тушиб ўлиб қолди. Шу сабаб отаси Босимни у уйдан ҳайдаб чиқди; ваннада ўлган қиз масаласини бир амаллаб тинчитди. Ижарага жой излаб Галина Матвиевнага учраб қолдию униқидан қулай бошпана топди. Назар раис ўғлини еб-ичишдан қисмас, тез-тез ҳайдовчисидан плаглаб мой, асал, сўйилган қўй, мева-чева жўнатиб турар, аммо пулдан қисиб қўйган эди.

Босим Нина билан топишиб олгач, бирмунча тийилгандек бўлди. У энди уялмасдан Нинадан пул сўраб оларди. Нина: “Ичмасанг бўлди, Босимчик”, деб пул беради, Босимни худди мушугини эркалагандек эркалайди. Босим кам ичади, бу ичадиган эрдан юрагини олдириб қўйган Нинага жуда ёқади. Босимнинг ўзи ҳам анча ўзгарди, у илгариги “Дадамнинг даврида ўйнаб қолай”, деган тўпори интишиларини ташлади, у илгари энг қимматбаҳо кийимлар кийсам мен энг маданиятлиман, деб ўйларди, маданиятли бўлиш қимматбаҳо кийимга қарамаслигини тушуниб етди, Нинадан муомала маданиятини ўрганди, давраларда Нинадан эшитган гапларини айтиб тенгдошларинигина эмас, балки катталарни ҳам ҳайрон қолдиради; унинг илгариги таралло бедод юришлари, қизлар ортидан югуришлари барҳам топди. Энди уни амал зиналаридан тезроқ қўтарилиш қизиқтиради, ўзидан мавқеи баланд амалдорларнинг жон-дили билан хизматини қилади, уларнинг даврасига ўзини уради. Бир жиҳатдан бу интилиш, иккинчи томондан отасининг қўллаши туфайли тенгдошларига

қараганда мақеи баланд бўлиб борди. У вазифасидан юқорироқ амал бўшаса, ўзини ўтга-чўқقا уриб бўлса ҳам шу амални эгаллашга интилади, жуда бўлмаса дадасини ишга солади. Шунинг учун у жуда тез кўтарилди, ёш бўлсада шаҳар прокурори ўринбосари амалини эгаллади. Шу интилиши учун дадаси унинг ўзидан катта ёшли аёл билан яшаётганини кечириб келади. Нина эса бирор марта ҳам “Ота-онанг билан танишай, қишлоғингга олиб бор”, демади; ҳатто Назар раиснинг ўзи таклиф қилганда ҳам бормади, фақат раис уйига келганда Нина уни яхши қабул қилди, ҳурматини жойига кўйди; раис русчани янтоққа судраб гапираётганда Нина соғ ўзбек адабий тилда гап бошлаганда раис шошиб қолди, ҳаммага назари илмай, мазахомуз қараб гаплашадиган Назар Нинанинг ақли – фаросатига қойил қолди. “Тавба исми ўрис бўлгани билан нақ оқ суяқ ўзбек экану! Ҳой-ноҳай отаси ўзбек бўлса керак”, деди, вақтинча бўлса ҳам келиним-ку, ишқилиб ўғлимни яхши йўлга бошлайти-ку”, деб Нинага совға саломини қуюқ қиладиган бўлиб қолди.

Саксон бир ёшида Галина Михайловна қазо қилди. У қазо қилишидан бир кун илгари Нинани ёнига чақирдию бир пайтлар эри айтишга журъат қилолмаган бор гапни Нинага, Босимга айтди.

-Йўқ, йўқ, мурғак пайтимда мени ташлаб қочган княгина эмас, сиз менинг онамсиз, сиз! –деди Нина йиғлаб.

-Мана ҳужжатларинг!

Кампир рўмолчага тугилган ҳужжатларни Нинага узатди.

-Кўришни ҳам, билишни ҳам истамайман!

Нина ҳужжатларни олиб хонанинг бир бурчагига отиб юборди йиғлаганча.

Босим ҳужжатларни олиб костюми чўнтағига солиб кўйди.

Босим югуриб - елиб дағн маросимини ўтказиб Нинанинг меҳр – ҳурматини янада кучлироқ қозонди. Нина яккаланиб қолмаслиги учун бу йигитга янада кўпроқ муҳтоҗлигини сезди.

Босим ёлғиз қолганда сарғайиб кетган ҳужжатларни олиб кўрди. Бу туғилиш

ҳақидаги гувоҳнома нусхаси ва Румянцевларнинг бор мол-мулкини Нинага беришлари ҳақидаги васиятнома эди. Гувоҳномадаги “Онаси – Графиня Остроумова Наталя Сергеевна,, отаси – граф Голицын Фёдор Гордиевич” деган ёзувларни диққат билан ўқиди. Нина нега онасига ҳам, отасигаям ўхшамайди, десам гап бу ёқда экан-да! – деб ўйлади. – Ўша алғов-далғов вақтларида ҳар нарса бўлиши мумкин. Княгина эканлигидан на фойда? Нина “У ҳужжатлар қани, менга бер”, демагач, сейфига солиб қўйди.

Кейинчалик васиятномани амалга ошириб мол-мулкни Нина номига ўтказишга ҳам Босимнинг ўзи ҳаракат қилди.

Ўзидан йигирма ёш кичик йигит билан никоҳдан ўтишга Нина сира рози эмасди; улар ўртасида никоҳ ҳақида гап ҳам бўлмаганди. Аммо орадан бир йил ўтиб Босим Назар ўқишини битириб шаҳар прокуротурасида ишлай бошлагач, никоҳдан ўтамиз, деб туриб олди. Тўй қилиб никоҳни қайд этишди. Тўйга Босимнинг отаси келмади. Одамлар бу никоҳ тўғрисида турлича гапиришди. Бирорлар Нинанинг тайёр уйи, машинаси, омонат

кассадаги пулларига учди дейишса, бошқалари Босимнинг отасининг молдунёси Нинаникidan минг бор зиёдлигини айтишарди. Маркандаги таникли руслар қатори тўйга иштирок этган Иван Николаевич Галькин бу гапларнинг барини эшишиб жимгина ўтиради. Хуллас, бу никоҳ кўпчиликнинг наздида жумбоқлигича қолди. Босим никоҳ қайд этишга жон куидиргани бир воқеа билан боғлиқлигини Нинадан яширади...

1936 йил, ... феврал. Париж. Рус муҳожирлари клуби иш олиб борадиган мўъжазгина кафе олдида машинадан тушган Гореч қаршисидан келаётганларга диққат билан тикилиб, нигоҳи бир хушруйгина жувонга қадалиб қолдию бирдан юзига севинч яйраб: “Натали!”-деб юборди, жувон бир зум тўхтаб қолдию унинг олдига учиб келиб “Устоз!” дея бўйнига осилиб юзидан ўпди, Наталя қуилиб келаётган кўз ёшларини тўхтата олмасди.

-Хуш келибсиз, устоз! Хайрият келдингиз, Федя қани? Қизим-чи? – севинч ва бетоқатлик билан.

Гореч уни қўлтиқлаб четга олди, кўпчилик олдида гапира олмасди, чунки унинг орқасидан большевикларнинг айғоқчиси қўйилганини у яхши биларди.

-Натали омонмисиз?

-Қуллуқ, устоз! Қуллуқ! Қизим...

Нима қилсан экан? – деб ўйланиб қолди Гореч. – Бор гапни айтсаммикан? Бечора қандай яшнаб турибди. Бирдан айтсам адойи тамом бўлади. Яххиси хозирча кўнглини кўтариб турай, кейин...

-О қизчанг, бирам ширин бўлган-ки! – деди Наталянинг сочини силаб.

-Соғлиги яхшими?

-Зўр. Ҳозир профессор Румянцевникида.

-Нега?

-Шу ер иссикроқ, қулай.

-Ҳа, уларни танийман, яхши одамлар, Федя-чи? Нега шу пайтгача келмаяпти?

-Четга иш сафари учун ҳужжат тайёрлаяпти. Тез орада қизингни олиб келиб қолади.

-Раҳмат, ичимга қуёш кирди, раҳмат, - деди Наталя Горечни қўлини қучиб, сўнг унинг қўлини ўпа бошлади.

Учрашувда Горечни саволларга кўмиб ташлашди. Гореч бироз бўғик, аммо ширали овозда лўнда жавоб берар, кекирдаги олмаси кўтарилиб-тушиб аччиқ ютиниб қўяди

Дилбар шоира Мария Цветаева устозга қараб:

-Россияда яшаса, ижод қилса бўладими? – деди.

-Нега яшаса, ижод қидса бўлмас экан? Шоирга ўз ватанида яшаб, ижод қилишдан, ўз тупроғига бош қўймоқдан буюк баҳт борми? – деб жавоб берди Гореч.

Мария кўзларига ёш олди. У тез орада эри болалари билан Россияга қайтди, аммо улар Москвага тушиши билан эрини қамашди. Мария Цветаеванинг эрини отишади, қизини қамашади, ўзи ўғли билан хор-

зорликда яшаб, чидолмай охири ўз жонига қасд қилди. Наталя Марияни жуда севар эди. Юраги эзилди. У шўроларга ишонч йўқлигни яна бир бор англади. Бу Нинага аччиқ сабоқ бўлдию Россияга қайтишни хаёлига ҳам келтирмай қўйди.

Наталя Сергеевна энди Горечнинг келишига кўз тутиб яшади. ёзувчининг асарлари тарғиботи билан шуғуллана бошлади. Рус муҳожирлари унга бошпана топиб беришди. Ёзувчи Ликошин Владимир Игнатевич Фёдорнинг яқин дўсти эди. У дўстининг хотинига жон-дили билан ёрдам берди. Фёдор Гордиевич отасидан қолган бойликнинг анчагина қисмини, қайнатасининг пулларини большевиклар мусодара қилишдан илгари Швецария банкига қўйиб улгурган эди. Наталя эри, энагаси билан қизи бугун эрта келишига кўз тутди. Аммо улардан хабар йўқ эди. Боғланишга кўп уринди. Наталя маблағдан оз қисмига Парижнинг қоқ марказидан иккита икки хоналик уй сотиб олган, бирида ўзи яшаб иккинчисини ижарага берган, шунинг ҳисобига ҳамда банқдан оладиган фойдаси эвазига у яхши яшарди. Эрининг отиб ўлдирилганини эшитиб қон-қон йиғлади. Турмушга чиқмади. Вақтини китоб ўқиш билан ўтказди, Горечнинг китобларини чет элда нашр этиш, сотиш хуқуқини ёзишувлар орқали қўлга киритганди. Бу иш ҳам унга даромад келтира бошлади. У тинмай Горечнинг келишига кўз тутар, агар Гореч Францияга келолмаса, чет элга чиққанини эшитса бўлди, қаерга бўлса ўша ерга етиб боришга тайёр эди, Москвага боргани қўрқади, Сталин у ерда янада кучли қирғин қилаётган эди. Гореч бир хатида яқин ўртада боришини ёзганида Наталя жуда хурсанд бўлди. Аммо Гореч келолмади, унинг ўзини заҳарлаб ўлдиришгани ҳақида гаплар тарқалди.

Наталя Сергеевна яна қон йиғлади. Хотирида Горечнинг “Профессор Румянцев” деган сўzlари михланиб қолди. Суриштириб-суриштириб Румянцевнинг Маркандалигини аниқлади, аммо Маркандга боришга юраги бетламайди. Чунки, шўролар турист бўлиб борган ҳатто исмифамиляси ўзгартирган собиқ россияликларни чет эл жосуси, деб қамаб қўйишар, қийноққа солиб банқдаги маблағларини шўро банкига қайтартиради. Сталин қазо қилгандан сўнг чет элдагиларнинг бориш-келиши бирмунча енгиллашди. Аммо ҳалиям ишонч йўқ эди. Наталя ниҳоят ўйлаб-ўйлаб нашр ишларига ёрдам берадиган, хушрўйгина, дўндиқ, қора кўзлари эҳтиросдан порлаб турадиган француз жувон - Сюзанна Валтер хонимни Маркандга турк шеваларини ҳамда Горечнинг ўзбекчага ағдарилган асарларини ўрганиш учун боришга қўндириди, асл мақсади қизини топиш эканини айтди. Бари харажатларни ўзи тўлайдиган бўлди. Саёҳатларга суюги йўқ Сюзанна бу таклифни жон, деб қабул қилди. У Маркандга отланар экан, Наталя унга “Шўролар ҳалиям дворянларнинг болаларига кун бермаётганмиш, қизим яхши яшаётган бўлса унинг княгинанинг қизи эканлигини билиб қолишса, яна унга азоб беришмасин, сездирмасдан аниқлагин”, деб тайинлади.

Бир куни Нина мудирлик қилаётган кафедрага турколог Румянцевнинг ишларини ўрганиш мақсадида Франциядан бир турколог жувон келди. У

ўзини Сюзанна Валтер деб таништириди. Қизи Нина отасининг ишини давом эттириб фан доктори бўлганини, илмий ишларидан хабардорлигини айтиб ҳайрон қолдирди. Уларнинг уй шароити билан ҳам танишмоқчи эканлигини билдирди. Нина уни уйга таклиф қилди.

Сюзанна уй, ҳовли, боғ, професорнинг кабинетини, Нинани қайта-қайта суратга туширади; негадир Босимни суратга туширмади, Босим норасмий яшаётганимиз учун туширмади, шекилли, деб ўйлади.

Сюзанна Нинанинг уй-жойларининг расмларини олиб борди, аммо улар катта қамоқда яшаётгандек эканликларини, чет элдан фақат социалистик мамлакатларгагина чиқа олишларини, ўзи ҳам жуда қийналганини, телефонини мудом эшитиб туришганини, орқасидан аллақандай одамлар пойлаб юрганини, ўзбек йигитлари испанларга ўхшаб кетадиган чиройли йигитлар эканини, аммо улардан хуштор орттиrolмаганини, чунки бу йигитлар чет элликлардан моховдан кўркқандек кўркишларини бироз бўрттириб сўзлаб берди. Наталя Нинанинг расмини кўзига суртиб, ўпиб-ўпиб йиғлади. Қирқقا кирган қизи ўзига жудаям ўхшарди. Аммо қизининг профессор Румянцев фамилиясига ўтганини эшитиб ичидан эзилиб кетди. Сюззанинг яна бир гапини эшитиб янада кучлироқ эзилди. Қизи “Мени чақалоқлигимда ташлаб кетган буржуй онамни кўрарга кўзим йўқ!”, деганмиш!

“Агар яна иш сафарига жўнатсангиз, Нинанинг сизни кечиришига бир уриниб кўраман”, деди.

Аслида Сюзанна Америка разведкасининг ёлланган агенти эди, у Нинани қўлга олиб, уни агентга айлантириши, ундан фойдаланиши, шунингдек Ўзбекистон ҳақидаги зарур маълумотларни йиғиши зарур эди, келган куниданоқ маълумотлар тўплашга киришиб кетди, Нинани топди аммо уни ўз маслагига оғдира билмаслигига кўзи етди. Чунки Нина коммунистик ғояга ғоят содик жувон эди; аммо бу ерда ўзига жуда қўл келадиган кимсани топганидан ғоят севинди, муҳими Босимни қўлга ола билди. Босимнинг ажнабий аёлга қизиқиш билан қараётганини сезди, унинг иштиёқини ошириш мақсадида ўзининг ноз-ишваларини ишга солди. Нихоят Босимни меҳмонхонага таклиф қилди.

Аёл билан эркак кўз қарашлари билан гаплаша билади. Сюзанна иккиси билан ҳам русча гаплашаётган эди, унинг кўз қарашлари Босим учун бошқача маъни англатарди. Улар кўз қарашлари билан шундай гаплашдилар.

“Сиз билан алоҳида гаплашишим керак”

“Майли”

“Қачон?”

“Эртага”

“Кутаман.”

“Албатта бораман”

“Ишондим”

Кечки овқатдан кейин меҳмонни Нина билан машинада “Марканд” меҳмонхонасига ташлаб келишди...

Бир куни икки дўсти билан поезд купесида Маркандга кетаётганди. Поезд тўхтаган бекатдан кичик жомадон кўтарган худди хинд гўзалларига ўхшаган йигирма уч ёшлар чамасидаги қиз қупега чиқди. Унинг порлаб турган қора қўзларига, толма белли дуркун қоматига қараб Босимнинг ҳирси илодек тўлғонди. Баҳорнинг серёғин кунлари бўлгани учун қор кўчиб Канпирак довони беркилган, Маркандга борадиган темир йўл узоқ, камида ўн соат юриш керак эди. Кундузи уйқу келмайди; йигитлар ойна олдида ўтириб қор босган далаларга боқиб кетаётган қизни гапга солишга ҳаракат қилишарди. Аввал унча хушламайгина саволларга жавоб бераётган қиз аста-секин ўзи гапга қўшилиб кетди. Юлдуз исмли бу қиз шарқ факулъетининг ҳинд бўлимида тўртинчи босқичда ўқиркан. У Босимга қараб-қараб қўяр, кўпроқ Босимга эътибор бераётганини яшириб ўтирмасди. Ўртоқларидан бири қуруқ мевалар, иккинчиси қўлбоса, Босим эса, “Наполеон” коняги тандиркабоб, шоколад, олма қўйди. Ширин зиёфат бошланди. Юлдуз ҳам бир қултум-бир қултум ичди, юзи гулдек қизарди, ҳиндча қўшиқлар айтиб берди. Бир маҳал у Босимга “Ташқарига чиқмайсанми?” дегандек қаради, Босим “Хўп!” дегандек бош иргади. У ўрнидан туриб вагон далонига йўл олди. Босим орқасидан юрди. Вагоннинг ўтиш жойи - танбурга чиқиши. Босим қизнинг шундай рўпарасига бориб турди. Қиз унга бир нарса сўрагандек шундай тикилди-ки... Сўнг дуркун кўқраклари кўтарилиб йигит томон бир қадам ташлаганди, Босим уни маҳкам бағрига босди, кўқраклари кўқрагига тегиши билан Босимнинг бутун вужуди дириллаб кетди, ютоқиб-ютоқиб ўшишди. Шу чоқ ўртоқларидан бири танбур эшигидан мўраладио Босимга кўзини қисиб эшикни ёпиб қўйди.

- Сен болада нимадир бор, нақ юрақдаги музни эритиб юборасан, - деди қиз Босимнинг юзини, соchlарини силаб. У билан бошқа учрашмади. Аммо Босим ўзини кашф қилди. Шу бўйи ҳар қандай аёлнинг кўз қарашлари маънисини ўқиб оладиган бўлди. Не бир гўзалларнинг кўз қарашлариданоқ фикрларини уқиб айшини сурди.

Бу жувон эса ажнабий бўлса, кўз қарашини нотўғри уқмадиммикан?, деган хаёлга борди.

Босим шу хусусда туни билан бот-бот ўйлаб, “Бормасаммикан?”, деган ўйга ҳам борди. Аммо бу жувон юртидан узоқда юриб хуштор қўлини қумсаб қолган бўлса керак, деб ўйладио нима бўлсаям бораман, деган қарорга келди.

Эрталаб соат ўндан ўтганда Босим меҳмонхонанинг ўттизинчи хонаси эшигини секин тақиллатди. Ичкаридан калит буралиб эшик оҳиста очилди. -Марҳамат! – деди Сюзанна эшикни каттароқ очиб.

Сюзаннадан жудаям ҳушбуй фарангига атири хиди келарди.

Менга эътибор бериб қараган ҳар қандай аёл мойил бир нигоҳ билан таслим бўлишини яхши биламан, - деб ўйлади Босим.

Сюзаннанинг атири бурқитиб, чиройли бўйини, кўқраги ўртасини яшира олмаган қизил халат кийиб, сирли, хумор-хумор боқиб кутиб олишига қараганда адашмаган эканман, деган фикрга бордио нима бўлса бўлар, деб

эшикни қулфлаб бошини орқага ташлаб интиқлик билан лабларини тутиб турган жувоннинг қалин, дурдок лабларига лаб босди...

-Мени тушунганинг учун раҳмат, - деди Сюзанна диванда чалқанча ётган Босимнинг бақувват, жундор қўкрагига бош қўйиб.- Шундай маза қилдимики...

Босим индамай Сюзаннанинг сочини силади.

-Тушликни шу ерда қила қолайлик, илтимос, - деди Сюзанна. – Баҳонада бироз гаплашамиз.

Босим ишхонага телефон қилиб ушланиб қолаётганини айтди; сўнг бемалол тушликка ўтириди.

-Отангизни Ўзбекистондаги энг бой одам, деб эшидим, шундайми? – деди Сюзанна Босимга эркаланиб тикилиб.

- Дадам оддий директор, бор бойлик хўжаликники, дадамники эмас, - деди Босим босиқлик билан, “Нима бало у мен ҳақимда маълумот тўплаяптими, дейман, қаёқдан эшидийкин?”, деб ўйлаб. – Ким айтди, сизга бу гапни?

- Нинанинг ишидагилар.

- Ҳимм...

- Аммо сиз дадангиздан ҳам бой бўлиб кетишингиз мумкин!

- Қандай қилиб? – деди Босим қўзлари ёниб.

... Босимнинг чўнтағи мудом пулга тўлиб юришига ўрганган, лекин ҳеч қачон пулни ўйлаб, ҳисоблаб ўтирмасдан факат ўзининг майшатига сарфларди, лекин ўртоқларига бир тийин ҳам ҳақини ўтказмасди, кимdir қарз олса, қарзини ундиrmай тинчимасди; бир гал бир ўртоғи оғир касал бўлиб дори-дармонга пули етмай қолиб ўртада пул йиғишаётганда у индамай кетиб қолди; шу бўйи ундан пул сўрашмасди; омонат кассага пулини қўйиб фойдасини ҳисоблаб борар, аммо фойдасини олиб ишлатмасди, бошқалар ҳисобига еб-ешишни ёқтиради, аммо ўзи озгина харажатга тушса, мазаси қочиб қолади; фойда келаётган томонга бургут ўлжасига ташлангандек ташланади.

-Қандай қилиб? – деди яна бетоқатлик билан Сюзаннанинг ўйланиб қолганини қўриб.

- Мерос олиб!

- Мерос?!

- Ҳа, мерос!

- Дадамнинг меросини олибми?

- Йўқ!

- Бўлмаса кимнинг?

- Нинанинг!

- Нинанинг?!

- Ҳа, Нинанинг!

- Унинг отасининг омонат кассада арзимас йигирма минг пули бор экан, яқинда унинг номига ўтказдириб бердим. Шуни айтяпсизми? Бунаقا пул менинг чўнтағимда юради, ха-ҳа...

- Унинг мероси сизнинг чўнтағингизга сиғмайди.

- Қандай?!

- Шундай.

Сюзанна бироз ўйланиб туриб Нинанинг асли кимлигини, онаси ва унинг Швецария банкидаги пули ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Бу жувон мени лақиллатиб қармоққа туширмоқчи эмасмикан? – деб ўйлади Босим. – Чет элликларга ишониб бўлмайди. Мақсади нимайкин? Нима учун бу ерга келиб овора бўлиб юрибди? Фақат, агар рост бўлса онасининг илтимоси учунми? Ё бир бошқа мақсади борми? Бир нияти борга ўхшайди.

Сюзанна унга уқдиради. “БОСИМНИНГ ГАЛДАГИ ВАЗИФАСИ НИНANI ЎЗ ФАМИЛИЯСИГА ҚАЙТАРИШ ВА НИКОХДАН ЎТИШ ЭДИ”.

Нина дастлаб икки таклифга ҳам рози бўлмади.

-Нима қилибди? Одамлар ўн мартараб фамилиясини ўзгартиради. Бўлмаса икки фамилияни ҳам қолдиринг. Сиз рози бўлсангиз, бас, ҳаммасини ўзим тўғрилайман. Йўқса мен тамом, кетаман! –деб масалани кундаланг қўйди.

-Нина узоқ ўйланиб охири икки шартига ҳам рози бўлди. У Босимга жуда ўрганиб қолган эди.

Босим гарчи мерос ҳақидаги афсонага ишонмаётган бўлсада: “Хўш, энди нима қилишим керак? – деди Босим билан никоҳдан ўтган куниёқ учрашиб.

- Сезяпман, менга ишонмаяпсиз.

- Бойлик ҳақидаги афсонага қандай ишониб унинг миқдорини қандай билсам бўлади? – деб сўради Босим эртаси куни яна тушлик пайти айш суришаётган бир пайтда.

-Миқдорини фақат княгиня билиши мумкин, банк сир сақлайди. Агар жуда ишонмайдиган бўлсангиз, мен манзилини бераман, Францияга бориб княгиняни кўриб келишингиз мумкин. Аммо буни Нина зинҳор билмасин! Ахир, сизда етарли пул бор-ку! Мен унгача Хитойга бориб уч кун туриб бошпуртимга белги урдириб келаман, кейин яна Марканда бемалол бир ой туришим мумкин,- деди Сюзанна қизил халатини кийиб

- Қандай бўларкин? Мехнат таътилим вақти бўлганку-я, аммо капиталистик мамлакатга чиқиш қийин-да!

-Прокурор бўлсангизу шунинг уддасидан чиқолмасангиз.

Босим ҳали мустақил раҳбар бўлmasадa иши яхши, ойлиги дуруст. Мўсиқачилардек мулойим, маданиятли, инсофли прокурор – Зоҳир Бекбўта доим уни қўллади. Уни қўллаб туриши учун Назар раис ойида бир марта тўлиб-тошиб келиб Зоҳирни хижолат қилиб бўлсада албатта йўқлади. Босим прокурорнинг қўллашидан усталик билан фойдаланади. Қўлига тушган жиноятчиларнинг терисиниям, чўнтагиниям шилиб олади. Бу йил таътилда Нина билан Кримга боришни мўлжаллаб қўйган эди. Сюзаннанинг қистови билан Францияга йўлланма излашга тушди. У ўзининг омонат кассасида сақланаётган пулидан бир сўм ҳам ишлатмайди, бу сафар ҳам кишлоққа бориб дадасидан пул сўради.

Идорада ўтирган Назар раиснинг пешонаси тиришди. У ёлғиз ўғли вояга етибди-ки, катта-катта амалдорларнинг хонадонидан келин изларди; ҳатто республика биринчисининг эшигини очиш нияти ҳам йўқ эмасди, аммо ўғли ўзининг сийини кетказиб қўйди, айниқса уйида бир қизнинг ўлиб қолгани катта шов-шув бўлди, бу гап катталарнинг қўлоғига ҳам етиб борди; бу гапларни бир амаллаб тинчитгандан кейин бош прокурор Соҳиб Қодирнинг қизига оғиз солди; аммо прокурорнинг қизи жуонмарг “У суюқ болага тегмайман, агар унга берсанглар ўзимни ўлдираман, деб туриб олди. – бўлмади; Назар раис яна бир қанча катталарнинг эшигини очмоқчи бўлди, аммо бу орада ўғли ўрис аёл билан топишиб қолди, бу бутун мамлакатга гап бўлиб кетди; шу алами важҳида алҳол ўғлига жекирди:

-Франция! Францияда нима бор? Анави ўрис хотинининг бошингни айлантиргандир-да! (Назар раис анави ўрис хотинининг деб Нинани ҳадабга олаётган бўлсада ўғлининг шу аёл билан танишгандан бери қўйилиб қолгани, яхши тарафга ўзгаргани учун бу ўрис аёлдан ичида миннатдор эди. Нинани кўриб бир икки гаплашгандан сўнг ўғли бу жувонга бекорга ёпишиб олмаганлигини тушунди, унча-бунча одамга тан бермайдиган раис Нинага қойил қолган эди, у яна биларди-ки, ўғли бекарор йигит, эртами-индин бу аёлни ташлаб кетади, шунда ўғли ҳақидаги бемаъни гаплар барҳам топадио тагли, тугли бир жойдан яхши бир қиз топиб уйлантиради).

-Йўқ. Бир ўзим бораман.

-Ҳимм... Бир ўзинг! Бир фарангি аёлни етаклаб юрганмишсан, ё энди фарангига уйланасанми?

- Йўқ, дада!

-Қари кампирга уйланиб бошимни ерга қаратдинг! Мен сенга онаси ўпмаган қиз олиб беролмасмидим!

-Дада, шошманг!

-Шошманг?! Нима пенсияга чиққанда уйланасанми? Ўрисингни жазман қилиб, бошқа бир жонон қизга уйланавермайсанми, нодон?!

Мана, Францияни ер остига қуряпман. Келиб шу ерни томоша қилаверасан, Франциямиш! Мен қирқ йилдан бери Франция демадим, курортга бормадим! Касалхонага ётмадим! Ўлганим йўқ! Қайта отдайман.

- Дада, сиз билан менинг йўриғим бошқа.

- Ҳаа... Сен прокурорсанда! А! Прокурор бўлиб мендан пул сўраб ўтирибсанми?

- Дада, керак. Келганимдан кейин сизга айтаман!

Назар ўйланиб қолиб бироз бўшаши:

- Қанча?

- Кўпмас ( Босим дадаси сўраган пулининг ярмини беради, шунинг учун хиёл ўйланиб миқдорини айтди), ўн минг.

- Ўн минг! Ўн мингга бутун Францияни сотиб олса бўладио!

- Дада!

- Жобир!

Кўл қовуштириб Жобир кирди:

- Лаббай хўжайин!

- Манави прокурорга беш минг олиб чиқиб бер!

-Хўп бўлади.

Босим пулни олиб келиб беш юз сўм тўлади юйлланмани олиб Москвага учди. Қаерга бўлмасин Москва орқали училарди. Уч кун кутиб минг бир текширувдан ўтиб ниҳоят Парижга учди.

Париж жуда гавжум, турли машиналар ғужғон ўйнаган шаҳар. Аэропортда уни Сюзанна айтган одам Жорж Моррел Америка разведкаси агенти кутиб олди, меҳмонхонага жойлаштириб шу куниёқ нашриётга олиб борди. Босим Наталяга кўзи тушган заҳоти ёши ўтинқираган Нинани кўргандек бўлиб ғалати бўлиб кетди. У юз-кўзи, қомати билан қўйиб қўйгандек Нинага ўхшарди. Босим келишилгандек ўзини афғонистонлик, ютидаги қирғин-барот урушдан қочиб юрган муҳожир, рус ёзувчиларининг асарларини афғон тилига ўгирадиган таржимон, деб таништириди, у шўролар ютида номаълум бўлган рус ёзувчиларининг асарларига қизиқаётганини айтди...

Босим Маркандга қайтган заҳоти яна ўша меҳмонхонада Сюзанна билан учрашди.

- Энди ишондингизми? –деди Сюзанна кўзини айёrona сузиб.

Босимга Париждагиларнинг яшаш тарзи жуда ёқиб қолганди.

- Хўш, энди яна нима қилишим керак?

- Ҳамма йўлини ўргатаман, ёрдам бераман, бу осон эмас!

- Хўш, мен нима қилишим керак?

- Мен нима десам, шуни қилишингиз керак. Аммо аввал менга сиз қўлга киритадиган бойликнинг ҳисоб-китоб ишларини олиб бориш, бунинг учун бойликнинг учдан бир қисмини ҳисобимга ўтказиш бўйича халқаро нотариус орқали шартнома, ишончнома беришингиз керак.

Ҳа, гап бу ёқда экан-да!, - деб ўйлади Босим – Бу аёл мумайгина пул ишлаш ниятида мен билан яқин бўлган. Мен бу яқинлиқдан ҳеч нарса ютқазмайман. Қани гапига қулоқ солай-чи!

- Хўш, кейин?!

- Эртага Москвага учамиз. У ерда халқаро нотариусда шартнома тузиб далолатнома олиб тушдан кейин қайтиб келамиз.

Бунга ҳам Босим рози бўлди. Тушдан кейин эса у ишхонага бориб билағон хуқуқшунослар билан ўзи бошига эмас, балки бир ўртоғининг бошига тушган иш деб обдан маслаҳатлашди. Улар бўлиши мумкин, ўтган иили бир ўзбек чет элдан шундай мерос олганда етимхонага ўтказиб берганини айтишиди.

Эртаси куни Сюзанна билан Москвага учди, ишни Сюзана Москвадаги танишлари осон битказиб беришди. Бу ишлардан Нина мутлақо хабарсиз эди.

Сюзаннанинг кайфияти чоғ бўлиб кетди, хонасига киришлари билан Босимнинг бўйнига осилиб эркаланди.

-Нинанинг онаси бор бойлигини Нинага васият қилиб нотарусдан тасдиқлатди. Бу жуда катта бойлик. Нинага эса бунинг кераги йўқ. Билишимча у фирт коммунист экан. Агар бу бойликка у эга бўлса, ҳеч

иккиланмай етимхонага, ё давлат ҳисобига ўтказиши турган гап! Энди эса сен унинг қонуний эрисан. Сенинг розилигинсиз бундай қарор қабул қила олмайди. Ҳар қандай шароитда ҳам бу жуда катта бойликнинг лоақал ярмига эга бўласан, жоним. Шунда менга қонунийлаштириб қўйган ваъдангни бажарсанг бўлди, - деди Сюзанна.

Шу куни у Босимга шундай жазман бўлди-ки...

## 8

Таваккал жувоннинг анча жим бўлиб қолганидан сезди-ки, унинг дардлари, савдолари оғир. Очилиб – сочилиб гаплашиб келаётган жувонни бундай ҳолга тушириб қўйганидан ўзини ноқулай сезди, оғир хаёлларга ғарқ бўлишидан қутқариш учун яна сўради.

- Туман прокурори биланми?
- Йўқ, сабиқ вилоят прокурори, ҳозирги ҳокимнинг биринчи ўринbosари билан.
- Ҳаянги ҳоким билан-чи?
- Йўқ! Янгиси сизлар қатори йигит.

“... сизлар қатори йигит” деганда Таваккал ғалати бўлиб кетди – ишқилиб таниб қўймасинда!

- Сиз янги ҳокимни танийсизми?
- Яқинда тайинландиу энди таниймиз-да.

Таваккал хотиржам бўлди.

Машина йўлни кесиб ўтган темир йўл изига яқинлашганди, Таваккал газни пасайтириб тормоз берди, биринчи тезликка улаб темир издан секин ўтди. Муножот яна узоқларга қараб хаёл суриб қолганди, гапиргиси келмаётгандек эди, Таваккал эса уни эшитгиси келарди – сўнгги жавобига қизиқиб қолганди. Марканддалигига ёқ вилоятдаги катталарнинг қилғиликлари ҳакида кўп эшитганди, буюк устоз ҳам огохлантирганди, алхол бир китобда ўқигани ёдига келди:

**ҲЕЧ КИМ КЎРМАЙДИГАН ЖОЙДА ҚИЛГАН ИШИНГНИ ҲЕЧ  
КИМ БИЛМАЙДИ , ДЕБ ЎЙЛАМА, БУ ҚИЛМИШИНГ АЛБАТТА  
БИР КУН ОШКОР БЎЛАДИ.**

Катталарнинг қилғиликлари ҳам шу қабилда элга маълум бўлган, менинг бугунги юришим ҳам эртага маълум бўлиб қолар, аммо мен бу ишни элни ўйлаб қиляпман-ку!

**ЭЛГА ҚИЛГАН ҲАР БИР ЯХШИ АМАЛИНГ СЕНГА САВОБ  
КЕЛТИРАДИ, ОМАД ҚУЛФИНИ ОЧАДИ. ҲОКИМЛИК БИР ВУЖУД ,  
УНИНГ КЎЗИ, ҚУЛОҒИ ЭЛ. Эл кўзи билан кўрсанг, эл қулоги билан  
эшитсанг, эл, деб қарор қилсанг, сен яхши ҳоким бўласан!**

У Муножотга дадил қаради. У эса ярмигача туширилган ён ойнадан ғўзапоялари йифиштирилмаган далаларни кузатганча хаёл сурмоқда.

- Нега прокурор билан билан баҳслашяпсиз, ахир у сизнинг эрингиз-ку?!

- Буни ҳам биласизми, ё тавба... Ҳим ( у Таваккалга бир қараб олди, шу қисқа лаҳзада унинг кўзи маккорона йилтиллади)... Ҳа, майли, гап очдимми, айтаколай. Кейин сиз ҳоким эмассиз-ки, сиздан қўрқсан.

Таваккал мийифида кулиб қўйди, гап ҳам қўшмади, чунки, Муножот ўз майлича гапирса, шунча табиий, ҳақиқий.

- Эйи, энди Бўлтойга келибмизми? Ҳа, “Жугили” “Даево” эмасда! Аммо сиз силлик ҳайдарканси. Мен мунақа ҳайдай олмайман. Менинг “Нексиям” ҳозир устада. Майли гапни бошидан бошлай қолай, ҳали манзилимиз ҳам узок.

Ўн биринчи синфни битираётган пайти эди. Кўклам . Ҳамма синфдошлари имтиҳонларга тайёргарлик кўришяпти. Муножот икки йилдан бери тайнинли ўқиганини билмайди, ҳали у мусобақа, ҳали бу мусобақа... Олтин медаллари ҳам бир халта бўлиб кетди. Мактабга кираверишда унинг катта расмини рамкага солиб, илиб қўйишибди, тепасига “Бизнинг фахримиз!-деб ёзишган. У математикани яхши кўради, мисол, масала ечишни ёқтиради, фақат математикадангина эмас, балки бошқа фанлардан “беш” олади. Синф раҳбари Козим ака: “Шойим чўпоннинг қизига худо ўзи бериб қўйганда, хуснданам, ақл-фаросатданам, бир эшитса тамом, илиб олади. Тозалигини айтмайсизми, энаси немисми, десам, ўзимдан икки синф пастда ўқиган Ойшанинг қизи! Ҳар мусобақадан бир нарса ютиб келади, мактабимизга битта телевизор совға қилди.”,деб оғзи қулоғида. Муножот энди сўрамасдан ҳам “беш” қўйиб беришади. Ҳамма уни сўзсиз ҳурмат қиласидиган бўлиб қолди. Унга ҳурмат-ҳавас билан қарашгани сари Муножот ўзини нокулай ҳис қиласиди. У мактабни битиряпти, бошқа ўртоқлари қаерга ўқишига кирсам экан,деб бош қотиришяпти, кириш имтиҳонларига тайёрланишяпти. Муножотнинг ўқишига кириши ҳам ҳал бўлган, у мактабни битириши билан жисмоний тарбия институтига қабул қилинади. Биргина дадаси Шойим чўпонга қизининг ҳамманинг кўз ўнгида ярим яланғоч бўлиб югуриб юриши ёқмайди, у бир-икки қаршилик қилишга ҳаракат қилди, қизига:

-Бўлди энди йифиштири, ўн олтига кирдинг, эртага эрга беришим керак, бу аҳволда юрсанг...?-деди.

Муножот ўйланиб қолди, еттинчи синфдалигига шуни билди- ки, синфидағи ўғил болаларнинг ярмидан кўпи уни яхши қўради. Саккизинчи синфда ўқиётганида синфком Холид унга хат ёзди, Муножот ҳамманинг кўз ўнгида унинг хатини қиймалаб юзига отдию синфдан югуриб чиқиб кетди. Тўққизинчи синфда мактабнинг ўзига ишонган йигитчалари – юқори синф ўқувчилари синф эшиги олдида ўралашадиган, баъзилари эса йўлини пойлайдиган бўлишди; уларнинг ҳеч қайсисига юраги “жиз” этмасди, аммо Холид...

Саккизинчи синфда ўқишаётганда Муножот кечикибрөк синфга кирган эди, эшикни очса Холид ёнидаги жойга ўтирмоқчи бўлган Ойгулни суребақиряпти:

- Ўтирмайсан, тур, Бу Муножотнинг жойи!
- У мусобақага кетади, ўтириб турай.
- Йўқ ўтирмайсан, дедимми, ўтирмайсан.
- Вай-вой, бунча ўша таппи-тезакдан чиқкан қизга бунча ёпишмасанг?
- Бекор айтибсан! Унақа озода, тоза қиз йўқ, оғзидан гул хиди келади. Икки дунёда ҳам сен ундан бўлолмайсан.

Ойгул Муножотни кўргач китоб-дафтарини олиб орқага ўтиб кетди. Муножот ўзини билмаганга солиб Холиднинг ёнидаги стулга ўтириди. Холидга миннатдорлик билан боқди. Бўзбола бу боқиш маънисини англаб юрагига бир ширин туйғу инди. Ўша кундан бошлаб Холидга нисбатан Муножотда ҳам аллақандай илиқлик пайдо бўлди. Козим ака олтинчи синфда ўқишаётганда уларни иккинчи партага ёнма-ён ўтказиб қўйганди. Шу бўйи Холид ёнига ҳеч кимни ўтказмас экан. Бир ўқитувчи бошқа бир ўқувчини ўтказмоқчи бўлганда Холид йиглаб тўполон қилибди. Бу жой энди жуда кўп вақт бўш турсада ҳеч ким ўтирмас экан, кейинчалик “Фахрий жой” деб аташадиган бўлишибди.

Холид синфдошларига қараганда новчароқ, аммо арвақ, қаламқош, озода юрадиган, ҳамма фандан бешга ўқийдиган йигитча. Ойгул ҳам, бошқа синфлардаги қизчалар ҳам уни ёқтиришади, аммо у ҳеч қайсига қайрилиб боқмайди, факат Муножотга интиқ. Муножот ҳақида газеталарга чиқкан мақолаю расмларини йигиб юради, мусобакадан қайтганда биринчи бўлиб табриклайди. Аммо ўтган куни Муножот синфга кирса “Фахрий жой”да Ойгул ўтирибди. У Муножотни кўриб жойни бўшатмади, Холид китоб варақлаб ўтираверда. Муножот ғалати бўлиб кетди – юраги увишиб оғриди, ноилож орқароқдаги бўш жойга бориб ўтириди.

Дадасининг гапи унга жуда ёқди, бўлди, энди ҳеч қанақа мусобақага бормайман, тамом!

Бир куни у яйловга дадасига овқат олиб борганди, етганда нон эсидан чиқиб қолгани маълум бўлди.

- Ҳалиям сенинг хаёлинг стадионда! Бор, Қашқани миниб, нонни олиб кел!-деди. Дадаси койиб.

Бу Муножотга жуда ёқиб тушди. У болалигидан от миниб ўрганган, Қашқа чемпион бўлган машхур қорабайир, кейинчалик негадир мусобақаларга қатнаштиришмай қўйишган. Муножот узангига оёқ қўйдию енгил бир ҳаракат билан отга минди, нуқиши билан Қашқа елиб кетди, у пишқирганча ёлларини ҳилпиратиб шамолдек еларди, катта кўчага чиқиб юқ машиналарини қувиб ўтаркан, янада тезлашарди, бечора отга югуриш жуда хумор қилган экан чоғи, ҳеч секинлашмасди. Муножотга ҳам югуриш шундай хумор қиласди-ки... У кўр сахарда ҳеч кимга сездирмай чиқиб кетиб мактаб стадионига бориб тўйгунча югуради...

Орадан бир ой ўтиб Шойим чўпон деди:

Қизим, мусобақага боришинг керак, шўро спорти учун зарур. Кеча мени биринчи котиб чақириб, “Қизингизни мусобақага юбормасангиз, масалангизни бюорода кўрамиз. Партия билетини столга қўясиз!”- деди. Қизим, мен бир чўпонман, аммо партиядан ўчиришса элдан чиққандек бўлиб қоламан. Майли, мусобақага бор, сен эсли-ҳушли қизсан, ўзингни асрар болам, мен сенга ишонаман!

Эртаси куни Муножотни жисмоний тарбия ўқитувчиси Усмон ака вилоят маркази – Беҳишт шахрига олиб бориб Галькинга топшириб қайтди. Энди у мусобақаларга катталар билан қатнашаётган эди, Муножот тренер билан қандай гаплашаман, деган хавотирга тушганди, аммо Николаевич ўзбек тилини жуда яхши биларкан, бирга машқ қилаётган Изобелла ҳам ўзбекча гапиради, у стадионга уйидан қатнайди. Муножот шу пайтгача ўзи билганча чопарди, аммо югураётганда гавдани қандай тутиш, қандай нафас олиш сирларини тренердан ўрганди.

-Муножот, сен стартдан қандай чиқаман, деб қалтираб қўрқиб қоляпсан. Шунинг учун судья тўппончани кўтарганда “Бир!” деб санаю отилиб чиқ! Агар тўппонча отилиши билан сенинг чиқишинг бир келиб қолса, марра сеники, мабода олдин чиқиб қолсанг ҳам қўрқма, огоҳлантиришади, холос. Сен эса ўзингни босиб оласан, кейин қўрқмай югурасан, аммо кейин қувиб ўтаман, деб хотиржамликка берилма, - деб ўргатди.

Бу унга жуда қўл келди.

Муножот имтиҳон бўлаётган кунигина Николаевичнинг “Жигули”сида мактабга боради, биринчи бўлиб имтиҳонга кирадио баҳосини олиб яна стадионга қайтади. Шунда синфдошларининг унга ҳавас, ҳайриҳоҳлик билан қарашганини сезади, аммо Холид билан Ойгул ёқтиромай боқишади; дастлаб бу ҳол Муножотга алам қилиб юрди, аммо у кейинчалик уларга ёш болаларга қарагандай менсимайгина назар ташлайдиган бўлди.

...

Босим туш кўраётгандек, буларнинг бариси тушида кечеётгандек эди. Гоҳ Хитой, гоҳ Афғонистон, гоҳ Покистон, гоҳ Парижга бориб яна Маркандга қайтиб келади, бошқа-бошқа меҳмонхоналарга қўнади. Кейинги сафар “Дўстлик” меҳмонхонасига тушди.

Босим кириши билан Сюзанна ёш қизалоқдек унинг бўйнига осилди, ютоқиб ўпди. Оромкурсига ўтиришгач, ғамгин бир ҳолда деди:

- Қайнонангиз боши айланиб еттинчи қават болконидан йиқилиб тушибди.
- Кимдир атайлаб итариб юбормаганмикан, ишқилиб? - деди Босим ҳайрон қолиб.
- Йўқ, унинг ўлиши кимга керак. Бечора мени охирги марта иш сафарига жўнатиши... Онаси ўлганини Нина билмасин.
- Нега?
- Шундай бўлгани маъқул.

- Хўп.

Сюзанна бу сафар кўп вақтини Нина билан ўтказар, иккиласи тинмай илмий хулосалар устида баҳслашар, биргалиқда Румянцевнинг бой кутубхонасида китоб титишади. Суҳбати ширин бу аёл Нинага жуда ёқиб қолганди.

Шу даврда Босимнинг бошига бир иш тушиб қолди. Катта маблағни ўз фойдасига ўзлаштириб юборган дон комбинатининг директори бошлиқ жиноятчилар груҳи иши унга ишониб топширилди. У яхшигина пора олиб директорнинг қочиб кетишига имкон яратди. Босимга жиноятчи билан тил бириктириб қочириб юборган, деган айб қўйилди. Энди унинг прокуротурадан кетиши, қамалиши аниқ эди. Аммо дадаси жонига аро кирди. Иш бошқага берилибди Босим Ергули тумани прокурор бўлди.

Марканда даври даврон сурган Босимга бу жуда пасайиш эди. У туман шароитига зўрға кўниқди.

Кабинетида сиқилиб-зерикиб ишлаб ўтирган Босимнинг телефони жиринглади. Нина икки кундан бери ишга бормаётган эмиш. Босим ҳайрон қолди. Дарҳол уйга сим қоқди Ҳеч ким жавоб бермади. Шу заҳотиёқ Марканда жўнади.

Шошиб эшикни очиб ётоқхонага кирса, Нина ухлаб ётибди. Диван ёнидаги мизчада бир тақсимча тўғралган қўлбоса, яримта нон, ярми ичилган кокакола идиши турибди, ёстиқ ёнида Қодирийнинг “Ўтган қунлар” и Эгилиб қўлини ушлади юраги орқага тортиб кетди. Қўли муздек.

Босим ўкириб йиглади...

Тиббиёт экспертизаси Нина ўлимининг сабаби қўлбосадан заҳарланиш, деб топди.

-Нина қўлбосани жуда яхши кўрарди!

Сюзанна ерда ҳам, кўқда ҳам йўқ эди. Шу бўйи у дараксиз йўқолди. Францияга бориб суриштиришнинг иложи йўқ, ҳали беш йил тўлмаган эди. Босим Ергулидаги пахта тайёрлаш пунктида товаршунос бўлиб ишлайдиган Теша билан тил топишган эди. У Теша Самифни аниқлаб келиш учун ишончли вакил қилиб Парижга, Швецарияга жўнатди. Теша Самиф шумшайиб қайтиб келди. Княгиня Остроумованинг Париждаги уйлари сотилган, банкдаги пуллари зса номаълум томонга кўчирилган эди. Босим бошини чангллади.

Сюзанна ҳали тўхтаб турсин! Имкон бўлиши билан жиддий шуғулланаман, энасини кўрсатаман,- деб ўйлади. – Аммо бунинг учун катта маблағ керак. Маблағ топаман.

...

Бўлғуси мусобақа жуда масъулиятли эди, Николаевич қаттиққўл, Муножотни сира ўз ҳолига қўймайди, ейдиган овқатини, ичадиган сувини ҳам назорат қиласи, тинимсиз машқ, машқ... Елкасига оғир тошлар солинган сумка осиб, оёғига юк боғлаб юргутиради. Терлаб-пишиб югуравериб мадори қурийди, тўйишиб сув ичгиси келади, бироқ Николаевич

култумлаб ич деб озгина сув беради, сўнг яна югуриш, гоҳ текисликда, гоҳ қумли йўлакда; Нафас машқлари, ўпка сифимини кўпайтириш, нафас йўлларини очиш... аззойи бадани эзилиб-эзилиб, қақшаб-қақшаб оғрийди; уйга бормайди, мусобақада қатнашаётганларга талабалар ётоғидан жой беришган, душ қабул қилаётганда жони бироз ором олади, сўнг қотиб ухлайди, эрта тонгда Николаевич, ҳамма спорт костюмини кийиб стадионга қараб югуриб кетишади, негадир Иван вилоят термасидаги бошқа енгил атлетикачиларга, ҳатто жияни Светланага қараганды Муножотга алоҳида эътибор беради, “Бу худо берган туғма қобилият, жуда кам учрайди” дейди.

Муножот ҳеч қийналмай республикада биринчи ўринни олди. Бундан Галькин кўпроқ севинди. Олдинда жуда масъулиятли мусобақа кутарди.

Нихоят Бутуниттифоқ биринчилиги бўладиган шаҳар – Маркандга боришиди. Муножот бу гўзал шаҳарни телевизорда кўп кўрганди, аммо яқин ўртада бу ерга ўзи бориб қолишини хаёлига ҳам келтирмаганди. “Марканд” меҳмонхонасидаги озода хонада туриб, кўча, хиёбонларда сайр қилди.

Изобеллага маза-да, шундай чиройли шаҳарда яшайди (Изобелла отонаси билан Маркандга кўчиб келган, тайёргарликка ҳам уйидан қатнарди), - деб ўйлади Муножот. -Қани эди, мен ҳам шундай ажойиб шаҳарда яшасам! Бир ҳафтадан кейин мусобақа тугайди, яна Даشتга қайтаман...

Мусобақа бошланишидан олдин икки кун машқ қилишга рухсат этилди. Муножот Иван Николаевич ва Изобелла билан стадионда машқ қилаётган эди, бир неча киши қуршовида баланд бўйли, қарчифай кўз йигит тўғри Муножотнинг рўпарасига келди. Буғдорранг йигитга жуда ярашган оқ костюм уни янада савлатли кўрсатади. У қирмизи спорт костюмда ёниб-яшинаб турган Муножотга шундай тикилди-ки, қиз бечоранинг юраги ғалати бўлиб кетди. Бу қарааш ҳукмрон нигоҳ эди...

Муножот таниди: у бир пайтлар Даشتда яшаган Босим. У Маркандда прокуротурада ишларди. У оппоқ “07” Жигули”ни ҳайдаб қишлоққа борганда булоқ бўйида тўхтади, Муножот дугоналари билан челакларга булоқ сувидан тўлдиришаётган эди, машинасидан тушиб келаётган оппоқ енгиз кўйлак кийган, қора галстук таққан, қора сочини ёнига силлиқ тараган, келишган йигитга қизлар салом беришди. Йигит алик олиб булоқдан эмас, балки Муножотнинг челягидан кружкасини тўлдириб сув ичди:

- Оо... булоқ суви!

У Муножотга кулиб қараб кўйлагининг чўнтағидан битта ўн сўмлик чиқарди.

- Мана, сувингнинг пули, - деб узатди.

Муножот пулни олмай дугоналарининг орқасига яшринди. Йигит эса унга ғалати тикилиб қаради-да, пулни олдинда турган Ойгулнинг нимчasi чўнтағига қистириб:

-Музқаймоқ ейсизлар, - деди ю машинасига қараб кетди.

...

Марканда шаҳар прокурорининг ёрдамчиси бўлиб ишлаб, қишлоқга тез-тез келиб дам олиб кетадиган оқбулоқлик бу йигит –машхур Назар раиснинг ўғли Босим. Булоқ бўйида Муножотни кўргандан кейин у Шойим чўпонга катта яхшилик қилди – Шойим боқаётган сурувга кимdir яширинча қўшиб қўйган ўнта қўй учун уни қаматтирамай сақлаб қолди, туман прокурорига айтиб ишни тинчтди. Кейин у Шойим чўпон билан борди -келди қила бошлади. Шойим чўпон қўй сўйиб бориб уни тез-тез йўқлаб туради. Муножот отасидан унинг ўзидан анча катта рус қизга уйланибди, деб эшитганди...

- Муножот! Қандай чиройли, катта қиз бўлиб кетибсан, - деди Муножотнинг шундай яқинига келганча чап қўли билан қизнинг билагидан ушлаб ўнг қўли билан эса қўришиб.

-Шойим акам салом айтди ( қизга Шойим чўпон демасдан Шойим акам дея ўзига яқин олиб гапириши ёқди), сиздан хабар олиб туришимни илтимос қилди. Мусобақа тугагач, қишлоққа ўзим бирга олиб кетаман, - деди қўлинини анча қўйвормай туриб.

Иван Николаевич Босим билан қўш қўллаб қўришдию аммо у йигитга қандайдир хавотир аралаш назар ташлади. Атрофдагилар эса Босимга ҳайиққандек боқишади, хушомад қилишади. Унинг киброна хушчақчақлиги остига муғомбирлик, димоғдорлик яшринган; қиз буни ҳис қилди, аммо атрофдагилар қуллук қилиб турган шундай одамнинг унга хушомад қилгандек муомалада бўлаётгани қизга хуш ёқди.

Босим эртаси куни кечқурун иссиқ шашлик, мева-чева кўтариб келди. Изобелла шу куни Муножотнинг олдида қолган эди, оппоқ, момқаймоқ Изобелла билан Муножот ёнма-ён турса биринчи бўлиб Муножотнинг жозибаси киши юрагига чўғ ташларди; алҳол Босим кўпроқ Муножотга эътибор бераётгани учун Изобелла секин сирғалиб чиқиб кетмоқчи эди, Босим унинг қўлидан ушлаб курсига ўтказди; у бир соатча сухбатлашиб ўтириди, қизиқ-қизиқ воқеалар, латифалар айтиб бериб кулдирди, унда қиз болаларни ўзига тортадиган аллақандай сехрли бир жозиба бор эди; у кириб келганда Изобелла яна чиқиб кетмоқчи бўлганди, Босим яна унинг билагидан ушлаб курсига ўтказди, у билан русча гаплашди, сўнг эшикни кулфлаб иккисини шашлик ейишга ундаиди:

-Енглар, куч киради, кейин зўр югурасизлар! Енглар, Николай Ивановичга айтмайман.

Кизлар кулишди.

Босим кетгач Изобелла диванда чўзилиб ётиб шифтга боққанча:

-Мунож, у уйланганми?

- Ҳа, ўрис хотини бор, деб эшитганман.

- Хотини рус, дегин. Ҳим... У айирмачи эмас экан. Кўнглимга ёқкан йигитни энди кўрдим, аммо унинг хотини бор.

- Ўл, жинни, у сендан каттаю!

- Йигитнинг беш-ўн ёш катта бўлгани дуруст. Қиличдек йигит экан, кеча у тушимга кирибди, у мени шундай қучибди-ки, ҳушимдан кетиб қолибман!

- Ўл жинни!

Муножот кулди, аммо ичиди Босимни қизғанғандек бўлди...

...кейинги воқеалар гуё тушдагидек кечди, Муножот финалга чиқди, Изобелла эса кучли бешликка кира олмади. Финал. Юраги титраб югуриш йўлагини эгаллади, бошини қўтардию ўқ овози янграши билан олдинга отилди – тўппончанинг қачон отилишини юрак билан ҳис қилди, бор кучи билан шундай отилди-ки, бутун стадион ларзага келди, юраги қинидан чиққудек гурсиллаб урар, оёклари ерни сезмасди, аммо жуда илдам ҳаракатланарди, иллоҳий бир куч унга мадад бераётгандек эди, кўкраги лентани кесиб ўтгандан кейин ҳам ўзини тўхтата олмай анча югуриб кетдию орқасига қайрилиб қаради, шундагина у рақиблари ундан анча орқада қолиб финишга етганини кўрди. Бутун стадион гуриллаб қарсак чалиб уни олқишлиади.

Финиш яқинида, томошабинлар орасида ўтирган бир барваста йигит ўрнидан ирғиб туриб ҳайқирди:

- Оҳ бўйингдан соҳибжамолим! Отангга раҳмат!! Ўзбек қизи мамлакат чемпиони! Ура!!

Унинг ёнида кўк спорт костюми кийиб бўйнига секундомер осиб олган тепакал киши секундомерига қараб бошини чайқади:

- Это фантастика!

Иван Николаевич шапкасини осмонга отиб Муножотнинг олдига ўқдек учиб келдию маҳкам бағрига босиб ўпди:

- Мунож болладинг! Балли!

Иван Николаевичнинг орқасидан Изобелла югуриб етиб келди, жойида ирғишлиб қуличини баралла очиб Муножотни қучоқлаб қўтариб чир айлантириб ерга қўйди:

- Яша Мунож! Яша!!

Муножот бурун парраклари пирпираб-пирпираб ҳаво тиқилғандек қийналиб нафас оларкан, яна кимдир уни маҳкам қучли, жудаям муаттар атири ҳиди анқиб турган бақувват бир кўкракка бош қўйдию хузурланиб кўзини юмди; кимдир пешонасидаги реза-реза терларни юмшоқ рўмолча билан артаётгандан кўзини очди, Босим Назар бир қўли билан Муножотни бағрига босиб бир қўли билан юзидағи терларни артарди, Муножотнинг лоладек қизариб кетган оразидан ҳовур қўтарилади...

Шу куни у мусобақа маликаси тожини кийди, бўйнига олтин медал илинди, қўлига “ГАЗ-31” машинасининг калитини биринчи котиб номидан тутқазишиди. У шу ҳолда Николай Иванович билан қандай қилиб хайрлашганини, қандай қилиб Босим Назарнинг машинасига ўтирганини ҳам билмай қолди...

Кейин у туш кўрди...

Шоҳзод уни шоҳ саройига қўтариб кирди, шоҳ дастурхонининг бир четида турган пиёладаги қорамтири суюқликтан ичирди, суюқлик ачқимтири эди, аммо шоҳзоднинг қўлинин қайтара олмай уни сипкорди, сўнг эса қушдек енгил бўлиб қолди, бутун вужуди ажиб бир хисдан роҳатланди, шоҳзод уни қўтариб бориб яп-ялонгоч қилиб ечинтириди, сўнг ўзи ҳам ечиниб иллиқина

сувли мармар кўлда маза қилиб чўмилишди. У шоҳзоднинг бўйнидан қучди, шоҳзод уни кўтариб олиб оппоқ тўшакка қўйди, шоҳзоднинг қайноқ бўсалари уни мастиб ташлади, у эса шоҳзоднинг вужудига сингиб кетди, сингиб... Бир маҳал у нохуш бир оғриқни сезгандек бўлди, аммо бу ҳол тез ўтиб кетди, сўнг шоҳзод унинг вужудини шундай тўлқинлантирди, у хузурдан кўз очолмасди; бу лаззатнинг адоси йўқдек эди...

9

... Муножот гуё девор тагида қолиб эзилиб кетгандек бор вужуди эзгиланиб-эзгиланиб оғриб ўзига келиб кўзини очдию илкис бошини кўтариб ўтирди; оппоқ тўшак сирғалиб дуркун кўкраклари очилиб қолди, шундаям тўзиган соchlари ҳўрпайиб кетди, атрофга аланглаб кенг диванда, шундай ёнида чалқанча ётганча хуррак отаётган Босимга қаради, оёқ остида, полда йўғон бир ўрим соч ётарди, бирдан орқасига кўл чўзди, сочи йўқ эди, оёқ остида хор бўлиб ётган соч унинг сочи ! Муножот ҳаммасини тушундию даҳшатга тушиб кафтларини билан юзини беркитди, ўкириб йиғлаб юборди, ўкириб... Дадаси бечоранинг чуқур “ухх” тортиб “Сен эсли-хушли қизсан! Ўзингни асра болам!” деб кўзига ёш олгани ёдига тушди.

- Дадам мени ўлдиради! Аям, бечора аям!..

Босим қўлига таяниб бошини кўтарди, шишган қовоқларини зўрға очиб ўкириб йиғлаётган қизга қаради - пинагини бузмади:

- Бу ёғини менга қўйиб бер, ҳаммаси яхши бўлади!

Босим айтгандек “Ҳаммаси яхши бўлди!” Синфдошлари ўқишга кириш учун имтиҳон топшириб бўлган бир пайтда уларнинг тўйи бўлди. Муножотнинг ўқиши тайин эди. Жисмоний тарбия дорулфунунига қабул қилинди. Тўй Марканддаги “Гулистан”ресторанида жуда дабдабали ўтди. Дастурхонга ноз-неъматни тўкиб ташлаганди. Тўйга биринчи котибдан бўлак бари катталар қатнашди. Ўғлининг ўзидан йигирма ёш катта рус жувонга ўйланганидан елкаси қисилиб юрган Назар раис энди чўпоннинг қизи бўлсада киши кўргилик келин тушаётганидан оғзи қулоғида, тўрдаги катталар учун алоҳида тузалган стол атрофида иккинчи котиб унинг ёнида ҳарбий округ бошлиғи – генерал лейтенант Владимир Калигин савлат тўкиб ўтирибди. Фақат куёвнинг ёши катталиги даврага сал ярашмасди, келиннинг дугонаси Светлана эса сездирмай йиғлаб олди. Синфдошларидан атиги тўрт нафари кела олган эди. Дабдабадан Холид билан Ойгулнинг оғзи очилиб қолди - Муножотнинг ўзларидан жуда узоклашганини ҳис қилишди. Муножот келин-куёв шоҳсупасидан кўз ташлаб тўрт

синфдошининг қисиниб ўтиришганини сезди, улар узокдан Муножотга худди бегонага қарагандек қараб-қараб қўйишади, лекин ҳеч бири ботиниб унинг ёнига кела олмайди. Шойим ака билан Ойша опа қизларининг бошига баҳт қуши қўнганидан ўzlарида йўқ хурсанд.

- Энди Берлинга бормайманми, Босим ака? – деди Муножот тўйдан кейин Маркандаги уйларида телевизор кўриб ўтиришганда.

- Нега бормас экансан? Борасан! Ўзим бирга олиб бoramан.

Муножот бу гапни эшитиб ичидагу жуда севинчни ошкор қилмади. У эри олдида туйғусини яширишга ўрганиб қолган. Муножот қачондир Холидга ўхшаган бир йигитга турмушга чиқсан керак деб ўйларди, ўзидан ўн икки ёш катта йигитга мажбур бўлиб турмушга чиқиш етти ухлаб тушига кирмаганди. Бирданига у келажаги ҳакида ҳам ўйлолмай қолди, ўтмиши ширин хотирага, келажаги эса туманга айланди. Ўзгалар ҳавас, ҳасад билан қарайдиган бу дабдабали ҳаёт унга татимасди. Алдаш, зўрлаш қурбони бўлган бу соҳибжамол хилқат эри аталган, юзидан мой томгудек йилтираган, басавлат, келишган кимсага ўзини эҳтиrossиз бир ҳолда баҳшида этади, эрига нисбатан юрагининг чукур тубида нафрат яшриниб ётади, аммо бу нафратни билдириналикка ҳаракат қиласди; табиатида иккиюзламачилик бўлмаган бу нафисқалб қиз ўзида пайдо бўлган иккиюзламачи туйғусидан қийналиб, эзилиб кетади; эрининг гап-сўзига лом-лим итоат қиласди; эри ҳар гапини буйруқ оҳангидага айтади, кибр-ҳавосини уйда ҳам ташламайди. Оқбулоқда қисқагина яшаш даврида Муножот бу табиат эрига отасидан юққанини тушуниб етди. Маркандаги ҳаёти ҳам Муножотга оғир, зерикарли. Унга нима етмайди? Нимадан қониқмайди? У Холидни яхши кўрганмиди? Холидга озгинагина қизиқиши милтиллаган эди, холос! У жуда чиройли, бақувват, мард бир йигитни тасаввuriда бежаб юрарди. Аммо бундай йигитни кўрмади, кўролмади, кўришга улгурмади. Босим унга бургутдек ташланиб тумшуғига илиб, нозик баданига чангларини ботириб - ботириб сержило эртак оламидан юлиб олдию зерикарли зиндонга ташлади. Энди унинг учун бариси тугади!

**БАРИСИ ТУГАДИ! ЭРТАГИ ТУГАГАН ҚИЗНИНГ ЭРТАСИ  
ТУГАЙДИ, ҲАЁТИ ЗИНДОНДАГИ ҲАЁТДАН ОҒИР БЎЛАДИ!**

Муножот хаёл суролмай қолди, энди уни фақат НАДОМАТЛИХОТИРАЛАР эзғилайди, ўзгалар кўзига сиртдан қараганда у баҳт нашидасини суроғтандек, аммо юраги бўмбўш! Севолмаган, севиб улгурмаган Муножотнинг ҳоли шундай забун. У ўзича бағрини тиғлайди; унинг зоҳири баҳтли, ботини баҳтсиз, у ўзини қамоққа тушгандек хис қиласди. Келинчак кўргани келган Изобелла эрига бемалол ҳазиллашиб:

- А почча! Асал ойини чет элдами, ҳеч бўлмаса Кавказда ўтказмайсизларми?

- деса ҳайрон қолди. Муножот эрига ҳатто ҳазиллашиб гапира олмасди.

- Улгурамиз, ишдан жавоб тегмади.

- Кўйинг-ей, пулни қизғангансиз, жавоб беришмаса менга айтмайсизми, дадамга айтиб жавоб олиб бердирадим.

- Шу хаёлимга келмабди. – деди эри Изобелла ғалати қараб.
- Дадамга айтайми?
- Йўқ, дадангиздек улуг одамни шу майда ишга аралаштирумайлик. Дарвоқе, дадангизнинг иккинчи котиб бўлгани билан табриклайман.
- Раҳмат.
- Дадангиздек арбоб бемалол биринчи бўлса ҳам арзиди.

Изобелла эри билан очилиб-сочилиб гаплашаётганини кўриб Муножот янада ҳайрон қолди. Шу бўйи Изобелла келаверса Муножот севинади, юрагидаги муз эригандек бўлади...

- Муножот!

Чуқур хаёлга ботиб деразага қараб ўтирган Муножот эрининг чақирганини эшитмай қолди. Эри овозини баландлатиб яна бир бор:

- Муножот!! – деганидан кейин бир сесканиб тушиб “Лаббай!” деб жавоб берди.
- Албатта Берлинга борасан. Шунинг учун фарзанд кўришдан сақланяпмизда! Эртага Галькин билан машқ қилишни бошлайсан. Эртага ишга кетатуриб сени стадионга ўзим ташлаб ўтаман. Бир туйиб-туйиб югуриб ол, нукул тушингда югуриб гапириб чиқасан.

Босим кулиб Муножотга қаради.

- Раҳмат, - Муножот нима учун раҳмат деганини ўзи ҳам тушунмай секин ўрнидан туриб ётоқхонага кириб кетди...
- Эринг тушунганига раҳмат, Муножот! – деди Галькин машқ бошлашдан олдин. – Ахир Иттифоқ чемпиони бўлиш - салкам жаҳон чемпиони бўлиш деган гап!

Мушакларини қизитиш машқларини бажариб югуриш йўлагига ўтганда юрагида бир куч пайдо бўлди.

### **“ИТТИФОҚ ЧЕМПИОНИ БЎЛИШ - САЛКАМ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ ДЕГАН ГАП!”**

- Қалбига ишончли бир жаҳд энди:
- Бўламан! – деди ўзига ўзи.

Галькин:

- Бошла! – дейиши билан шундай югарди-ки...
- Қойил!

Иван Николаевич ёш боладек иргишилади:

- Муножат, туйдан кейин бунақа натижага эриша олмасанг керак, деб ўйлагандим, қойил! Ўн бир! Қайта илгаригидан бирмунча баланд!

Муножотнинг бутун вужуди севинчдан яйради, ўзи ҳам шундан кўрқанди. Яна машқлар бошланди. Муножот оёғига қум тўлдирилган халтачаларни боғлаб югараркан, халтачаларнинг оғирлигини сезмасди. Ўша куни стадиондан ўйга қайтмасам қайта яхши эди, деб ўйлади, аммо эри аллақачон машинада етиб келганди.

...Берлин. Муножот бунақа гўзал, озода шаҳарни ҳеч кўрмаганди. Шаҳарни айлангиси келади, аммо мусобақага тайёрланиш керак. Кўп вақти

стадионда ўтади. У баданлари тирсиллама негр қизларга, оқ танли сохибжамолларга махлиё бўлиб боқади, уларнинг югуриш усулларини диққат билан кузатади, уларга бас кела олармиканман, деб ўйлади. У янада берилиб машқ қилди, натижасини яхшилагандек туюлди. Галькин билан эри тинмай унга далда беришади.

**НИХОЯТ МУСОБАҚА. У ИККИНЧИ НАТИЖА КЎРСАТИБ ФИНАЛГА ЧИҚДИ. ФИНАЛ.**

**МУНОЖОТНИНГ БУТУН ВУЖУДИ АЖИБ БИР ҲАЯЖОНДАН ҚАЛТИРАРДИ.**

Ё Аллоҳ, ўзинг шарманда қилма, шарманда қилма, деб пичирларди ўзига ўзи!

Энг четдаги еттинчи йўлак Муножотнинг чекига тушди. Ана тўппонча отилди. Муножот отилиб чиқди, аммо еттинчи йўлак бўлгани учун у шерикларидан орқада қолиб кетаётгандек туюлдию жони бўғзи келгандек бўлиб шундай куч билан югарди-ки, бир зумда учинчи, иккинчи ва ниҳоят биринчи йўлакдаги негр қизга тенглашди, бутун стадион ларзага келди, бу ларза Муножотга қанот баҳш эт! Кейин, кейин... у ёнидаги қизга сал бурилиб қарадиу шундай шиддат билан югарди-ки... Ана у рақибини бир метрча орқада қолдириб тасмани кесиб ўтди! Стадион ҳайқириғи бутун дунёни ларзага келтириди. Бир неча минутдан кейин репортёрлар бири биридан ўзиб рус қизи (Муножотнинг фамилиясига қарабми, Иттифоқдан қатнашгани учунми, рус қиз деб аташарди, кейинчалик унинг ўзбеклигини ёзишди) Европа рекордини янгилагани ҳақида жар солардилар.

Маркандга қайтишгач, Муножот билан Босим Муножотга берилган шундай марказдаги уч хонали уйга кўчиб ўтишди. Босимнинг айтишича илгариги уйлари Босимнинг марҳума хотини номида эмиш, уни бир қариндошига қолдирганмиш. Яна бир” мойи билан турган “ГАЗ 31” гаражга қамаб қўйишиди.

Орадан бир ой ўтиб дунё чемпионатига тайёрлана бошлади. Бир куни уйга келиб қалити билан эшикни очиб ичкарига кирса залда Изобелла уни кутиб ўтирибди, негадир унинг юзи қизариб кетган.

- Бошим оғриб қолди, - деди у Муножотнинг ўзига тикилиб қараётгани сезиб.

Эри кабинетида ишлаб ўтирган экан. Муножот сув қайнатиб Изобеллага кофе дамлаб берди. Дугонаси кофе ичиб бироз ўзига келди. Кейин анча гаплашиб ўтирдилар.

- Ишончим комил сен дунёда ҳам биринчиликни оласан, анави негр қиздан шундай ўзиб кетдинг-ки...Дадам иккимиз телевизорга қараб:

- Муножот! Муножот!! – деб бақирамиз. Дугона, аммо яхши тайёрлан! Дунё чемпиони бўлмасанг қўймайман! Бу сафар мен ҳам сен билан бирга бораман, мухлисинг бўлиб. Москва ўзимизникую.

Куз эндингина бошланган бўлсада Москва анча совуқ эди. Бу шаҳарда эрининг катта амалдорлардан таниши кўп экан, Изобелла учаласига жуда

шинам меҳмонхонадан жой олди. Галькин эса спортчилар учун ажратилган меҳмонхонада турарди. У Муножотга алоҳида таомнома тузиб унга қатъий риоя қилишини ўзига, Изобелла билан Босимга ҳам тайинлади. Эри унга шундай меҳрибон-ки...

Аксига олиб машқ пайтида Муножот шамоллаб қолди ЭРИ ҲЕЧ КИМГА ИШОНМАЙ ТҮРТ МАҲАЛ УКОЛНИ ЎЗИ ҚИЛАДИ. Европа чемпиони Муножотга қизиқиш катта эди. Мухбирлар унга тинчлик беришмасди. Унинг гўзал чеҳраси жуда кўп газеталарни безарди. Муножот финалга қийналмасдан чиқа билди. Унинг энг хавфли рақиби ямайкалик Жозефина Хил эди. Оёқ мушаклари бўртиб-бўртиб чиққан, тўла кўкраклари тирсиллаб майкани йиртиб юборгудек бўлиб турган бу дўндиқ негр қизнинг бутун вужудидан куч ёғилади, у Муножотдан ярим секунд юқори натижа кўрсатган.

Бирга юргурганда ундан ўзиб кета олурмиканман, деб ўйлади Муножот.- Ахир рақибинг кучли бўлса сен ҳам у билан тирашиб тезроқ югарасан-ку!

Финал бўладиган куни эрталаб Муножот озгина пишлоқ, бир парча қовурилган лаҳм гўшт еб, Босим тайёрлаб берган аччиққина қаҳвани ичди, уколини ҳам олди.

Юраги кучга, ишончга тўла эди. Бугун у ўзини ҳар кунгидан ҳам тетик ҳис қилмоқда, қўрқищ, хавотирдан заррача ҳам асар қолмаган. У стадионга кириб борганда ҳамма қарсак чалиб юборди. Юзидан ҳаё балқиб турган сохибжамол Муножот ҳамманинг суюклиси бўлиб қолганди. Фотомухбир дегани унинг сурати билан газетасини безашга интилади. Операторлар иложи борича уни йирик тасвирда кўрсатишга ҳаракат қилишади...

Унинг омади чопиб биринчи йўлакда югуриш насиб этди. Мана, тўппонча отилди. Муножот отилиб чиқди ён-атрофдагиларга қарамай чунонам шиддат билан югорди-ки... У қушдек учиб тўши билан тасмани узиб ўтиб ҳам шиддат билан югуришда давом этди, гуё финишга етганини сезмагандек... бутун вужудидан тер қайнаб чиқарди, стадионнинг хайқириғи, “Дунё рекорди янгиланди! Муножот рекорд қўйди!” деган хитоблар ҳам қулоғига кирмасди, эрини, Изобелла, Галькинларни танимай қолди; унинг кўзлари жуда бежо йилтирайди, шу ҳолатда уни сураткашу операторлар тинмай тасвирга туширишарди. Бир пайт уни оқ халатли ҳамширалар етаклаб машинага чиқаришиди.

Эртаси куни эса... “Дунё рекордини янгилаган Муножот Шойимнинг натижаси бекор қилинди! Унинг қони таҳлил қилинганда катта дозада допинг моддаси чиқди!” Галькин бошини чангллади. Муножот ўзига келиб бу хабарни эшитганда қон-қон йифлади. Унинг учун энди спорт йўли тамом беркилган эди. Ким? Ким уни шу ахволга солди? Наҳот эри бўлса? Ё Изобеллами? Йўқ, у бундай пасткашликка бормайди. Ўйлаб ўйининг тагига ета олмаётган Муножот бирдан эрталаб ичган қаҳваси одатдагидан анча аччиқлиги ёдига тушди, кейин ана шундай таъмли ичимликни Босимникига биринчи борган куни ичиб ўзини билмай қолгани ёдига тушдию

пешонасини ушлаб юраги захар-зуқумга тўлди, эрига бироз кўнгли исий бошлаган қизнинг қалбидаги Босимга нисбатан шундай нафрат уйғонди-ки...

Маркандга қайтишгач, қишлоққа кетиб қолди, ҳеч қачон уни ёлғиз юбормайдиган эри орқасидан бормади, бир ҳафта ўтди, мудом шошилиб шошилиб кетадиган қизининг bemalol юриши, ўйланиб-ўйланиб қолиши, камгаплиги онасини ҳайрон қолдирди, қизига сирли-сирли боқдию ёруғ бир хаёлга борди –

### БОШҚОРОНГИ БЎЛГАНГА ЎХШАЙДИ, КЎНГЛИ АЧЧИҚ-АЧЧИҚ ТАОМЛАР ТУСАЯПТИ!

Муножот ЭСА ОНАСИННИГ БУ БОҚИШИНИ БОШҚАЧА ТУШУНДИ! Нега уйингга тезроқ кетмаяпсан? - деб ўйляяпти, бечора онам. Сўнг уларни ҳам ортиқча эзмай дедиу уйига қайтди; эри уни совуққина қарши олди, уйдагиларини сўрамади ҳам; негадир эри жуда жонсарак эди, тушдан кейин чиқиб кетганча маст ҳолда келди; кечқурун меҳмонхонада ўтиришган эди телефон жириングлади. Гўшакдан Изобелланинг овози эшитилди:

- Муножот! Салом, Приехала. Муножат, знаешь, окажется твой муж такой сволоч! Мени кечир, унинг суганини қамоқда чиритаман! Сен хафа бўлма фақат! Сенга допинг укол қилган у экан! Ўзи айтди! Он меня износилавал...

Изобелла йиғлаб трубкани қўйиб қўйди. Муножот “Нима гап?” дегандек эрига қараган эди, Босим бирдан ўзини Муножотнинг пойига таппа ташлаб оёгини қучоқлаб йиғлаб юборди:

- Кечир Муножот, кечир!

...Муножот қишлоққа кетиб қолган куни кечқурун қўнғироқ жириングлади, Босим эшикни очса Изобелла.

- Муножот қани? – деб сўради ичкарига кирмасдан.

- Ҳозир келади, марҳамат.

Изобелла учталалири бирга юриб ўрганиб қолишганидан тортинмай ичкарига кирди, тузалган дастурхон олдидағи курсида ўтириб Босим мактаб узатган конъяқдан бир қадаҳ ичди ҳам. Конъяқ кучли эканми, боши бироз айланди, Босимнинг ўзи ароқ ичарди.

- Наҳотки, биз Муножнинг овқатига кимдир дори аралаштирганини билмай қолдик. Ким қилган бўлиши мумкин? Рақиблари кимнидир сотиб олганмикан?

- Нафақат овқатига солган, балки укол ҳам қилган!

- Йўғ-ей!

- Ҳа, рост

- Ким?

- Мен биламан.

- Сиз биласиз?!

- Ҳа.

- Ким ахир?

- Сиз!

- Мен?!

Изобелла тутоқиб ўрнидан туриб кетди. Босим қаҳқаҳ уриб кулиб унинг қўлидан ушлади.

- Ҳазиллашдим.

- ...

Изобелла сувга тушган нондек бўшашиб ўтири, пешонасига тер тепчиди.

- Келинг, яна биттадан олайлик, Муножот келмасдан айтаман, фақат сир тутсангиз.

Яна ичишиди.

- Қарасам таппи хиди келадиган бу қанжикча жуда осмон бўлиб кетяпти. Пулларини алоҳида ҳисобга қўяди. Уй-ку майли, машиналарни ўзининг номига расмийлаштиради, (Бу ишларнинг барисини Изобелланинг тоғаси Иван Николаевич бажарганини айтмади. Иван Николаевич Босимнинг Наталья билан яшаганини, феълининг айниётганини сезиб қолгани учун Муножотдан нотарус орқали ишонч қоғози олиб бари ишларни ўзи расмийлаштира бошлаганди). Вилоят биринчиси берган “О 7 Жигули”ни менга бер, десам бермай укасига совға қилибди. Ҳа, сени қараб тур, дедим. Дунё чемпиони бўлса яна димоги шишиб кетади, дедиму шартта катта дозада допинг уриб юбордим!

- Сволович!

Изобелла унинг юзига бир тарсаки туширмоқчи бўлди, аммо ҳеч қўлини кўтара олмади.

Босим Изобеллага синовчан нигоҳ ташлади. Изобелланинг оппоқ, одамнинг юзи кўрингудек тиник юзи қизариб, дуркун кўкраклари кўтарилиб-тушиб, тез-тез нафас ола бошлади:

- Вай бошим... - деди кўзи сузилиб.

Унинг қизариб кетган орази жудаям гўзал, оппоқ, тирсиллама бадани Босимнинг кўзини ўйнатди.

Шундай ҳурлиқони сезмай Муножотга ёпишганимни қара, - деб ўйлади Босим. – Муножот шунчалар бошимни айлантириб қўйган экан-да! Яна менда кўнгли бор экан. Буни аҳмоқ бўлиб Муножотнинг ўзи айтиб ўтирибди. Шу гапни эшитганимдан бери бу жонон хаёлимдан кетмайди. Ох балиқдек, балиқдек! Бу ёғи отаси яна кўтарилди, қизига жуда меҳрибон дейишади. Мени ҳам қўлласа ажаб эмас! Мана ўз оёғи билан келиб ўтирибди. Пайтни қўлдан бермаслигим керак. Муножотдан бир амаллаб қутиламан. Яхшиям, бола қўришдан сакланибман. Ох балиғим, тайёр бўлибди. Дорининг конъякка аралаштиргани қайта яхши таъсир этарканми, дейман1 Ох, жоним!

Босим қулт этиб туфугини ютию пешонасини ушлаб ўтирган Изобеллани ўзига қаратиб тортиб маҳкам қучди, Изобелла зўрга қаршилик қилиб бошини орқага ташлади:

- Ой, не надо! Не надо!!

Изобелла қаршилик қилган сари дуркун кўкраклари Босимнинг кўкрагига ишқаланиб, лаблари лабига маҳкамроқ жипслашарди. Босим уни даст кўтариб олдию ётоқхонадаги диванга олиб бориб ётқизиб ютоқиб ўпиб

Изобелланинг заифгина қаршилик қилишига қарамай нафис кийимларини юлқиб ечиб ташлади...

Муножот оёғига тиз чўкиб қўзига ёш олган эрига қараб турардию хаёлига Москвадаги воқеа жонланди. Эртага мусобақа! Ҳар куни унга ҳотиржамлик билан укол қилаётган Босим бугун негадир аллақандай номаълум бир ҳаяжонда эди, ҳатто қўли қалтираб кетгандай бўлди.

- Пенциллинни кучи олти соатга етади унгача худо хохласа сени чемпионлик билан табриклишимишга ишонаман!

Босимни кўзи олазарак эди, укол қилаётганда ҳам негадир имиллади.

Наҳотки ўшанда у...

Ҳа бу аниқ! Шунинг учун ҳам ўшанда ўзини жуда бошқача, жуда тетик хис қилган эканда! Шунинг учун оёқлари ерни сезмаган!

Наҳот у?! У менга шундай шармандаликни раво кўрди. Ўша куни қонимиз текширилишини у яхши биларди-ку! Наҳот... Бугун эса у менга хиёнат қилди! Изобеллани булғади! Оҳ у шу қадар жирканчми? Мен қандай қилиб унга ишонай?!

У кўз ёшни тўкиб жавраётган эрига шундай нафрат билан тикилдики... Ва у бирданига бегонага айланди. Аслида бегоналиқ у зўрланган кунданоқ бошланган эди, аммо у бу бегоналиқ бир кун орадан кўтариilar, ёҳуд лоақал унга ўрганиб қоларман, деган умидда эди, аммо кўнгил шишаси бугун тамом чил-чил синди. Энди бу чинни ҳеч қачон чигалаб бўлмайди!

- Муножот... Менга раҳминг келсин! Унинг отаси жуда катта одам, мени қаматиб юборади. Бор тоат- ибодатим бир пул бўлади.

Мен барибир сен билан бирга бўламан, у билан номигагина никоҳни расмийлаштираман! Еб ичиш, кийим-кечак, рўзғордан ғам ема! Ҳаммасини аввалгидан зиёда қилиб қўяман!

Эҳ тилёғлама инсон! Наҳотки, мен сенинг ҳаром нонингга зор бўлсам?! Чинни чигаламоқчи бўласанми?! Чигаланган чиннида эҳтимол сув турар, аммо кўнгил-чи?! Кўнгилни чегалаб бўладими? Менику зўрлик билан ўзингники қилган эдинг! Энди Изобеллаани булғадингми?! Сен ифлос аёлга тўясанми?

- Москвада дофингни сиз менга укол қилганмидингиз?

- Муножот, биласан, ҳар замонда ўзимга укол қилиб турман. Ўша куни сенга пенцилини қиласман, деб ўзимга тайёрлаб қўйганимни сенга уриб юборибман!

- ... - Ўлай агар адашдим...

Муножот ирғиб ўрнидан турдию қулочкашлаб Босимнинг юзига шундай тарсаки туширди-ки...

Босимнинг юзи тескари бўлаёзда, дами ичига тушиб кетди. Муножот шитоб билан долонга ўтиб эшикни катта очдию эрига ташқарини кўрсатди.

Эри унга қараб ҳанг-манг бўлиб қолди, бирдан кўз ёшларини кафтига артиб плашчини олиб ҳамон ташқарини кўрсатганча қотиб турган Муножотнинг олдидан эгилганча шошилиб чиқиб кетди.

Муножот эшикни қарсиллатиб ёпди, қулфлаб, меҳонхонага кирдию ўзини ором курсига ташлади; унинг соchlари ҳурпайиб нигоҳи узоқларга

қадалиб қолди. Муножот ўзини худди бирданига қамоқдан озод бўлган маҳбусдек енгил, озод ҳис қилди... У зарра кўз ёш тўкмади – оҳ -вон чекмади! Қайта ўзини қушдек енгил ҳис қилди! Қушдек! Қандай яхши у энди озод!..

Муножот ҳеч ишсиз қолмаганди. Бекорчилик нималигини билмасди. Спорт йўли энди унга абадий берк. Бошқа нима иш қиласди? Жисмоний тарбия институтига имтиёзли ўқишига қабул қилинганди, кечагина эса институтдан чиқарилгани ҳақида хат келди. Эри айтган бўлса керак, аллакимлар бозорлик қилиб ташлаб кетишиди. Телевизор кўриш ҳам жонга тегди. Хўш энди нима қиласман. Қишлоққа борсам у ерда нима қиласман? Югуришдан бошқа иш қўлимдан келмаса? Дадамга текин томоқ бўлиб ўтираманми? Ҳамма: “Ўл, шу кунингдан!” демайдими? Эри алаҳ унинг барча йўлларини беркитиб қўйган эди! Босим гарчи Наталья қазо қилган бўлсада никоҳини кестирмаганди. Ажралиш осон кечди.

Изобелла билан Босимнинг тўйи бўлиб ўтди. Босим қайнотасиникида яшай бошлади. Тўйдан бир ҳафта ўтгач Босим кириб келди. Ўзини пушаймонликка, сиқилганга солиб “Уҳҳ” тортди.

- Муножот... дунёда ҳеч ким сенинг ўрнингни боса олмайди! У муздек бир қиз экан... – деди Муножотга яқинлашиб сочини силамоқчи бўлиб. Муножот унинг қўлини бир уриб тушириб тисланди:

- Хўшш мақсад!

- Биласан унга мажбур бўлиб уйландим. Бироз вақт ўтсин, ажрашиб ўзингга қайтаман! Шунинг учун Изобеллага билдирамай яшаб турайлик, мен сени...

- Ҳеч қачон!

- Муножот... ана кўрасан, мен олти ойга бормай ажрашаман. Фақат сен кутсанг...

- Ҳеч қачон! МУҲАББАТИНГ ЎЗИНГГА СИЙЛОВ! Яна бир бор алданишни истамайман!

Шу пайт телефон қўнғироғи жиринглади. Муножот илдам бориб гўшакни кўтарди.

- Алло, лаббай. Ҳа Изобелла, салом.

Босим Муножотга: “Мени сўраса, йўқ дегин”, дегандек имо ишора қила бошлади.

- Ҳа дугона, куёв муборак бўлсин! Йўқ, раҳмат! Босимми, эрингми?! Ҳа, шу ерда! У мен билан ҳам яшамоқчи! Ҳа-ҳа... Мана ўзинг гаплаш!

Муножот гўшакни нима қилишини билмай пешонасидан совуқ тер чиқиб турган Босимга узатди. Босим истамаган бир ҳолда гўшакни олиб микрофонни кафти билан бекитиб Муножотга:

- Ғирт жинни экансану – деб сўнг гўшакка жавоб берди:

- Изобелла, гувоҳномам қолиб кетган экан, шуни олгани кирудим. Ўзича валдираяпти, ҳеч ундей деганим йўқ, узр, менга ишонмайсанми? Ҳозир бораман, ҳозир...

Муножот чаҳчахлаб кулиб юборди:

- Шу юрак билан қўш хотинлик бўлмоқчимисиз?! Ҳа-ҳа..

Босим тамом гангид қолганди, чиқиб кета туриб:

- Беҳиштдаги Кўқдалада сенинг номингга фермер хўжалиги очгандим, биласан. Бориб туман ҳокимига ариза бергин, захирага қайтариб олинг, деб. Йўқса қарз қўпайиб кетади, гаплашганман ўzlари тўғрилаб беришади. - деди кета туриб.

- Яхши боринг, почча! Яна бирор нарсангиз эсингиздан чиқиб қолмадими, ишқилиб?!

Босим орқасига тепки теккандек шошиб чиқиб кетди

Муножот чаҳчаҳлаганча кулиб қолдию бирдан юраги шувв этиб бутун танасидан совуқ тер чиқиб диванга беҳол ўтириб қолди...

10

- Ахир у сизга каттагина пул ташлаб кетгандир, отасининг пули бижғиб ётибди, ўзиники ундан кам эмас, - деди Таваккал жувонга қараб.

- Эй, нима деяпсиз? У шунчалар баҳилки, ҳатто менинг мукофот пулларимга ҳам эгалик қилмоқчи бўлди, аммо устозим ўзимнинг номимга банкда ҳисоб рақами очириб шу ҳисобга туширтирди. Телевизор, гилам шунга ўхшаган совгаларни менга билдирамай сотиб пулинни чўнтағига уриб олган экан. Шулардан ҳам бир сўм бермади, банкда пулинг қўп-ку, деди.

- Йўғ-ей?!

- У кетди, шу бўйи қорасини қўрсатмади. Унинг кета туриб айтган гапидан ўйланиб қолдим. Ергулидаги Кўқдала – дадам қўй боққани чиқадиган яйлов пастидаги лалми ер. Курғоқчилик келган йиллари ҳам бу ерда лалми экинлар яхши ҳосил беради. Йўқ, бу ерни топширмайман, бошқа қиласидиган ишим йўқ-ку, фермерчилик қиласидиган, деб қарор қиласидиган “Газ-31”ни ҳайдаб чиқиб Беҳиштга жўнадим.

... Туман ҳокими Иқрор Қобил Муножотни тезгина қабул қилди. У эллик ёшлар чамасидаги, юзи ойтовоқдек, тепакал, қорни қаппайган кўзи қисик киши эди.

Муножот ўтиргач, Босимни сўради.

- Сиздек гўзал хотини бор экан, акам қурмағур бошқасига уйланиб нима қиласиди?

- Тақдир, - деди Муножот парво қиласиди. – Ерни ўзимизда қолдирадиган бўлдик.

- Эйи акам билан бошқача гаплашгандик-ку! – деди ҳоким ҳайрон бўлиб.- Ахир минг гектар! Ҳамманинг кўзидағи ер. Ўтган йили акам чиқимим бор, бу йил индамайсизлар, деди, кўндиник. Бу йил тўйим бор, индамайсизлар, деди, кўндиник. Ўтган йили арзимас ғалла топшириб режа бажармай акт қиласиди. Аммо юз миллион сўмга масхар сотди. Бу йил эса бир грамм ҳам ғалла топширмади, икки юз миллион сўмга масхар сотди. Акам тушмагур шунча пулни нима қиласиди-я?!

Муножот бунақа пулларни энди эшитяпти. Босим уйга бир сўм олиб бормаган, “Сен хотинимсан, пул сенда турсин”, демаган, Муножот ҳам эрининг ҳар замонда бериб қўядиган пули билан чегараланган. Уйнинг хизмат пулларини кимдир улар учун ҳам тўлаб қўярди.

- Чиқимим кўп дебди-ку! Чиқимиға ишлатгандир-да! – деди Муножот четга қараб.

- Келин ойижон, гап-сўз қўпайиб кетяпти, акамга ўзим ҳам айтаман, ернинг ярмини қолдирамиз. Ариза ёзиб бераверинг. Лекин ҳамма фермер қатори ишларимизга қарашасизлар-да.

- Албатта, - деди Муножот нимага қарашиш кераклигини билмаса ҳам.

Аммо эртаси комиссия аризани қўриб чиқиб Муножотга икки юз гектар қолдирибди, холос. Ҳокимнинг ўзи бу ердан умидвор бўлиб юаркан, яқин оғайнисининг номига иккита фермер хўжалиги ташкил этибди. Жилов ҳокимнинг қўлида экан. Илгари бошқа бирорвнинг бугун Муножот номидаги “Уфқ” фермер хўжалигига бўйнига бундан тўрт йил илгари ўттиз миллион қарзлар ҳам илиб қўйилган эди. “Қўрқманг келин ойи, дехқончилик бир йилчилик, дейдилар. Йил яхши келса, бир йилдаёқ қутиласиз, кейин фойда! Билишимча, ўзингиз ишлатмоқчисиз, акамдек фойдани ҳадеб чўнтакка уравермайсиз-да бир икки йил” деди ҳоким кулиб.

Иқрор Қобил фойдани чўнтакка уришда ўзини қўллаб турган Босимдан қолиши масди. Босим уни қўллаб бундан икки йил илгари Ергулига ҳоким бўлганда айни ғалла ўрими якунланаётган пайт эди. Ҳали туман режасини бажармаган. Иқрор Қобил режани бажармаган, ғалла майдони ўрилмаган фермерларнинг даласига бориб яккана якка гаплашди. “Мен билан ишлашиш ниятинг бўлса, ғаллани ўрасану бир кило ҳам омборга топширмайсан, сотасан, пулни кўкига айлантириб ярмини ўзинг оласан, ярмини мен айтган одамга топширасан, бу катталарнинг махфий топшириғи!”- деди. У айтганидек бўлди. Иқрор топган қўкидан бир қисмини акасига илинганда, Босимнинг оғзи очилиб қолди, “Балосан-ку!, деди ҳайрат билан. Қозон ёпиқлигича қолди. Таваккал бу ҳақда эшитиб ҳайрон қолди. “Ё тавба, янги ҳоким бўлгани учун бу йилги ҳосилга у жавоб бермаслигини билиб шундай найранг қилган! Қойил!

**МУТТАҲАМЛАРДАН, ФИРИБГАРЛАРДАН МУДОМ ҲУШЁР БЎЛИШ КЕРАК!**, деб ўйлади у.

Муножот булар ҳақида кейин эшитди. Муножот келиб учрашган куниёқ Иқрор Қобил Босимга қўнғироқ қилиб келишиб олди, акаси: “Шундай қилки, ўзи жонига тегиб ташлаб кетсин!” деди.

- Мен иш бошлаган дам айни пахта терими бошланаётган пайт эди, Иқрор Қобил бари фермерларни йифиб: “Пахта теримига ҳаммангиз теримчи берасиз, кўрпа-тўшаги билан душанба куни олиб келасиз, шу ердан карвон қилиб жўнатамиз”, деди. Менинг чекимга ҳар ўн гектаридан биттадан одам – йигирма одам тушган эди. Бирга ишлаймиз, деб келишган тўрт одамимдан бирортаси ҳам пахтага боришга рози бўлмади. Теримчи излаб ён-атрофдаги қишлоқларга, қўшни вилоятга ҳам бориб келдим. Ойига беш юзмингдан бераман десам ҳам ҳеч ким бормади, теримга бораман

деганни фермерлар, докторлар, ўқитувчилар банд қилиб қўйган экан. Қўшни фермер Содикдан “Сиз нима қиляпсиз?” деб сўрасам, “Эй опа, бошингизни оғритиб юрасизми, пулини беринг отряд бошлифи ўзи амал қилади”, деди. Ҳисобимдан беш миллион сўмни бир амаллаб олиб, банқдан пул олиш ўлимдан қийин, отряд бошлифига бердим. У “Қолгани-чи?” деди. “Кейин!” дедим. Аммо банкда пулим оз қолган эди. Бу ёғи экиш муддати келиб қолган, солярка сотиб олиш, трактор ёллаб ер ҳайдатиш, молалаб ғалла экиш керак эди. Менда на трактор, на экиш агрегати бор, барисига ёллаб пул тўлаб экишим керак эди. У ёқда эса пахтага теримчи берасан, деб қисташади, ҳали туман ҳокимига, ҳали вилоят ҳокимига рўпара қилишади. Ҳаммасини ташлаб кетай десам шунча пул сарфладим, орият қиласман. Бир гал туман ҳокимига дардимни айтиб. Экиб олгунимча индаманг туринг, десам у: “Эй опа, пахтани экиб ҳам берамиз, териб ҳам берамиз. Ўзингни ишинг бор-ку деб ҳеч ким сўрамайди. Биз лалми туман бўлсак, топган пулилизни пахтага сарфлаб иқтисодимиз борган сари орқага кетяпти!”, “Пахтачилик фермерларининг ўзи қилмайдими, ўз ишини?!”, дедим хуноб бўлиб. “Билмадим, улардан тил қисиқлик жойимиз борми, ҳатто пахтасини тераётган фермеримиз теримчиларга овқат ҳам қилиб бермайди. Ўзим озиқовқат сотиб олдираман. Ўзим пахта терими тугамагунча ўша ерда ётаман, туманизни ташвиши озми? Ҳа, айтгандек металл-ломни ҳам бажармабсиз, шуни тўғрилаб қўйинг Акамга айтинг-да бундай ёрдам берсин!”, - деди Иқрор Қобил.. Акаси мен учун ўлган эди. Тилла тақинчоқларимни сотиб металл-ломга, пахтага пул бердим. Бари харажатли ишлар олдинда эди. Солярка қиммат – литри уч яrim мингдан. “Беларус” тракторлари гектарига камидা ўн литр, “Алтай”лар йигирма литр ёқади. Тракторчилар гектарини камидা ўн мингдан ҳайдаб, беш мингдан мола босишади. Экиш агрегати билан беш мингдан экиб беришади. Икки юз гектарга қилинадиган харажатларни ҳисоблаб кўриб ақлим шошди. Лалми ер таваккалчилик. Марканддаги уйимни ижарага қўйиб тракторчилардан қарз бўлиб бир амаллаб буғдой экиб олдим. Бахтимга экиб бўлганимнинг эртасига, Аллоҳимдан ўргилай, бир ёмғир ёғиб берди. “Нима бало опа, тошбақани тескари қилганмидингиз (шундай қилса ёмғир ёғармиш)? Аллоҳ берди сизга! – деди Содик. У ҳали ерини ҳайдатмаган, пахтадан бугунгина қайтган эди. Аммо ёмғир ёққан сайн пахтага сафарбарлик авжига чиқарди, прокурор билан милиция бошлифи ҳаммамизни автобусга қамаб вилоят ҳокими олдига олиб боришиди.

Эркак фермерларни курақда турмайдиган гаплар билан сўқди, ҳатто баъзиларини яқинига чақириб бир-икки туртди ҳам. Баъзиларининг ерни топшириш ҳақида аризасини ёздириб олди. Менга келганда бироз юшагандек бўлиб:

- Фермерлик, қош-кўзни буяйдиган гўзаллик салони эмас! Қолган ўн одамни чиқаринг, режани уddaланг! Йўқса ариза ёзиб ерни топширинг, қўлингиздан келган ишни қилинг! Одамингиз тўла бўлмагунча ўзингиз бориб пахта терасиз! – деди.

Бу гап суюк-суюгимдан ўтиб кетди. Қани эди, бир ўзим ўн одамнинг пахтасини тера олсан, кечаси билан ухламай бўлсада пахта терардим.

- Опа, ўзингизни қийнаб нима қиласиз, мана юк хати, беш тоннага! Шунинг пулинин беринг, кетаверинг, - деди раис Наби.

Пахта сотиб олиб эртага жавобини бера олмай ўлайми? – деб ўйладим. – нима бўлса ҳам чидайман, жуда бўлмаса ариза ёзаман-да!

Далага бордик. Тайнинли пахта қолмаган, қаёққа қараманг, бўш чаноқларга, ахён-ахёнда бир чаноғида пахта оқариб турган далаларга кўзинг тушади. Уларга қараган сарим юрагим орқага тортади: “Қандай қилиб бу пахтадан нормани бажариш мумкин. Мактабдан пахтага чиқмаганман. Мусобақаларга қатнашиш учун озод қилишарди. Бу пахтадан ўн киши тугул бир кишининг нормасини ҳам бажара олмайман. Бўлди, тамом, ариза ёзиб бераману кетаман!” Шу қарор билан эгаси кўчиб кетган ҳовлига ўхшаш таасурот қолдирадиган шийпонга етиб келдик. Бу ҳам одамнинг кайфиятини туширади. Ёнимдаги фермер эркаклар эса нимагадир сиқилишмайди ҳам, қайтага ўзаро чақчақлашиб келишяпти. Автобусдан шийпон олдига тушдик. Милиционер йигит ҳам биз билан тушди. У хушёр бўлиб бизни кузатади. Илгари ҳам шундай қилиб олиб келишганда бари фермерлар қочиб кетишган экан. Шунинг учун бу гал милиционерни қўшиб жўнатишиди.

Шийпондан чиқиб бизни қарши олган икки кишидан бири – норғул, жингалак сочига гард юққан, тўлагина йигит бошқалар билан номигагина саломлашдию қаршимга келиб менга қўлини чўзди:

- Муножот опа, хуш келибсиз? Қайси шамоллар учирди?

Эслашга ҳаракат қилиб ҳар қанча тикилиб қарамай уни таний олмадим.

- Пахтанинг шамоли! – деди фермерлардан бири кулиб.

Шийпон айвонида атиги ўн беш нафар қиз-жувон, беш- олти эркак тушлик қилишяпти.

Жингала сочли йигит мени шийпондаги алоҳида хонага – хотини икки қизи билан чой ичаётган жойга бошлаб кирди.

- Қаранглар, Муножот опа келди! – деди ичкаридагилар билан таништириб.

Кўришдик. Бир бурда нон еб бир пиёла чой ичдим. Жингала сочли йигит – Розиқ Санжар мен билан вилоят биринчилигига узунликка сакраш бўйича қатнашгани, республикага ҳам боргани, кейин эса шуғулланмай қўйгани ҳақида гапирди. Ҳозир эса шу ердаги фермер хўжалигининг бошлифи эканлигини тезгина гапириб берди. Кейин мени суриштириди. Гапларимни эшитиб ўйланиб қолди:

- Мен қутила олмай ётибману сиз фермер бўламан деганингизни қаранг! – деди кулиб-ўйланиб. – Ҳа, пешонада, пешона! О қандай эдингиз, қандай?! Охудек югуриб мана ман, деганларни ортда қолдириб йиглатардингиз-а!

Мен ўзимни ноқулай сезардим, хотини, қизлари менга ҳаввас билан бокишади.

- Ўзингиз-чи? Нега спортни ташлаб юбордингиз? – дедим гапни бошқа ёққа буриш учун.

- Эйй сўраманг! Узунликка сакраш менга болалигимданоқ жуда ёқарди, зарб билан югуриб келиб ўзимни юқорига отганимда худди учайтганга ўхшайман, қумга қўнганимда атрофдагилар қарсак чалиб юборишади. Шунинг учун республика биринчилигида вилоятдан қатнашадиган бўлдим. Мен билан қўшни вилоятдаги бир бола тираша олади. Мендан беш-үн сантиметр орқада қоларди. Мусобақа бошланишидан олдин машқда ҳам мени ҳар бир сакрашимни олқишлишарди. Мен бундан сурурга тўлардим. Ўзимни аллақачон республика чемпиони деб ҳис қилаётган эдим. Шунинг учун машқка ошиқча қизиқмай қўйдим, тренерим хафа бўлсаям. Мен ҳам сизга ўхшаб бир тушдим, опажон, бир тушдим! Сизга ҳам душман панд берди, телевизорда кўрганман, биламан, душман, бўлмаса сиз... Оёқ томирларим ҳамон тортишади, болдир суягим йиғилиб қолиб ёзилмай қолади, йиғлаб юборай дейман оғриқдану зўрға ёзиб оламан! Эрталаб тренеримга айтдим. У мени кечак ичгансан, деб уришди. Тўғри мен ичишни ёқтираман, аммо. Ўша куни ичганим йўқ эди. Фақат кечкурун қўшни вилоят йигитлари ётоқнинг ўзидағи кафега таклиф қилишди. Бир финжондан қаҳва ичиб сухбатлашдик, мен шакарсизидан ичаман, дедим. Менга шакарсизидан олиб келишди. Менга жуда ёқди, яна бир финжон келтиришларини сўрадим. Келтиришди. Ичиб маза қилдим. Кейин хонамга қандай борганимни эслолмайман. Қотиб ухлабман, эрталаб турсам ҳамма ёғим латтадек бўшашган, оёғимни зўрға босиб ўрнимдан турдим, аммо тетапоя бўлаётган болага ўхшаб юраман, оёқларимда куч йўқ! Йиғлаб юборай дедим, ахир бугун мусобақа! Сакрашим керак! Аммо шу ҳолда бир метрга ҳам сакрашим амри маҳол эди.

Шу бўйи мен спорт билан хайрлашдим. Ҳозир ҳам сал совуқ тегса, яна мушакларим бир бўшашиб, тортишиб қолаверади, оёғим шишади, жуда азоб чекаман. Техникумни битириб шу чўлдаги хўжаликка тракторчи бўлиб келгандим. Кейин фермер бўлдим. Икки қиз бир ўғилнинг отасиман, хотиним- Шарофат бола-чақа, мол-ҳол билан овора.

Сиқилманг опа, биз бола-чақамиз билан сизнинг фермерингиз ҳисобига пахта терамиз.

Мен ичимда худо ўнглаганидан севиндим, аммо бу бир йилги нажот, кейинчи?!

Бир пахтачилик фермери билан гаплашдим. У” Ким билади, опажон, пахтанинг пулинни беришмайди, ҳисобимизга тушган пулдан ёқилғига, кимёвий ўғитга солиқ қарзига ўтказа оламиз, холос. Қолганига мол боқиб сотиб, огород экиб амаллаймиз. Пахта теримида теримчиларга пул беришади, тамом!”

Пахта териб юргандим, СФУ раиси келиб қолди “Опажон, ярмарка бўлади, шунга ҳисса қўшсангиз!”, Ахир мени ерим лалми, ҳеч нарса экилмаган, десам “ Ҳа энди, ҳамма ҳам экмаган, энди элқатори...” Ёнимдаги охирги пулимни ярмаркага бердим. Кейин бир фикрга келдим .Иқрор Қобилга учрадим. “Агар мен шу ердан ер олиб пахта эксам, пахта экишдаги, теримдаги бер-берлардан қутиламанми?” дедим. “Бўлмаса-чи! Бизнинг туман боғланган тумандан олсангиз, қутиласиз!” деди севиниб. Бир кун

илгари гаплашганимда биз пахта тераётган фермер ерини топширмоқчи эканлигини айтганди.

Муножот Таваккалга қараб деди:

- Тўғри элни бошқариш керак, агар бошқармасанг ҳожатхонасини ҳам уdda қилиб, озода, саронжом қила олмайдиганлар кўп. Аммо фермерни бир амаллаб экиш, планни бажариш, об-ҳаво, иқлим қандай бўлмасин, бир амаллаб ўриб-йигиб, режасини бажариш учун эмас, фермернинг ҳам, давлатнинг ҳам фойдаси ўйлаб иш юритиш керак. Ҳокимнинг очко олиши учун эмас.

- Очко олиш, деганингиз нимаси?

- Юқоридагиларни алдаш дегани!

- Юқоридагиларни алдаш дегани?! Тушунмадим!

- Тушунтирайми?

- Албатта.

- Ана ўнг томонингизда оппоқ бўлиб очилиб ётган пахтазорга қаранг! Октябр ойи бошланди. Вилоят режани етмиш фоизга бажарди. Йўл ёқасидаги далаларни ана шундай безаб қўйишади (Таваккал бир текис ўсан гўзаларга оппоқ –оппоқ очилиб ётган пахталарга қараб кўнгли ёришди). Бу биринчи теримли далани мабода Президент, ёки бошқа катталар машинада келиб қолишса кўрсатамиз, деб сақлаб туришган. Буни кўриб катталар: “Оҳо, роса меҳнат қилишибди-да, қаранг пахта қандай яхши бўлган! Ҳоким яхши ишляяпти”, деб кайфи чоғ бўлсинлиги учун арзимас ўн гектар ерни ана шундай безаб қўйишади. Ҳатто баъзи сийрак чиқкан жойларига бошқа майдонда очилиб ётган гўзаларни олиб келиб тикиб қўйишган. Ана шуни хўжа кўрсинга ишлаш дейилади. Аммо бизнинг бари далаларимиз ҳам йўл ёқасида эмас-ку, ахир. Ҳали йўлда мен сизга яна далаларни кўрсатаман.

Президент бир гапни гапирса дарҳол шу ишни вилоятда бажарияпти деб ёлғонни ёстиқ қилиб кўрсатиш, маълумотномалар бериш, матбуотга чиқариш – очко олиш дейилади. .

-Йўғе!

-Матбуотга эътибор берсангиз тушуниб оласиз.

Таваккал индамай тезликни секинлатди.

Машина яна бир баррикадага дуч келганди. ДАН назоратчиси туман марказига айланиб ўтишни буюрди. Таваккал у билан баҳслашиш фойдасиз эканлигини тушуниб қолгани учун машинани чанг, уйдим -чукурли йўлга бурди. Қачонлардир асфалът қилинган бу йўлга гуёким уруш бўлиб граната портлагану граната парчалари уйдим-чуқур қилиб юборганга ўхшайди. Таваккал бир чукурдан тушмай айланиб ўтса, иккинчисига албатта тушар, машина тарақлаб кетиб ўзи ҳам, Муножот ҳам ўтирган ўрнидан сакраб тушади. Таваккал хуноб бўлиб машинани иккинчи, баъзи жойларда биринчи тезликда бошқарар, машинанинг радиаторидаги суви қайнаб ичкарига иссиқлиқ пуркайди.

- Биласизми, бу йўллар нега шу аҳволда? - деди Муножот Таваккалнинг тобора хуноб бўлаётганини сезиб.

-Вилоят автойўлининг раҳбаридан тортиб катта-кичик мутахассилари гача йигирма тўрт киши қамалди. Улар икки ярим миллиард маблағни йўл таъмирига ишлатмай еб-ичиб юборишган. Бу ахволда йўл қандай соз бўлади?

- Ё тавба, икки ярим миллиард денг!
- Бу ҳали аниқлай олишгани!
- Ёрилиб ўлмайдими, булар! – деди Таваккал ўйланганча.

АГАР РАҲБАР СИДҚИДИЛДАН ИСТАСА, ИНТИЛСА ҲАР ҚАНДАЙ МУАММОНИНГ ҲАЛ ҚИЛИШ ЙЎЛИНИ ТОПА БИЛАДИ. УНИ ҚЎЛЛОВЧИЛАР, ЁРДАМ БЕРИШНИ ИСТАЙДИГАНЛАР КЎП ТОПИЛАДИ.

Шаҳарда йўл масаласида шундай муаммога дуч келганда зарур одамларни йиғиб фикрлашганда муаммони ҳал қилиш йўли, маблағ ҳам топилган эди. Ёз мавсумининг ўзидаёқ энг ёмон ички йўлларни, кейин эса бошқа йўлларни созлай билишган эди. Бу ерда ҳам иложини топамиз, деди у ўзига ўзи ишонч билан. Президентимиз катта йўлларни жаҳон йўллари қатори бўлиши учун қанчалар жон куйдиряпти. Кампирак довонидан тоғларни тешиб ўтказилаётган йўл мўъжиза эмасми? Биз лоақал ички йўлларни ўз ташаббусимиз билан созламай юқоридан кўрсатма бўлишини кутиб мана бундай шармандаликка чираб юришимиз керакми? АХИР ЙЎЛ

- ЭЛ-ЮРТНИНГ ЮЗИ! ЙЎЛИ СОЗНИНГ ИШИ СОЗ!

- Машинани бир пас тўхтатинг, мотори қисиб қолмасин тағин, ўчирмай туринг, - деди Муножот.

Таваккал термометрга қаради, иссиқлик юзга етибди, машинани дарҳол четга олиб тўхтатдию иккиси ҳам пастга тушишди.

Таваккал Муножотдан анча нарига – гап эшитилмайдиган узоқликка бориб жейф телефонини олди, ташкилий бўлим мудирининг рақамини терди. Овоз эшитилди:

- Лаббай Таваккал Мадамин ўғли.
- Соат кеч бешга ички, ташқи йўлларни қуриш, созлаш хизмати билан боғлиқ барча вилоят ташкилотларини кичик залга йиғинг.
- Хўп бўлади. Қаердасиз Таваккал Мадамин ўғли?
- Нима эди?
- Сўраганларга нима дейин?
- Шу ерда, денг.
- Йиғилишни ўзингиз ўтказасизми?
- Албатта!

Жейфтелефонни ўчириб Муножотнинг ёнига қайтди. Муножот куйиниб-афсусланиб Ергули туманинг собиқ ҳокими ҳақида ҳикоя қилиб берди...

Мамлакатда раҳбарликнинг боши Президент девони бўлса, вилоят ҳокимлиги кўкраги, туман ҳокимлиги бели, мамлакатда раҳбарликнинг ўрта, аммо ҳал қилувчи бўғини. Агар бу жойга ҳалол, ҳалқни ўйлайдиган, ташаббускор, ишбилармон раҳбар ҳоким бўлса бу ҳалқнинг баҳти. Бу Ергули мисолида яққол кўзга ташланади. Ергули туман ҳокими Эшпўлат

Зоҳир жуда тадбиркор, тиниб-тинчимас, одамларни умумишга жалб қилиш маҳоратига эга бўлган халқ тарбияси билан сидқидилдан шуғулланадиган ҳоким. У туманда кичик бизнеснинг тараққий этишига ҳар қандай тўсиқни йўқ қилибгина қолмай, балки қўллаб қувватлади. Катта тўй қилиб миллионларни кўкка совургунча кичик тадбиркорликка ундали, ҳеч эринмай ҳар бир хонадонга кириб борди; одамларга иложи бўлса чет элдан, ҳеч бўлмаса яқиндаги шаҳарлардан тадбиркор шериклар топиб берди; одамларнинг ўзларини бу борада изланишга рағбатлантириди, кичик микдорда кредит олиб ишлашга ўргатди; тез орада тумандаги хонадонларнинг бирида кўрпа, ёстиқ, иккинчисида тушаклар, кийим-кечаклар, бошқа бирида консерва тайёрлайдиган, совун ишлаб чиқарадиган, керамзит ғишт тайёрлайдиган цехчалар, иккита пишиқ ғишт заводи ишлай бошлади; бозорни кенгайтириди; шу ернинг ўзида ишлаб чиқарилади нарсалар шу ерда сотилишини йўлга қўйди, таннарх арzon, сифати яхшилиги учун қўшни вилоятлардан, туманлардан бозорга, хонадонлардаги цехларга одам ёғилади; бирор киши иш излаб четга кетмади. Кўчада ҳангама қилиб ўтирган йигитларни кўрса, шартта машинасини тўхтатади, улар билан гаплашади; ишсиз бўлса уларни шу ернинг ўзидаёқ бирлаштириб бир ишга бошқаради, охиригача қўллаб туради. Ахир ҳоким қўллаб турса ким ҳам ишламайди?! Туман кўчаларида ишсиз санғиб юрадиганлар топилмай қолди. Кечқурун туман марказида ёшлар учун кафе клуб ташкил қилди. Бу ерда ёшлар йигилиб тадбиркорлик, иш, ўқиши, келажақдаги орзу ниятлар ҳақида гаплашишади, компьютер саводхонликни оширишади, интернетга кириб чет элдаги ёшлар билан боғланишади. “Камолот” раҳбари ҳар куни шу ерда. Эшпўлат Зоҳир ҳам тез-тез келади, ҳатто ёшлар билан қўшилиб мириқиб рақсга тушади, баҳслашади, сирлашади, туман ёшлари уни акасидек кўриб қолишган, у ҳам ёшлар нима билан нафас олаётганларини билиб туради, уларни тўғри, эзгу йўлга бошқаради, бу туманда диний ақидапарастларга, ёшларни йўлдан ураётган чала муллаларга йўл йўқ. Бозордаги савдо-сотикқа текширувчиларнинг халақит беришига йўл қўймади. Туманда бирорта ноқонуний ишлайдиган жой қолмади. У беш йилда оғир туманни оёқка турғизиб ҳар соҳада илгарилаган туман даражасига кўтара билди. Ергули вилоятда биринчи бўлиб боқимандаликдан қутилиб Молия вазирлигининг катта мукофотига сазовар бўлди.

- Бу ишларда у ўзига ҳалол, серғайрат, илгари туманда ижроқўм раиси бўлиб ишлаган кекса – Барот Мансурни ўзига маслаҳатдош қилиб олди. Барот ака жуда ажойиб одам, ўзингиз бир гаплашсангиз қойил қоласиз, - деди Муножот Таваккалга синчков назар ташлаб.

Босим Назар Ергулига прокурор бўлиб келгандан бошлаб Теша Самиғ унинг қанотига кириб олди. Теша унинг ҳам хизматкори, ҳам маслаҳатчи, ҳам таъминотчисига айланди. У тумандаги бари ёғлик жойларни Босимга англатди, қандай қилиб улардан фойдаланиш йўлларини шипшиштди, ўзи ҳам Босимнинг қўллаши билан пахта тозалаш заводи директорлигини эгаллаб олди. Босим энди ана шу ёғлик жойларнинг раҳбарларини сиқувга

олиб соғиб ичишга ўтди. Шу жараёнда Эшпўлат Зоҳир Босимни инсофга келиб қолар, деб кутди, аммо Босимнинг иштаҳаси борган сари карнай бўлиб бораётганди. Эшпўлат унинг устидан юқорига арз қилиб ўтиришни ўзига эп кўрмади, ўзи очиқчасига гаплашиб олмоқчи бўлди.

Босим ўзига бўйин эгмаган, йўқлаб турмаган туман бозори раҳбари Сотим Ражаб устидан ноқонуний қурилиш қилган, чек олдирмай ўз чўнтағига ишлатадиган жойлари бор деб жиноий иш қўзғатди.

Эшпўлат Зоҳир қирқ ёшли ўрта бўй, хушбичим қоматли, оқ сариқдан келган, лўппи юзи, кўк кўзи мудом кулиб турадиган, чаққон, хушмуомала, бироқ қитмирикларга, муттаҳамликларга чидай олмайдиган, қизиққон йигит эди. Кўл остидагиларнинг найрангларини сезса ундей хизматчини дарҳол ишдан бўшатар, кейин ҳеч қачон қайтиб ишга олмасди. Пахта заводининг директори бошқа ишга ўтгач, прокурорнинг илтимоси, раи қайтмасин, деб Теша Самифнинг завод директори бўлишига қўнди. Қараса Босим туман раҳбарларини ўзининг муридига айлантириб оляпти; фақат бозор раҳбари унга бўйин эгмагани учун қитмирилик йўлига ўтган.

Кўкрагини кериб, гиламни бир-бир босиб викор билан кириб келган, юз-кўзидан беписандлик сезилиб турган Босимга қараб Эшпўлат Зоҳирнинг ҳирраси қисди, совуққина саломлашиб ўтиришга таклиф қилди.

- Шу бозорни тинч қўйсак, - деди гапни чўзиб ўтирмасдан.

- Ҳеч ким унга уруш очгани йўқ, қизиқ гапирасиз-а, Эшпўлат ака!

Ҳоким унга қараб қолди.

Бозор раҳбарини ишдан олдириб ўзининг бирор муридини қўйиш пайига тушган, шекилли, - деб ўйлади ҳоким. – Ёки ундан умидвор бўляпти. Бўлмаса бунчалар бозорга ёпишиб олмасди.

-Мен тумандаги раҳбарлару юқоридан келаётган текширувчиларга: “Бозорга тегмайсанлар!” дейман. Сотим Ражабни минг чиғириқдан ўтказиб ўзим қўйганман, бозорни кўтарасан, деганман. У нафси тўқ, ғайратли, тадбирли йигит, туман бозорини мамлакатимизда машҳур бозорга айлантириди. Бундан жуда катта фойда кўрамиз. Арзир-арзимас ишларга уни жавобгар қиласерсак, ишнинг белига тепамиз.

- Арзир-арзимас иш эмас, агар мингта жойга чек бермай пулинин йифиб олса, чек минг сўмдан бўлса, кунига бир миллион сўм чўнтағига киради. Бир ойда ўттиз миллион! Шунча пули бор одам албатта, қонунни назар писандга илмайди-да! Бу ёғи сиз қўллаб турсангиз...

- Шу пулга шериксан, деяпсизда!

- А. энди...

- Важларингизни мен ҳам ўрганиб кўрдим. Бозорга тегишли дўконларга мендан илгариғи ҳоким томонидан қарор чиқарилган. Лекин Маркандаги республика архитектурасидан тасдиқлатмаган...

- Демак ноқонуний!

- Бу дўконлар бугунги талабга жавоб бермайди. Уни буздириб икки қаватли чиройли дўконлар қурамиз. Кейин бозорда савдо қиладиганлар қўллариға пул тушгандан кейин чекка тўлашади. Сиз юборган одамлар эрталаб текширган.

- Булар бариси баҳона!
- Демак бозорни тинч қўя олмас эканмиз-да!
- Энди қонуний...
- Тушунарли, майли соғ бўлинг!

Босим гапни бундай қисқа бўлишини кутмаган эди, шунинг учун ноқулай бир ҳолда қолиб елкасини қисдию ўрнидан туришга мажбур бўлди.

Орадан икки кун ўтиб бозор ишини вилоят прокуроратуси чақиртириб олди, бир ой тергов қилиб жиной ҳаракат йўқ, деб топди.

Бу менинг обрўйимга путур етказди, - деб ўйлади Босим.

Шу бўйи Эшпўлат Зоҳир прокурор билан иши бўлмай қўйди. Аммо Босим эса унга қасдлашиб тиш қайради.

Ҳоким йиғилиш ўtkазадиган пайтида Босим атайлаб энг керакли раҳбарларни ўзига чақиртиради. Прокурор билан қасдлашиб қолишни истамаган раҳбарлар албатта, ҳокимнинг йиғилишига эмас, балки прокурорнинг қабулига бориб кутиб ўтиришга мажбўр бўладилар. Ишлари қонунийлигининг назорат қилиш ваколатидан фойдаланиб туман ички ишлар бўлими бошлиғи Қахҳор Содиқни, маҳсус вакилни ўзига ағдариб олиб ҳокимни яккалаб қўйиш пайига тушди. Босим илк бор ўз манфаати йўлида фойдаланиш имкони ўзига қараганда ҳокимда жуда катта эканлигини тушуниб етди; илк бор лоақал туман ҳокими бўлиш ҳақида ўйлай бошлади қандай бўлмасин Эшпўлат Зоҳирга панд бериш ниятида иш кўришга ўтди.

Шундай қиласманки, ҳокимингни ўзи оёғимга бош уриб кабинетимга кириб келади! – деди Босим. Аммо Эшпўлат Зоҳир Босимнинг оёғига бош уриб келмади. Республика раҳбарларининг эътиборига тушган бу йигитнинг вилоят ҳокими бўлади, деган гаплар юриб қолганди. Босим Назарга бу гап ёқмади.

Орадан бир йил ўтгач, вилоят прокурори бўлиб қўтарилидию Босим Назар Ергули туманига вакил бўлиб олиб атайлаб унинг ишига ҳалақит бера бошлади, туман фаолларининг пахта теримига бағишиланган бир йиғинидан ҳатто уни хайдаб чиқариб юборди. Эшпўлат гарангсиб қолди. Охири Босим Назар “ёзувчи”ни, ўзининг гумашталарини ишга солди - тухмат уюштирилди. Кабинетида пора олаётганда қўлга олинди. Аслида у пора сўрамаган, пулларга қўли тегмаган ҳам эди. Уни зўрлаб қўлинни бўялган пулга ишқашди. Таваккал шаҳардалигида бу воқеани эшитиб жуда афсусланганди. Чунки у Эшпўлатни яхши биларди. У девонда ишлаганиданоқ жуда ташкилотчи, ҳалол йигит эканлиги билан танилган эди. Уни Президентнинг ўзи Ергулига йўллаганди. У тухмат қурбони бўлди. Алҳол у ҳақида Муножотдан яна бир бор эшитиб юраги сиқилди, яхши кадрни асраш зарур, аммо бу ҳам осон эмас, деб ўйлади. Лекин қандай бўлмасин Эшпўлат Зоҳирни оқлаш учун ҳаракат қилишни, унинг тажрибасини ўрганишни дилига туғиб қўйди. Ахир туманда иш зўр бўлсагина вилоят иши ўнгланади. Қани эди ҳар бир туманда Эшпўлат Зоҳирдек йигит ҳоким бўлса!

Таваккал шу куни ёк Эшпўлат Зохирнинг ёқловчисини топтириб қабулига чақирди.

- У бугунгача ҳам айбини бўйнига олгани йўқ, - деди илгари вилоят суди раиси бўлиб ишлаган Комил Дархон. – У чиндан ҳам айбсиз, аммо буни исботлаш бизга жуда мушқул бўляпти. Лекин қамоқда ўзини тартибли тутяпти. Юқори дистанцияларга ариза ёзишимга рози бўлмади. Яқинда колонкага чиқади. Беш ойда озод бўлиши керак. Аммо қамоқдалигига оиласи бошига оғир кулфат тушди.

Туманда қаттиққўллик билан иш олиб боргани, суситеъмолга йўл кўйган раҳбарни ҳеч қачон кечирмаслиги туфайли ўзига анчагина душман орттирган эди. Икки ўғли бир қизи бор эди. Тўнғичи қиз – Ойпарча тўққизинчи синфдаги энг чиройли қиз. Унга ошиқи шайдо бўлган бўзболалар кўп. Баъзилари унга хат ёзади, баъзилари дугонаси орқали, баъзилари эса севгисини ўзига изҳор қилишга интилишиади. Ойпарча бундан безор бўлиб кетди. У жуда таъсирчан, оққўнгил қиз. Дадасини жуда яхши кўтарди. Илгари шўх-шодон бўлиб юрган қиз, салга йиғлаб юборадиган, аччиғи тез чиқиб кетадиган қиз бўлиб қолди. Бир куни илгари бозорга раҳбар бўлган, Эшпўлат уни ишдан олиб ташлаган Самад Турғуннинг ўғли – Шохрўҳ Ойпарчага хат ёзди. Ойпарча, маҳмадона, калондимоғ бу болани иқи сўймас эди. У танаффус бошланиши билан хатни майда-майда қилиб йиртиб Шохрўҳнинг юзига отди.

Синдошлари олдида мулзам бўлган Шохрўҳ Ойпарчага қараб сўкиндию:

- Нега, бунча бурнингни кўтарасан? Дадам ҳоким деб гердаярдинг, ана шармандаси чиқиб қамоқда ўтирибдию - деди.

Ойпарча унга қараб қотиб қолди, сўнг бир сўз ҳам айтмай синфдан отилиб чиқиб кетди. Ойпарча уйга бордию оғилга кириб ўзини осиб қўйди. Бечора қиз жувонмарг бўлибди-да! – деди Таваккал пешонасини ушлаб.

- Айтманг! Эшпўлат қизининг жанозасига ҳам қатнаша олмади. Ўқириб-ўқириб йиғлади. Асаби тамом бўлди, бечоранинг! Агар қўлласангиз жамоатчилик аризасини вилоят судига берар эдим, - деди ёқловчи Таваккалга умид, илтижо билан қараб.

- Унинг учун қонуний, ҳалол бўладиган ҳар қандай ишга тайёрман.

- Раҳмат!

Ёқловчи хурсанд бўлиб чиқиб кетди. Яқинда ёқловчи ишни бошқа вилоят судига олдирибди. У Босим Назарнинг аралашувидан қўрқкан...

Сунбуланинг муздекина эпкини Таваккалнинг юзига. кўксига урилди, у енгил “ух”тортиб атрофга боқди. Йўлнинг чап томонидаги туқайзорга, сўнг Муножотга қаради:

- Бу ер туқайзорми?

Муножот кулиб юборди:

- Бу ерда тўқайзор нима қиласи? Бу жой пахта экилгану ишлов берилмай қолиб кетган жой. Эшпўлат Зохирни қамашгандан кейин бу ерлар шунаقا бўлиб қолди. Анавилар буталар эмас, шўралар.

- Наҳот!

- Ҳайрон бўлманг, бу ер хўжа кўрмайдиган ер! Энди бунақа ерларни ҳайдаш жуда катта муаммо! Қийин, қийин!

Муножот илдам юриб машинани ўчириб келди. Таваккал уч киши турган бу “тўқай” томонга ўтганди. Уч одамдан нарида баландроқ жойга чиқарилиб ўчириб қуйилган бўёклари ўчиб кетган эски “Беларус” трактори, одамларнинг олдида иккита балон симлар ётиди.

Бу Таваккалга бутунлай нотаниш муаммо эди. Унинг юрагига ваҳим ўрмалади, “Вилоятда бунақа ерлар кўп бўлса қандай уdda қиламан?”, - деб ўйлади.

Уч йигит билан саломлашдилар.

- Ахир ер расво бўладио, - деди Муножот дафъатан.

- Бошқа ҳеч иложи йўқ, опой. Бу шўраларни йўқ қилмасдан ерни ҳайдашнинг ҳеч иложи йўқ, уларни косилка билан ҳам ўриб бўлмайди. Шунинг учун катталарнинг кўзини шамғалат қилиб ёкиб юборамиз. Балонларни симларга боғлаб тракторларга улаймизу балонларга ўт қуиб шўралар устидан судратамиз. Бу лаънати шўралар куиб-ёниб кетади. Нажот йўли шу холос, опой!

- Билганингизни қилинг, - деди Муножот Таваккалнинг қўлидан ушлаб машина томон бошларкан.

- Фақат катталарга чақиб қўйманг опой, илтимос.

- Чақмайману чақаман, - деди уч йигитга қараб.

- Ҳокимни чаққандай чақманг-да, -деди йигитлардан бири.

Уч йигит қаҳқаҳлаб кулиб юборди.

Муножот қаралдомоги билан уларга пўписа қилди кулиб.

Таваккал ҳайрон бўлиб Муножотга қаради:

-Ҳа, улар қўшни фермер хўжалигидан.

-Ҳокимни қандай чақиб олгандингиз?

Бир куни туман ҳокими бари фермерларни йиғиб: “Ҳар биринг нақд пулга юзтадан товуқ оласан, бўлмаса аризангни ёзасан!”, деб сиқувга олаверди. Кейинги пайтда ҳокимни ўртага қўйиб ўтмас молини фермерга тиқишириш авжига чиқаётган эди. Бирор тадбиркор бирор бир молини ўтказишга қийналса, ҳокимга уч-тўрт сўм тиқишириб “Шуни фермерларга ўтказиб беринг！”, дейди. Ҳоким оладиганини олиб фермерларга мажбурлаб тиқиширади. Товуқ фермасидаги тадбиркор қариб туғмай қўйган товуқларни фермерларга ҳоким орқали ўтказаётган эди. Ҳоким бир фермерга дўқ-пўписа қилиб ҳатто калтакламоқчи бўлган эди, Муножот чидай олмади. Шартта ўрнидан туриб деди:

-Токайгача ўтмас матоҳларни фермерларга тиқиширасиз?! Ўтган сафар олдирган қўйларингиз уйларимизга етмай оёқ қоқиб юборди! Инсоф борми? Қани юқоридан ким шундай буйруқ беряпти? Айтинг, ҳаммамиз ўша раҳбарнинг олдига борамиз!

Бирдан гулдорос қарсак янграб” Жуда тўғри! Токайгача фермерларни оёқ ости қиласиз?” деган қичқириклар эшитилди. Ҳоким Қобил Икрор нима деярини билмай қотиб қолди. Сўнг бирдан юрагини чанглаб ўтириб қолди. Уни қўлтиқлаб олиб чиқишаётганда “О лаънати ёмон чақди! Чаён

экан!”, деди. Шу бўйи Муножотнинг лақаби чаён бўлиб қолди. Йигитлар шунга ишора қилишаётган эди.

Таваккал буни эшитиб қулди. Ҳали шунаقا ўйинлар ҳам борми? – деб кўйди ўзига ўзи.

Машина мотори анча совибди. Улар айланма йўлдан яна бироз юриб катта йўлга чиқишиди. Йўл бўйидаги ер майдонлари анча тартибга келган, чўкиртак бўлиб қолган ғўзапоялардаги ала-чалпоқ пахталар кўзга ташланади. Бу майдондаги жуяклар орасидан чопик трактори юргани билинади.

- Ғўзапоялар шундай турибдию нега ораси чопик қилинганд? – деб сўради Таваккал.

- Бу ўзбек дехқонининг топқирилиги! Суғориладиган ғаллани айни шу пайтда экиш, сўнг тез фурсатда суғориш керак. Агар пахтадан кейин ҳайдаб, молалаб, экиб сўнг жуяк олиб суғорамаган дегунча анча фурсат ўтиб кетади. Шунинг учун шундай йўл топишганки, учинчи, ёки тўртинчи теримдан кейин чопик трактори билан қатор оралари чуқурроқ чопилиб бўғдой экилади-да шартта сув қўйиб юборилади. Бу даврда пахтанинг қолган қисмини теравериш ҳам мумкин. Бу билан ҳам вақтдан ютилади, ҳам экиш ҳаражатлари қисқаради. Аммо анави қарғаларни қаранг!

Ғўзапоялари йўқ анча жойни қоп-қора бўлиб қарғалар эгаллаб олганди.

- Қарғалар бир офат бўлиб қолди, донни териб еб қўяпти, ғаллакорга овчиларнинг, ё бошқа ташкилотими ёрдам берай демайди.

- Кўп еб қўядими?

- Кўраяпизу шунча қарға ерни титиб ётиби!

Қарғалар қоп-қора бўлиб ғалла экилган ерни эгаллаб олганди.

- Қарғаларга ҳам қарши курашиш керак денг.

- Албатта!

- Анави майдонинг юқорисида юрганлар сув тутишяптими?

Муножот машина ойнасидан бошини чиқариб эгатларга диққат билан қаради, лотокка кўз ташлади; сўнг юқорида кетмонини елкасига ташлаб эгатларни кўздан кечирганча бири чапга, иккинчиси ўнгга кетаётган сувчиларга, майдоннинг ҳар жой-ҳар жойига кетмон ураётиб йўлга қараб-қараб қўяётган дехқонларга боқдию чаҳчаҳлаб кулиб юборди.

Таваккал бир Муножотга, бир сувчиларга қараб ҳайрон бўлиб сўради:

- Нега куласиз? Сув тутишяптими?

- Йўқ сувни тутишяпти? – деди кулгисини зўрға босиб.

- У нима деганингиз?

- Раҳбарлар катталар келади, далага чиқиб туринглар, деган. Шунинг учун рол ўйнашяпти.

- Рол ўйнашяпти?!

- Ҳа, рол ўйнашяпти,

далага чиқиб ўзларини сув тутгандек кўрсатишяпти. Катталар машинада ўтиб кетаётуб “Ҳа, кўрдик, далада сувчилар сув тутишяпти”, деган холосага

келсин деб. Аслида сув йўқ! Биз текширувчилар келганда кунига икки соатми, уч соат шунаقا кўргазмали чиқишлилар қилиб турамиз. Қаранг, ахир лотокда сув йўқ-ку! Канал уриб кетганига бир ҳафта бўлди, дод-войимизни ҳеч ким эшитмаяпти!

-Канални боғлаш ўрнига мана бунаقا театрлаштирилган саҳна кўрсатиляпти, денг!

- Ҳа хўжа кўрсиннинг театрлаштирилган саҳнаси! Ҳа-ҳа, сиз... домласиз-да, гап топасиз.

- Масхарабозликнинг нима кераги бор?

- Катталардан гап эшитмаслик учун! Қаранг, ана катталарнинг машинаси!

Таваккал рўпарасидан ғизиллаб келаётган ДАН машинасига кўзи тушди. Негадир Муножот энгашиб юзини дала томонга буриб олди.

-Ҳайдовчи! Машинани четга олинг! –деган овоз келди.

Таваккал машинани четга олиб тўхтатди. Рўпарадан келаётган Босим Назарнинг машинаси ғизиллаб ўтиб кетди.

-Ҳимм... Фарангни туманга келибди-да! Театрлаштирилган саҳна бекорга эмас экан! – деди Муножот мисқириб.

Таваккал орқага ўгирилиб далага қаради. Сувчилар бир зумда ғойиб бўлишган эди. Муножот эса унга қараб қулиб турарди.

- Бу туман ҳокими ҳам унинг гумаштаси.

- Вилоятни эгаллаб олибди-да, акангиз!

- Менинг унақа акам ўлган!

Муножот терс ўгирилди.

Далага ёлғиз айлангани чиқиб тўғри қилибман, бўлмаса ҳаётни бу қадар чукур тушуна билмай қоларканман,- деб ўйлади Таваккал – ҲОКИМ СИФАТИДА БИРИНЧИ ИШИМ: ХЎЖА КЎРСИНГА ИШЛАШНИ ЙЎҚ ҚИЛИБ, ҲАММА ЕРДА ЧИН ДИЛДАН ИШЛАШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ! ЯНА ҲАЛҚА ТАЯНИШ. АХИР ҲАЛҚ ҲАР ҚАНДАЙ КЎЗБУЯМАЧИЛИКНИ ҚОРАЛАБ, ТЎҒРИ ЙЎЛНИ ЯХШИ КЎРАДИ, БУ ЙЎЛГА ЖОН ДЕБ ҚЎШИЛАДИ, ҲАШАРЛАР ТАШКИЛ ҚИЛАДИ. ҲАЛҚ ҚЎШИЛГАН ИШНИНГ ОХИРИ БАХАЙР БЎЛАДИ! АХИР ҲАЗРАТ НАВОИЙ ҲАМ ЭЛ ОБОД БЎЛСА МАМЛАКАТ ОБОД БЎЛАДИ, ДЕБ БЕЖИЗ АЙТМАГАН! Бугун ҳалқнинг биргина вакили билан гаплашдим. Унинг юрагида қанча дард. Бошқалар билан ҳам кўришиш йўлини қилишим лозим. Муножот билан яна тез-тез учрашиб пастдаги воқеаларни билиб туришим зарур. Ишқилиб ҳокимлигимни билиб қолмасин-да!

-Узр!

-Ҳечқиси йўқ. Кўпчилик ҳали ҳам уни менинг акам деб ўйлади.

-Сиз ҳам ҳеч телевизорга чиқдингизми? – деди енгил қулганча гапни бошқа ёққа бурди Таваккал.

-Мени ҳам қўймай чиқаришди. Буни кўриб рақибим куйиб ўлибди.

-Рақибингиз ким?

- Собиқ прокурор-да! Ҳа, Президент бир йиғинда танқид қилганидек янги-янги машиналар минадиган прокурор-да!

-Прокурорларни ҳаммаси түгри ишлай олади, дейсизми? Ахир, уларнинг орасидан қанчадан қанчаси катта-катта поралар билан қўлга тушиб қамаляпти. Отнинг калласидек ойликка қаноат қилмас экан-да! Қонунни назорат қиласиган амалдор порахўр бўлса, қолганлар нима қилсин? Мана менинг рақибимни олинг! Давлатдан яшириб минг гектарлаб ерга махсар экканига нима дейсиз?

-Ха, прокурор, ахир түгри ишлайдиганлари ҳам бордир.

-Эй домла, ёш боламисиз? Бу данғиллама уй, янги машиналар, қўш хотинлар ойлик ҳисобига деб ўйлайсизми? Йўқ, йўқ! Булар бариси халқнинг ризқини қийиш, пора ҳисобига! Бундайлар бир прокурорлар орасида эмас, балки бошқа амалдорлар орасида ҳам кўп. Биласизми, мен Босим туфайли прокурорлар хусуси ёмон фикрда юрадим. Аслида одамлар қилғилиқни ўзлари қиласидару жазо қўллагани учун прокурорни ёмон кўрар эканлар, чуқурроқ ўйласам...

-Ха, ҳалол ишлайдиганлари ҳам кўп! Тўғри пора оладиган амалдор ташки душмандан ҳам хавфли.

-Мен пора олган раҳбарни отишга хукм қилинишини истардим.

-Ўлим жазоси бизда бекор қилинган.

-Бу одамийлик. Аммо у абраҳлар одамийликни билишадими? Биласизми, бир вақтлар бизда машина ўғриси кўпайиб кетган эди. Шунда Президентимиз машина ўғрисига ўлим жазосини қўллаш тарафдори бўлди. Қисқа вақтда машина ўғрилари тугади! Бутун дунё бунга қойил қолмаганмиди?!

-“Шуни унумаслик керакки, таъмагирлик, тўрачилик, порахўрлик, кибр-ҳаво, коррупция ниҳоятда юқумли ва хавфли касалликдир. Бу иллат... аста-секин бутун жамиятни емиради!”

-Домласиз-да, бу гап Президентимизнинг гапими?

-Худди шундай!

-Қаранг, қандай зўр фикр! Менимча порахўрликка қарши биргина давлат хавфсизлик қўмитаси, ёки хуқуқ –тартибот органларигина эмас, балки бутун мамлакатнинг раҳбарларидан тортиб оддий одамларигача қарши курашганда тозаланиш йўлига кирамиз. Чунки, порахўрлик ҳамма соҳага илдиз отиб кетяпти. Порахўрни инсофга чақириб ҳам бўлмайди, уни инсофга чақирсангиз, инсоф қилиш ўрнига қўйиб берсанг бутун дунёни ютиб юборадиган девга айланади.

-Тўғри айтасиз.

-Кейин яна бир нарсага ҳайронман. Ёғли жойларга, пахта заводига, дон қабул қилиш корхоналарига оғзинг қани, деса қулоғини кўрсатадиган, шу соҳанинг мутаҳассиси бўлмаган бир нокасни бошлиқ қилиб қўйишади. Аслида у ҳеч нарсани ҳал қилмайди. Чунки у қўғирчоқ раҳбар. Аслида корхонани четдан, панадан туриб бошқа одам бошқаради. Қамалсаям шу қўғирчоқ раҳбар қамалиб кетаверади. Асли ишни қилган панадаги одам панада қолиб қамалганинг ўзини, бола-чақасини таъминлаб ҳам туради. Керак бўлса уларнинг исми шарифигача айтиб беришим мумкин.

Таваккал Муножот билан бу хусусда қандай баҳслашишни билмай жимиб қолди.

- Роса бошингизни қотирдимми?
- Йўқ қайта мириқиб эшитяпман.
- Мен эса манзилга ҳам етиб қолдим.
- Жонон сұхбатдош экансиз. Сиз билан сұхбатлашиб ажойиб бир кино күргандек бўлдим. Вақт қандай ўтганини ҳам билмай қолдим. Сиз билан яна кўриша оламизми?

- Насиб!

- Насиб қилишини Аллоҳдан сўрайман.
- Сиз истасангиз, Аллоҳ ҳам истар!
- Албатта истайман!
- Қулогингизни қоқиб қўлингизга бердимми, ишқилиб?
- Йўқ, йўқ! Сұхбатингиз менга жуда ёқди. Ҳали кўп гаплашамиз деган умиддаман. Телефонингизни ёзиб оламан, тушаётганингизда. Хизмат бўлса bemalol айтаверинг!

Муножот узоқларга қараганча деди:

- Биласизми, баъзан миллионлаб кўзлар орасидан сенга ҳайриҳоҳ, ўтли аммо ғоят беғубор. КЎНГЛИНГГА МОЙИЛ БИР НИГОҲ БИЛАН БОҚҶАН КЎЗ ХОТИРАНГГА МИХЛАНИБ ҚОЛАДИ! Сен бу кўзни бошқа ҳеч қачон кўрмассан. Аммо бу кўз бир умр ёдингдан чиқмайди, баъзан шу кўз... Ха майли, кейин...

- Йўқ гапираверинг, жон қулоғим билан тинглайман!

- Буни сизга қизифи йўқ.
- Нега?
- Чунки, сиз кўпроқ фермерлар муаммоларини, вилоят ҳаётининг чин аҳволини билишингиз керак. Бу ҳақдаги гапларни жон қулогингиз билан эмас, балки бутун вужудингиз билан тингладингиз. Бу гаплар бир таксичига нима керак деб ҳам ўйладим. Кейин шу кўз ёдимга тушдию онгладим. Аммо сизга кўз ҳақидаги сафсатамнинг ҳеч фойдаси йўқ!

- Нега? Қайта қизиқ...

- Қўйинг, сиз ўрашни эплай олмадингиз, қайта мен сизни ўрадим!

Муножот кўзлари шўҳ йилтиллаб шундай бир ўтли нигоҳ ташлади-ки...

Таваккалнинг мотамсаро юраги ғалати бўлиб кетди.

- МЕНИ ЎРАДИНГИЗ?!

- Ҳа, сизни ўрадим.

- Қандай?

- Шундай.

- Шундай?!

Таваккал ширин жилмайганча ўзига нозли-сирли боқиб турган сохибжамолга ҳайрон бўлиб бокдию юрагига бир жизиллаш кирди ( бундай туйғу анча маҳалдан бери унга бегона бўлиб қлган эди), нима дейишини билмай анча маҳал жим бўлиб қолди – машинани секинлатди.

- Эътиборингиз учун айтиб қўяй, сиз вилоятнинг янги ҳокими Таваккал Мадамин ўғли бўласиз!

Таваккал машинага кескин тормоз берди.

Муножот яна унга шундай ўтли нигоҳ билан бокди:

- Адашмадимми?

- Адашдингиз, ахир мен Неъмат... Шунчаки ўхшатяпсиз!

- Адашмадим. Қани хужжатингизни қўрсатинг-чи...

Таваккал нима қилишини билмай қолди.

- Таваккал ака, сиз ёлғонни эплай олмайсиз. Ярим йўлдаёқ сизни танигандим. Шунинг учун эринмай сиз билан юрдим. Ўзи қани эди, мен Президентнинг олдига бемалол кирсаму бари дардларимни очик айтсан деб ўйлаб юрардим, ахир Президентимиз ҳар қачон фермер менинг одамим дейди-ку! Сиз эса Президентимизнинг бу элдаги вакили! Лоақал сизга айта олдим-ку!

Эшикни очиб машинадан отилиб чиқиб кетгуси келаётган Таваккал ўтирган жойида қотди, пешонасига муздек тер тепчиди.

## 11

Таваккал машинани акасиникига қолдириб пиджагини кийдию ҳокимликка пиёда кетди.

Ёрдамчи Саҳоб кабинет эшигини очиб бераркан деди:

- Эртага репродектив саломатлик бўйича қилинаётган ишларни ўрганиш учун комиссия келаркан, бошқа тинчлик.  
Таваккал чап томонга илинган соатга қаради, ўн бешта кам ўн етти.  
- Ташкилий бўлим билан шуғулланинг, керакли раҳбарларни йиғилишдан кейинга чақирасиз, - деб залга тушди.

Айтилганлар йиғилишга юз фойиз келган эди. Таваккал йўллар ахволи ҳақида қисқа гапириб вилоят Йўл қурилиши бошқармаси бошлиғи Германдан фикрини сўради.

- Йўлнинг соз бўлмаслиги нафақат одамнинг кайфиятига, балки ишлаб чиқариш харажатларининг ошишига сабаб бўлади. Буни тушунтириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак, деб ўйлайман (У ўзбек тилида жуда чиройли гапиради. Таваккал унга русча гапириб сўз берганига уялиб қолди, у Германинг қизиқ тарихини билмас эди, ундан кейинчалик воқиф бўлди. Беҳиштлик Карим исмли йигит иккинчи жаҳон уруши тугаган бир вақтда Берлинда хизмат қилади. Шаҳарда биринчи, иккинчи май кунлари ўтадиган немисларнинг ажойиб байрами пайтида Клара исмли немис қиз билан учрашиб уни севиб қолади. Кларанинг Беҳиштга кетишига ота-онаси рози бўлмайди, икки ёш ўғиллик бўлган эди, отини Герман қўйишади, Карим хизмат муддати тугагандан кейин олти ойлик ўғилчасини жомадонга солиб олиб қочиб келади, ўғлини яхши тарбиялади, ўқитади, Герман немисларга хос юз, гавда тузилиши билангина эмас, балки сажияси билан алоҳида ажралиб туради, вилоят раҳбарлари орасида обрўга эга. Таваккал кейинчалик унга кўп масъулиятли ишларни ишониб топширадиган бўлди).

Йўл қурувчиларининг жинояткорона ҳаракати ишни мушкул ахволга солиб қўйди. Аммо энди ўзлаширилган маблағнинг бир қисми қайтяпти, ишимизни ўнглаб олсак бўлади. Мен вилоятдаги барча йўлларни таъмирлаш бўйича ҳолатни ўрганиб чиқиб таклифимизни вазирлигимизга киритганман. Иш ҳажми жуда катта. Қисқа муддатда бажариб бўлмайди. Аммо кутиб ўтирсақ, иш янада оғирлашаверади.

- Вазирингиз Парпи Азим муммодан яхши хабардор, шундайми? – деди Таваккал унинг гапини бўлиб.

- Худди шундай.
- Яхши, сиз ўз кучингиз билан нима қилиб бера оласиз?
- Истаганча шағал етказиб бера оламан. Бизда энг катта муаммо битум қора сақич! Агар битум бўлса асфальт заводини кечасио кундузи ишлатиб кун совиб қолмасидан ишни жадал бошласак бўлади.
- Битумни ким беради?
- Вазирлик ажратади.
- Ҳозир...

Герман минбарда кутиб турди. Таваккал жейфелефонидан таниш рақамни топиб тугмани босди.

- Ассалому алайкум, Парпи ака, мен Таваккалман( жейфелефоннинг овозни баландладиган тугмасини босди, энди берилаётган жавоб бемалол эшитиларди)

-Ваалайкум ассалом Таваккал Мадамин ўғли, сизнинг ўзингиз телефон килишингизни юрагим сезган эди. Янги лавозим муборак бўлсин.

-Синов денг, синов, қуллук. Бизнинг вилоятнинг ташқи, ички йўллари жуда таъмрталаб бўлиб қолибди. Битум йўқ, деб асфальт заводи ишламаяпти.

-Пул бўлса чангала шўрва дейишади. Агар эртага пулини ҳал қила билсангиз, Қаршидан икки вагон битумни эртагаёқ сизга етказамиз. Бу бизнинг янги ҳокимга ҳозирча ёрдамимиз, кейин лойиха бўйича ажратиладиган маблағни ҳам берамиз, шу билан иш улашиб кетади.

-Катта раҳмат!  
Таваккал жейфелефонни ўчириди, қисқа ўйланиб қолди.

- Молия бошқармаси... - деди залга қараб.  
Залдан қорақош, ўртабўй, сочи тарашлаб олинган йигит ўрнидан турди.

-Лаббай Таваккал Мадамин ўғли! Мен Баҳодир Неъматман.

-Баҳодир, ҳокимнинг заҳира фондида қанча маблағ бор?

-Бешузу қирқсаккиз миллион.

-Яхши. Бу маблағни автойўлга ташласак, битумга ўтказади. Юқоридан маблағи келгач, қайтаради. Шундай қилсак бўладими?

- Майли, фақат қайтарилиш муддати аниқ белгиланиб фармойиш берилиши керак.

Таваккал Думлерга деди:

- Қачон қайтара оласиз?
- Икки ойда.
- Шу муддатни кўрсатасизлар, яхши, сиз ўтириңг. Йўл қурилиши билан

боғлиқ, шунингдек бошқа тадбиркорлар, имконига қараб ҳомийлик ёрдами бериш бўйича ўз режаларини белгиласинлар. Марказий банк ( Новча, жингала соч йигит ўрнидан турди, Таваккал ташриф рўйхатига қаради). Фозил Зоҳид, ўзингизми?

- Ўзимман.

- Йўл қурилиши, созлаш, хизмати билан боғлиқ тадбиркорларнинг имкони борига кредит бериш чораларини кўрасиз. Бу бўйича рўйхатни менга киритасиз. Бошқа барча ташкилотлар бугунги масала бўйича таклиф, фикрларини бериб икки кунда аниқ режаларини ишлаб чиқасизлар, ташкилий ишлар ҳамда қурилиш ва саноат котибияти билан.

- Тушунарли, - дейишди йиғилганлар гуриллаб.

Йиғилиш бир соатга бормай тугади.

Кабинетига кириши билан Маркандан телефон. У гўшакни кўтарди, саломлашди. Пахта тозалашнинг республика раҳбари.

“ Таваккал ака, Учтол директоридан ариза олибсиз. У ишларини тартибга келтиргунча ишлаб турса... Жуда қадрдон акалар илтимос қилишяпти. Бир ёғи сизга ҳам, бизга ҳам яхши, камчиликларни ўзи тўғрилайди”.. .

Оҳо, дарҳол Маркандан телефон,- деб ўйлади Таваккал. - Президент “Хокимни ишдан олишга қараганда боғча мудирини ишдан олиш қийин”, деб бекор айтмаган экан, куйиниб! Наҳот ҳар бир корхона орқасида катта бир амалдор турган бўлса?!

Босим Назар бу корхона меники, деганди. Юқорида ҳам эгалари бор шекилли, ё Босим Назар кимгadir айтдирган, икки томонлама илтимос қилинса, ишончли бўлади, деган. Босим Назар кириб келганда шулар ҳақида ўйлаб ўтирганди.

- Ергулида ишлар қалай? – деди Таваккал ҳол сўрашгач.

- Ишлар маромида

-Тўғри, ғўза ораларига экилган, аммо, очиқ майдонларнинг бир гектари ҳам экилмаган. Бир гектар ер ҳам суғорилмаган. Шўра босиб ётган ерлар ҳайдалмаган. Туманда бу борада ишлар нол! Шуми ишларнинг маромидалиги?

- Йўқ, йўқ! Бунақа маълумотни қаердан олдингиз?

- Олдим.

- Бу нотўғри!

- Энг тўғри маълумот шу! Сиз эса менга бутунлай бошқача ахборот берган эдингиз! Бир-бирилизни шундай алдаб ишлаймизми?

- Сизга нотўғри маълумот беришган, бу бемаъни танобчиларингиз!

- Яна такрор айтаман, мени алдаманг, қани бугун бориб билинг-чи!

- Узр, узр. Бугуноқ...

- Канал уриб кетибди, деб эшитдим.

- Ҳа, шунинг учун бориб келгандим, бор техникани ташладик.(Ергулида ҳам қулоғи бор, шекилли . Дарҳол эшитганини. Ҳа, йўлда акасининг машинасига кўзим тушгандек бўлувди, шу айтган, уни топиб каттага ҳар хил гапни етказаверманг, деб гаплашиб қўймасам бўлмайди чоғи, деб ўйлади Босим Назар ) Узоғи билан эрта тушгача беркитишади.

- Кеча кўзбуюмачилик қилаётган икки ўринbosарим билан хайрлашдим.
- Узр...Шуғулланамиз, бажарамиз.

Босим Назарнинг дами ичига тушиб кетди. Агар Таваккал бундай биринчи ўринbosар билан ишлай олмайман, деб каттага айтса мени ишдан олишлари турган гап, чунки Президентнинг мен ҳақимдаги фикри ўзгарган, - деб ўйлади у. – Шунинг учун бу маҳсумнинг айтганини қилиб туришим керак. Ҳатто яхши ишляпти, деган хulosага келиши учун интилишим зарур.

- Кўрамиз!

Таваккал гап тамом дегандек стол устидаги қоғозларни тартибга келтира бошлади. Босим Назар нималардир демоқчи бўлдию гапира олмай каловланиб чиқиб кетди.

Таваккал Босим Назарнинг гапига ишонмади, канал сувини боғлашга ўзим киришмасам бўлмайди, ахир минглаб гектардаги ғалла суфорилмай қарғага ем бўлиб ётганда бу ишга шошилмай бўлмайди. Қани иш қандай кетаётган экан? Борай- чи!

... Канал суви тўхтатилган. Қирғоқдаги икки бульдозер икки йигит мудраб ётиби. Бошқа ҳеч ким йўқ. Таваккалнинг юраги зирқираб кетди. У бу ерда иш қизғин кетаётган бўлса керак деб ўйлаганди! Демак уни мудом алдашаркан-да! Бунда иш қандай кетади?

Ана Босим Назарнинг машинаси чангитиб канал ёнига тўхтади. Чанг машинасидан ўтиб Таваккалнинг устига ёприлди. Босим ҳокимнинг машинасини, Таваккални кўриб бир зўм қотиб қолди. Сўнг учиб келиб кўришиб бидиллай бошлади:

-Таваккал ака, бу ердагиларга ишониб ўлиб қолибмиз, ўлиб қолибмиз!

Таваккал индамай чанг кўтариленган томонга қаради. Туман ҳокими – Абдулла Нуртош етиб келди. У машинадан тушиши билан Босим Назар югуриб бориб бир уриб йиқитиб тепа кетди. Таваккал имо қилган эди, ҳайдовчиси бориб уларни ажратиб кўйди.

-Уни эмас, ўзингизни уришингиз керак эди! Бунаقا одатингизни ташланг, бирор раҳбарга кўл кўтарганингизни иккинчи кўрмай- деди Таваккал пишқириб сўкинаётган Босим Назарга юзини четга бурганча...

- Уни ўлдирсам ҳам ҳақим кетади, ахир Маркандга кетишдан олдин ҳаммасини ташкиллаштириб берган эдим (Аслида “Маркандга бораётган эдим, озгина харажат бор”, деб ҳокимдан пул ўндириб кетганди, канал уриб кетгани билан иши бўлгани йўқ эди). Унга ишониб сизга ёлғончи бўлиб ўтирибман. Томошабин бўлиб ўтирганини қаранг!

Таваккал кийимлари мойга беланган бульдозерчилар билан кўришди, нима учун иш бошламаётганликларини сўради.

-Икки кундан бери келамиз, кетамиз, ёқилғи йўқ! – деди новча йигит қўлини латтага артганча.

Таваккал ёнига етиб келган Абдулла Нуртошга қаради. Абдулла Босим Назарнинг бунаقا муомаласига ўрганиб қолган, шекилли усти-бошини қоқиб ўзини ҳеч нарса бўлмагандек тутарди.

-База бугунгина ёқилғи беряпти, - деди Абдулла кўзи жилтонғлаб.

Ёлғон гапиряпти,- деб ўйлади Таваккал. – Ѓқилғи узилмаслиги ҳақида күрсатма берилган эди.

- Мени база билан уланг!
- Йўқ, ҳал бўлди. Келяпти.
- Ёлғон гапирманг, шуғулланмадим, денг. Бу тўғри бўлади.
- Таваккал ака, узр...

Босим Назар улардан анча нарида туриб аллақаерларга телефон қиларди.

Бир соатдан зиёд овора бўлиб кранни, блокларни, цимент, шағал, ишчиларни топиб келишди. Ниҳоят иш бошланиб кетди. Таваккал гоҳ керакли жойларга жейфтефонида сим қоқиб, ёрдамчи улаган одамларга жавоб бериб, ишлаётган одамларнинг олдига бориб гаплашди, қўлига белкўрак олиб қоришмадан қолипга апаловкага қўйиши. Босим ҳам унга қўшилиб ҳансираганча қоришмадан қуя бошлади. Иш қизиб кетди.

Хокимнинг бир томонлама ишга берилиши ёмон, деб ўйлади Таваккал.

### **РАҲБАР ОДАМНИНГ ФАҚАТ БИР ИШ КЕТИДАН ҚУВИБ КЕТМАСЛИГИ ЗАРУР. АХИР ОДАМ БИР ИШГА БЕРИЛГАНДА НАФАС ОЛИШДАН ТЎХТАМАЙДИ-КУ! ЮРАГИ ҲАМ УРИБ ТУРИШИ, БАРЧА АЪЗОЛАРИ ҲАМ БИРДЕК ИШЛАБ ТУРИШИ КЕРАК.**

Вилоят организми ҳам шундай ишлаб туриши керак. Алҳол бу ердан кетса ҳам иш тўхтаб қолмаслигига кўзи етгач, Босим Назарга деди:

- Сизлар ишни бўшаштирманглар мен туманни айланиб келаман.
- Ҳоким бирга борсин, бўлмаса, - деди Босим аллақандай хавотирланиб.

- Йўқ, ўзим айланаман.
- Ахир туманни яхши билмайсиз-ку?!
- Қўяверинг, шунчаки айланаман.
- Барибир, бирор киши ҳамроҳ бўлгани дуруст-да!

Абдулла Нуртош ҳам хавотирланиб Босим Назарга қаради.

Таваккал:

- Кераги йўқ, - деди ёлғиз ўзи отланди.

Босим Назар билан Абдулла бир-бирларига қараганча қолиши.

Таваккал ўттиз ёшлар чамасидаги, бўғдорранг, кулча юзига муйловчаси ярашган ҳайдовчи – Рўзиматга секинроқ ҳайдашни тайинлади, кун тартибида белгилаган ишларининг кўпини йўл-йўлакай жейфтефони орқали топшириқлар бериб бажарди.

Ергули туманига кириб боришга кўкга чўзилган қўлига қабутар кўниб турган сарвқомат, хушбичим, кулча юз қизнинг гўзал ҳайкали ўрнатилган, ҳайкал ёнидаги панелга туман харитаси чизилган, пастдаги майдончада куз бўлишига қарамай қип-қизил баҳмал гуллар чаппар уриб гуллаб туриди. Бу манзарага кўзи тушган кишининг дили яшнайди. Кўчаларни айланишар экан, Таваккал бир кўчадаги бинолар оқ, иккинчидаги пуштиранг, учинчисидаги кўкиш, яна бошқаси оч яшил

рангларга дид билан бўялганини кўриб ҳайрон қолди, кўчалар бири-биридан озода, ҳар бир хонадон ортида ям-яшил қарағайлар яшнаб турибди, дарвоза олди, тоза, саришта.

Кўча, ташқари-ку, яхши ичкари қандай экан? –деб ўйлади Таваккал.  
– Фақат ташқарига эътибор беришганмикан?

Дуч келган биринчи киши Барот Мансурнинг уйини кўрсатиб берди. Муюлишдаги иккинчи уй экан. Рўзиматдан уй эгасини чақиришни сўради. Ичкаридан оппоқ, ихчам соқоли чўзиқроқ юзига ярашган, кўкрагини дадил кўтарган Барот ака чиқди. Рўзимат ким, нима учун чакираётганини айтган бўлса керак, у бироз шошиб қолган бир ҳолда кўришиди.

- Қани ичкарига марҳамат, ҳоким ака! – деб очилган китоб шаклида ишланган ёғоч дарвозанинг бир табақасини ланг очиб юборди. Дарвозахонада сутранг “Нексия” турибди. Ҳовлининг юриш йўлакларига бугун урф бўлган қизғиш цементғишит ётқизилган. Ишком дид билан кўтарилилган. Ишкомдан орқадаги шинам шийпончага стол, стуллар кўйилган. Саккиз сотихча келадиган томорқанинг биринчи қисмидаги тўғри тортилган жуякларнинг пуштасида саримсоқпиёз, пиёз ям-яшил бўлиб кўкарган; боғ қисмидаги олмаларга чиройли шакл берилган, чорва моллари боқиладиган жой эса девор билан ажратилиб оқлаб қўйилган.

- Мана бу саримсоқпиёз, пиёз жуягига эрта қўкламда эртаги помидор экамиз, помидор то шоҳлагунча – май ойида саримсоқпиёз, пиёзни йиғишириб оламиз, эртаги помидор тугаётган бир пайтда ёнига кечки помидор, ёки бошқа экин экамиз. Шундай қилиб бир йилда уч ҳосил оламиз, ишқилиб ўғлим, невараларим билан зерикмаймиз, - деди Барот ака соқолини силаб-силаб.

- Биринчилигингизда ҳам томорқада ишлай олганмисиз? - деб сўради Таваккал унга ҳавас билан боқсанча.

- Сахар туриб бадантарбия ўрнига томорқада ишлардим. Рўзфорга керакли сабзавотни ўзимиз етиштирадик.

Таваккал шийпончага қаради, буни сезган Барот ака уни шийпончага бошлади, ошхонага қараб:

- Марҳамат, -деб қўйди.

Бир метрча юқорига кўтарилиб курилган шийпон баҳаво эди. Ошхонадан патнисга бодом, писта, майиз солинган биллур идишларни кўтариб, юзини бахтли, иноқ турмуш муҳри безаган олтмиш ёш чамасидаги истараси иссиқ аёл чиқди, салом берди, эрига меҳрли назар ташлади, эри эса унга “Тезроқ бўл!”, дегандек бош ирғаб қўйди. Марҳамат тезда дастурхон безаб, чой дамлаб чиқди. Таваккал Барот ака чойни қайтараётганда чанқаганини сезди. У Барот ака узатган кўкчойдан босиб-босиб икки пиёла ичди. Сўнг суҳбат қизиди...

Барот ирригация институтини тугатиб Ергулининг “Бўлтой” хўжалигига гидротехник бўлиб ишга келди. “Бўлтой”да гидротехник вазифаси бўлгани билан унинг иши йўқ. Чунки, булоқ сувларидан йиғилиб оқадиган Бўлтой сойнинг суви майнинг охирига етмай қуриб қолади. Лалми

дехқончилик. Гидротехник хўжалик директори Тоғбекнинг югурдаклигини қилади. Аммо қишлоқда юз эллик йил илгари суғориладиган ерлар бўлган, . Кексалар ўша вақтда Нурак тоғидан қишлоққа сув келган дейишади. Барот тоққа чиққан пайтларида бир ариқ сув тоғнинг нариги томонига оқиб ётганини кўрган, балки шу сув қишлоғимизга борганмикан, деб ўйлаганди. Барот Тоғбекидан сўраб – Нурак этагидаги лалми ерларга директор вакили бўлиб олди. У директор топширикларини бажартириб, бўшаши билан гоҳида от, гоҳида эшак миниб Нурак тоғидан бошланадиган булоқларнинг ирмоқларини, жарликка оқиб тушаётган бир ариқ сув йўлини эринмай, синчковлик билан ўрганди. Нихоят у куз бошланган бир пайтда қишлоғига сув олиб борган кориз изларини топди. Ўша бир ариқ сув шу коризга тоғ ён бағридан олинган ариқ орқали қўйилганлигини ҳам фаҳмлади. У тоғ ён бағридан юриб коризнинг юқоридан йўналишини аниқлашга ҳаракат қилди, аммо бирор бир из, туйнук топа олмади.

Энди коризга тушиб, унинг йўналишини ўрганиш қолганди. Бу жуда хатарли иш. Бу коризда эртаклардаги аждарҳолар яшаётган бўлса керак, деган ваҳимали ўйга ҳам борди. Аммо у чекинмади. Форшунослардан маслаҳатлар олди. Бир ой тайёргарлик кўрди, Маркандан бирга ўқиб кўлда ишлашга қолган ўртоқларидан ғаввослик кийими олиб келди. Пичоқ, кичик болта, калта белкурак, радиочаларни белга боғланадиган мосламага жойлаштириди. Қўшниси Зоҳир аканинг саккиз ёшли ўғли Эшпўлат Баротга меҳр қўйган, Барот кўриниши билан унинг олдига учиб келади. Барот ҳам жуда синчков, зеҳни ўтқир болани яхши кўради, радиоҳаваскорлиги пайтида ясаган мосламаларини унга берган, иккиси радиомослама билан гаплашишади. Коризда зарур бўлиши мумкин бўлган нарсаларни тайёрлаётганда у доим ёнида бўлди.

Нихоят Эшпўлат билан тоққа чиқиб кориз бошланадиган жойдан одам сифадиган катталиқда тешик очишганда тешикдан намчил ҳаво юзга урилди. Пичан боғланадиган йўғон ипдан бир калава олган эди, бир учини ғаввослик кийими бел қисмига боғлаб, калавани Эшпўлатга қолдириб “Аллоҳим ўзинг қўлла!” дея коризга тушди, ғаввослик кийимини бир ойдан бери кийиб машқ қилгани учунми, дастлабки ўн метрларни осон ўтди, пешонасидаги фонар ёритмайдиган икки ёнини қўлидаги фонар билан ёритиб, дикқат билан қараб аста-аста илгарилади, оёғининг тагида озгина сув, кориз деворларидан ҳар замонда томчилар томчилайди; роса илон кўп бўлса керак, деб ўйлаганди, аммо бирорта ҳам илон кўринмади, кориз деворлари нураган бўлса, босиб қоладими, деб қўрққанди, аммо намчил деворлар тош-метин бўлиб кетган, кориздан сал энкайиб бемалол юрса бўлади; фақат намчил ҳаво жуда оғир ўпкани сиқади; анча юргандан сўнг тўхтаб радиони ишлатиб кўрди, Эшпўлат сигнални қабул қилди – тиник бўлмасада тўлқин ўтятти, демак олдинда коризнинг юқорига очилган дарчаси бўлиши керак, ахир коризнинг ҳар бир-икки километрига кузатув дарчалари қўйилган; гап ана шу дарчага етиб олишда! Аммо борган сари ҳаво оғирлашиб нафас олишга қийналаётган эди, ғаввос балонидаги кислород кўпга етмайди. Оёқ-қўли бўшашиб ўтириб, ғор, шунаقا бўш

жойларга заҳарли газлар йиғилиб қолади, деб ўқиганди, заҳарланиб қолмадиммикан, деган хаёлга борди; нафас олиши янада оғирлашаётган эди, сигналга ҳам жавоб бера олмас, тамом мадори қуриганди, ўтириб қолди, ниҳоят кислород балонни ишга солиб ютоқиб нафас олди – қўз ўнгги ёришди; шу жойдан қайтмоқчи бўлдию аммо қўп узоқ юра олмадим, дарров қайтиб чиқишим уят бўлади, ёш бола олдида ҳам кулгига қолмай, деб ўйлади, Эшпўлатга жавоб берди-да, ўрнидан туриб яна олға юрди; энди нафас олиши бироз енгиллашди, кислородли балонни ўчирди, ундаги кислород тугаганди; бир қанча муддат юргандан кейин ҳаво яна ўпкасини сика бошлади, у бир озгина илгарилаган эди-ки, билакдек йўғонликдаги илон буралиб ётганини кўриб юраги орқага тортиб кетди, туклари тиккайиб, ҳамма ёғидан муздек совуқ тер чиқди; қўл фонари билан илонни ёритиб ўнг қўлига белидаги белкуракни олди – уришга ўнгай бўлади, бу газанда ҳужум қилмасидан уни тинчитганим маъкул, деб ўйлади, жуда эҳтиёт бўлиб яқинлашди, яқинлашди, жойида қотиб турди, илон қимиirlамас, бошини кўтармасди; чап қўлидаги фонар билан ёритиб бориб, мўлжаллаб зарба бермоқчи бўлдию белкуракни кўтариб қотиб қолди! У илон эмас, балки кориз деворидан чиқиб деворнинг пастрофига кириб кетган аллақандай ўсимликнинг томири эди. Барот бирдан енгил тортди. Тавба, шу курқув жараёнини бошидан кечириши, унинг энди тамом енгил нафас олишига ёрдам бераётган эди. Кейинги масофани тезроқ ўта бошлади. Кимки, эл учун мушқул ишга қўл урса, Аллоҳ уни бешак қўллайди. У радиосигналга ҳам жавоб бермай, вактни ҳам, масофани ҳам унутиб шитоб билан илгариларди, у қанча юрганини билмайди, бир маҳал қулогига зарғалдоқнинг сайраши эшитилгандек бўлди. “Мустафоқул, кимга куёв? Куёв! Куёв!!” У хаёлимга шундай туюляпти, деб ўйлади. Йўқ, овоз яна такрорланди. У шунда билди-ки, кориз ер юзига яқинлашганини. У энди янада дадилроқ олға юрди, юрди. Бир маҳал коризни икки бўлиб турган қиличга ўхшаш ёруғлик тасмасига кўзи тушди, севинчидан анча маҳал ўтириб қолди. Сўнг оҳиста унга яқинлашиб тешикдан ташқарига қаради, ёруғлик қўзини қамаштириди, кейин жуда эҳтиёт бўлиб белкурак билан тешикни кенгайтира бошлади, тешикни кенгайтириш жуда қийин, чунки кориз девори қум, шағал эмас, балки ҳарсанглардан иборат эди. Барот радиодан овоз бериб Эшпўлатни ёрдамга чақирди. Хайриятки, Эшпўлат тезроқ топиб кела колди. Иккиси тешикни кенгайтириб одам сиғадиган даражада кенгайтиришди. Барот юқорига чиқиб Эшпўлатни қучоқлаб олди, сўнг атрофга боқиб кўкрагини тўлдириб-тўлдириб нафас олдию “Аллоҳимга шукр!- деди қиблага қараб. Тешик бодомзор орасидан чиқибди. У хаёлида анча йўл юргандек эди, аммо коризга тушган жойидан уч чақиримча масофани ўтибди, холос! Барот тоғ этакларида тошлоқ ерлардан кориз олиб ўтилганини кўрган эди. Бу кориз эса тоғ ён бағридан эмас, балки тоғнинг қок ўртасидан, ҳарсангларни йўниб Бўлтой томонга ўтказилгани уни тамом ҳайрон қолдирди. Қадимда усталар бу коризни жуда моҳирлигу машаққат билан барпо этишганига қойил бўлди. У энди кутиб турса олмасди, ўша заҳоти яна коризга тушди, юрганимча юриб, қийин бўлса қайтиб. яна шу

тешикдан чиқиб оламан, деб ўйлади, у кориздан озгина юрган ҳам эди-ки, аллақандай овозларни эшитди, юрагига вахим кирди, озгина юриб чукурликка тушиб кетишига сал қолди; коризнинг давоми чуқур, кенг эди; юзига урилгудек бўлиб бир жонзот учиб ўтди; бу жонзот кўршапалак! Ўн метрча кенглиқда, уч метрча чукурликда сув йиғиладиган ҳовуз барпо этилган, ҳовузда озгина сув бор, туби қўриниб турибди, Барот эҳтиёт бўлиб пастга тушди; юзига урилгудек бўлиб кўршапаклар уча бошлиди; уларнинг оёғи калта бўлгани учун тепага қапишиб пастга ташлаб учишади, коризнинг тор жойида яшай олишмайди. Демак шу яқин ўртада яна тешик борки, кўршапалаклар бу жойга киришган, уларнинг чиқадиган жойи бўлади. Барот ҳовуздан ўтиб озгина юрган ҳам эди-ки, ёруғлик тушаётган яrim метрча келадиган туйнукни кўрди...

Баротнинг гапини эшитиб Тоғбекнинг оғзи очилиб қолди.

- Эй, менга қара, агар қишлоқقا ўн литр сув олиб келсанг, мана шу “ГАЗ - 31”нинг калитини қўлингга тутқазаман.

- Фақат менга ёрдам керак.
- Истаганигча ёрдам бераман!
- Бешни ташланг!
- Мана!

Орадан икки ой ўтиб қишлоқقا бир ариқ сув келди! Бу бутун республикада шов-шув бўлди. Барот қаҳрамонга айланди. Бу ҳақда кино ҳам ишлашиди. Республика раҳбари Улуғ Носирнинг назарига тушди. У хўжаликка директор, икки йилдан кейин эса Ергулига биринчи котиб бўлиб кўтарилиди. Ергулида ширин-шарбат мевали боғлар, токзорлар барпо бўлди. Коризга тушганда калавани ушлаб юрган Эшпўлат вояга етиб алоқа институтида ўқиди; шу ерда ишга қолди, техника фанлари номзоди бўлди, яхши одамларниг назарига тушиб Президент девонида ишлай бошлиди. Бир куни унга тезда Президент қабулига етиб келишни буюришиди.

Минг бир шубҳаю ҳадик билан кириб келган Эшпўлатни Президент очиқ юз билан қабул қилди.

- Кечаке телевизорда чиқишингизни кўрдим. Нега девонда ишлаётганингни ёздирмадинг?

- ...

Эшпўлат нима де жавоб беришини билмай ўйланиб қолди. Унинг ўрнига Президентнинг ўзи жавоб берди.

- Нокамтарлик бўлади, дегансан-да, бу ҳам тўғри. Менга ўз қишлоғингга меҳр-муҳаббат билан қарашинг жуда ёқди. Таътилингда бориб туманингнинг ўз телевидениесини ташкил қилиб берибсан. Республика кўрсатувларини кўрадиган қилибсан. Раҳмат сенга!

Мени анчадан бери бир масала қийнайди. Энг четдаги туманларимиз биз олға сураётган сиёсатдан, тараққиётдан орқада қолиб кетяпти. Мен у жойларга, ёзувчилар, олимлар, санъаткорларни тарғибот-ташвиқот учун кўп жўнатаман. Аммо бу туманларни кадрлар билан мустаҳкамламасак қийин экан! Сени ўз туманингга ҳоким қилиб юборсак, нима дейсан?

- Сизнинг ишончингиз мен учун шараф, масъулият! – деди Эшпўлат ўрнидан туриб қоматини ростлаганча.

- Раҳмат сенга! Баъзиларни туманга жўнатаман, десанг, худди дўзахга кетаётгандек ётиб йифлайди, ўтири.

Эшпўлат жойига ўтириди. Президент туманда қандай иш бориш, қўйиладиган талаблар хусусида батафсил тўхталди...

Эшпўлат Зоҳир ўзининг туман ҳокими қилиб қўйилишига доир сессияни эфирга тўла ўзатишни Барот акадан илтимос қилди. Барот ака нафақага чиқиб туман телевидениепсини Эшпўлат ёрдамида ташкил қилган эди.

Сессия сўнггида у шундай деди:

- Қадрли ҳамюртлар! Мен эмас, балки сиз ҳоким бўлдингиз! Ҳар бирингиз ўзингизни ҳоким, деб билинг. Мен эса бор-йўғи сизнинг хизматкорингизман. Туманга, элга фойдаси тегадиган ҳар қандай масала учун йигирма тўрт соат эшигим очиқ. Мен хизматингиздаман!

Одамлар шунчаки гап, деб қарашди. Аммо ҳоким чиндан ҳам шундай иш туваётганини кўриб, онглаб туманда мисли кўрилмаган жонланиш бошланди.

У яна бир қоидага қатъий амал қилди. Туман барча туман ташкилотлари, мактаб, коллеж, лицей, хўжалик, корхона, стадион, муассаса, мачиту бозоргача, шу жамоадаги одамларнинг ўзлари танлаган кадрларни раҳбар қилиб қўйди. Одамлардан ҳеч нарсани яширмади. Телевидениедан халқни тарбиялашда жуда моҳирлик билан фойдаланди. Уй-жой қуриш, томорқадан фойдаланиш, оила қуриш, оила муносабатларини йўлга қўйиш, қонуний яшаш, фермер хўжаликлари ишини юритиш, тадбиркорлик, бозор, мактаб, коллеж, лицейларда таълим-тарбияю маданият, спорт, дин, бирор бир масалани назардан четда қолдирмай, эринмай шуғулланди. Ҳозир туман маркази, қишлоқларда бирор бир инсон кўчага туфламайди, Эшпўлат Зоҳир ёшларга қўшилиб футбол ўйнарди, ёшлар марказига бориб бирга рақсга тушарди; туманда ишсиз йўқ, санқиб бошқа юртларга кетганлар йўқ. Беш йилда туманни ана шундай тартибга ола билди. Аммо афсус...

- Беш минг доллар-ку, беш минг, мен Эшпўлатнинг бир сўм ҳам олишига ишонмайман, - деди Барот ака куйиниб. У уюштирилган тўхмат курбони бўлди.

Таваккал ўйланиб қолди, лекин индамади. У Барот ака билан бир неча хонадонни кириб кўрдию канал бўйига қайтди. У ўзига қараб-қараб қўяётган Абдуллага деди:

- Кўчаларингиздаги ободончилик, одамларингизнинг томорқадан фойдаланиши менга жуда ёқди. Қани эди, ҳамма туманда ҳам ишни шундай йўлга қўя олсак.

Боядан бери жизганак бўлиб юрган Абдулла кўкрагини қўтариб хурсинди.

- Ҳоким ишляяпти-да! – деди Босим.

Бу гапи билан у бу ерда мен ҳам вакилман, менинг ҳам хизматим бор, демоқчи эди. У югурдакларидан бирини Таваккалнинг ортидан жўнатган, Таваккалнинг қаерга боргани, ким билан учрашганидан яхши хабардор эди.

Янги ҳоким шу ердалиги учун одамлар жадал ишлашарди. . Тушликни ҳам шу ерда қилди. Абдулла Босим Назарнинг топшириғи билан ош дамлатганди, Абдулла алоҳида жой тайёрлатган бўлсада ишчилар даврасида ўтирди. Босим Назар ижирғаниб бўлсада унинг ёнига келди.

Кечга яқин, канал иши битганидан кейингина ҳаммага раҳмат айтиб машинасига ўтириб жўнаб кетди. Эртаси куни далаларга сув келганда дехқонлар ғоят севинишиди.

Муҳими вилоятдаги раҳбарлару одамлар Босим Назар шарманда бўлганини эшитишиди: “Ҳоким айтган ишини битирмагунча қўймас экан, уни алдайман, деб ўзимиз шарманда бўлиб қоларканмиз!”, деган фикрга келишди. Шунга қараб иш тута бошладилар. Таваккал қаерда иш бўшашса, ўша жойга ўзи етиб борар, иш битмагунча раҳбарларни ҳам тинчитмасди, ўзи ҳам.

## **ҲАЛОЛ, ТЎҒРИ, ИЗЛАНИБ, ИЖОДИЙ ҲАМДА ҚАТЪИЯТ БИЛАН ИШЛАШ ҲАМИША САМАРА БЕРАДИ. ҲОКИМ БУ ХУСУСДА ҲАМ ҲАММАГА ИБРАТ БЎЛИШИ КЕРАК.**

Оилада ота ибрати жуда муҳим бўлганидек туманда ҳам, вилоятда ҳам ҳоким ибрати жуда зарур. Ҳоким ҳар бир хусусда эзгу ибрат бўла билса, бу жойда халқ давлатнинг, юртнинг энг содик дўстига айланади.

## **БУНДАЙ ДЎСТ БИЛАН ҲАР ҚАНДАЙ БУЮК ИШНИ АМАЛГА ОШИРИШ МУМКИН ВА ШУНДАГИНА ЭЛ-ЮРТ ФАРАВОН БЎЛАДИ!**

...

У ҳеч қачон чўнтағимдаги пулим тамом бўлиб қолса нима қиласман, деб ўйлаган бола эмас. Чунки бўшаб қолган чўнтағини қўпи билан бир кунда дадаси тўлдириб қўйиши мумкин эди, лекин шундай бўлсада у жуда ҳисоб – китоб билан иш қиласди, иложи борича ўзи эмас, балки унинг учун бошқалар харажат қилишини ёқтиради, агар харажат қилиб қўйса мазаси бўлмайди (аммо бундай ҳол жуда кам бўлади, мабода бўлиб қолса дарҳол ўрнини тўлдиришга интилади, тўлдирмагунча кўнгли тинчимайди) ; у дадасидан дунё ўтгач, катта бойликка эга бўлишини билади, аммо бу бойлик қанча, қаерда эканлигни билмайди, аммо билади-ки, дадасининг ёлғиз ўғли, албатта дадаси бор мол-мулкини унга қолдиради, чунки икки опаси, синглиси оладиганини олиб бўлган, улар хирсдек тўқ; баъзан у дадам тезроқ ўлсаю эртаклардагидек катта хазинанинг эгаси бўлиб майшатимни сурсам, деган хаёлга борган кезлари ҳам бўлган; аммо отаси тез ўлиб қолса ўзи қийналиб қолишини оддий терговчи бўлиб ишлаётганда, ўзидан катта

раҳбарларнинг уни итдек югуртиришганида, йўл қўйган камчиликлари учун ишдан ҳайдамоқчи бўлишганида, дадасининг оғайниси республика бош прокурори Соҳиб Қодир аралашиб ишда олиб қолганида (шу бўйи унинг майшатпастликлари тугаб амалга қизиқиши бошланганда) дадаси ҳали унга кераклигини ҳис қилди. Дадасидан тезроқ фойдаланиб, тезроқ катта амалга эга бўлишни истади, аммо бирданига кўтарилиб бўлмайди, хизмат, амал пиллапояларидан бирма-бир юқорилайди. Дадасининг энг кўтарилгани шу агробирлашма бош директорлиги. Шу амалда ҳам унинг қўлидан кўп иш келади. Босим дадаси, қайнотаси ёрдамида вилоят прокурлигига кўтарилди; энди у бундан ҳам каттароқ мартабани кўзлай бошлади. У илгари истаса дадаси ёрдамида бутун дунёга ҳоким бўла олиши мумкиндеқ туюларди, дадасига қаттиқ суюнганди, аммо кейинчалик дадасининг тўпори усуллари, жуда бачкана, оддий, узоққа бормайдиган, ёввойича йўллари, минг бир фириблари унга эриш туюла бошлади; бир кун эмас бир кун дадасининг амал қўёши ботишига кўзи етди, шунинг учун дадасидан ҳам кўра унинг юқори амалдаги дўстлари этагини маҳкам ушлади; қайнотасига эса кўп ҳадди сифавермас, уни фақат Изобелла орқали ишга сола билади. Туманда ишлаганида туман ҳокими бўлишга ҳаракат қилиб кўрмоқчи бўлди, аммо вилоят прокурори бўлгач, туман ҳокимлигини паст амал ҳисоблай бошлади.

Вилоят хазинаси бошида вилоят ҳокими туради,- деб ўйлади у - Бир оғиз гапи билан миллион-миллион пуллар у ёқقا, бу ёқقا... Курилишлардан ўн фойиз, турли одамларни турли вазифаларга кўйишдан, тадбиркорлардан, йирик масалаларни ҳал қилишдан ўзи оқиб келаверади, ўзи оқиб келаверади Қандай қилиб ҳоким бўла оламан? Ахир, милицияда, прокуротурада ишлаётганлардан туманга, вилоятга ҳоким қўйишияпти-ку! Пойтахтда мени кўллайдиганларим бор. Улардан ҳозир фойдаланмасам қачон фойдаланаман, қачон? Токайгacha шу прокуротура соҳасида кўтарилишни кутиб юраман. Вилоят ҳокими Тўлқин Шоҳид жуда бўш, кўнгилчанг одам. Қандай қилиб ҳоким бўлиб қолдийкин? У жуда хушмуомала, олдига кирган одамни хафа қилиб чиқармайди. Марканддан кучук келса ҳам олдига сужак ташлайди. Кетаётганда машинаси багажини тўлдириб жўнатади. Марканддан кимни чақирса учиб келади, қўлидан келган ёрдамини аямайди. Ким яхши? Тўлқин Шоҳид яхши! Иш ўз оқими билан кетаверади. Унинг иш услуби шу. У қилаётган ишини мен ойдинда оёғим билан уddeлайман. У узоққа бормаса керак! Мен отимни қамчилашим керак.

У отини эгарлади. Тумандалигида атрофига анчагина ҳамфикр, ҳамтовоқларини йиға бошлаганди. . Вилоят ҳокимининг кўнгли бўшлигидан усталик билан, сездирмай фойдаланиб, энди ана шу ҳамтовоқларини вилоятдаги раҳбарлик ишларига бирин-сирин кўтара бошлади. Одамларни қабул қилишга эътибор берди, адолатли қарорлар чиқарилишига ёрдам кўрсатди. Шудгордан тортиб, экиш, ўрим, йиғимда ҳокимнинг ёнида туриб прокурона назоратни қаттиқ олиб ишни йўлга қўя билди. Бу ишларини Марканддан келган турли вакилларга, унинг ҳамфикрларига писанда қилиб қўйишади. Марканддан келганлар пойтахтга “Зўр прокурори бор, у

аралашган жойда иш беш бўлади!” деган фикрни ташиб борадиган бўлдилар. Энг оғир ишларга ҳоким ҳам, Марканддан келган вакиллар ҳам уни жўнатишадиган бўлишди. Бир йил ўтмай вилоятда яхшигина нуфузга эга бўлди.

Ҳокимни бўшатмай туриб ҳокимликни эгаллаб бўладими? Босим ҳокимни олиб ташлаш йўлида зимдан иш бошлади. Аммо бу йўлда унга жуда катта бир рақиб турганлигини англади. Бу рақиб – шаҳар ҳокими Довуд Ҳарсанг эди. Уни исми шарифи асли Довуд Тошқул. Аммо унинг каттиқўллиги, амалига ёпишиб қатъият, важоҳат билан ишлаши туфайли Довуд Ҳарсанг лақабини олган. У илгари туманда ҳам ҳоким бўлган, шаҳар ҳокими бўлиб анча вақтдан бери ишлар, у қандай бўлмасин вилоят ҳокими бўлишга жон-жаҳди билан киришган. Ҳатто кичик-кичик мафиозлар гуруҳлари пайдо бўлишига ёрдам берган Инъом, Полвон, Эргаш, ҳатто туманларда ҳам гуруҳчалар пайдо бўлишига имкон берган, вақти келиб Довудга ёрдам бериши зарур, деб ўйларди. Исми жисмига мос бўлмаган орриқ, қорни қапишган, отюз, отжағ, чўққибурун, кенг елкалари олдинга қайрилган бу одамнинг важоҳатидан ҳамма чўчириди. Босим ўз режасини ҳозирча яшириди. Довуд Ҳарсанг ўзини ўзи шарманда қиласи, деб ўйлади, ўзининг режаларини зимдан амалга ошира бошлади, Довуд Ҳарсангга қарши курашиш иуҳим масала эди, ахир, уни йўлдан олиб ташламасдан режасини амалга ошириб бўлмасди. Босим биринчи навбатда Довуд Ҳарсангни ҳоким қилиб кўтариш учун ҳаракат қилаётган жиноий гуруҳларга зарба берди,/ ўзини мафия, деб одамларни қўрқитиб ишлаётган гуруҳларнинг бошлиқларини бирин-сирин қамоқقا олдирди, уларни Довуд Ҳарсанг қўллаган томонларини очиб ташлашга киришди. Бу ҳолат исботини топса Довуднинг каръерасига чек қўйилиши аниқ эди. Аммо бу ишлар ниҳоясига етмасдан турибоқ Довуд катта бир хатога йўл қўйди; у шаҳардан, туманлардан эллик оқсоқолни йиғиб бир автобусга ўтқазиб “ Вилоят ҳокими жуда бўш, вилоятда ободончилик, фаравонлик ишлари бошқа жойларга қараганда жуда суст боряпти, шаҳар ҳокими Довуд Ҳарсанг ишchan, ғайратли, ташаббускор. Шу йигитни вилоят ҳокими қилиб беринг!”, деб Президент қабулига жўнатади, бир автобус одам борса, Президент албатта қабул қиласи, уларнинг илтимосинии ерда қолдирмайди, деб ўйлайди. Автобус Маркандга етмасдан тўхтатилади. Илтимосноманинг ёзмаси қабул қилинади. Аммо Довуднинг бу ҳаракати Босимнинг фойдасига иш берди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринbosари ишдан олиниб, ўрнига Босим Назарни биринчи ўринbosар қилиб кетишиди. Довуд Тошқулни эса ишда олишди. Энди у вилоят ҳокими бўлишига жуда яқин қолган эди. Энди хушёр бўлиши керак. Довуд Ҳарсангдан қутилди.

Вилоят ҳокими кетиши турган гап, - деб ўйлади Босим. – Мен ўз ишим билан унинг мустаҳкаманиб қолишига ёрдам бермаслигим керак.

Вилоят ҳокими идора йиғилишларида Босимни ёнига чақириб олади, кейинчалик ҳоким чақирмаса ҳам ўзи бориб ўтирадиган бўлди. Баъзан ҳоким ушланиб қолса, кечикса идора йиғилишини ўзи бошлаб ҳам юбораверади. Ҳоким келганидан кейин унга танбех бериб

ўтирмасдан: "Қаерга келдиларинг?" дейдию масалани давом эттириб кетаверади. Бунга ҳамма қўнишиб қолди, кўпчилик вилоят раҳбарлари ҳокимга киришдан илгари Босим билан фикрлашишга, келишишга ўрганиб қолиши; баъзи масалаларни ҳокимга кириб ўтирмасдан ҳам баъзан манфаатдор бўлиб, баъзан ҳеч нарса олмай ҳам ўзи ҳал қилиб юбораверади. Ҳокимнинг бундай иш тутишига Босимнинг бошқа вилоятга иш сафарига бориб келгандан кейин авжига чиқди.

Президент Янгиқўрғон вилоятига сафар қилиб у ердаги яхши ишларни гапириб ўтганидан кейин Босим Назар ҳокимга шу вилоятга бориб тажрибасини ўрганиб келиш ҳақида таклиф киритди. Ҳоким рози бўлди. Бир "Эстана"га тадбиркорлар, вилоят раҳбарларидан олиб Янгиқўрғонга бориши. Босим вилоят ҳокими ёрдамчисига телефон қилиб нима мақсадда келишганини, ҳоким қачон қабул қила олиши мумкинлигини сўради. Ёрдамчи жейф телефон рақамини ёзиб олди. "Ўн дақиқадан кейин телефон қиласман", деди; ўн дақиқага ҳам етмай телефон қилиб "Яқин жойда бўлсаларинг, келаверинглар, сизларни ҳоким кутяпти", деди. Қабулхонага кириб боришганда, ҳоким қабулида ҳеч ким йўқ эди. Босим Назар ҳайрон қолди. Вилоят ҳокими - Озод Fafur меҳмонларни бемалол қабул қилди, шошмасдан гурунглашди, тадбиркорлар ҳақида бафуржга гапириб берди. Суҳбат охирида Босим ҳокимдан сўради:

-Қабулингизда кутиб ўтирган ҳеч ким қўринмади, ё биз келганимиз учун кутаётганлар бошқа жойга ўтиб турдиларми?

Озод Fafur кулди:

-Мен бари ишни ўринбосарларимга бўлиб берганман. Улар масалани ҳал қилолмасаларгина менга киришади, кейин бирга ҳал қиламиз.

Сафардан қайтиб келгач, бу ҳақда ҳокимга гапириб бериши. Ҳоким ҳам шундай иш тута бошлади; энди Босим янада кўпроқ вилоят раҳбарларини ўзига қаратса билди. Босим яна бир қизиқ одат чиқарди. У ҳоким қайси туманга борса, ҳоким билан бирга бормай. Ҳоким қайтиб кетганидан кейин икки машина кузатувида ваҳима билан шу туманга етиб боради, қайтадан йигилиш ўтказиб ўз ҳукмини ўтказади. У айтганини қилмаган раҳбарга тинчлик бермайди, ҳамма ундан юрагини олдириб кўйган. Босим бу ўйинини Таваккалга қўллашга қандайдир чўчиди. Бундан кўпчилик раҳбарлар хурсанд бўлишди...

Таваккал Президентнинг асарларидан раҳбар , ҳақидаги фикрларини ўз дафтарига қайд этиб, уларга қайта-қайта мурожаат этади. Устоз танбеҳидан кейин У Шарқ алломаларига ҳам алоҳида эътибор бера бошлади. У Farbga берилиб Шарқни унуглан экан. Шарқнинг буюк сиймоси ҳазрат амир Апишер Навоий асарларидан тортиб бутун ҳаёти давомида юртни адолатли раҳбар бошқариши учун курашмаганмиди? Дўсти султон Ҳусайннинг адолатли шоҳ бўлиши учун озмунча қуйинганмиди? Шогирди Мўмин Мирзонинг келажакда Амир Темурдек буюк раҳбар этишиши учун қанчалар ҳаракат қилган эди! Султон Ҳусайн майшатга берилиб ўз набираси Мўмин Мирзони қатл эттирганда чеккан оҳ-фиғонлари тўққиз фалакни куйдирмаганмиди? У сўнгти нафасигача эл-юртга адолатли

ҳокимлик қилиш хусусида куйиб ёнди. Буюк Абдулла Қодирий “...тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари бўлган кейинги “хон замонлари”нинг” чок-чокини сўкиб. Туркистон юртини қўшкалла бургут – Россия чангалига тутқазган нобакорлар ҳокимлар – хон, амирларни қанчалар лаънатлаган!

Таваккал ўз замонасининг кўп шоир, ёзувчилари билан танишди. Уларнинг ёзганларини диққат билан ўқиди, сухбатлашиб фикрларини эшилди. Абдулла Ориф, Эркин Воҳид, Рауф Парфи, Одил Ёқуб, Пиримқул Қодир, Саъдулла Аҳмад, Муҳаммад Юсуф...

Уларнинг орасида бир куйинчак адабиётшунос – Маҳкам Маҳмуднинг сухбатини жуда ёқтиради. У ғоят кўп китоб ўқиган, камтар, ҳокисор инсон. У бир сухбатда шаҳар, туман ҳокимининг очиқ овоз бериш орқали сайланса ғоят кутлуғ иш бўлур эди, деб қолди. Бу фикр бир жиҳатдан тўғри, аммо иккинчи жиҳатдан анча қийин. Шаҳар, туманда ҳокимликка интилган саводсиз ишқибозларнинг ким ўзарига айланиб кетиши мумкин!

Оҳ ҳокимлик! Ҳоким!! Ҳоким бўлиш осонми?! Ҳокимнинг дилида ҳам, қўлида ҳам адолат чироги ёнсагина у Ҳоким бўла олади. У Форобийнинг “Фозил одамлар шахри” китобини қўлга олди. Бу бечора олим шунчалар риёзат чекиб, куйиб – ёниб бу китобни бекорга битмаган. Бекорга кўз нурини тўкиб, куч-қувватини сарф этиб Ҳокимда шу хислатлар бўлишини истамаган. Ҳокимлар жабри зулуми халқقا қанчалар қимматга тушишини билиб ёзган. Адолатли ҳоким бўлишини истаган. Элни ўйлайдиган, юртни ўйлайдиган раҳбар бўлишини, адолатли ҳукмдор бўлишини ҳохлаган.

Таваккал бугун амалга оширадиган ишларини ақл тарозисига солиб таҳлил қиларкан, фикрлашда қотиб қолмаслик учун устоз фикрларидан ёзиб қўйган қайдларини ўқиди, сўнг бошқа китобларни варақлай бошлади.“Фозил одамлар шахри”. Буюк устоз: “Бу китобни ҳамма ҳоким ўқиши керак!” деб бежиз айтмаган. Форобий – етмишдан зиёд тилни билган буюк донишманд. Ўзига таклиф қилинган амалларни ҳеч бирига рози бўлмай, кичик бир боққа қараб қоқ нон, бир сиқим майиз, озгина ёнфоқу туршакка қаноат қилиб яшаб ўтган зот. У бунча жонини қийнаб минг бир соҳада минг бир дурдоналар яратди.. Фозил одамлар шахри! Бутун бир шаҳар ахолисининг фозил бўлишини орзу қилди. Аввало шу шаҳарнинг ҳокими фозил бўлишини истади. “Фозил шаҳарга ҳоким бўладиган одам Аллоҳдан бошқа ҳеч кимга бўйсинмаслиги керак. У ўн икки хислат - фазилат эгаси бўлиши зарур:

- Унинг тўрт мучаси соғ бўлиши лозим, тики вазифасини бажараётганда, адолатли қарор қабул қилишида бирор бир аъзосининг азоби халал бермаслиги, вазифасини фаол бажара билиши керак
- Табиатан нозик фаросатли бўлиб гаплашаётган одамининг сўзларини, фикрини тез онглаб, тез тагига етадиган ва у сўз юритаётган соҳадаги аҳволни равшан кўра биладиган бўлиши керак.

- У онглаган, кўрган, эшитган, идрок этган нарса-ҳодисаларини хотирасида тўла-тўқис сақлаб қолиши, барча тафсилотларини умумлаштира билиши ва керакли вақтда тез эслай билиши зарур.
- Зеҳни тез ва ўткир, зукко, ҳар қандай нарса-ҳодисанинг билиниар-билинмас аломатларини ва у аломатлари нимани онглатишини тез билиб, сезиб олиши зарур.
- У фикрини равшан тушунтириш учун лўнда, чиройли сўзлар билан ифодалаб етказиб бера оладиган нотик бўлиши зарур.
- Билим олишга, ўрганишга, мағфиратли бўлишга мудом хавас-иштиёки баланд, бу борада машакқатдан қочмайдиган, эринмайдиган бўлиши зарур.
- Таом, ичкилик, аёлларга хирс қўймаслиги, бу хусусда очофат бўлмаслиги, ўз шаънини бўлгайдиган хузур-ҳаловатлардан тийила билиши керак.
- Ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган ва қадрлайдиган, ёлғончи ва ёлғончиликларни, хушомадгўйларни ёмон кўрадиган бўлиши керак
- Ўз қадрини билувчи, номусли-ориятли, пасткашлиқдан юқори турувчи, олийҳиммат бўлиб, улуғ, эзгу, олий ишларга интилиши зарур.
- Бу дунё мол-дунёсига қизиқмайдиган, бойлик кетидан қувмайдиган (шу жойда конспектига “Пора олмайдиган” жумласини қўшиб қўйди);
- Табиатанadolatпарвар, одил одамларни севадиган, истибдод ва жабр-зулмни, мустабид ва золимларни ёмон кўрадиган, ўз одамларига ва бегоналарга ҳам бирдек ҳақиқат қилувчи, барчаниadolatга чақиравчи, ноҳақ жабрланганларга мадад берувчи, барчага яхшиликларни, ўзи севган гўзалликларни право кўрувчи бўлиши зарур. Ўзи ҳам иш олдида ўжарлик қилмай одил иш тутгани ҳолда ҳар қандай ҳақсизлик ва разолатларга қарши муросасиз бўлиши зарур.
- Ўзи зарур, деб ҳисоблаган чора тадбирларни оширишда қатъиятли, саботли, журъатли, жасур бўлиши, қўрқоқлик ҳадиксиашларга йўл қўймаслиги керак.

Таваккал китобнинг бошқа бобларини ҳам дикқат билан ўқиди, у руҳида ажиб покиза куч пайдо бўлаётганини сезди.

Бир одамда бу фазилатларнинг бари жам бўлиши қийин, - деб ўйлади Таваккал. -Унда ҳоким ана шундай фазилат эгаларини ўзининг яқинига олиши, бирлашиб ишлаши зарур. Хўш мен ўринбосарларим, бошқа масъуллар билан бирлашиб ишлай оляпманми? Қилич, Нулуфарга ўхшаган ўринбосарларим жон-дили билан ишлашяпти. Аммо Босим Назарнинг гаплари, ҳаракатлари самимий эмас. У тилёғламалик қиласди, зимдан яна аллақандайдир ишлар билан шуғулланади. Кўнглим сезиб турибди. У мен билан сидқидилдан бирлашиб ишлай олмайди. У яна илгариги ҳокимнинг устидан далил йиғиб юқорига ёзишдек ишини давом эттираётгандикан? Ундан хушёр бўлишим керак!

...сураткаш Назир Босим Назар кабинетининг ўнг четидаги столга олиб келган суратларини ёйиб қўйиб ўринбосарга қаради. Ўринбосар телефонда гаплашиб бўлди-да, гушакни қўйиб Назирнинг олдига келиб унинг елкасига урди.

- Яша, ёпиштирдингми, ишқилиб орқасидан юрганингни сезиб қолгани йўқми?

-Хаёлига ҳам келгани йўқ. Кийимимни, машинамни ўзгартираман. Бу расмларни эса стадионда, спорт костюми кийиб брусларни олдида туриб олдим.

-Яша!

Босим Назар столга эгилди.

-Вай ахмоғ-ей, стадионда ўйнаши билан қучоқлашиб юрибдими? Ахир унинг хотини йўқ-ку!

Бир маҳал у стол устига янада кучли эгилди. Қўллари титраб бир суратни олди. Кўзларига яқинлаштириб кўрди, ранги бўзарди.

-Адашмадингми?, - деди овози титраб.

Аммо расмда ҳокимнинг ҳам, у қизнинг ҳам юзи аниқ кўриниб турибди.

- Нега адашаман?

- О абраҳ, мен унинг орқасидан одам қўйсам у менинг устимдан материал йиғяптими? Абраҳ! Топган қанжиғини қаранг!

Босим Назар Назир борлигини унугиб ўзига ўзи гапирав, кабинетининг у ёғидан бу ёғига юриб ҳансираф нуқул “Сени қараб тур! Қараб тур!!”, деб такрорлади; шундай Назирнинг рўпарасига келиб, гуё қаршисида Таваккал тургандек, Таваккалга гапираётгандек кўзларининг пахтасини чиқариб жекирди:

- Мен сенинг қилаётган бу нағмаларингга минг пушаймон қилдирмасам Босим отимни бошқа қўяман! (икки қўлини мушт қилиб шундай Назирнинг рўпарасига бориб силкиди) Шундай қиласманки!..

Назир беихтиёр орқага чекинди – ҳайрон қолди...

12

Тунда юраги безовта қилди. Чап ёнига ағдарилган эди, юраги санчиб кучли ура бошлади. Шунда у бу оғриқ анча вақтдан бери жисмоний машқларни тўхтатиб қўйгани оқибати эканлигини сезди, ўрнидан туриб чироқни ёқди, дори қутичасидан валидол топиб ичди. Соат тўрт ярим. Олистан хўроз қичқириги эшитилди. Чироқни ўчириб яна диванга чўзилди. Ухломади. Кейин кўзи илинди...

Юмшоқ бир қўл юраги устини, юзини, силади, бу силашлар юрагига хуш ёқди.

-Хўжайнин, кўп куйинманг, қаранг мен қандай яхши жойдаман!

Сой соҳили. Мевалари ларzon-ларzon, ҳавоси юракка хуш ёқадиган ажаб бир боғ. Соҳлдаги майсалар устида Таваккал чалқанча ётибди. Боши Лобарнинг тиззасида. У меҳрибонлик билан силаб юзидан ўпид қўйди.

-Хўжайнин, токай болаларга Латофат аям қарайди? Бир энага олмайсизми?

- ...

Таваккал оғзини оча олмади. Лобарга тикилди. У шундай чиройли-ки... Майин жилмаяди. Таваккалнинг юраги гумириб кетди. Уни маҳкам бағрига босгиси келди. Аммо қўлларини кўтара олмади

-Мени хафа бўлади, деб ўйлајпизми?

- ...

- Мени ўйламанг! Аям қийналиб кетяпти. Бўлмаса уйланинг. Лекин Ҳасан-Хусанга яхши қарасин! Уйланинг... Лекин...

Таваккал уйғониб кетди. Бошини ушлаб ўтириб қолди.

Яна тушимга киряпти, - деб ўйлади Таваккал.- Кейинги пайтда нега тез-тез тушимга киряпти? Болалардан кўнгли нотинч. Мен ношуд ҳам икки ойдан бери улардан хабар ола билмадим. Уларни кўчириб келай, десам дадамнинг тинчини бузаман. Бозор куни болаларни кўриб келаман. Соат икки. Бирозгина ухлай. Лобарни эслаб ётаман.

У диванга чўзилди. Юрак оғриғи бироз пасайсада, симиirlab бошқача уради. Юракни мустаҳкамлаш учун энг зўр машқ пиёда юриш, сўнг югуриш. Саҳарданоқ бошламасам бўлмайди, деб ўйлади

Соат бешда ўрнидан турди, кўк спорт костюмини кийиб ҳовлига чиқди. Ҳаво намхуш, салқин. Тўлин ой Ғарбга оғиб атрофни сутдек ёритмоқда. Эндинга ғимирлаётган машиналарнинг шовқини, итлар ҳуриши эшитилмоқда. Қайси бир хонадондан карнай, дўмбира овози келади, элни наҳорги ошга чорляпти.

Сўфининг овози янгради:

- Аллоҳу акбар, Аллаҳу акбар!!.

Ой юзини бир парча қўкиш-қорамтил булут қоплади.

Бу ёмғирдан даракмикан? – деб ўйлади Таваккал. – Ишқилиб ёмғир ёғиб экиш кечикиб кетмаса эди. Экиш қандай кетаётгани билан жиддий шуғуланишим керак! Сўнг хабар, маълумотлари билан танишаману ижтимоий жараёнларни демократлаштириш Кенгаши йиғилишига қатнашаман. Қадимда бир подшоҳ “Вазирларим, аёнларим оддий одамларнинг арз-додини менга етказишга монелик қиласилар. Бу ҳаракатлари билан балким, кайфиятимни бузгилари келмас, балким ўзларининг кирдикорларининг фой бўлишидан қўрқарлар”, деб ўйлаб бечораларнинг додини эшитиш учун от миниб шаҳар ташқарисига чиқар экан. Бу кенгаш арз-доди бор одамларга пешваз чиқишим,- деб ўйлади у .

У вилоят ҳокимлиги қошида Буюк устоз фикридан келиб чиқиб Ижтимоий жараёнларни демократлаштириш Кенгаши тузди. Унга ергулилик ҳалол кекса Барот Мансур ўринбосар эди. Бунга вилоятдаги энг эътиборли, ақлли, тажрибали, ҳалол одамлар жалб килинди. Бунга Муножот ҳам кирган, у ҳар йифинда янги бир масалани дадил кўтариб чиқади. Бу

кенгаш ҳар ойда йиғилиб бор муаммоларни очик -оидин муҳокама қилиниб зарур хулоса тавсиялар ишлаб чиқарди. Таваккал ҳар бир йиғилишга ўзи қатнашишга ҳаракат қилди, қатнаша олмаганларининг эса видеотасвирини кўради. Бу ижтимоий адолат ўрнатишда жуда қўл келмоқда эди. Вилоят ҳаётига бефарқ бўлмаган фуқароларда, фаолларида ажиб ташаббускорона жўшқинлик кўтарилди. Лоқайдлик йўқолди. Эзгу интилишларга пешвоз чиқадиган раҳбар бўлмаса жамиятда лоқайдлик пайдо бўлади. Вилоятда ана шундай лоқайдлик йишқолиб ажиб бир жонланиш пайдо бўлди. Бу жуда катта самара эди! Одамлар ҳеч тортинмай Кенгашга телефон қилишар, йиғинларга киришар, камчиликларни тортинмай айтишарди. Энди юқорига хат ёзишлар камайди, чунки шу ернинг ўзида жуда кўп муаммолар, салбий ҳолатлар очик-оидин очиб ташланаётган эди.

- Мен бир кино кўргандим. – деди Таваккал йиғилишда. – Унда бир корхона директори алоҳида хонага ўзининг чучеласини қўйган экан. Ишдан қайтаётган ходим корхонадаги раҳбарликдан норози бўлса, бор дардини тўкиб-сочиб тўйгунча чучелани савалайди. Шу билан хумордан чиқади, дардини ичига сақлаб хафақон касалига чалинмайди. Бу хонага эса камера ўрнатилган, ҳамма ҳолатлар, гаплар тўла ёзиб олинади. Корхона раҳбари ана шу тасвирни кўриб хулоса қиласди, камчиликларини тўғрилайди.

Мана шу хонада менинг ҳам чучелам турибди, деб тасаввур қилинг. Бор ҳақиқатни очик-оидин айтаверинг. Туйгунча калтакласангиз ҳам майли! Нима қилиб бўлса ҳам вилоятдаги аҳволни ўнглайлик! Майли, ҳокимлар ўзгараверади! Аммо ҳалқ нима бўлади? Юорт-чи!

Ҳокимнинг бу гапларидан кейин йиғинда одамлар бор гапни баралла айтадиган, камчиликларни очиб ташлайдиган ва бу камчиликларни бартараф этиш учун таклифларини рўйи-рост айтадиган бўлдилар.

Сауна ниқобидаги фоҳишаҳоналар, кўп қаватли массивлардаги, туманлардаги қўшмачи аёллар, улар ўз уйларида сақлаётган фоҳиshalар, фоҳишабозликлар, шундай вилоят ҳокимлиги яқинидаги Алоқа биноси майдонида турли шаҳарлардан келган, шу ерлик фоҳиshalарнинг йиғилишиб ҳеч уялмасдан, ўзларини сотадиган бозорга айлантириб олганликлари ҳам очиб ташланаётган эди. Бу кенгаш Назар Босимга ёқмади. Бу бачканалик, иғвогар, юмалоқ хат ёзувчиларнинг кенгashi, деб кулди. Таваккал ҳар қанча аччиқ бўлмасин бу кенгашда айтилган салбий ҳолатларни ўрганиб бу ҳолатларни йўқотиш бўйича қатъий чоралар кўришга жиддий қаради. Кенгаш йиғилиши барча туманларда ўтказилганда Таваккал “Юқорига кўплаб хатлар ёзилади. Ўринли бўлса мен бунга қарши эмасман. Аммо келинглар, кимда нима муаммо бўлса, нимадан норози бўлса ана шу кенгашга келиб очик-оидин айтинглар. Бирга эшитамиз, бирга ҳал қиламиз!” - деб қайта-қайта гапирди. Кенгашнинг туман бўлимлари тузилди. Тизимли фаолияти йўлга қўйилди. Мояна олмасдан ишлайдиган кўплаб содик дўстлар топилди. Юзлаб муаммолар кўтарилди. Ечими изланди. Изланмоқда. Таваккал кенгаш йиғинига ўзи қатнаша олмаса йиғин жараёнини тасвирга олдириб тасмани диққат билан кўриб чиқади. У

сессияга кетган пайтида ўтган Кенгаш йифини тасмасини яна бир карра кўриб чиқди.

Одатда Таваккал бўлмаганда кенгаш йифилишини Барот Мансур олиб бориши керак эди, аммо кенгаш бошланишидаёқ йифилишни бошқаришни Босим қўлига олди. Муножот ҳам шундай биринчи қаторда йифинни Босим бошқараётгани учун унча аралашмай жим ўтирибди. Операторлар чиройли қиз-жувонларнинг тасвирини кўрсатишга ишқибоз бўлишади, Муножотнинг гўзал сиймосини gox норози, gox кулиб, gox дарғазаб бўлиб ўтирганларини йирик тасвирда қайта-қайта туширишган.

- Кўпгина раҳбарлар яхши фаолият кўрсатиб, дурустгина фойда кўрадиган корхоналарни ўзлариники қилиб олишган, - деди Барот Мансур кенг кўкрагини мардана кериб. - Айтишлиқ керак (нутқи орасида ўйланиб қолган пайтида ўнг қўли панжаларини ёзиб шу икки сўзни босик оҳангда такрорлашга одатланиб қолган), амалдор бу корхонага прокуратураданми, соликданми, ё бошқа текширувчи органдан ҳеч ким йўлай олмайди, “Бу корхона фалончи амалдорники！”, дейилади тамом. Корхона эгаси амалдорга чўтал бериб туради. Бу жамиятимизда қонун ишлаши йўлидаги жиддий тўсиқ, касаллик! Энди корхоналарнинг ўзлари ана шундай амалдорларни топиб: “Ака, бизга қалқон бўлиб туриңг, сизга ойига шунча бериб турамиз！”, дейишмоқда. Бу баъзи амалдорларга мойдек ёқяпти. Биз ана шундай корхоналару уларнинг қалқони бўлаётган амалдорларнинг рўйхатини туздик. Бу халқ депутатлари вилоят сессиясида кенг кўриб чиқилиб бир хulosага келинса яхши бўларди.

- Бу рўйхатни қайси ҳуқуқ-тартибот органи тузди? – деди Босим Назар шартта ўрнидан туриб.

- Кенгаш аъзолари ўрганиб чиқиб тузишди.
- Қандай аниқлашди?
- Корхонга бориб, одамлар билан сухбатлашиб аниқлашди.
- Бундай тафтиш ўтказишга уларнинг қандай қонуний ҳақлари бор?
- Сиз яхши биласизки, ҳар қандай корхона қишлоқ фуқаролар йифини, ё маҳалла фуқаролар йифини худудида бўлади. Ана шу ўз-ўзини ўрганиш органига ўз худудидаги тадбиркорлик корхоналарининг фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқига эга. Бизнинг кенгаш аъзолари ана шу йифиннинг тафтиш комиссияси аъзолари билан ўрганиб чиқдик. Бунинг қонунга зид жойи йўқ!

Таваккал тасмани тўхтатиб шу жойини яна қайта кўрди.

Койил, - деб ўйлади. – Босим Назар ундан бундай далилли жавобни кўтмаган. Ана у ёнида ўтирган вилоят прокурори ўринбосарига бурилиб нимадир деди.

-Бу чойхонадаги гаплар, миш-мишлар! – деди Босим Назар шартта ўрнидан туриб. – Бўлдими? Гапингиз тугадими?

- Йўқ ҳали давоми бор.
- Қисқароқ қила қолинг, икки соатдан бери ўтирибмиз. Бошқа зарур ишларимиз ҳам бор!

- Ҳозир тугатаман, - деди Барот Мансур минбар биқинини ушлаганча бир минбар таҳтасидаги қоғозга, бир одамларга қараб. – Айтишлик керакки, бу “Меники”лардан бошқа яна бир салбий ҳолат бор. Кўпгина амалдорлар ўнлаб дўконларни қонуний тартибда рўйхатдан ўтказмасдан ишлатишяпти. Бу дўконлардан тушган фойда, нақд пулни чўнтағига уришади. Бир сўм ҳам зарур тўловларга тўланмайди. Бундан ташқари. Ҳокимизнинг биринчи ўринбосари Босим Назарнинг бешта “Эстана”си, ўнта “Нексия”си, шаҳар ҳокимининг ўнта Нексия”си, Ички ишлар бўлими бошлигининг...

- Эй, тўхтанг, бир-ярим камбағал оғайниларимизга ёрдам берганмиз, қонуний бўлсин, деб шартнома тузиб қўйганмиз. Шу ҳам гап бўлдими? Кимdir сизни бизга қарши қайрабди-да ( Босим “Кимdir...” дегандা Таваккалга тегизаётган эди)! А ахир, кечасию кундузи дам олмай, касаллигимизга қарамай ишляпмиз-ку! Олаётган ойлигимиз дори-дармонга етмайди. Қўйинг, бунақа гапларни, уят бўлади. Тамом! Ёзганларингизни менга киритинг. Ҳаммасини қонуний ҳал қилиб бераман! Тушунарлимни? Бўлди!

Барот ака, тиновая экономика – яширин иқтисодий фаолият энг тараққий этган мамлакатларда ҳам бор. – Уни мутлақо йўқ қилиб бўлмайди. Булар майда ишлар! Маркандга меҳмонларни ташлаб келаётган машинамни ушлаб ўзларича далолатнома тузишибди!

Босим Назар Барот Мансурни бошқа гапиртиргани қўймади...

( Ана шу рўйхатга тушган раҳбарларни бугуноқ чақираман, - деб ўйлади Таваккал, - Ҳеч қанақа жанжал-тўполнонсиз, дўконларини ҳам, машиналарини ҳам қонуний ишлатишни талаб қиласман. Эси бори албатта, тушунади. Бу бошқаларга ҳам ибрат бўлади. Қонунга энг биринчи ўринда катта-кичик амалдор амал қилса, жамиятда адолат, ҳақ қарор топиб боради. Қонун билан яшайлик, қонун билан ишлайлик! Яхшиси бу ишни Босим Назарнинг ўзига топшираман. Қани қўрайчи қандай уddeларкин)?

Босим иккинчи масала юзасидан истар-истамаган бир ҳолда хавотирланиб бир қараб қўйиб Муножотга сўз берди. Бу масалани йиғилишга Муножот тайёрлаган эди. У Босимга қарамай жиддий қиёфада минбар олдига турди-да, минбардан сал узоқда туриб гап бошлади.

-Хурматли кенгаш қатнашчилари! Бугун йиғилишга келаётсам шундай ҳокимликка яқинлашганда йўлдан юролмай тўхтаб қолдим. Ўйладимки, йўлда бирор тадбир ўтказиладиган бўлса керак. деб яқин келиб қарасам уч қатор қора машиналар йўлни тўсиб бир тўхтаб, бир юриб, бирваракайига қулоқни қоматга келтирадиган даражада сигнал ҳаракатланяпти. Билсам келин-куёв ЗАГСга бораётган экан. Ё тавба бу қанақа гап? Тўйларни ихчам, камхаражат ўтказиш ҳақида Президентимиз куйиб-пишиб гапирди, вилоятда ҳатто қарорлар қабул қилинди. Ана шунақа тўй қиладиганларнинг уйига борсанг, боласига дарс тайёрлашга столи, компьютерни айтмай, тўртта китоби йўқ! Қарз-қават қилиб юз килолаб гурунч дамлаб ош беради. Бунга қачон чек қўямиз.

Босим иргиб ўрнидан турди:

- Полковник қани?

Подполковник ўрнидан турди.

- Ўзи қани?

- Марканда.

- А, биз сизларга айтганмиз-ку, бештадан зиёд машина бўлмасин, деб!

Нимага қарамайсизлар? Шундай ҳокимлик кўчасида масхаравозлик қилишса, нимага сизлар панада ўтирибсиз? Тўйми, ЗАГСми, бештадан ошигини шартта ушлаб стоянкага тиқиб ташланг!

Маҳалла жамғармаси борми?

Ўртада ўтирган оқсоқол одам ўрнидан турди.

- Толиб ака, маҳаллалар қаёққа қарайпти? Шунақа масалалар билан ҳам ҳокимлик шуғуллансинми?

Босим тезроқ масалаларни кўриб бўлиб, тезроқ юмалоқ ёстиқ қилиб йифинни тугатмоқчи бўлиб чирансада фаоллар қўйилган масаларни батафсил тўхталдилар. Нол бир –ичиб машина бошқариш (айниқса катталар, уларнинг фарзандларининг бу борадаги бебошликлари ҳам очиб ташланди, мисоллар келтирилди) масаласи кўтарилди. Бу муаммоларни ҳал этиш бўйича изчил режалар тузилди, ижроси қатъий назоратга олинди.

Аста-секин катталарнинг “меники” сидан ўрнак олган соликчиларнинг, бошқа катта-кичик раҳбарлар, назоратчилар, терговчи, милиционер, минглаб катта- кичик тадбиркорлик нўқталари аниқланди. Улар солиқ ҳам тўламай, нақд пулни банкка топширмай ўзларининг чўнтакларига ураётганликлари очиб ташланди. Минглаб ноқонуний таксилик қилаётган машиналар рўйхати берилди. “Меники”лар билан жиддий “жанг” қилиш зарурлиги айтилди, вилоят ҳокимига тавсияномалар қабул қилдилар.

Кимга ёқиши-ёқмаслигидан қатъий назар бу кенгаш ишлайди, деб ўйлади Таваккал.- Барот Мансурга янада ташаббус билан ишлаш кераклигини тайинлайман! Кадрларни ҳам шу кенгаш тавсияси билан оламиз! Бу одам ташаббус билан, кўтаринкилик билан ишлай билади. Аммо гаплари эътибордан четда қола бошласа, дарҳол ҳафсаласи пир бўлиб четга чиқиб олади. Шунинг учун уни тез-тез қабул қилиб туришим керак.

Булар майда ишлардир, аммо томчидан уммон йиғилади. Нима бўлсаям тўғри қонуний ишлашга ўргатиш керак. Қонун устувор бўлсагина жамият олға силжийди. Шунда давлат кучига куч қўшилади.

Босим Назир тасвирга тушириб келган тасмани видеомагнитафонга кўйиб кўра бошлади.

Таваккалнинг машинаси ҳокимлик дарвозасига етмасдан анча берида тўхтади. Машинадан тушиб кимнидир чақирди. Қадди бўқчайиб қолган бир киши Таваккалнинг олдига илдам юриб келди. У одамга қараб Босим қотиб қолди. Эшпўлат Зоҳир! Эйи, у қачон чиқди? Қандай қилиб? Ахир ҳали муддати бор эди-ку?! Нега мен билмадим?! У ҳоким билан қачон топишиб қолди. Ана Таваккал у билан бирга ҳокимликка кириб кетди! Пес пес билан қоронғуда топишганини қара! Менинг устимдан роса мағзава тўкса керак. Ўлмайдими! Жиноятчининг гапига ким ишонади? Қани менга бир нарса деб

кўрсинчи! Бу қайта Таваккалга минус! Жиноятчи билан оғиз-бурун ўпишиб юрибди. Бу ҳам бир далил!

Босим сақич чайнаганча кабинетида уёқдан бу ёққа бориб кела бошлади...

Босим Назар расмларни олдию Назирга жавоб бериб “Ёзувчи” га телефон қилди, ўша жойда тез кўришишлари зарурлигини айтди.

Мехри унга ичи ачигандек бир нигоҳ билан боқди. Босим унга ортиқча эътибор бермади, елкасига қоқиб қўйиб меҳмонхонага ўтди. Халос кўп куттирмай етиб келди. У ўтириши билан саволга тутди:

- Эшпўлат Зоҳир қачон чиқди? Сизнинг хабарингиз борми?

-Ҳа, икки кун бўлди.

- Қандай?

-Адвокати жуда зўр экан.

- Бутунлай оқланиб чиқдими?

- Билмайман, ҳоким кафилликка олган бўлиши ҳам мумкин.

- Ҳозир аниқлаймиз.

У телефон гўшагига ёпишди.

- Салом, жаноб полковник. Нима янгилик? Янгилик йўқ?! Эшпўлат Зоҳирнинг чиққани янгилик эмасми? Билмайсизда, шунақа! Ҳимм... Ўзим кўрдим, биринчининг олдига кириб кетаётганини! Сиз кейинги пайтда кўп ухлаб қоляпсиз. Кўзингизни очинг, бу сизга илгариги биринчингиз эмас, балки жуда ичидан пишган! Кейинги ҳафтада борган жойлари ҳақида маълумотингиз ҳам кечикяпти. Биринчи навбатда Эшпўлат Зоҳирни тезда аниқлаб, менга айтинг!

- Бутунлай оқланибди, деб ҳам эшитдим.

- Бўлиши мумкин эмас! Худойиси қачон?

- Худойи қилмас экан.

-Ҳимм... Эртага уни кўргани бораман.Мен билан қасдлашишдан барибир қўрқади, сал кўнглини хотиржам қилиб қўяй, нима дедингиз?

- Жуда тўғри, ҳам ҳоким билан нимани гаплашганини ўз оғзидан билиб оласиз.

- Шундай.

- Бу бизга керак.

- У менинг устимдан материал тўплаяпти, шошилмасак бўлмайди.

- Қандай?

- Шундай! Мана, мен талоқ қўйган хотинимни ишга солмоқчи!

- Йўғ-еў!

Босим Назар стол устига расмларни ёзиб ташлади.

- Ё тавба, ҳоким куппа қундузи, шундай одамларнинг кўз ўнгиди! Эй хотинсирамай ўл! – деди Халос ёқасини ушлаб. У лаби лабига тегмай шундай тез гапиради-ки, нима деяётганини англаб олиш қийин, аммо Босим Назар уни яхши тушунади, ўрганиб қолган.

- Ижарага бериб қўйган “Эстана”ларимни суриштираётганмиш.

- Ҳа, унда чинданам изингиздан тушибди.

- Ҳа, шунинг учун айтяпман-да, шошилиш керак деб!

- Бўпти мен анчагина нарса тўплаб қўйдим, тиши бор.
- Бу расмларни олинг-да, бугуноқ ёзишга киришинг. Кечқурун шу ерда бирга кўриб чиқамиз. Эртага машина тайинлайман. Ўзингиз бориб ётиб олмасангиз бўлмайди.

- Майли-ку-я... – деди Халос чайналиб.

- У ёгини ўйламанг, диддагиданам зиёд бўлади.

... Мен якка ҳокимман, агар бироронтанг, юқорига хат ёзсанг, онангни Учкўрғондан кўрсатаман,-деб дўқ-пўписа қилади. Шунинг учун бечора беҳиштиклар унинг хурмача қиликларига чидаб кўз юмишга, жим юришга мажбурлар. Буни кейинги олти ой мобайнида юқори раҳбарларимизга бирорта ҳам хат тушмаганидан билса бўлади. Вилоятга ҳозир борсангиз ҳам. йўл четида экилмай қолган майдонларни кўрасиз.

Аҳлоқи бузуқ (расмлар илова қилинди). Фоҳишабозлик билан шуғулланадиган саunalарга йўл очиб берган(Сауна олдида тушган сурати илова қилинди).

Вилоят иқтисодиёти издан чиқаётгани ва ҳ.к.

Кексалар Халос Лапасни вакил қилиб жўнатишгани...

Шундай ёзаманки, Катта ўқиб кўриб “Эй бу ҳали чиндан ёш бола экан!”, дейди.

- Яшанг! Уни йиқитсак марра бизники!

- Йиқитмагунимча қўймайман!

Кўл ташлаши.

Мехри катта шишли ароқ, мисқолчада қирқилган қази келтириб қўйди.

Халос пиёлани Босимнинг пиёласига уриб қўйдию ютоқиб шимириб юборди. Сўнг шашт билан ўрнидан туриб хайрлашиб чиқиб кетди.

- Теша олиб келдими? – деди Босим Мехрига Халос чиқиб кетиши билан.

- Қази билан анавиданми? Ҳа.

- Қазини бошимга ураманми, кўкидан?

- Йўқ.

- Йўғ-еў!

Босим жайфелефонига ёпишди, сўнг телефонини столга ташлади.

Ўчирилган!

- Укангизнинг феъли айниб юрибди.

- Нега?

- Заводга аллақандай одамлар ўралашиб юрганмиш.

- Менга айтмайдими, бир пуф билан ҳаммасини учирив юбораман!

- Билмасам. Менга айтди-ки, “Хўжайнинг айтиб қўй, агар мени қамашса, ҳаммасини хўжайнинга тўнкайман, далилларим бор, диктафонга ёзиб қўйганман. Шунинг учун харакатини қилсин!” – деди.

- Аҳмоқ, юраксиз! Мен ҳали ўлганим йўқ-ку! Уни топтирай...

У Мехрини елкасига қоқиб қўйдию сақич чайнаганча чиқиб кетди.

Соат олтидан ўтди. Қуёш чиқмаса ҳам қоронғулик чекина бошлади. Соат олти ярим. Булут силжиб ой юзи очилди. Кун чиқишиң күкиш булутлар эгалласада атроф ёришди. Яхшиямки, стадион шундай уйининг орқасида экан. Ҳали у ерда ҳеч ким бўлмаса керак. У уйи дарвозаси яқинидаги милиция пости хоначаси ёнида ўтаётганда формали милиционер чест берди, фуқаро кийимидағи икки йигит эса саломлашди. У алиқ олиб стадионга ўтишдан олдин намхуш ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиб хиёбонни айланди, фуқаро кийимидағи йигит изидан тушганини сезмади.

Қуёш ҳали куринмасада унинг нурлари булутларга урилди, кун ботишдаги каби қизил шафақ эмас, балки сарғиш уфқ ҳосил қилди.

- Кун чиқишининг уфқи ҳам бошқача бўларкан, - деб ўйлади. – Булут қанча қалин бўлмасин, чиқаётган қуёш нурини тўса олмас экан.

Таваккал илгари сахар пайти сайр қилиб табиат манзарларига боқишини яхши қўрарди. Шунда юраги кенгайгандек бўларди. Аммо Беҳиштга келгандан бери табиат манзараларига маҳлиё бўлишга вақти ҳам йўқ эди. Бугун эса атрофни кузатиб кўнгли анча ёришди.

Стадионга ўтганда қизил спорт костюми кийган қиз йўлакдан шитоб билан югураётганига кўзи тушди.

Қани мен ҳам шундай югурга олсам, - деб ўйлади. – Аста-секин энди югуришга ҳам ўтишим керак, ҳозирча аста, сўнг тез юришдан машқ қиласман. Тиришқоқ қиз экан. Ҳаммадан илгари келиб югуришини...

Шу чоқ қиз унинг рўпарасига югурниб келдию бирдан тўхтаб қолди. Қаршисида қувончдан гулдай яшнаб Муножот турарди. Таваккал уни бу ерда кўриб қоласман, деб ўйламаганди. Муножот ҳам унга ҳайрон боқди.  
-Эйи ҳоким ака, сиз ҳам югурасизми?

-Мен одам эмасманми?

-Ҳамма одам ҳам югурмайди, ахир!

-Одамман, деган инсон югуриши керак!

Муножот бошини орқага ташлаб шундай ёқимли кулди-ки.. Сўнг шартта секундомерни бўйнидан чиқариб Таваккалга берди.

-Илтимос, менга бир ёрдам беринг!

-Хўп.

- Мана бу финиш чизигида турасиз, мен старт чизигига бораман. Қўлингизни кўтариб, бирдан пастга туширасизу секундомернинг тугмасини босасиз, мен финиш чизигидан ўтишим билан тўхтатасиз!

Таваккал Муножотнинг айтганини бажарди. Муножот стартдан шундай отилиб чиқди-ки... У бир зўмда финишга етиб келди, Таваккал тугмани босишига зўрға улгурди.

Муножот пишнаб, терлаб Таваккалнинг олдига чопқилаб келдию Таваккал чўзиб турган секундомерга диққат билан қараб бирдан жойида иргишлиди, Таваккални кучоқлаб юз-кўзидан ўпиб олди.

-Таваккал ака, бу Берлинда кўрсатган натижамдан бор-йўғи икки сония кўп!

Айни шу дамда иккаласи ҳам изқувар фотоаппаратининг тугмаси босилиб шифирлагани эшитишмади, унга эътибор ҳам беришмади.

- Орадан шунча йил ўтди, энди сизга таъкиқни бекор қилишар?

Муножот қизарганча индамади.

- Машқ қилишни қайтадан бошлайсизми?

У яна индамади, бироз ўйлангандан кейин узоқларга қараб деди:

-Биласизми, Нуриддин Ҳамроқул деган ажойиб қўшиқчи бор. Унинг қўшиқларини жуда яхши кўраман.

- Ҳа, унинг қўшиқлари менга ҳам ёқади.

- У тўйимизда хизмат қилган эди. У ҳозир қўшиқ айтмай қўйган. Бир куни уни бозорда кўриб қолдим. У мени таниб кўришди. Ҳол-аҳвол сўради. Мен шунда ундан “Нега қўшиқ айтмай қўйдингиз?”, деб сўрадим. У мийигида кулиб:

-Муножотхон, қўшиқ айтиш ҳам ёшликтининг иши экан, овозим ўзгаргани йўқ. Аммо сочимга оқ, юзимга ажин тушгандан бери менга қўшиқ айтиш эриш туйиляпти!

Шунинг учун шу ёшимда югуриб юришдан уяламан.

-Бўлмаса тажрибангизни ёшларга ўргатинг.

-Илгари сизга айтган эдим-ку, мен ҳеч нарсани билмайман, фақат югураётганимда ҳеч кимдан орқага қолмасликка ҳаракат қиласман, тамом.

У Таваккалга қараганча кулиб деди:

-Энди менadolat топиш мусобақасига қатнашяпман.

-Ким билан мусобақалашяпсиз?

Муножот индамай мийигида кулганча Таваккалга қараб кулиб турди.

-Яна прокурор биланми?

-...

-Ким билан?

-Сиз билан!

- Мен билан?!

-Ҳа, сиз билан!

- Қанақасига?

-Таваккал ака, аммо сизнинг мусобақангиз жуда масъулиятли. Иллоҳим сизга допинг бериб қўйишмасин. Мен допинг истеъмол қилган бўлсам, бир ўзим дард чекаман. Аммо, сизни бу заҳри қотилдан ҳам хавфли порага ўргатиб қўйишса, миллионлаб киши азият чекади!

Таваккал индамай унга қараб қолди.

- Биласизми, Беруний ҳазрат умрининг поймонаси тўлиб, бетоб ётган экан, илмли бир қози у кишини кўргани келибди. Қийналиб, қисқа-қисқа нафас олаётган Беруний ҳазрат қозидан сўрабди:

- Тақсир, бир китоб битибсиз, унда недан баҳс этдингиз?

Қози “Азроил бўғзидан сиқиб турибдию устод менинг китобимнинг маънисини билишни истайди!”, - деган ўй билан ҳайрон бўлибди. Лекин барибир китоби маънисини қисқагина айтиб берибди. Шунда устод унга қараб шундай дебди:

- Тақсир, ҳайрон бўлмангиз, боқий дунёга шу маънини билмай кетганимдан билиб кетганим дуруст!

Қози устод билан видолашиб эзилиб йиғлаганча кўчага чиқкан ҳам эканки, Беруний шогирдларининг фарёди дунёни бузибди!

- Тўғри ўлмай туриб билиб қолиш керак. Бу сиздек ўқитувчига ҳам зарур, шундайми?

- Албатта.

- Мен ҳам илгари бу гап маънисини тушунмасдим. Бир қуни сахар туриб далага чиқсан, даланинг қун ботиш тарафдаги тепаликда қисиқ кўзли бир чол икки йигит билан ниманидир ковлаб излашяпти. Мен у чолни корейсми, деб русчалаб нима қилаётганларини сўрадим. У қургур русча қийналиб сўзлаганимни билди-да, ўзбекчалаб жавоб қайтарди. У Ятсудо исмли япон қадимшуноси экан. Гаплари кўп маънили. У билан тушлик пайтлари кўп гаплашардим. Бир қуни унга:

- Қадим тарихни бунча азият чекиб ўрганишдан нима фойда? Ундан кўра бугун учун фойдали бир иш қилганингиз яхши эмасми? – деди.

- У узоқ ўйланиб қолди. Сўнг менга қараб:

- Сиз бугун мамлакатингизда нималар бўлаётганини яхши биласизми? – деди.

Мен дабдурустдан берилган саволга нима деб жавоб беришни билмай қолдим.

- Мана ўзингизиз ҳақингизда бир ҳафта илгари Президент ажойиб бир қарор чиқарди, ўқидингизми?

- Мен ҳақимда?

- Ҳа, фермер ҳақида.

- Йўқ, – дедим хижолат бўлиб.

- Президентингиз жуда кўп муаммоларни олдиндан сеза биладиган жуда нўқтадон раҳбар! Мен дунёнинг ҳеч бир мамлакатида ички, ташқи сиёsat бўйича бу қадар бир-бирини тўлдирадиган, бир-биридан зарур фармонлар, қарорлар қабул қилган бошқа бир Президентни билмайман. Гап ана шу ажойиб кўрсатмаларни бажаришда! Аммо сизда...

Унинг тутилиб қолганининг сабабини кейин тушундим. Мен ўзимдан ўзим уялиб кетдим. Ана шу фармонларни билмаганимга, унинг ижроси учун ҳисса қўшмаганимга уялиб кетдим. Энди мен Президент чиқарган қарорларни бир делога йиғиб, мағзини чақиб уларнинг бажарилишини ўргана бошладим. Ўзим ҳам шунга амал қилишга интилдим. Шунда юрагим шундай бир кучга тўлди-ки... Илгариги нолишларим ўрнига юрагимда адолат учун кураш чўғи ёнди!

- Жуда тўғри, адолат учун ҳамма бирдек курашган жойдагина адолат қарор топади.

**ПРЕЗИДЕНТ КУЙИБ-ЁНИБ АЙТАЁТГАН АДОЛАТ ТИЗИМИ АНА**

**ШУНДА ГУЛЛАБ МЕВА БЕРАДИ! БИЗ АВВАЛО ЎЗ**

**РУХИМИЗГА, ИНСОФ-ДИЁНАТИМИЗГА, ВИЖДОНИМИЗГА,**

**ЖИСМИМИЗГА ҲОКИМ БЎЛСАККИНА ЭЛГА ҲОКИМ БЎЛА  
ОЛАМИЗ.**

...

Эртаси қуни Босим Назар Таваккалнинг қабулига шошиб кирди.

- Қаранг, авлиё экансиз, айтганингиздек мени лаққиллатиб юрган экан,  
- деди күзлари бежо йилтиллаб.
  - Ким?
  - Тешада!
  - Қайси Теша?
  - Учтолнинг директори...
  - Хўш?
  - Юз минг минг доллар-а! Менга юз долларини ҳам кўрсатмасди!  
Босим Назар ҳеч ўзини босолмасди.
  - Нима гап ўзи? Бундай тушунтириб айтсангиз-чи?
  - Бугун юз минг долларга тола сотаётганда қўлга тушибди.
  - Ахир завод сизники эдию!
  - У аблаҳ мени лақиллатиб юраркан! Сиз авлиё экансиз, авлиё...  
У бесаранжом бир ҳолда чиқиб кетди.  
Таваккал унинг орқасидан ҳайрон бўлиб қараб қолди.  
Ҳаммадан аввал хабар топганини,-деб ўйлади.  
Босим кабинетига кирдио сейфини очди. Ихчам дипломантини олди, телефонда котибга машинасини чақиришга буюрди.
- Пастдан навбатчи сим қоқди:
- Босим Назар ўғли, машинангиз кутяпти1  
Босим Назар дипломантини кўтариб шошилиб пастга тушди.  
Ҳокимлик эшиги олдида полковник Қахҳор Содикқа дуч келди.  
Яхши бўлди, мени ўзи кузатиб боради, деб ўйлади. Полковник билан кўришди. Босим энди гапирмоқчи эди- ки, икки ёнига икки норғул йигит келиб қўлига кишан солди. Босим ҳанг-манг бўлганча Қахҳор Содикқа қаради:
- Ҳали сен...
- Полковник унга тик қараб қаддини ростлади::
- Узр, хизматчилик!

Тамом, ўқиганлар муродига етсин.

17 январ 2016 йил, Жиззах

Ёанави автобус ҳокимиятни ташкил қилган одамми? У туриб берада олади. Маркандга бориб ётиб олиши ҳам мумкин. Кейин облгапни топишим керак. У мард тентак. Уни ҳам ишга соламан. Қўлига манави расмни бераб. Манави бузуқини йиғиштириб олинглар, ахир, кўринган аёлга тармашади. деб айттираман. дейман Автобус ҳокимият! Публикага ўйнамаслик керак!

У экишни йўл бўйларидаги майдонлардан эмас, балки энг четдаги майдонлардан бошлади Тўлик гектар

Ана шунда мен очко олиш учун ҳаракат, хўжа қўрсинга ишлаш нималигини тушуниб етдим.

Бу гапинг билан ўзингни ҳалол қилиб қўрсатмоқчимисан, эй риёкор раҳбар, - деб ўйлади. – Эртага миси чиқиб қолар. Фермерлардан уриб қолган пахтасини мумай пулга пулламоқчи бўлган, амалдан кетиб қоламан деб шошилган. Буни сенга ишониб қилган, Босим Назар! Сен лақиллайдиганлардан эмассан, бу пулнинг teng ярмига, балки ундан кўпроғига шериқдирсан?!

...

Факат ўзимизнигина ўйламасаккина  
Энди кеч.Айрилиқдан кейинги аҳволи. Лобар. Ҳалокатни асослаш.  
Раиснинг қамалиши вертолётда. Қишлоқни ўраши. Одамлар милтиғини  
дарёга ташлашлариҳужум қилибш

...

Буюк устоз республика Молия вазири бўлганда “Олтин ишлаб чиқриш бўйича дунёда тўртинчи ўринда бўлсак, хўш бу олтин пули қаёққа кетяпти? “ деган савол билан ҳеч кимга ҳисоб бермайдиган Рангли металлургия вазирлигининг республикадаги бошқармасига мурожат қилди Аммо натижа чиқмади. Шунча пилла, пахта етиштиrsак яна нега бокиманда бўларканмиз? Саволлар жавобсиз эди!

.. . . . .

Нишонов Московга кетди. Хўш ўрнига ким? Мирқосимовми ёҳуд Мирза Иброҳимовми? Ўша пайтда демократия ўйинлари очикроқ эди. Москва Марказком аъзоларининг ўзига изн берган эди. Бу икки номзодга зллик олти киши қарши овоз берганди. Қарши овозберганларга ўзларинг номзод кўрсатинглар деганда Соли Мамарасулов Ислом Каримовни кўрсатади. Шунда илгари зллик олтилар сафида бўлмаганлардан бир қанчаси ҳам бу номзодни қўллашади ва Каримов номзоди ўтади.

## 11

“Мардлик ва шижаот сохиби азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбirsиз, лоқайд кишилардан яхшидир”

Буюк Амир Темур.

Унга эшикни очиб беришди.

- Киринг, тезроқ!

Эшик дастасини ушлаб турган кўзойнакли, қадди буқчайган ўрта яшар кишининг овозини баландлатмасдан қўрқибгина гапиришидан юрагида сесканиш пайдо бўлдию бир зум тараддуланиб қолди. Кўзойнакли кишининг кўзлари олайиб кетди:

- Тезроқ! Тез...

У ўзини қўлга олдию очиқ эшиқдан дадил ичкарига кирди, кўзойнакли киши: “Худога шукр қутулдим”, дегандек тезгина орқасидан эшикни ёпди. Унга эшикни очиб беришди.

- Киринг, тезроқ!

Эшик дастасини ушлаб турган кўзойнакли, қадди буқчайган ўрта яшар кишининг овозини баландлатмасдан қўрқибгина гапиришидан юрагида сесканиш пайдо бўлдию бир зум тараддуланиб қолди. Кўзойнакли кишининг кўзлари олайиб кетди:

- Тезроқ! Тез...

У ўзини қўлга олдию очиқ эшиқдан дадил ичкарига кирди, кўзойнакли киши: “Худога шукр қутулдим”, дегандек тезгина орқасидан эшикни ёпди.

У кириши билан шивир-кичиirlар бирданига тинди, у кўзойнакли киши тайинлаган жойга ўтиб йиғилганларнинг шундай рўпарасидаги пешонасига Иттифоқ тамғаси ўрнатилган кичкина минбар бағрига ўнг қўлини қўйди.

Кўпчилик ичкарига шаҳдам юриб кириб келган, қадди басти суксурдек бу номзодга ҳавас билан каради; кўзларидан ўт чақнаган, иягидағи уйиқчаси ой гардишли юзига ярашган, кенг пешонасида ақл шўъласи ярқираган, холча-холчали жигаранг галстуғи бўйини маҳкам сиққан, оқ кўйлаги қиёфасига шавкатли рух берганди; спортчиларга хос бақувват, кенг елкалари кўкиш костюмни дадил кўтариб, бутун вужудидан куч-шиддат ёғилиб турган бу мардум кўринишидан қирқ ёшли йигитдек таасурот қолдирав эди. Хонага

сукунат чўмди, бу унда нохуш хис уйғотди, юраги орқага тортди; не-не кадрларнинг бошига етган, не бир тақдирларга нуқта қўйган, бу вахимали, олиймақом сиёсий бюро олдида дор тагида тургандек титраб - қалтираб турмасликнинг иложи борми? Йигирма икки миллионлик Ўзбекистон ахлининг тақдири ҳам ана шу бир сиким бюро қўлида! Кези келса уни ҳам аяб ўтирумайди, ким билади алҳол қандай қарор қабул қилишади? Хизмат пиллапояларидан кўтарилиб не бир мураккаб вазиятларга тушган, не бир тухмат-маломатларга қарши қўрашавериб чиниқкан эмасми, у ана шундай даҳшатли бюро олдида ўзини қўлга ола билди...

У кириши билан шивир-кичирлар бирданига тинди, у қўзойнакли киши тайинлаган жойга ўтиб йиғилғанларнинг шундай рўпарасидаги пешонасига Иттифоқ тамғаси ўрнатилган кичкина минбар бағрига ўнг қўлини қўйди.

Кўпчилик ичкарига шаҳдам юриб кириб келган, қадди басти суксурдек бу номзодга ҳавас билан каради; кўзларидан ўт чақнаган, иягидағи уйиқчаси ой гардишли юзига ярашган, кенг пешонасида ақл шўъласи ярқираган, холча-холчали жигаранг галстуғи бўйинни маҳкам сикқан, оқ кўйлаги қиёфасига шавкатли рух берганди; спортчиларга хос бақувват, кенг елкалари кўкиш костюмни дадил кўтариб, бутун вужудидан куч-шиддат ёғилиб турган бу мардум кўринишидан қирқ ёшли йигитдек таасурот қолдирап эди. Хонага сукунат чўмди, бу унда нохуш хис уйғотди, юраги орқага тортди; не-не кадрларнинг бошига етган, не бир тақдирларга нуқта қўйган, бу вахимали, олиймақом сиёсий бюро олдида дор тагида тургандек титраб - қалтираб турмасликнинг иложи борми? Йигирма икки миллионлик Ўзбекистон ахлининг тақдири ҳам ана шу бир сиким бюро қўлида! Кези келса уни ҳам аяб ўтирумайди, ким билади алҳол қандай қарор қабул қилишади? Хизмат пиллапояларидан кўтарилиб не бир мураккаб вазиятларга тушган, не бир тухмат-маломатларга қарши қўрашавериб чиниқкан эмасми, у ана шундай даҳшатли бюро олдида ўзини қўлга ола билди...

У кечаси меҳмонхонадалигида уйқуси қочди, ВАТАНИ ТАРИХИ, ЭЛИ ЙЎЛБОШЧИЛАРИ хусусида узоқ хаёлга толди.

Ўзбекистон! Етти иқлимнинг сарвари буюк Амир Темурнинг ватани бўлмиш Ўзбекистон қандай шу ҳолга тушиб қолди? У кичик бир ҳақиқатни ҳам онглаш учун жуда кўп ўйлади, кўп ўқийди, кўп изланади. ҲАР ҚАНДАЙ НАРСА, ҲОДИСАГА ҲАМ ТАНҚИД, ТАҲЛИЛ, ОНГЛАШ КЎЗИ билан қарашга ўрганган. Ленинча сиёсатчилар эл раҳбарига паст назар билан қарашади, тарихни ҳаракатга келтирадиган куч ХАЛҚ, ХАЛҚ, ХАЛҚ, деб бонг уришади, РАҲБАР ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ ДЕБ ЎРГАТИШАДИ. Бу ўзларининг халқпарвар кўрсатишларининг йўли эмасмикан? Йўқ РАҲБАРГА ЖУДА КЎП НАРСА БОҒЛИҚ Буюк Темур авлодлари орасидаги иттифоқликнинг йўқлиги, ҳар бири ўзича таҳтга талашиши, РАҲБАРЛИК ТАЛАНТИ ЙЎҚЛИГИ, ЭЛНИ, ЮРТНИ БИРЛАШТИРИШНИ УДДА ҚИЛА ОЛМАГАНЛИКЛАРИ мамлакатни таназзулга олиб келди. Таҳтни ҳам, элни, юртни ҳам бой бердилар. Юрт

шайбонийлар қўлига ўтди, хонлик, амирликка бўлиниб кетди. Буюк юртни ўйладиган, элга қайғурадиган бир мард йўқ! Амиру хонлар айш-ишират ботқоғига ботган! Россия Кавказни эгаллаб Туркистон ерларига бостириб кира бошлаган бўлсада амир, хонлар бирлашиб истибод балосини даф қила олмадилар, қайта тасқаралардек бир-бирларининг гўштига талашдилар. Она Туркистон Россия чангалига илинди. 1865 йилдан бошлаб генерал Кауфмандан тортиб Генерал Куропаткингача бўлган ўн икки губернатор Туркистонни ўзи истаганча истифода қилди. Не бир қўзғолон кўтариб ҳам халқ озодликка эриша олмади. Кўзғолонни бостиришдаги ваҳшийликлар одамнинг сочини тикка қилиб юборади!

1917 йил. Феврал инқилоби. Николай подшо тахтдан ағдарилди. Ҳокимият Александр Фёдорович Керенский бошлиқ Муваққат ҳокимияти қўлига ўтди. Бир томонда эса Ленин раҳбарлигидаги инқилобчилар. Қўш ҳокимиятчилик.

Владимир Илич Ленин. Миллионлаб кишиларнинг дарё-дарё қонини оқизиб Россия подшосини тахтидан ағдариб ўрнига ўта вахший Қизил империянинг барпо бўлишига раҳбарлик қилди. Октябр инқилоби. Керенский Петрограддан қочиб 3-отлик армия бошлиғи Краснов билан исён кўтарди. У Петроградга ҳужум қилмоқчи. ... 1917 йил ... ноябр. Ленин жуда тажанг ҳолда камзулчасининг икки ён чўнтағига қаралдомогини тиққанча кабинетдан у ёқ-бу ёққа юради, азият чекади; телефон жиринглайди. Ленин бир сесканиб тушиб телефонга қарайди, гўшакни кўтармайди; яrim очилган эшикдан котиба Фотиева бош суқади:

- Киска, нима гап?
- Владимир Ильич, Финландия ревсовети...
- А? Яхши!

Ленин гўшакни кўтаргач, котиба эшикни ёпиб қўяди.

- Салом бифодар ғеволғюциячилар! Яхши, яхши... Ҳа, ҳа.. Аламзада Қеғенский Қаснёв билан қўшилиб бизга... Ҳа...Қанча жўната оласиз? Уч минг? Бу оз... Беш мингтага етказинг! Албатта қуроғ – яғоғи билан! Револғюцияга садоқатли аскағлар бўлсин. Бугуноқ! Птибалтикан ҳам ёрдамчи кучлағ кемада йўлга тушди. Биз албатта Финландияга ёғдам бегамиз. Ҳа, мустақил бўлишига!

У гўшакни қўйиб мамнун жилмаяди; яна қаралдомогини камзулчаси чўнтағига тираб солганча юра бошлайди, энди боягидан илдамроқ ҳаракат қиласди.

Финландиядан, Болтиқ бўйидан чақирган қўшинлар ёрдамида исёнчиларга зарба берилди. Керенскийнинг қочиб кетди. Краснов қамоққа олинди.

Туркистоннинг озодликка чиқишига имкон туғилди! Аммо шўро хукумати шошилинч равишда 1918 30 апрелида Тошкентда Туркистон шўроларининг фавқулодда олтинчи қурултойини чақирди. РСФСР таркибидаги Туркистон автоном республикасининг конституцияни қабул қилдирди. Ўзбекнинг раҳбарлик қилишига ишонч йўқ. Шунинг учун уни

миллати рус бўлган аллақандай Кобозев, Колесовлар фирмә ва ҳокимият раҳбари этиб қўйилди.

Туркистон автоном республикасининг ҳарбий комиссари аксилинқилобчилар билан тил биритириб 1919 йилнинг 19 январида Тошкентда ҳокимиятни қўлга олиш учун қуролли исён бошлади. Шўронинг ўн тўқиз комиссарини қатл қилдирди. Шўронинг миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳақидаги гаплари – афсона. Ўтган бир ярим йилда бу жуда аниқ бўлиб қолди.

1920 йил, 17 январ. Туркистон фирмәси, Мусулмонлар бюроси, Туркистон комиссияси қўшма йигини.

Ўзбек вакил. Биз эллик беш йилдан бери Россия истибодода яшяпмиз. Биримиз икки бўлмади. Ўрис тўраларнинг ўзи, аскарию итигача боқиб жаҳоннинг энг камбағал, қолоқ, ночор, мазлум халқа айландик. Аммо ана шу эллик беш йилнинг бирор дақиқаси йўқ-ки, биз озодлик учун курашмаган бўлсак! Неча бор қонли қўзғолон кўтардик, бироқ ваҳшийларча бостиришди.

Қозоқ вакил. Кўпчиликнинг куни қурсин, кўргани қурсин, ўз ютида юра олмай қолди-гуй!

Туркман, қорақалпоқ, тожик, қирғиз вакиллар. Туркистон аҳлининг пешонаси шўр бўлди!

Ўзбек вакил. Минг сартинг ўрис аскарининг этигига қоқилган бир тақага арзимасди, деб камситишди бизни!

Йифилганлар (гуриллаб). Ҳақ рост! Йўқолсин ўрис тўралари! Туркистондан чиқиб кетишсин!

Ўзбек вакил (кўлини кўтариб тинчланишларини сўраб). Ҳамонки, Ленин ҳокимият камбағал дехқону ишчиники, деяётган экан, Туркистон ҳокимиятини ўзимизга қўйиб беринг!

Ҳамма. Ўзимизга қўйиб беринг! Яшасин озод Туркистон!

Ҳайқириқлар дунёни тутиб кетади. Кобозев билан Колесов бир-бирининг пинжига суқилди.

Кобозев(тинчланишларини сўраб). Бэр минут!

Шовқин давом этади, унга қулоқ солишмайди.

Ўзбек вакил. Биродарлар, қани ўрис оғайнимиз нима дейди? Эшитайлик!

Ола-ғовур бироз тинади.

Кобозев. Ўртоқ мусулмонлар! Империализм – миллатларни ҳар қанақа йўл билан эзишдир. Бу даврда миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши чўпчак! Империя кучи билан яшаётган капитализмда ҳеч бир миллат зулмкор чангалидан қўтилиб чиқа олмайди!

Ўзбек вакил. Нега? Мана Швеция Норвегияга эркинлик бергану!

Колесов. Бу бир истисно!

Қозоқ вакил. Биз ҳам истисно тарзида ажралиб чиқамиз.

Ўзбек вакил.Ахир, Лениннинг ўзи айтган-ку “Биз ажралиб чиқиши эркинлигини тан олмасак, уни биринчи ўринга қўймасак, амалда зўрлик малайлари учун эшикни очиқ қолдирган бўламиз” деб!

Кўпчилик (гурйлаб).Жуда тўғри.

Туркман вакил. Ҳатто Финландия ҳам озодликка чиқдио!

Қозоқ вакил. Ҳа, Финландиянинг мустақиллигини Лениннинг ўзи эътироф этди!

Ўзбек вакил. Нега энди биз қараб туришимиз керак?!

Кўпчилик. Жуда тўғри! Бизга озодлик беринг!

Кобозев.Биз Россия империясини ағдариб ташладик. Социализм қўришга киришдик. Энди миллатлар эркинлик, тенг ҳукуқлик, эркин иттифоқ асосида бирлашадилар!

Колесов. Пролетариат диктатураси жаҳон инқилобини амалга ошириб барча миллатларни социализм байроғи остида бирлаштиради!

Кобозев. Ана гап қаерда?! Мадомики, биз байналмилчиллик ҳаракатини бошлаган эканмиз, нега Туркистон миллатларини бу йўлдан ажратишимиш керак?

Кўпчилик. Бу сиёсий сафсата, сиёсий ўйин! Биз озодлик истаймиз.

Ўзбек вакил. Биз бу бирликка ўзимиз алоҳида йўлдан борамиз!

Россия таркибидаги Туркистон Автоном республикаси конституциясини бекор қилишимиз шарт! Биз Турк республикаси тузамиз. Унинг янги конституциясини қабул қиласиз! (Қойил ўшанда ҳам мард ўғлонларинг бор экан-да, деб ўйлади у бу тарих ҳақида ўқиётиб юраги фахрга тўлганча. – Мустақилликка ташланган дадил қадам! Аммо босқинчилар тинч туришармикан? Туркистондек улкани қўлдан бериб қўйишармикан?!)

Бино қарсаклар, ҳайқириқлардан лардан ларзага келди.

Кўпчилик. Яшасин Турк республикаси! Йўқолсин босқинчилар!!

Ўзбек вакил. Алоҳида Туркистон армиясини тузамиз. Гайри миллат қўшинларни улқадан олиб чиқиб кетилишини талаб қиласиз!

Яна бино ларзага келди.

Кўпчилик. Йўқолсин ғайри дин аскарлар!

Ана шу сиёсатнинг давомчилари ўтирибди бу ерда. Ленин ўшанда титраб – қалтираб иш тутарди. Унинг қўлида етарлича ҳарбий куч йўқ эди! Буларнинг орқасида эса буюк куч бор! Масалани бир зумда ҳал қилинади.

Янада кучлироқ тортишув бошланиб бу баҳс икки кун давом этди...

( Ислом Каримов партия тарихини атайлаб ўргангани йўқ, қандай касб йўналишида ўқишингдан қатъи назар ўрта маҳсусу олий ўқув юртларида партия тарихини ўрганишга кўп вақт ажратиларди, маъруза билан чекланиб қолмай семинарлар ўтиларди. Каримов дарслиқдан ташқари Ленин асарларини ҳам мустақил ўқирди. Лекин у ҳар бир ишнинг тагига етиб бажо қилишга ўрганган. У фирмә

тариҳини ҳам, бошқа асарларни ҳам О Н Г Л А Б, О Н Г Л А Б ўқиди! Шу сабаб бу тарих онгидек маржондек тизилиб борди).

1920 йил 18 январ. Телефон жириңглайди. Гўшакни Лениннинг ўзи кўтаради.

- Алло, эшитаман. Ҳа, Михаил Васильевич, салом! Қалай, Амударё, Сиғдағёда савдо карвони кемалари қатновини йўлга кўйдингизми? Бу муҳим! Бу дағёлағ бизнинг қўлимизда эканлигини ён-атрофдагилағ билишсин! Шунинг учун сизга телеграмма беғган эдим! Сизга савдогағ Малишчевни юбораман. У Волгадан шундай иш қилган, тағжибаси бор! Нима? Бошқа муҳим масала?! (Бирдан ранги бўзаради, жим зшитади) Ҳа... ха...

Ажғалиб чиқиш?! Ҳимм... Йўқ! Йўқ!! Сиға мумкин эмас! Ахиф Туғқистон бизнинг Туғқистон! Туғқистон - Шағққа йўлимиз. Унинг сегҳосил еғлари бизга жуда кефак! Ҳа, жуда, жуда! (tinglab жим қолади) Туғқ улкаси?! Туғқ фиғқаси?! Йўқ! Йўқ!! Туғқистон Фуссия тағкибида қолади. Фиғқаси Фуссия большевиклағ пағтиясининг ҳам тағкибида бўлади.! Тағқатиб юбоғинг ундей йиғинни! Кефак бўлса қуғолли ағалашишга ҳам ғұхсат этаман! Ундей ўнг оғмачилағнинг бизга кераги йўқ! Ҳа майли, маҳаллий аҳолидан бизга содиқлағини танлаб бошқағув тағкибиға киғитинглағ. Мен ҳозиғоқ телеграмма беғаман. Сталин сизга аниқ кўғсатма бегади!

Ленин китоблар, қоғозлар турган кенг столнинг бир четидаги қўнғироқчани олиб жириңглатади. Котиба киради.

Ленин. Киска!

Фотиева. Эшитаман, Владимир Ильич.

Ленин. Туғқистонга ошиғич телеграмма жўнатиш керак. Матнни сизга айтаман. Тез... Тезроқ!

Фотиева кичик стол ёнига ўтириб қоғоч, ручка олади.

Ленин. Киска, ёзинг. Туғқистон ҳағбий ғеволюцион қўмитасига, нўқта...

Котиба телеграмма матнини олиб чиқаётганда Ленинга қараб унинг нимадир демоқчи эканлигини англаб тўхтайди.

Ленин (чап кўлинни котибага қараб кўтариб). Менга... Миллий ишлағ комиссафи...

Фотиева. Иосиф...

Ленин.(кўлинни илкис тушириб). Ҳа, ҳа, ўша Кобани!

Фотиева чиқади. Ленин яна камзулчаси чўнтағига қўл солганча бетоқатлик билан юра бошлайди, ўзига ўзи гапиради.

Ленин. Мустақиллик исташяпти! Йўқ, йўқ! Агағ Туғқистоннинг мустақил бўғишига қўйиб беғсак, бутун Кавказ, Болтиқбўйи улкалари қўзгалади! Бу Фуссия учун ҳалокат! (жириңглаган телефоннинг гўшагини ошиғич кўтариади) Иосиф Виссафионович, салом... Туғқистонда ўнг оғмачилағ отни қамчилаган кўғинади. Ҳа... Улағга зағба беғиш керак! Ҳа... Аёвсиз... Шуғулланинг! Менга айтасиз... Ҳа...

Ленин гўшакни қўйиб бироз тинчланиб хона бурчагига боққанча хаёлга чўмади...

Иосиф Виссарионович Жугашивили. Лақаби Сталин. У 1879 йили Грузиянинг Гори шаҳрида туғилди. Отаси Виссарион этикдўзлик билан кун кўрарди. У ўғлиниң руҳоний бўлишини истарди, аммо Иосиф Тбилисидаги православ семинариясида ўқиётганда социалистларнинг яширин тугарагига қўшилиб қолди. Шу бўйи бу фоянинг этагини тутиб ишчилар орасида тарғибот қила бошлади. Сосо, Кобо лақаблари билан инқилоб харакатига яширин катнашди. Фирқага аъзо бўлди. Йигирма ёшида семинариядан хайдалди. Яширин газеталар чиқаришда қатнашиб қамалди, сургунда бўлди. Қамалди. Кочди. Тўрт марта қамалиб тўрт марта қочди. Боку большевикларининг раҳбарларидан бири бўлиб сайланди. Ленин таклифи билан сиртдан Россия большевикларининг Марказий қўмитасига сайланди. Петербургда яшаб газеталар чиқаришда қатнашди. "Маркисизм ва миллий масала" асарини Ленин юқори баҳолади. 1913 йили қамалиб Турухан ўлкасига сургун қилинди. Инқилобдан кейин ҳарбий инқилоб марказида ишлаб қуролли қўзғолон тайёрлашда фаол қатнашди. Фуқоралар уруши, чет эл босқинига қарши курашда, Петроград ҳимоясида советларнинг вакили сифатида ўзининг ҳарбий салоҳиятини кўрсатди. Ленин таклифи билан 1919 йил нояброда бекорга Қизил Байроқ ордени билан мукофотланмаган эди. Тинчлик даврида қишлоқ хўжалигини тиклаш, янгича иқтисодий сиёsatни амалга оширишда ҳам қизғин иш олиб борди. Троицкий бу даврда партияда касаба уюшма роли ҳақида бошлаган баҳсада Ленин тарафида туриб Троицкийга қаттиқ зарба берди. Яна Ленин меҳрига сазовар бўлди. Шўроларнинг миллий ишлар бўйича биринчи халқ комиссари, давлат назорати халқ комиссари сифатида Ленин ишончига кирди. Аммо собиқ империянинг мустамлака улкаларини бевосита Россия таркибиға киритиш - автономлаштириш ҳақидаги лойиҳасини Ленин қаттиқ танқид қилди ва тенг хукуқли, ихтиёрий иттифоқидан тузилган ягона давлат тузугини таклиф этди. Сталин танқиддан тўғри хulosा чиқариб бу фикр дарҳол қабул қилди, иттифоқ лойиҳасини тузди – Советларнинг биринчи сеъздида СССР ташкил этиш хусусида маъруза қилди. У Туркистонга нисбатан мудом зўравонлик сиёsatини қўллар эди! Бухоро босқини унинг ташабbusи билан бўлди.

1920 йил 24 феврал. Туркистон комиссияси Турк улкаси, Турк Компартияси тузиш ҳақидаги масалани рад этди. Россия большевиклари Туркистон Компартиясини ўзича қолдириб уни вилоят ҳукуқига эга ташкилот, Туркистонни эса Россия автоном республикаси сифатида қолдириш ҳақида қарор қабул қилди. Ҳарбий куч, ташқи алоқа, молия, почта-телеграф Россия ҳукумати тасарруфига берилди. (Мустақилликка интилган кучлар аввало айни ана шу жабҳаларни эгаллаши керак эди, - деб ўйлади у. – Кейин эса кеч бўлганди). Ўнг кучлар Россия большевикларининг бу қарорига қўшилмай Турк Компартияси улка қўмитаси, Туркистон Марказий қўмитасидан чиқишига ариза берди. Бунга қарши 1920 йил 19 июлда Турк КП усталик билан тарқатиб юборилди,

Руссияга янада кучлироқ қарам бўлган Туркистон автоном республикаси, Туркистон Компартияси тузилди. Уларнинг раҳбарлари руслар эди!..

Кўқон автоном – мухтор республикаси қонга ботирилди. Босмачи, деб ном олган озодлик учун курашчилар турли найранглар билан йўқ қилинди. Уларга ёрдамга келган турк Анвар пошто ҳам мағлуб бўлди.

**СТАЛИН, СТАЛИН, СТАЛИН!**

(У мушоҳадага берилди. Қандай қилиб шунча рус лидерлари турганда Сталин ҳокимиятни қўлга олиб қўйди?! Ленин тириклигигидаёқ?! Виссарион ўзига жуда талабчан!

**ЖУДА ТАЛАБЧАН! ЖУДА ҚАТТИҚҚЎЛ!! ЖУДА, ЖУДА, ЖУДА!!!  
ТАЛАБЧАНИК, ҚАТТИҚҚЎЛЛИК – КЕСКИР ШАМШИР! БУНДАЙ  
ШАМШИРИ БЎЛМАГАН КИМСА АЛБАТТА АРОСАТДА ҚОЛАДИ! У  
ЛЕНИН БЎЛСА ҲАМ!!**

Ленин номи бечора халқ орасидан етишиб чиккан чаласавод раҳбарлару аросатда қолиб шафоат кутаётган оломон орасида сехрли кучга айланган. Сталин ҳар бир қилаётган ишини, гапини Ленин йўлига зид бўлса ҳам Ленин сиёсатига тўғрилаб пешлаб “Ленин айтганидек! Ленин ўргатганидек! Ленин кўрсатганидек! деб шундай оташин сўзларди-ки, нутқини тугатган заҳоти ҳаммаёқ бошқаларни доғда қолдирди, сиёсий фитналардан ғоят усталик билан фойдалана билди. Ўзининг устамонлигию кўр-кўронга қарсаклар уни 1922 йили Ленин руйхуш бермасаям фирманинг бош котиблигига кўтариб қўйди! У бу вазифада ўта қаттиққўллик, минг бир тадбир қўллаб ишлаб Ленин тириклигигидаёқ ҳокимиятни деярли қўлга олиб қўйди. Энди унга ҳатто Лениннинг ҳам кучи етмасди.

1922 йил декабрда бетоб Ленин съездга хат йўллади.

“ Мен ўйлайманки, шу нуқтаи назардан мустаҳкамлик масаласида Марказий Комитетнинг Сталин ва Троцкий каби аъзолари масаласи асосий нарсадир. Менингча улар ўртасидаги муносабат йўл қўймаслик мумкин бўлган ажralиш хавфининг катта қисмини ташкил этади ва, менинг фикримча, Марказий Комитети аъзолари сонини кўпайтириб эллик кишигача, юз кишигача етказиши, жумладан, шу ажralишга йўл қўймасликка хизмат қилиши лозим.

Ўртоқ Сталин бош секретарь бўлгач, жуда катта ҳокимиятни ўз қўлида тўплаб олди ва мен унинг ана ҳокимиятдан ҳамиша етарли даражада эҳтиётлик билан фойдалана олишига ишончим комил эмас. Иккинчи томондан, ўртоқ Троцкий, унинг Йўллар халқ комиссарлиги масаласи муносабати билан Марказий Комитетга қарши олиб борган кураши кўрсатганидек, факат катта қобилиятга эга киши эмасдир. Шахсан у, чамаси, ҳозирги Марказий Комитетда энг қобилиятли киши бўлса ҳам, лекин шу билан бирга у ҳаддан ташқари манманликка берилиб кетган ва ишнинг нукул маъмуриятчилик томонига ҳаддан ташқари маҳлиё бўлган кишидир”.

Ленин 23 – 26 декабр кунлари айтиб туриб ёзdirган хатида яна шундай деганди.

“Сталин жуда қўпол киши, биз коммунистлар ўртасида ва бизларнинг ўзаро алоқаларимизда тамоман чидаб туриш мумкин бўлса ҳам, лекин бош секретар вазифасини бажариб турганда, унинг бу камчилигига тоқат қилиб бўлмайди. Шунинг учун мен ўртоқларга Сталинни бу ўриндан бошқа ишга кўчириш ва бу ўринга бошқа бир кишини тайинлаш усулини ўйлаб кўришни таклиф қиласман...”

“...БОШҚА БИР КИШИНИ ТАЙИНЛАШ УСУЛИНИ ЎЙЛАБ КЎРИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАМАН!.. Ленин бечоранинг ўзи ҳам чўчияпти! Ҳатто бу хатни ўлимидан кейин партиянинг навбатдаги съездидаги ошкор қилишни васият қилган эди. НЕГА? Бу фақат Лениннинг Сталиндан ҳадиксирашими? Ёхуд Лениннинг Сталиндан бир тили қисиқлиги борми? Ахир Лениннинг раҳнамоларидан бири Параус билан мусодара қилиш баҳонасида черковлардан ўмарилган олтинларни Швецария банкига Параус иккиси номига қўйилганлиги, кейин эса бу маблағ бошқа ҳисобга кўчирилиб Парауснинг сирли равишда йўқолгани, буни билиб Лениннинг увлаб юборганию миясига қон қўйилгани ҳақида турли гаплар юради. Бундан Сталиннинг хабардор бўлмаслиги ҳеч мумкин эмас. Эҳтимол Ленин Сталин шу сирни ошкор қилишидан қўрқаётгандир!

### СИРНИ ОШКОР ҚИЛИШИДАН...

Сталин ҳақида эса бунақа гап йўқ. Халқнинг, давлатнинг бир тийинига хиёнат қилгани йўқ. Агар хиёнат қилганда унинг душманлари, ҳеч бўлмаганда уни “Жоо тоға” деб атайдиган Америка жосуслик бошқармаси дунёга жар солган бўларди. Сталин Ленин бошқарган йўлга Лениннинг ўзиданам садоқатлироқ инсон эди. Буни ҳамма яхши биларди.

Партиянинг саккизинчи съезди Лениннинг “Съезда мактуби” ни ошкор этмасликка бир овоздан қарор қилди – бу хат съездга ёзилган, уни эълон қилиш шарт эмас, деб топилди.

1924 йил. Бешинчи январ. Ленин вафот этди. Жасади мумёланиб мавзолейга қўйилди.

Сталин Ленин ишини давом эттириш қасамёди билан ҳокимиятни янада мустаҳкамроқ қўлга олиб бирин-сирин Троцкий, Бухарин, Зиновьев, Каменевлардан қутилди. У Ленин менга салбий ном берган эди-ку, деб Ленинга қарши иш тутмади, қайта унинг номини дохий, деб улуғлади.

У мустамлакичиликда яшаган миллатларнинг мустақилликка интилаётганини жуда яхши биларди. Туркистон жуда улкан худуд. Неча минг йиллардан бери оға-ини бўлиб яшаб келаётган бу ердаги миллатлар бир улка байроғи остида бирлашса жуда катта қучга айланади. Бунга йўл қўйиб бўлмайди! Шўроларга жуда катта хавф туғдириши мумкин. Сталин бу муаммони жуда тез ва осонлик билан ҳал қилди.

1924 йилнинг 27 октябрида миллий чегараланиш ўтказиш баҳонасида Ўзбекистон, Туркманистон совет социалистик республикасига бўлинди. Тоҷикистон, Қорақалпоғистон Ўзбекистон таркибида автоном вилоят сифатида қолдирилди. 1929 йилда Тоҷикистон совет социалистик республикасига айлантирилди. 1924 йилнинг 14 октябрида Руссиянинг таркибидаги Қорақирғиз автоном вилояти ташкил этилганди. 1925 йил

майидан Қирғистон автоном вилояти деб атала бошланди. Ўш вилояти ҳам Қирғизистон таркибига берилди. Шу пайтгача Туркистон таркибида бўлган Чимкент вилояти Қозоқистонга ўтказилди. Марказий Осиё миллатлари га шу қадар паст назар билан қараларди-ки, катта халқ бўлган қозоқларнинг номи қирғизлар деб нотўғри аталиб келинди. Ҳатто қозоқлар яшайдиган катта ҳудуд 1920 йилнинг 26 августидаги Руссия таркибидаги Қирғизистон автоном вилояти деб ташкил этилган. Шундай катта ҳудудни ташкил қилинаётганда лоақал бир қозоқ халқини биладиган одам иштирок этганда бунга йўл қўймаган бўларми? Миллатлар, ҳудудлар тақдирини бундай юқоридан туриб белгиланиши албатта норозиликларга сабаб бўлиши турган гап! Аммо, нима қилиб бўлсада Туркистонни парчалаб ташлаш керак эди, тики Туркистон номи остида Туркистон миллатлари бирлаша олмасинлар! Бу сиёсатнинг қора мағзи шул эди. Улка қарам, қарам улканинг раҳбарлари ҳам қарам! Дастрраб рус раҳбарлар улкани бошқарди...

Ўзбекистон Халқ комиссарлар совети раиси Файзулла Хўжаев. У жуда катта савдогар бойнинг ўғли. Бухорода кейин Москвадаги мактабда ўқиган. У жадидлар ҳаракатига қўшилган, кейин амирликни ағдариш учун курашаётган ёш бухороликлар сафига кириб бу фирманинг раҳбари бўлиб қолади. Москваликлар ундан усталик билан фойдаланишади. Большевиклар уни ўз таъсирига олишади. У Москвада анча муддат ишлаб Тошкентга қайтгач, 1920 йили Бухоро амирлигини ағдаришга раҳбарлик қиласди. Сўнг унинг партияси тугатилиб коммунистлар сафига ўтишади. Биринчи бўлиб Файзулла Хўжаевнинг ўзи ўтади. У 1924 йилгача Бухоро Халқ комиссарлар совети раиси. 1924 йил ноябридан 1925 йил февралгача Ўзбекистон Революцион қумита – Муваққат ишчи деҳқон ҳукумати раиси бўлиб Бухорони ҳам Ўзбекистон таркибигига қўшишда хизмат қиласди. 1925 йилдан 1937 йилгача Ўзбекистон Халқ комиссарлар совети раиси. Айтишларича, қатағон исканжасидан қутилиш учун Сталин билан учрашиб гаплашиш мақсадида поездга ўтириб Москвага жўнайди. Москвада эса поезддан тушиши билан уни қамоқقا олишади. Бор будиу отасининг бойликларини ҳам шўргага тиккан бечора Файзулла Хўжаевни 1938 йил 15 марта отишди! Етмиш мингга яқин қатағон қурбонлари! Ясама айб билан отилган бечоралар!

Туркбюронинг рус раҳбарлари билан яхши алоқада бўлган, большевикларнинг Москвадаги универститида ўқиган Акмал Икромов Ўзбекистон Компартиясининг масъул котиби, 1929 йилдан эса биринчи котиб бўлиб сайланади. Унинг Москвада ўқигани, москваликлар ишончини қозона билгани қўл келади, албатта. У пайтда партия ҳали якка гегемон бўлиб улгурмаган эди. Халқ комиссарлар совети ҳокимиётни қўлда ушлаб турарди. Акмал Икромов Сталиннинг ҳар бир топшириғини сидқидилдан бажаради. Файзулла Хўжаев чин маънодаги мустақилликни орзу қиласди. Шу сабаб баъзан Акмал Икромов билан тортишиб ҳам қолади Аммо Акмал Икромов ҳам қамалди. 1938 йил 13 марта отилди.

СССРда Сталин раҳнамолигида одамларнинг пасткаш туйгуларига эрк берилди. Конҳур Берия Сталиннинг ўнг қўлига айланди. Одамлар ҳалқ

душманини фош қилиш баҳонасида бир-бирларни ея бошладилар. Не бир раҳбар, саркарда, олим, ёзувчи, доктор қатағонга учради. Уларнинг сони кундан кунга ортади. Қатағон машинасини тўхтатиб бўлмайди. Қамоқ, трибунал, отув...

ҲАДИК. ҚЎРҚУВ. ВАҲИМА.

Бу отув, бу қирғинлардан кейин амалга ўтирган киши қай юраги бетлаб Сталиннинг гапини икки қила олади? Энди Ўзбекистоннинг раҳбарлик саҳнасига ким чиқади? Марғилонллик оддий косибнинг ўғли Йўлдош Охунбобоевми? У чоракорлиқдан кўтарилиб бориб шўроларга садоқат кўрсатиб – кўрсатиб 1925 йили Ўзбекистон совет социалистик республикасининг биринчи-таъсис қурултойида Ўзбекистон Ижроий қўмитаси раислигига сайланган. Бутуниттифоқ оқсоқол Калининнинг Ўзбекистондаги ишонгани. Йўқ. Танлов Ўзбекистонда ўн оғмачиликка, миллатчиликка қарши курашган, русга уйланган ( РУСГА УЙЛАНГАН РАҲБАР БАЙНАЛМИЛАЛЧИ, МИЛЛАТЧИЛИКДАН УЗОҚ КИШИ ДЕБ ҚАДРЛАНАР, АМАЛГА ТЕЗРОҚ КЎТАРИЛАРДИ), ЎНГ ОҒМАЧИЛАРГА, МИЛЛАТЧИЛАРГА ҚАРШИ АШАДДИЙ КЎРАШГАН УСМОН ЮСУПОВГА БОҚДИ!

Усмон Юсуповга боқди. У пахта заводи ишчилигидан кўтарилган. Турли вазифаларда ишлаб Москвадаги большевиклар партияси ўқув курсини битирган. Ўзбекистон Озиқ-овқат саноати министри бўлиб ишлаётган эди. Сталиннинг эътибори унга тушди. Энди большевиклар Иттифоқда мутлақ ҳоким бўлиб Министрлар совети, Олий совети партия топшириқларини бажарадиган ижрочига айланганди. Сталин энди жуда ўрнашиб олган, ҳеч бир раҳбар унинг гапини икки қилолмасди. Усмон Юсупов Сталиннинг садоқатли ижрочиси бўлиб ҳатто “доҳий”нинг меҳрини ҳам қозонди. Аммо бу меҳрнинг нафратга айланиши осон эди. Шунинг учун Сталин соясида ҳаддидан ошмай ишларди. Ташабbusлари ҳам Сталин соясида. Миллионлаб халқни қатағон қилган, маршалларини оттирган бу қонхўр машина билан ўйнашиб бўлармиди?

Усмон Юсупов ғууррга берилиб ҳатоларга йўл қўя бошлади, айниқса унинг жувонпарастлиги ҳақида гаплар кўпайиб кетди. Албатта гап бекорга чиқмайди. Сталин уни сақлаб 1950 йили Иттифоқ пахтачилик министри қилиб кўтарди. У ҳатто Украинага ҳам пахта экдиради. Украиналар пахтани вата дейишади. Пахта очилгач териб олиб бир неча центнергина ҳосил топшириб “Вата убрано. Можно пахат”, деб министрдан сўрашади. Министр Москвадан бориб “Йиғиб бўлган бўлсаларинг, қани кўрайлик-чи”, деб далага чиқиша, пахталар оппоқ бўлиб очилиб ётганмиш. Яна қайта теришади. Бу ҳол бир неча бор такрорланади. Бу украинларнинг жонига тегади.

Ўзбекистон Компартиясида Амин Ниёзов биринчи котиб бўлиб сайданди. Албатта Сталин рози бўлгач! Амин Ниёзов 1903 йили Марғилонда туғилган. Комсомолдан чиққан. 1930-34 йиллар Москвадаги саноат академиясида ўқиган. Ўзбекистон МҚ сида курилиш бўлими мудири,

Ўзбекисто Министрлар совети раиси ўринбосари, 1947 йилдан республика Олий совети раиси эди.

1953 йил 5 март. Сталин вафот этди. Никита Сергеевич Хрущев КПСС Марказий Қумитаси биринчи котиби этиб сайланди. У биринчи навбатда Лаврентей Берияни қамоқقا олдириб уни оттирди. Усмон Юсупов Ўзбекистонга Министрлар Совети раиси қилиб жўнатилди. Украиналар ҳам ватадан қутилди. Сталиннинг шахсига сифинишни фош қилиш можоралари бошланди. Хрущев ички душманларидан қутилиб амалида мустаҳкамланиб олгач чет эл билан алоқаларга йўл очди, ўзининг ҳам бормаган жойи қолмади ҳисоб. Коммунизмни тезроқ қургиси келиб қолди. Умумий овқатланиш корхоналарида нонни бепул қилиб қўйди. Овқатга пули етмаган талаба ошхонага кириб компот, ё чой сотиб олиб нон билан корнини тўйдириб “Хрущевга раҳмат, деб чиқиб кетарди. “Дала маликаси” маккажуҳори экишга зўр берилди. Ҳар соҳада Америкадан ўзиб кетиш шиори пайдо бўлди. Минг тўққиз юз саксонинчي йили коммунизмда яшаш нақд қилиб қўйди. Аммо орадан бир йил ўтиб дон заҳираси тугаб одамлар арпа, маккажуҳори уни еди.

1955 йили Ўзбекистонга партия марказий қўмитасининг биринчи котиби этиб Нуриддин Мухиддинов сайланди. У 1917 йили Тошкентда туғилган. Москвада савдо институтини тутатган. Беш иккинчи жаҳон урушида қатнашди. Сўнг республика Марказий қўмитасида лектор, Наманган, Тошкент вилоятларида обком биринчи котиби, республика Компартияси Марказий қўмитаси котиби, Олий совет раиси, Министрлар совети раиси вазифаларида ишлаган, кучли нотиқ.

1957 йили КПСС Марказий қўмитаси котиби бўлиб кўтарилиди. Аммо Хрущев билан ишлаш осон эмасди. 1962 йили у бошқа ишга ўтказилди.

Мухиддиновнинг тавсияси билан ўрнига биринчи бўлиб сайланган Собир Камолов ахлоқсизлиги, майшатпастлиги билан ўзини обрўсизлантириб қўйди.

1959 йил, март. Бу сафар Хрущёвнинг ўзининг тавсияси билан Шароф Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий қўмитаси биринчи котиби этиб сайланди. Рашидов ўзига нисбатан жуда талабчан, зийрак, партия ахлоқи, сиёсатини вужуд-вужудига, ижодига ҳам сингдириб вояга етган раҳбар эди. У Самарқанд вилоят газетаси раҳбарларидан бири бўлиб ишлаб турган пайтида иккинчи жаҳон урушига жўнаб кетади, 1942 йили оғир яраланиб қайтади. Тузалгач бир муддат Жиззахда мактабда ишлаб яна вилоят газетасига раҳбар, кейин Самарқанд вилоят обкоми котиби бўлиб ишлайди. Шу даврда у Фарҳод ГЭС қурилишига бориб ертўлада яшаб қурувчиларга сиёсий раҳбарлик қиласди, бу ерга келган Усмон Юсуповнинг эътиборига тушади. Шундан сўнг у Усмон Юсупов раҳнамолигида жуда тез кўтарилиб боради. “Қизил Ўзбекистон газетаси редактори, сўнг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳайъати раиси бўлиб ишлаб турган Шароф Рашидов 1950 йили ўттиз уч ёшида ЎзССР Олий Совети Президиуми раиси этиб сайланади. Тўққиз йилдан кейин эса биринчи котиб.

У ҳали у ҳали, бу ёнига ағанаб тиниқиб ухломай бедорлик билан уйку оралығидаги бир ҳолда ётди: тонгга яқин эса бир туш күрди. Мошгурунч соқол - муйлови ҳафсала билан қайчиланган, оқ салласининг печи ўнг кўксига тушган, оқ мурсакли нуроний – ҳазрат Навоий пишқириб, гижинглаётган оппоқ тулпорнинг юганидан маҳкам ушлаб турганмишу унга “Отга мин!” деб ишора қиласмиш. У эса ҳазратнинг нурли сиймосига маҳлиё бўлиб боқармишу отга минолмасмиш. У отга минолмасада ҳазратни кўрганидан севиниб уйғониб кетди...

Тонг отиб қолганди, тушини эслаб мийиғида кулиб қўйди, ”Таъбири нима экан? Деб бироз ўйланди, ортиқча уй-хаёлдан фориг бўлиш учун ҳар куни одатланганидек эринмай бадантарбия билан шуғулланди, мириқиб душга тушди, сўнг Кремлга йўл олди...

Агар Хрущев уни қўлламаганда У биринчи котиб бўлиб сайлана билармиди?. – деб ўйлади Каримов. – Мени ким қўллайди? Горбачёв, Нишоновларнинг менга муносабатини кўриб турибман. Айниқса, анави гердайиб ўтирган Лигачёв-чи? Ана унинг оғзи қимирляяпти, нима деяпти?

Ўзбекистон Марказий қумитасидан тортиб аилоят, туман партия қўмитасигача иккинчи котиб албатта рус миллати вакилини сайланади. У Москванинг кўз қулоги!

Туркистон революцион советдан мадад сўрадилар.

Узун столнинг икки тарафида ўтирганлston Компартарнинг баъзилари унга ҳавас билан қараса, бошқа бирлари: “ Яна бир Усмонхўжаевга ўхшагани келгандир-да!” дегандек унга беписандлик билан бир бор назар ташладиу нигоҳларини стол устидаги қоғозларга буришди.

“ЯНА БИР УСМОНХЎЖАЕВГА ЎХШАГАНИ КЕЛГАНДИР-ДА!

Йигит бу маънидаги беписад қарашни ҳам назардан қочирмади – юрагида зарда қайнади!

ЯНА БИР УСМОНХЎЖАЕВГА ЎХШАГАНИ...

Ўзбекистон Ўзбекистон бўлибди-ки, не бир раҳбарларни кўрмади. Чор Россияси даврида генерал Кауфмандан тортиб генерал губернатор Куропаткинлар Туркистонни ўзлари ҳоҳлаганча истеъфода қилдилар. қуюқ қора қошлини кериб юзидан кибр-хаво ёғилиб ўзича виқор билан ўтирган кимсанинг назари эса унга бир зумгина қадалдиу негадир тезгина кўзини олиб қочди; тўрдаги креслода ўтирган соchlари сийраклашиб пешонасидан сал юқоридаги норини яққол кўрсатиб кўйган киши унга ингичка гардишли кўзойнаги устидан очиқчехралик, ҳайриҳоҳ бир нигоҳ билан бокди.

Яна сукунат. Ҳамма турдаги инсоннинг оғзига қараган. У еса қоғоз титкилаб нималарни дир ўқимоқда, нихоят у бир қоғозга, бир минбардаги йигитга қаради; шундан сўнггина кадр ҳақидаги қисқа маълумотни ўқиб беришди; яна жимлик хукм сурди: жимликни тўрдаги одамнинг овози бузди:

- Биламан, сизнинг республикангиз бошқаларга қараганда анча тараққий этган. Албатта бу кўпроқ пахта ҳисобига. Хўш, мана сиз Қашқадарёда биринчи котибсиз. Пахта режасини қўшиб ёзиш ҳисобига тўлдирияпсизми?

У минбарнинг икки четини маҳкам ушлаганча бир зум чукур ўйга толди:

**( “Пахта режасини қўшиб ёзиш ҳисобига  
тўлдирияпсизми?” Наҳотки, бош котиб ҳам ўзбек халқи  
пешонасига “пахта иши” қора тамғасини босишга  
интилаётганлар тарафида бўлса?! Наҳотки...Ахир, агар мен  
мабода биринчи бўлиб сайланиб қолсан унинг ёрдамида  
ўзбек халқини ана шу эзгу меҳнатдан совутаётган  
туҳматона кирдикорларга чек қўйишга ҳаракат қилмоқчи  
эдим-ку?! Йўқ нима бўлса ҳам фикримни очиқ айтаман,  
дангал айтаман!)**

У болалигиданоқ жуда кўп китоб ўқирди.

...ПАХТА, ПАХТА! ПАХТА!! ПАХТА!!! .  
БОЛАМДЕК АРДОҚЛАДИМ ТОЛАНГНИ,  
СЕН ДЕБ ҚОН ЮТДИМ ЛАХТА-ЛАХТА,  
ЭЪЗОЗЛАДИМ КАФАН БЎЛГАН ТОЛАНГНИ

Бир шоир дўсти шундай тўртлик ёзганди. Нега бунча аччиқ? Ўзбекнинг пешонасига қачондан бери пахта бунча ёпишиб қолди? У ўзбекка нима бердию ўзбек пахтага жон бериб нима йўқотди? У бирор бир муаммога, саволга дуч келдими, уни атрофлича ўрганади, аввало бу соҳани яхши билганлар билан сұхбатлашади, сўнг китоблар ўқиб изланади, изланади, ўрганади, жавоб топади!

Ўзбек юртида бундан икки ярим минг йилга яқин илгари ҳам пахта экиб ундан бўз, чит тўқиган.

**ҲАМ ОЗИҚА, ҲАМ КИЙИМ ОЛИНАДИГАН, ЧИГИТИДАН  
ТОРТИБ ҒЎЗАПОЯСИГАЧА ИНСОН УЧУН ҒОЯТ ЗАРУР БУ  
АЖОЙИБ ЎСИМЛИК ТУРКИСТОНДА ҚАДИМДАН ЭКИБ  
КЕЛИНАЁТГАН БЎЛСАДА, ЎТГАН АСРДАН БОШЛАБ ЎЗБЕК  
ДЕГАННИНГ ТАҚДИРИГА МАҲКАМ ЁПИШДИ.**

Туркистонни босиб олган чор Россияси бу ерда кўпроқ пахта етиштиришга бел боғлаганди. Аммо пахта экиш, парваришлаб момифини олиш жуда оғир меҳнат эди. Аммо заҳматкашлик қон-қонига сингиб кетган ўзбек бу ишни уддалади, ўшанда! Кўсагини йиғиб қуритиб қалтак билан савалаб очилтириб чивиб оларди пахтани, ўшанда!

**Кўсаги ўзи очиладиган ғўзани ЎЗ ЕРИДА ЭКИБ ЛЎППИ –ЛЎППИ ОЧИЛТИРГАН ҲАМ ЎЗБЕК ЭДИ, ЎШАНДА!**

Ўзбекнинг ёнига козоқ, қорақалпоқ, туркман, қирғиз, тожик ҳам кириб пахтага бек бўлди, ўшанда!

Англия, Россия ва ўзга совуқ юртларда пахта толасини тўқишига ким ўзар пойгаси бошланди, ўшанда!

Аммо, ип тўқишига пахта етишмай пахта очарчилиги бошланди, ўшанда!

Бу юртлардаги бечора тукувчиларнинг куни ўтмай, бошқа иш этагини тутмай кўзи ёшланди, ўшанда!

Бу кулфатдан у элларни қутилишида, пахта очарчилигини тугатишида Туркистон эли ҳам ҳисса қўшди, ўшанда!

Шўро даврида инқилобнинг қонли лойқалари тингач, яна ўзбекнинг елкасига пахта ташвиши минг ҳисса, миллион ҳисса ортиқроқ бўлиб тушди.

### **ПАХТА МУСТАҚИЛЛИГИ УЧУН ҚУРАШ!**

**БУ ҚУРАШНИНГ ЭНГ ОҒИР ЮКИ ЎЗБЕКНИНГ КИФТИДА ЭДИ.**

Пахта қурғур кеч очилади, ҳали замон совуқ тушиб қолади. Ўзбек бечора куни билан далада пахта териб кечаси билан кўсак чивирди.

**МИНГ БИР МАШАҚҚАТ БИЛАН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ОХИРИДА ПАХТА МУСТАҚИЛЛИГИГА ЭРИШИЛДИ.**

Пахта териш, кўрак чивиш машиналари анча кейин ихтиро этилди. Гарчи биринчи пахта териш машинаси АҚШ да ихтиро қилинган бўлсада, уларнинг ҳам энг саралари Ўзбекистонда яратилди. Аммо ўзбекнинг оғири енгил бўлмади. Кўлда терилган пахтанинг сифати бир бошқа эди-да! Бунинг устига ялпи пахта етиштириш йилдан йилга ошириб борарди.

Вақт ўзгарап эди, республика раҳбари ўзгарап эди, республикада пахта етишириш борган сари кўпаяди. Ўзбекнинг ташвиши борган сари ортади. У кечаю қундуз пахта даласида. У минг бир мاشақат чекиб, ғўзани юрак қони билан парваришлаб шундай буюк натижаларга эришди-ки... У бутун дунёга пахта тажрибасидан сабоқ бера оладиган миришкорга айланди. Унинг пешона тери билан пахта ҳосилдорлиги жонибида дунёда биринчи ўринга кўтарилди.

**ИТТИФОҚДА ЕТИШТИРИЛАЁТГАН САККИЗ МИЛЛИОН ТОННА ПАХТАНИНГ ОЛТИ МИЛЛИОНГА ЯҚИНИНИ ЎЗБЕКИСТОН БЕРАДИ! МИЛЛИОН МИЛЛИОНЛАБ ДУНЁ АҲЛИНИ ЎЗБЕК ЎЗ ЮРАК ҚЎРИ БИЛАН ЕТИШТИРГАН САРА ПАХТА ГАЗЛАМАСИ БИЛАН КИЙИНТИРАЁТГАН ЭДИ! БУНДАН ФАХРЛАНМАЙ БЎЛАДИМИ?**

Аммо...

Аммо Ўзбекистон аҳли жуда чиройли сўзлар билан таърифланадиган хомашё қулига айланиб қолганди.

Тўғри ўзбек бирмунча рўзғорини тиклади. Аммо мешҳати олдида бу кам эди. Бечора ўзбек даромад даражаси, зарур неъматлар истеъмоли бўйича республикалар орасида энг охиргилар қатори, гўшт, сут, тухумни иттифоқ аҳолисидан икки баробар кам истеъмол қиласи, саноат ишлаб чиқариш миқёси паст. Миллионга яқин киши ўзининг қўлидан келадиган ишни топа олмаяпти. Мактаб, касалхоналарнинг олтмиш фойизининг биноси нобоп. Шу қадар катта бойлика, имкониятга табиий шароитга эга юртнинг мамлакатда асосий қўрсаткичлар бўйича ОХИРГИ ЎРИНЛАРда бўлиши ачинарли эмасми? Ўзбекистон аҳлининг хомашё қулига айланиб қолгани ачинарли эмасми?

Қай бир тарихчи ўзбекнинг бу оламшумул ҳимматию дардини оча билгай?!

Қай бир ёзувчи ўзбекнинг бу оламшумул хизматию ширин алданишини тасниф эта билгай?!

Бунинг ўрнига...Бунинг ўрнига сохта жонқуярлар чиқиб “пахта яккаҳокимлиги – монокультура” деб ноғора қоқа бошладилар. Улар шунинг учун сохта эдилар-ки, ўзларининг қинғир қилиқлари сабаб республика раҳбари тортаётган аравадан тушиб қолган амалпарастлар эдилар. Улар республика биринчиси қон ютиб токзорларни, боғларни асраб қолганини билишмасми? Пахтанинг ғўзапояси ўзбекнинг танчасини ловиллаган чўғ бўлиб иситганини, тандирини қиздириб тандир-тандир нон ёпилаётганини, пахта сотиб чарак-чарақ пул топиб янги-янги машина минаётганини, не бир мукофотлар олиб юзаки бўлсада иззат топаётганини билишмасми? Пахта мудофаа куввати эканини, биринчи бир қарич ҳам пахта ерини қисқартира олмаслигини билишмасми? Жуда яхши билишарди! Аммо улар аламзада

эдилар,тирноқ остидан кир излардилар. Республика биринчиси шу аламзадалардан ҳам раҳм-шафқатини дариғ тутмаганди. Республика биринчиси тириклигига лом-лим дея олмасдилар. Чунки орқалари сассиқ эди.

Афсуски, уларнинг ногорасига ўйнайдиганлар анчагина топилди. Биринчидан не бир марҳамат кўрган ёзувчилар ҳам минг биринчи бўлиб тош ота бошладилар. (Унинг зардаси қайнаб кетди) Иккюзламачилик муборак бўлсин!- деди ўшанда.

### -Фарғонада нима гап ўзи?

Савол оҳанги бироз зардали,беписандона эди ва айни пайтда унинг фахмини ковлашга қаратилган эди. Бутун афти-ангоридан кибр-ҳаво ёғилиб турган, бепоён иттифоқнинг биринчи раҳбари Михаил Сергеевич Горбачёвнинг саволи анча қалтис, жавобининг таъзимини мушкул бўлган савол эди.

Нега бу саволни берди, -деб ўйлади у. Ахир ишонган одам унга Фарғонада бўлган воқеани тушинтириб бергандир-ку! Ё унинг тушунтиришидан қониқмаганмикан? Месхети турклари...неча минг йиллардан бери Грузияда яшаб келган бу ҳалқ уруш йиллари ўзларича ўз иссиқ уйларидан Марказий Осиёнинг чўлу биёбонларига кучли бир азоб, минг бир машаққат билан бу бечоралар чўлу даштларда ўзларига бошпана куриб ўзбек, қозоқ билан ахил яшаб келганлар. Зўравонлик билан кўчирилган милллатлар - месхети турклари, қrim татарлари, ўзбеклар билан ахил яшаб, қуда-андалик, акробалик илларини боғладилар ,бир- бирларидан ўргандилар,бир-бирларига қувват бўлдилар. Ахир уларга ер бергани ўзбекнинг айби эмас-ку! Бу ҳалққа нисбатан на қrim-татарнинг, на месхети туркнинг даъвоси йўқ! Қайта уларга рўзгор тиклашларида бекиёс ёрдам берган ўзбекдан минг бор миннатдорлар. Аммо...месхети туркларидан учтўрт йигит бир ўзбек йигитини ўлдириб қўйишган ( бу атайлаб уюштирилган, бир гуриллаб олов олсагина бу масалага эътибор беришадио турклар учун фойдали бир қарорга келинади,уз юртларига кўчириб ўтириш масаласи қўтарилади, деб ўйланган бўлиши ҳам мумкин); бунга қарши махаллий аҳоли қўзғалган, Ахир қайси ўзбек ўз ор-номусини топташга йўл қўяди. бу ҳақда республиканинг собиқ раҳбари “Бу бор-йўғи бир тогора кулупнай” баҳонасида бўлган жанжал деб мамлакат олий кенгаши депутатларини чалғитган,бир миллатга зўравонларча муносабатда бўлиш, зўраки байналминалчилик асосида миллий муносабатларга юзаки қарап (ахир партия барча миллат қўшилиб кетиб ягона ҳалққа айланиш сиёсатини мудом олдинга сурар, миллат ғурурини кўтармоқчи бўлганларни миллатчи, деб қоралар эди-да!) оқибатида рўй берган, маддалаган яра ёрилган, бу низога юзаки қараб бўлмайдиган, сиёсий омилкорлик билан ёндошиши талаб этиладиган акс ҳолда ҳатто арзимаса жанжал,дейилганда фуқаролар

урушига айланиб кетишига олиб келиши мумкин бўлган масала эди! У нима деб жавоб бериши керак. Нишоновга хушомад қилиб касални яшириб, бир тоғора қўлипнай жанжали, деб касални яшириш керакми? Ё рўйи-рост ҳақиқатни очиб ташлаши керакми? Албатта, ҳақиқатни айтаман, Каримов Горбачёвга дадил киради:

-Бу “Бир тоғора қулупнай жанжали” эмас,-деди бир Горбачёвга, бир Нишоновга қараб. – Бу воқеанинг чуқур Ҳамма бирдан сергак торти. Нишонов ўтирган ўрнида типирчилай бошлади. Горбачёв бирдан кўзойнагини олиб минбардаги йигитга диққат билан тикилди. Сиёсий бюорда бунаقا чаппаничасига берилган жавоб эшитилмаган эди ...

Ҳаммаси бир чап ер муштлаб :жанозага борманг масжидга борманг деган, устозини хўрлаган сен Усмонқулов,Абдуллаевларни ер ютсин!

Нималар бўляяпти ўзи? Кечагина Рашидовнинг қабри олдида туриб не бир гапларни айтган Усмонхўжаев эмасми? Рашидовнинг жасадини қаерга қўямиз, деб бош қотирганда, бири Чифатойга,бири зса Йўлдош Охунбобоев қўйилган жой ҳам яхши-ку, деганда белоруслар Мешеровга алоҳида майдон қилиб жасади шу ерга қўйилибди, бизнинг ота ундан камми, деб алоҳида жойга дафн қилиниши тарафдори бўлган Абдуллаева эмасми? Ленин – Брежнев - Рашидов номларини устун қилиб, тарихий китоб ёзган, республика марказқумининг советларга раҳбарлиги мавзуда докторликни ёқлаган у эмасми? Ё тавба, тавба! Биринчидан оқибат кўрмаган ёзувчилар бир четда сукут сақлаб туришибди ўнинг қўзининг ёғини еганлар, у туфайли машхур-олим бўлганлар биринчи бўлиб унга тош отмоқдалар! Ё тавба! Агар замон бир айланса, биринчининг номи оқланса, биринчи бўлиб яна ўшалар Рашидовга ҳамду санолар ўқисалар, хотиралар ёзсалар ажаб эмас! Ҳа, партия раҳбарининг ногорасига ўйнаб иккисизламачилик рағбатлантирадиган замонда ҳар нарсани, ҳар қандай бузуқликни кутса бўлади!

Ўзбекистон пахта етиширишда фалончи ўринга, пилла етиширишда тўртинчи ўринда ,деб оғиз кўптирамиз,аммо нега бечорамиз? нега? нега? шундай шароити бор халқ аршу аълода, жаннатда яشاши керак эмасми? Жаннатда яшаши керак эмасми?

Алхол Москва яқинидаги бир қишлоқда бўлгандаги бир воқеа ёдига тушди, бепоён ўрмонга туташган бу қишлоқдаги хонадонга кирди, қани бу ерда қандай яшаётган экан, деб. Хонадонда омигина диван, стол-стул, дарвозасининг тагигача ўсган ўт белга уради, кампирнинг ўғли уч лиртлик шиша идиш кўтариб магазинга сутга кетди,

-хола боғингизда шунча ўт кўп экан: сигир боқмайсизми? -сўради.

-қаердан келдинг?

-Тошкентдан.

-ҳа, тушунарли, мен қўконда яшаганман, сигир боқгандан кўра, магазиндан сут олган маъқул, деймиз.Сизларда эса бошқа. Одамлари жуда меҳнаткаш. Қара қишлоғимиз қанақа қаровсиз бўлиб қолмоқда. Қани эди, сенга ўҳшаган бир осиёлик мана шу колхозга бош бўлса- ю ҳамма ёқни саранжом-саришта қилиб, дехқончилик-чорвачилик қилса, одамларни

бошқарса! Сизларда бошқача ўғлим. Фарғонадаям одамлар симёғочларнинг тагигача экин экишганини кўриб ёқа ушлаганман, ҳайратдан одамларинг жуда меҳнаткашда!

Шунда Ислом Каримов кампирга, бу ерда ахволга ачинса, ўз олимларидан фахрланиш тўйғуси юрагини илитди, совуқдан қалтираб турган ҳолида юраги илиди. Худди шу тўйғу алхол яна шу кабинетда ўзгача бир кучлироқ тўлқинда юрагида кўтарилиди:

Ўзбекистон иқтисодий имконияти нақадар бой ўлка. Аммо унинг энг катта бойлиги-меҳнаткаш, захматкаш ҳалқи! Калавани учини йўқотиб кўйишияпти, эҳтимол мен бу фикрларимни ёзиб борсам, фойдам тегиб қолур эҳтимол иш ўнгга бурилар! Агар ҳалқ давлат манфаатини ўйладиган раҳбарлар билишса, бунга суюнишар!

У республикадаги сиёсий, иқтисодий ахволни тахлил қилиб, яқинлашиб келиб бўлган будрин қутилиш борасидаги тақсимотларни ёзиб республика марказ қўлига берди:

### БУХРОНДАН ҚУТИЛИШ ЙЎЛЛАРИ...

У бухтондан қутилиш йўллари хусусида бутун вужуди билан берилиб бош қотирарди. Аммо Марказқумдаги ҳеч бир кимса унинг таклифлариға эътибор бермади, сўнг у бир йигитга жиддий гап очди. Шундан кейин эса...

У зўр бериб бухрондан қутилиш йўлларини изларди, Марказқумдагилар эса ундан қутилишни...

Нихоят йўл топишди. Уни чет вилоятга биринчи китоб қилиб тўпаришди. Чамаси марказдагилар республикадаги ахволни ўнглаш эмас, балки шундай ғалвали бир ҳолда ушлаб туришдан манфаатдор эдилар. Улар ёнгин билан ўйнашяптилар. Эрта-индин вазиятни бошқара олмай қолишлари турган гап.

Юқоридагилар ўзаро келиша олмай, ғийбат бухтон, ришватхўрлик билан банд бўлсалар пастдагиларнинг жунбушга келиши осон!

Шундай бўлди ҳам. Крим-татарлари кўтарилишди...

Оқибатда қонли тўқнашувлар Фарғона, Қўқон, Паркент, Бўка, Гулистонда ҳам тарқалди, республика ҳалокат ёқасида эди; Нишонов буни марказдан яширишга ҳаракат қилди, шундай даврда у республикани оғир ахволда қолдириб бирдан жимишиб қолишди: бу сукунат унда нохуш хиссиёт уйғотди-юраги орқага тортгандек бўлди: тўридаги стол кенг рўпарасидаги креслода бутун вужудида кибр-хаво ёғилиб, Горбачёв ўтирибди; ёнидаги узун столнинг икки томонига эса шундай Горбачёвнинг яқинидаги ўринда ўтирарди, у Горбачёвга қараб паст овозда нимадир деди; Горбачёв унча эътибор бермагандек бир ҳолда стол устидаги қофозга кўз ташлаб, кўзайнакни каншарига ўрнаштириброқ олиб юборган, ўлган раҳбари билан жанг қилишни Усмонхужаевдан ҳам ошириб юборган, ўлган раҳбарнинг устига шундай мағзава тўкаётган эди-ки... Аслида Нишоновни ўша раҳбар билан мартабага кўтарган, Нишонов эса босар – тусарини билмай қоэиб, бирорвнинг хотинига кўз олайтириб шармандаси чиққандан кейин ҳам у раҳбар Нишоновни асраб қолиб, ими-жимида чет елга ишга

жўнатиб юборган эди; Нишонов ўзига яна шундай яхшилик қилган одамнинг рўхи олдида заррача ўтмай устига мағзава тўкаверди, катта бир йиғилишда у раҳбарни “қизил партия билетли хон”, деб атади, бу билан юқоридагиларга ёкиш пайи бўлди; шундай мувофиқлик билан иш тутиб республика марказий қўмитаси биринчи котиби бўлди, у Рашидовни фош қилиш жазавасига берилиб Ўзбекистон иқтисодий бўхтонларига эмас, балки сиёсий жар ёқасига олиб келиб қўйди, Қувасойдаги воқеага муносиб баҳо бермагани, қонли воқеаларнинг олдини олишга зийрак раҳбар сифатида қараб чора кўрмагани олий кенгашдаги юқори мартабага ўтириди; Каримов буни яхши билгани учун Нишоновга ижрганиш билан қарап эди; бу ҳолатини сира яшира олмасди; ахвол яна у шундай нохуш туйғу кайфияти тушиб юзини четга бурди; кабинетдагилар Горбачёв билан Нишоновдан ташқари ҳамма минбар олдида турган, басавлат, қоматини спортчиларга хос бир ҳолда тик тутган, юзини қатият, жиддийлик ёғилган, кўзидан ўт чақнаб турган йигитга қизиқиш билан қарашаётган эди. Ўзбекистоннинг раҳбарлигига қандай одамнинг номзоди кўрсатилаётганига қизиқиш табиий эди,

- Хуш, бу масалани қандай ўнгласа бўлади?

- Мен ҳар икки ҳалқ рўҳини, вазиятни, муаммони чуқур ўрганмасдан дабдурустдан жавоб бера олмайман. Эҳтимол бу саволга собиқ раҳбаримиз Рафиқ Нишонович жавоб берарлар?!

Бирдан атрофга сув қўйгандек жимлик чўқди – ҳамма нафасини ичига ютиб бир минбардаги йигитга, бир кўзойнагининг дастасидан ушлаганча кўтариб Каримовга мийифида кулганча боқаётган Горбачёвга қарашди, Нишонов эса янада кўпроқ қимирчилай бошлади.

- Одам бунаقا қизиқон бўлмаслиги керак, - деди Горбачёв қовоғини уюб, сўнг қалтис савол жавобини кутмасдан яна савол берди. – Дадангиз қамалган эканми?

“Дадангиз қамалган эканми?! Дадам!..”

Йигитнинг сўзи бўғзида қотди, юрагидан нимадир тиқилиб –тиқилиб келди, гапини давом эттира олмади- дабдурустдан берилмаган бу савол унинг ич-ичини эзгилади:

-Дадам!...-деб такрорлади яна бир бор...

Нега дадам қамалади?-деб ўйлади у. Ахир дадам қамалмаган-ку?! Нега шу пайтгача бу хақда бирор бир гап йўқ эдию бирдан бу ерда бу гап пайдо бўлиб қолди? Яна келиб-келиб энг каттанинг ўзи шундай савол бериб ўтирибди. Кимдир унинг устига мағзава тўккан. Бу аниқ! Эҳтимол анави ҳамюртидир, Ҳамюрти!

Эҳтимол эмас, аниқроғи шу! Чунки шу пайтгача тайёрлаган хужжатларнинг ҳеч бирига отаси қамалганлиги хақида гап йўқ эди. Алхол фақат шу ҳамюртигина энг катта билан оғиз-бурун ўпишиб юрибди, бу гап уни тасдиқламасди.

Самарқанд Шарқида Зарабашон икки ирмоққа – Оқдарё ва Қорадарёга бўлинади; ҳар икки ирмоқнинг Хатирчига бориб бирлашганича қирғоқларида бир-биридан сўлим қишлоқлар барпо бўлган. Оқдарё бўйидаги Даҳбед қишлоғи сархил мевалари, айниқса эртапишар даҳбед қовуни билан машхур. Бу қишлоқда Тошкандлик, Зоминлик маҳаллалари ҳам бор. Даҳбеднинг кун чиқишида Карим аканинг ташқи ички ҳовлили уйи, боғи, экинзорлари башлиб унинг етти пушти ашраф, меҳнаткаш, элда эътиборли одамлар бўлишган. У ўғиллари Пўлат, Дархон, Абдулазиз ва Абдуғаниларни ўқимишли қилиб тарбиялади; шўро замони келгач, Абдуғани билан Абдулазизни Самарқанддаги рабфақга ўқишига жўнатди Абдуғани Самарқандда ўқиб юрганида хотин-қизлар озодлиги учун курашчи Жахоной Обидованинг дугонаси - Оминахон билан танишиб, бир-бирига кўнгил қўйишиди. Улар ажаб бир инок оила қуришиди. Уларнинг етти ўғли, бир қизи бор эди. Тўнғичларининг оти – Омон. У тиббиёт институтини битираётган бир пайтда уруш бошландию кўнгиллilar қатори фронтга жўнади.

Гавдаси узун бўйли, қора шириндан келган, унча катта бўлмаган, учлари қайчилаб қўйиладиган мўйлови ўзига ярашган,истараси иссиқ киши. У мудом глифе шим,ёқасини маҳкам бўғиб гимнастёрка қияди, қўнжи узун этига ярақлаб туради...

Жомбойнинг Холвойи қишлоқдаги ҳовли дарвозасини кимдир тақиллатиб, вақт асрдан ўтган эди .Онаси Омина опа дарвозага қаради.  
-Омонжондан хат келгандир!

Омина опа дарвозага қараб интилган эди,отаси:

-Тухта, мен узим чикаман,-деди,елкасига тўнини ташлаб дарвозага қараб юрди, Ислом ҳам унинг орқасидан эргашди. Дарвоза олди ғала-ғовур эди, болаларнинг ҳам товушлари баралла эшитилади.

Дадаси дарвозани ланг очиб юборган эди, шундай қаршисида турган баланд бўйли, чўққисоқол, мўйловнинг учлари буралган кўзи кулиб турган, бошига уйғурча қалпоқ, эгнига зираги бекасам тўн кийган одамни кўриб севиниб кетди:

-Эйи, эйи..Йулдошбек! Қадамларига хасанот!-дея шошиб қолди, Йулдошбек эса қучогини очиб кулиб туради, уларнинг қучоқлашиб кўришиб кетишиди, шунда Ислом ташқарида турган “Зил” машинасига,унинг атрофини ўраб олган қишлоқ далаларига кўзи тушди-ю шошиб ташқарига чиқди, қора машинага қишлоқ кўчаларининг чанги ўтириб қолган эди, Ислом болаларга қўшилиб машинани айланиб қўра бошлади,ичкарида ҳайдовчи миқ этмай ўтиргани учун болалар машинага қўл тегизишгани кўриб чўчиб туришарди.

Дадаси билан меҳмон ичкарига киришиди, лекин Ислом болалар билан машинани тўйиб томоша қилиб олишмасдан, тезгина қайтиб чиқишиди,шундан кейингина меҳмон Исломни чақириб қучоқлаб даст кўтариб олди, юз-кўзидан ўпиб сўнг ерга қўйди.

-Йулдошбек, дон тайёрлаш корхонасига директор бўлгандан қўра, фронтга жўнаганим ҳам маълум эмасми?

-Дон масаласи жанг қилишдан ҳам оғир иш бекорга бу ишга сени таклиф қилаётганимиз йўқ! Ҳозир у ерга, ҳалол, жуда қаттиққўл раҳбар керак. Бу сенинг қўлингдан келади.

-Қаттиққўллик қиласман, деб ўзимга душман орттириб олмасмиканман ,ахир донни тортиб кетадиган сичқон, қаламуш кўп бўлса?

-Чумчукдан қўрқкан,шоли экмайди?

-Шундай-куя...

-Дарвоқе, Омон ўғлингдан хат келиб турибдими?

-Ҳа,

-У врач эди-я?!

-Ҳа,госпиталда ишляяпти.

-Яхши, кўрасан, уруш узоққа чўзилмайди,биз албатта енгамиз! Сен эртага Митанга боргин, биринчи котиб билан гаплашганман.

-Майли.

”ЗИЛ“ орқасидан қуюқ чанг кўтарганча жўнаб кетди.

-Дада бу одам ким? -деб сўради Ислом машина орқасидан қараб чуқур ўйга толган даласига.

-Жуда катта одам.

-Машинаси зўр экан!

Болалар ҳам тарқалишди, Абдуғани ака ўғлини етаклаб ичкарига кирди...

Спорт мактабида ишлаб тез югуришингиз сирларини ёшларга ўргатсангиз бўлмайдими?

- Нимани ўргатаман, ҳеч нарсани билмайман. Фақат ҳеч кимдан орқада қолмай югуришни биламан. Бирор мендан ўзиб кетаётганини билсам, тамом, қаёқдан куч келади, билмайман, жон-жаҳдим билан югуриб албатта. Ўтиб кетаман., ўтмасам қўймайман, болалигимда даштда югуришиб қувлашмоқ ўйнаганимизда ҳеч ким менга ета олмасди, шу холос. Тез югуришим худодан!

Адолатли бир тоифагагина тегишли бўлиб қолмаслиги керак. Адолат жамиятнинг ҳар бир хўжайрасигача етиб ва ўша ерда ҳаётий кучга айланиши керак.

...

Биласан, биз қандай оғир даврларни бошдан кечирдик, Мустақил давлатни мустахкамлаш ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Узоқ-узоқ қишлоқларда ҳаёт қандай бўляпти, табиийки, бизнинг у ерларга қадамимиз етиши қийин, аммо у жойларга сенинг қадаминг ҳам қўлинг ҳам етиши керак.

Баъзи жойларда ҳатто фоҳишахоналар пайдо бўлибди.

...

-Ҳокимлик сен учун эмас, упқон нафсинг, аймоғ-маймоғинг учун эмас, балки халқ учун хизмат қилса, .Давлат манфаатини, эл манфатини биринчи ўринга қўйсанг, сен яхши ҳокимсан.

- ВОДИЙ вилоятидаги ҳаёт.

...

- Миллий ғоя нима? Шу миллат яшаётган юртнинг тинчлиги, ён атрофдаги, умуман жаҳондаги мамлакатлар билан тинч-тотувликда яшаши,

Ватан тараққиёти йўлида кураши,

Халқнинг фаравонлиги учун кураши хусусидаги эзгу фикрлардан келиб чиқадиган ғоя – миллий ғоядир.

...

Афғонистонда ўттиз йилдан бери уруш кетмоқда! Ўттиз йил уруш кетаётган жойда халқнинг аҳволи нима кечади? Иқтисоди, ҳаёти нима бўлади? Бу ердаги муаммони фақатгина ҳарбий куч билан ҳал қилиб бўлмайди. Аввало у ердаги сиёсий аҳвол, тарафлар билан фикрлашиш орқали йўл топиш керак мен бу ҳақда анча илгари гапирган эдим. Бугун :6 – 3 шу устида бош қотираётгани, Лондонда учрашувга тайёргарлик кўрилаётгани яхши. Энди масалага эътибор берилса керак.

...

Нашрлар тиш-тироқсиз.

...

Мен журналистларни жуда ҳурмат қиласман.

Журналистнинг ҳеч бир бой бўлганини кўрганмисиз?

Бозор шароитидаги уларнинг фаолиятини ҳам ўйлаб кўриш керак!

...

Фермернинг орқасида мен турибман.

...

Зўравонлик коррупция!

...

Ислом Каримов

Палаталар қўшма йиғилишида сўзлаган нутқидан.

2010 йил 27 январ

...

Инсоннинг табиий имунитети, унинг касалликлардан сақлайди, микроб, вирусларга қарши курашади, бу орқали келажакка узатиладиган ирс – генни мустаҳкамлайди; вилоятнинг иммунитети эса ижтимоий ҳимоядир. Ижтимоий ҳимоя фақат нафақаҳўрлар, ногиронларнинггина ҳимояси эмас, балки келажакнинг ҳимоясига айланиши керак!

Алоқа – одам организмидаги нерв томирлари, улар жуда соғлом бўлиши керак. Нерв толаларидан келадиган жавоб – кечикса фожия рўй беради, агар одам жар бўйига келиб қолсаю нерв толадан жавоб кечикиб қолса, одам олға юраверса у жарга қулайди. Вилоятда алоқа ҳеч камчиликсиз ишлаши керак.

## **Жиззах вилояти ҳокими Сайфиддин Умарович Исмоиловга**

**Биламан, Жиззахда Инсоф, Адолат  
Тантана қилишидир – ниятингиз.  
Шундай эзгу туйғую зёр жасорат,  
Шўъласи билан ёнар талъатингиз.  
Сизга керак эмас қўшиб ёзиш,  
Хўжакўрсинга ишлаб – йўлдан озиш.  
Сохта мақтовларга ҳеч тоқат йўқ,  
Ҳақ талаби учади бамисли ўқ.  
Осон эмас бу кўҳна тупроқда,  
Иқтисод тафаккурини уйғотмоқ.  
Лоқайдлик ҳарсанг тошини,  
Баралла ўрнидан қўзғатмоқ.  
Фақат нафс йўлин ўйлайдиган,  
Ноёбларнинг адолатга юзлатмоқ.  
Минг шукрки, йўлингиз оқ бўлди,  
Ҳамроҳингиз қиличдек ҳақ бўлди.  
Не ажаб ҳарсанг ҳам қулади,  
Энди юрт иқболи кулади.  
Қутлуғ бўлсин қўш байрамли кунингиз,  
Равшан бўлсин қадр кечали тунигиз.**

**Сизга мустаҳкам соғлиқ ва мартабангиз янада улуғ  
бўлишини истаб эҳтиром ила;** Т. Мақсуд

30 август 2011 йил